

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ

(МАХСУС ҚИСМ)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ

(МАХСУС ҚИСМ)

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг қарори
билан ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлари талабалари учун
дарслик сифатида тавсия этилди.*

юридик фанлари номзоди,
доцент З.Ф.ИНОҒОМЖОНОВАНИНГ
умумий тахрири остида

ТОШКЕНТ-2003

МУАЛЛИФЛАР ЖАМОАСИ:

Б. Б. ХИДОЯТОВ юридик фанлари номзоди 1,2-боблар.
З.Ф.ИНОҒОМЖОНОВА юридик фанлари номзоди,
доцент 3, 10, 15, 16, 17, 18, 19, 24-боблар.

А.Т. АЛЛАМУРАТОВ ўқитувчи 7, 8, 9-боблар.

О. М. МАДАЛИЕВ ўқитувчи 4, 5, 6, 11, 12, 13-боблар.


Й. Ш. НАРЗИЕВ ўқитувчи 14, 20, 21-боблар.

Г. З. ТЎЛАГАНОВА ўқитувчи 22, 23-боб.

(**Н.С. ШАХОБИДДИНОВ** билан ҳам муаллифликда).

Жиноят процесси: дарслиги юридик фанлари номзоди,
доцент З.Ф.ИНОҒОМЖОНОВАНИНГ умумий тахрири остида- Т.:
ТДЮИ, 2003-380 бет.

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги тергов бош бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган юрист А.О.Шарофуддинов,
Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги
Академияси Жиноят процесси кафедрасининг бошлиғи ю.ф.н.
А.Р.Раҳмонкулов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг Жиноят
ҳуқуқи, Жиноят процесси ва криминология бўлими мудири
ю.ф.н., доцент Ф.М.Муҳитдинов.



Ушбу дарслик Тошкент Давлат юридик
институти «Жиноят процесси» кафедрасида бир
вақтлар фаолият кўрсатган марҳумларнинг ёрқин
хотираларига бағишланади.

СУЗ БОШИ

Жинойат процессининг махсус қисми ўз ичига қуйидаги босқичларни олади: жиноят процессида ишни судга қадар юритиш, биринчи инстанция судида иш юритиш, ҳукм, ажрим ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш, ҳукм, ажрим қарорларини ижро этиш, алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш.

Жиноят процессининг асосий мақсади—Жиноий, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик асосларини таҳлил этиш ва унинг моҳияти, мазмунини очишдир. Ўзбекистон Республикасида Жиноят процесси дарслигининг махсус қисми илк маротаба тақдим этилмоқда. Дарслик, мустақиллик йилларида чиқарилган ҳуқуқий нормалар, қонунлар ва жиноят процессуал қонунига 1995-2002 йиллар давомида киритилган қўшимча ва ўзгаришлар асосида ёзилган.

Жиноят-процессуал Кодексига 2000 йил 14 декабрда, 2001 йил 29 августда ва 2002 йил 30 августда киритилган қўшимча ва ўзгаришлар шулар жумласидандир. Жиноят процессуал кодексининг махсус қисми 9-бўлим 341-боб 321-моддадан бошланиб, 13-бўлим 62-боб 586-моддагача давом этади.

Жиноят процесси дарслигида ҳар бир моддага таъриф берилиб, унинг тарихига, амалиётдаги мавқеига, бажарилмаганда юзага келадиган оқибатига тўхтаб ўтилган. Айниқса, Жиноят процессининг мураккаб босқичларидан бўлган, ҳукмларни қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текшириш аτροφлича баён қилиниб, унинг мазмун моҳияти очиб берилган.

Жиноят процесси учун мутлақо янгилик бўлган ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг процессуал тартиби ва моҳиятини очиш муаллифдан тажриба ва билимни талаб қилган. Дарслик содда, раво тилда, мазмунли ёзилган.

Дарслик Олий юридик ўқув юртлари, юридик коллеж талабалари ва амалиёт ходимлари учун мўлжалланган.

I-БОБ. ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗГАТИШ ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ

1-§. Жиноят ишени қўзғатиш босқичининг тушунчаси ва аҳамияти

Жиноят ишени қўзғатиш—жиноят процессининг дастлабки мустақил босқичидир. Жиноят ишени қўзғатиш орқали жиноят иши юзасидан жинoий-ижтимоий муносабат бошланади.

Қонунда кўрсатилган (3-10 кунлик) муддат ичида қўшимча ҳужжатлар, изоҳлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни қўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин. Иш қўзғатилгунга қадар бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

Шунинг учун жиноят ишени тез ва ўз вақтида қўзғатилиши содир қилинган жиноят изидан дарҳол йўналиш олишга, тергов ишени муваффақиятли амалга оширишга имконият яратади. Шунингдек, тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказишнинг кенг имкониятларини очиб беради. Аксинча, жиноят ишени қўзғатишнинг кечиктирилиши жиноят изини йўқолишига, иш ҳолати юзасидан тегишли сўроқ қилинувчи гувоҳларнинг кўп нарсаларни унутишига, терговни мураккаблашишига, айрим ҳолларда эса самарасиз натижага олиб келади.

Жиноят ишени қўзғатишни дастлабки терговнинг бошланғич қисми сифатида қараш нотўғри, чунки уни мустақил босқич деб аташ учун барча асослар етарли. Жиноят ишени қўзғатиш: 1) тартибга солинадиган жинoий ижтимоий муносабатларига; 2) процесс иштирокчиларига; 3) ўз муддатларига; 4) процессуал ҳужжатларига эга.

Жиноят ишени қўзғатиш босқичида жиноят ижтимоий муносабат юзага келиши ёки барҳам топиши ҳам мумкин.

Жиноят ишени қўзғатишни икки қисмга бўлиш мумкин:

- 1) Жиноят ишени қўзғатишгача бўлган фаолият;
- 2) Жиноят иши қўзғатилган кейинги фаолият.

Жиноят иши қўзғатишга бўлган фаолиятга:

1) жиноят ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш;

2) олинган маълумотларни қонуний ва асосли эканлигини текшириш. Бунинг учун қўшимча ҳужжатлар, изоҳлар, тушунтиришлар талаб қилиш;

3) тергов ҳаракатларида ҳодиса содир бўлган жойни қўздан кечириш, экспертиза тайинлаш учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш;

4) процессуал мажбурлов чораларидан бири ушлаб туришни қўллаш;

5) Жиноят ишини қўзғатиш ваколатига эга бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан ЖПК нинг 330-моддасида белгиланган қарорлардан бирини қабул қилиш.

Жиноят ишини қўзғатиш фаолиятининг иккинчи қисми қабул қилинган қарорга боғлиқ.

Агар жиноят факти бўйича жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарор чиқарилган бўлса,

1) қарорни нусхаси тергов қилиш устидан назоратни амалга оширувчи прокурорга юборилади;

2) узоққа чўзилган жиноятларнинг олдини олиш чоралари қўрилади;

3) жиноятни такрорлашга йўл қўймаслик ҳаракатлари олиб борилади;

4) иш учун аҳамиятли жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва қўриқлаш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар амалга оширилади;

5) Ўзбекистон Республикаси ЖПК сининг 336-моддасида белгиланган тартибда жиноят ишини қўзғатилгандан кейинги фаолиятни амалга ошириш учун қарор ёки суднинг ажрими юборилади.

Агар жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилган бўлса;

1) қарорнинг нусхасини терговчи назорат қилувчи прокурорга, суриштирувчи суриштирув органининг бошлиғига юборади.

2) Жиноят ишини қўзғатиш рад этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ва мансабдор шахсга хабар қилинади.

3) Агар берилган хабар жиноят бўлмай, балки маъмурий, интизомий ёки бошқа ҳуқуқбузарлик ёки ахлоқ нормалари бузилганлиги ҳақидаги маълумот бўлса, ҳуқуқни бузган шахсга нисбатан таъсир чоралари қўллаш учун

хуқуқни бузган шахс ишлайдиган ёки ўқийдиган жой маъмуриятига, унинг турар жойидаги жамоага, жамоат бирлашмасига ёки вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга, тегишли ваколатга эга бўлган давлат органларига, мансабдор шахсга юборилади.

4) Агар берилган хабарда фуқароларнинг сиёсий, меҳнат, уй-жой, оилавий ёки бошқа хуқуқлари бузилганлиги, шунингдек корхона, муассаса, ташкилот ва жамоат бирлашмаларининг фуқаролик судлов ишларини юритиш тартибида қўриқланадиган қонуний манфаатлари бузилганлиги кўзга ташланса, унда ишни кўзгатишни рад қилиш билан бир вақтда манфаатдор шахсларга судга мурожаат қилиш хуқуқлари ва тартиби тушунтирилиши лозим. Башарти улар маълум сабабларга кўра, суд орқали ўзларини ҳимоя қилишни сўраш имкониятига эга бўлмасалар, прокурор бундай шахсларни ҳимоя қилиб, судга ариза билан мурожаат этишга ҳақлидир.

Жиноят ишини кўзгатиш босқичида: 1) жиноят иши кўзгатиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг қатъий белгиланганлиги; 2) Ўзбекистон Республикаси ЖПК да белгиланган асос ва сабаблар бўлмай туриб жиноят ишини кўзгатилмаслиги, 3) аноним хабарларга асосан жиноят ишини кўзгатилмаслиги, 4) қонунда белгиланган тергов ҳаракатларидан ташқари тергов ҳаракатларини ўтқазишга йўл қўймаслиги характерлидир.

Жиноят ишини кўзгатиш босқичининг аҳамияти ҳодисанинг жиноят ёки жиноят эмаслигини аниқлаб беришидадир. Айнан шу босқичда жинойий қилмиш квалификацияланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 15-моддасида жиноят ишини кўзгатишнинг муқаррарлиги принцип даражасига кўтарилган. Унда баён қилинишга кўра суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини кўзгатишлари, жинойий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт.

Биронта жинойий ҳодиса судланувчи, терговчи, прокурор ва суднинг назаридан четда қолмаслиги керак.

Бир томондан қонун жинойят судлов ишларини юритишнинг вазифаларини бажариш учун зарур бўлган тергов ва процессуал ҳаракатларни амалга оширувчи давлат ваколатли органлари ва мансабдор шахсларига ҳуқуқ беради, бошқа томондан эса, жинойтни очиш учун зарур бўлган қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ҳеч кимни жинойят ишига жалб қилинмаслиги юзасидан фуқаролар учун ҳуқуқий кафолат сифатида хизмат қилади.

Жинойят процессининг ушбу биринчи ва бошланғич босқичида жинойят иши алоҳида шахсга нисбатан эмас, балки жинойят ҳолати фактига нисбатан қўзғатилади.

Суриштирув ва дастлабки тергов даврида жинойят ишини қўзғатишда жиний жавобгарликка жалб қилинувчи шахс одатда номаълум бўлади, уни аниқлаш жинойят иши қўзғатилгандан кейин амалга оширилади. Жинойят ишини қўзғатиш босқичида жинойят содир этганлик тўғрисида тегишли шахсга нисбатан кўрсатмалар бўлса ҳам, процесснинг кейинги босқичларида уларни текшириб, далиллар билан тасдиқлангандан сўнг жиний жавобгарлик масаласи ҳал этилади.

Айрим жинойят ишлари юзасидан жинойят иши тегишли шахсларга нисбатан қўзғатилиши аниқ бўлади (масалан, жинойят содир қилиш вақтида ушланган гумон қилинувчи). Бундай ҳолларда жинойят ишини қўзғатиш билан жиний жавобгарликка тортиш юзасидан ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар ўзаро яқин бўлса ҳам, гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида жиний жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор жинойят иши қўзғатилгандан кейин қабул қилинади.

2-§. Жинойят ишини қўзғатишга ваколатли бўлган мансабдор шахслар

Жинойят процессуал қонуни жинойят ишини қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларнинг рўйхатини беради. Буларга суд, прокурор, терговчи, суриштирувчи киради (ЖПК 321-модда). Шунингдек, уларга тергов бўлими бошлиғи, прокурор ўринбосари ва ёрдамчилари, суриштирув органининг бошлиғи ҳам тегишлидир. Шундай қилиб, жинойят ишини қўзғатишга ваколатли бўлган шахсларнинг тўла рўйхати қуйидагича намоён бўлади: суд, судья, прокурор,

прокурор ўринбосари, прокурор ёрдамчиси, тергов бўлими бошлиғи ва ўринбосари, терговчи, суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи.

Давлатнинг у ёки бу органи ёхуд мансабдор шахси жиноят ишени қўзғатишга ҳақли эмас. Қонун қайд этиб ўтилган мансабдор шахсларга жиноят ишени қўзғатиш юзасидан ҳуқуқ бермаса ҳам, аммо мажбурият юклайди. Суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари аниқланган ҳар бир ҳолатда жиноят белгиларини ўрганиш, жиноят содир этишда айбли бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш юзасидан қонунда кўрсатилган чораларни кўриб, қонунда белгиланган тартибда жиноят ишени қўзғатишга мажбурдирлар (ЖПК нинг 321-моддаси). Аммо айрим жиноятлар, айтайлик, номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабiiй усулда қондириш бўйича жиноят ишени қўзғатиш учун айбли шахсни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида жабрланувчининг талаби бўлиши зарур. Алоҳида ҳолларда жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги туфайли, айбланувчига қарам бўлганлиги ёки бошқа сабабларга кўра ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини шахсан ўзи ҳимоя қила олмайдиган фавқулодда ҳолларда прокурор жабрланувчининг аризасисиз ҳам бундай жиноят ишени қўзғатиши мумкин.

Бундай ишларни хусусий-умумий айблов ишлари деб ҳам юритилади. Бунда жиноят ишени қўзғатиш хусусий яъни фақат жабрланувчининг шикоят аризаси билан бўлади, лекин ишени юритиш эса умумий тартибда олиб борилади.

3-§. Жиноят ишени қўзғатишнинг сабаблари ва асоси

Жиноят ишени қўзғатиш учун қонуний сабаблар ва етарли асос бўлиши лозим. Жиноят ишени қўзғатиш учун сабаблар деганда фуқаролар, жамоалар, жамоат бирлашмалари, ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан жиноят тўғрисида олинадиган хабарни, яъни, жиноят ишени қўзғатиш масаласини ҳал қилишга мажбур қиладиган манбани тушуниш керак. (Асос эса жиноят аломатлари кўрсатилган маълумотдир.) Бунда жиноятнинг объектив томонлари ва объектининг ўрнатилиши етарли ҳисобланади.

ЖПКнинг 322-моддасига асосан жиноят ишени кўзгатиш учун қуйидагилар сабаб бўлади:

- 1) шахсларнинг аризалари;
- 2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;
- 3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;
- 4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи аниқлаши;
- 5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги ариза.

ЖПКнинг 323-моддасига мувофиқ, жиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ёки бошқа аноним хабарлар жиноят ишени кўзгатиш учун сабаб бўла олмайди.

Жиноят ишени кўзгатишда шахсларнинг аризалари кенг тарқалган. Шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Агарда оғзаки ариза берилса, бу баённомада қайд этилади ва унда арз қилувчининг яшаш ва ишлаш жойи, шунингдек шахсий ҳужжатлари тўғрисида маълумотлар акс эттирилиши лозим. Башарти арз қилувчи ҳужжат кўрсата олмаса, унинг шахси тўғрисидаги маълумотлар бошқа йўллар билан текшириб кўрилади. Арз қилувчи жиноят тўғрисида била туриб ёлгон хабар берганлик учун ЖПКнинг 237-моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади ва бу хусусда баённомада қайд қилиниб, унинг имзоси билан тасдиқланади. Сўнгра баённомада жиноят содир этиш ҳолатлари хусусидаги маълумотлар арз қилувчи номидан иложи борича сўзма-сўз ёзилади. Баённома арз қилувчи ва аризани қабул қилган мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Агарда айбни оғирлаштирамайдиган ҳолатларда номусга текканлик ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирганлик тўғрисидаги жиноий иш (ЖК 118-модданинг 1-қисми ва 119-модданинг 1-қисми) ҳал қилинаётган бўлса, бунда жабрланувчи уни зўрлаган шахсни жавобгарликка тортишни сўраб, ёзма ёки оғзаки аризани ўз хохиши билан бериши керак.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан жиноят тўғрисида берилган хабар хизмат хати ёки тасдиқланган

телефонограмма, телеграмма ёхуд радиogramма шаклида бўлиши лозим.

Бундай хабарлар жиноят ишини қўзғатиш сабаби сифатида, корхона, муаассаса, ташкилот иш жараёнида олинган жиноят тўғрисидаги маълумот бўлсагина хизмат қилади. Хабар берувчи содир этилган жиноятга оид ҳолатларни тасдиқловчи ўз ихтиёридаги ҳужжатларни хабарга илова қилиши мумкин. Тиббий муаассаса ходимлари пичоқ, ўқотар қуроллардан яраланган, ҳамда жиноят билан боғлиқ тан жароҳатлари олганлиги юзасидан тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган ҳар қандай фуқаролар тўғрисида дарҳол милицияга хабар қилишга мажбурдирлар.

Шунингдек, муайян жиноят тўғрисида матбуот, радио, ва телевидение, ҳужжатли фильмдаги, шунингдек оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги хабарлар жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади.

Содир этилган жиноятларнинг аломатлари бирор-бир ариза ёки хабарларсиз, бевосита суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан аниқланадиган ҳолат бу ҳам жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўлади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд органлари жиноятчиликка қарши курашда фаол иштирок этишга нафақат манфаатдор шахслар томонидан мурожаат қилингандан ёки содир бўлган жиноятлар тўғрисида хабарлар тушгандан кейин, балки тайёрланаётган ёки содир бўлган жиноятларни аниқлаганларида жиноят ишини қўзғатишга мажбурдирлар.

Шунингдек, суриштирувчи маъмурий вазифани амалга ошираётганда ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича суриштирув ўтказиш чоғида, терговчи дастлабки тергов юритиш чоғида, прокурор қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш пайтида ёки дастлабки тергов олиб бориш чоғида, судья маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишни юритиш чоғида, суд фуқаровий ишни ёки бошқа жиноятга доир ишни юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаши жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади.

Айбни бўйнига олиш тўғрисидаги арз-ариза берувчининг ўзи содир этган жинояти тўғрисида жиноятни содир этишда гумон қилинмасдан, айблов эълон этилмасдан олдин, жиноят ишини қўзғатишга ваколатли органга бориб

оғзаки ёки ёзма хабар бериши тушунилади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья аризани қабул қилиб олгандан кейин аризачининг шахсини аниқлашлари ва бу тўғрида баённома тузишлари лозим. Ушбу баённомада ариза берувчининг шахси, яшаш ва иш жойи ҳақида унинг ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топиши керак. Баённомага ариза илова қилиниб, аризачига, айбни бўйнига олиши, чин кўнгилдан пушаймон бўлиши, жиноятни очишда фаол қатнашиши жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат эканлиги тўғрисида тушунтириш берилади. Аризачи ёлғон хабар берган арзи учун огоҳлантирилмайди. Ҳар бир айбни бўйнига олиш тўғрисидаги арз ёлғон ва келишилган бўлиши мумкин, шунинг учун у синчковлик билан текширилиши, сўнгра баҳоланиши лозим.

Жиноят содир этган шахс, унинг айби жиноятни қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлигини ва бошқа исботланиши лозим бўлган ҳолатлар дастлабки тергов жараёнида аниқланади. Жиноят ишини кўзғатиш босқичи жиноятни белгисига кўра квалификациялайди, холос.

4-§. Жиноят ишини кўзғатиш тартиби ва жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш

ЖПКнинг 330—моддасига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жиноятга оид маълумотлар олинган ёки бундай маълумотларни бевосита ўзлари аниқлаган ҳар бир ҳолда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) жиноят ишини кўзғатиш ҳақида;
- 2) ишни кўзғатишни рад қилиш ҳақида;
- 3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида.

Суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд тааллуқлилигига қараб тушмаган жиноят иши ҳақидаги хабарлардан ташқари тайёргарлик кўрилаётган ёки содир қилинган жиноятлар юзасидан барча аризаларни қабул қилиши шарт. Улар бундай аризаларни қабул қилишлари ва тааллуқлилигига қараб ўтказишлари шарт. Шундай қилиб, тааллуқли бўлган органга ариза билан мурожаат қилган шахсни бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга қайтариш мумкин эмас. Бу эса содир бўлган жиноятга нисбатан

ваколатли мансабдор шахсларнинг тез таъсир қилишини таъминлайди.

Ариза (хабар)ни терговга тегишлилигига қараб юборишга ушбу туман (шаҳар) ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноят ҳақида хабар берилган ва жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун текшириш ҳаракатларини жиноят содир этилган туман (шаҳар)да ўтказиш зарур бўлган ҳолларда йўл қўйилади.

Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол ёки уч суткадан кечиктирмасдан, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб ва асослар етарли эканлигини бевосита ёки суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда, ўн суткадан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши лозим. Ушбу муддатлар жиноятга оид хабар олинган пайтдан бошлаб, то ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

Жиноят ишини қўзғатиш асосларининг қонунийлиги ва етарлилигини текшириш усуллари қилиб қуйидагиларни кўрсатиши мумкин: а)кўшимча ҳужжатлар талаб қилиш (ташкилот ёки фуқародан); б)мансабдор шахслар ва фуқаролардан изоҳлар олиш; в) гумон қилинаётган шахснинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида ушлаб туриш; г)кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда воқеа жойини кўздан кечириш; д) зарур ҳолларда экспертиза тайинлаш ва уни ўтказиш.

Иш қўзғатилгунга қадар бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади. Сабаб ва асослар етарли бўлган тақдирда, жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор ёки ажримда, ишни қўзғатиш учун сабаблар ва асос, жиноят кодексининг қўзғатилган жиноятни назарда тутувчи моддаси, ишни ўз юритувига олган мансабдор шахс кўрсатилади.

Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида суд томонидан чиқарилган ажрим тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборилади.

Прокурор жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарорни чиқаргандан кейин терговга тегишлилигига қараб дастлабки тергов олиб бориш учун терговчига ёки суриштирув олиб

бориш учун суриштирув органи бошлиғига юборади ёхуд ўзи дастлабки терговни юритишга киришади.

Терговчи ёки суриштирувчи жиноят ишhini қўзгатгандан кейин дастлабки тергов ёки суриштирув юритилишга киришадилар ва бу ҳақда дарҳол прокурорни хабардор қиладилар.

Суриштирув органининг бошлиғи-ишhini суриштирув ўтказиш учун суриштирувчига юборади ёки ўзи суриштирув юритишга киришади ва бу ҳақда дарҳол прокурорни хабардор қилади.

Жиноят ишhini қўзғатиш тўғрисидаги қарор ёки ажримда, ушбу процессуал ҳужжатнинг тузилган жойи, вақти, ким томонидан жиноят ишhini қўзғатилганлиги, жиноят ишhini қўзғатиш учун хизмат қилган сабаблар ва асос, жиноят ишhini қўзғатилган Жиноят кодекси моддаси, шунингдек, ишнинг кейинги йўналиши қайд қилиниши керак.

Иш қўзғатилгандан кейин узоққа чўзилган жиноятларнинг олдини олиш ва жиноятлар такрорланишига йўл қўймаслик, шунингдек иш учун аҳамияти бўлиши эҳтимол тутилган жиноят излари, тегишли нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва қўриқлаш юзасидан чоралар қўрилиши лозим.

Умумий қоидага кўра, жиноят ишhini қўзғатиш ҳар бир алоҳида жиноят бўйича мустақил тергов ва суд ишhini юритувидир, бу эса тергов ва тергов қилинаётган ишнинг объективлиги, ҳар томонлама бўлиши ва тўлалигини таъминлайди. Ушбу қоидадан қонун икки истисно имкониятларни назарда тутлади. Бу биринчидан, иштирокчилик асосида бир ёки бир неча жиноятларни содир қилишда айбланаётганлиги; иккинчидан, бир неча жиноятларни содир қилишда битта шахснинг айбланаётганлигидир. Битта тергов ёки суд иш юритувчига фақат бир неча шахснинг бир ёки бир неча жиноятни биргаллашиб содир этганликда айбланишига доир ишлар ёки бир шахснинг бир неча жиноятни содир этганликда айбланишига доир ишлар бирлаштирилиши терговни аниқ режалаштиришга, ҳажмини ўрнатишга, тўғри квалификация қилишга ва жиноят содир қилишда иштирок этган шахсларни аниқлашга имкон беради.

Тергов ва суд ишларини юритиш мобайнида нафақат бирлаштириш, балки ишhini ажратиши ҳам зарур бўлиб

қолади. ЖПК 332-моддасининг 2-қисмига биноан бир ёки бир неча жиноятни биргалашиб содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан ишни ажратишга, башарти бу иш ҳолатлари бўйича зарур бўлиб қолса ҳамда бундай ажратиш суриштирувнинг, дастлабки терговнинг ва суд томонидан ишни кўриб чиқишнинг тўлиқ ва холисона бўлишига таъсир қилмаса, йўл қўйилади.

Иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса ёхуд шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса (ЖПК 83-моддасининг 1, 2-қисмлари), шунингдек

1) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;
2) эълон қилинган амнистия ҳужжати содир этилган жиноятга ёки шахсга дахлдор бўлса;

3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;

4) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;

5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;

6) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ушбу кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

7) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса.

Келиб тушган хабарда жиноят ҳақида эмас, балки маъмурий, интизомий ёки бошқа ҳуқуқбузарлик ёхуд ахлоқ нормалари бузилганлиги ҳақида маълумот бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш билан бир пайтда хабарни ҳуқуқни бузган шахсга нисбатан маъмурий, интизомий жавобгарлик ёки жамоат таъсир чоралари кўллаш учун ҳуқуқни бузган шахс ишлайдиган ёки ўқийдиган жой маъмуриятига, унинг турар жойидаги жамоага, жамоат бирлашмасига ёки вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиясига, тегишли ваколатларга эга бўлган давлат органи ёки мансабдор шахсга юборади.

Келиб тушган хабарда фуқароларнинг сиёсий, меҳнат уй-жой, оилавий ёки бошқа ҳуқуқлари бузилганлиги, шунингдек корхона, муассаса, ташкилот ва жамоат бирлашмаларининг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида қўриқланадиган қонуний манфаатлари бузилганлиги кўзга ташланса, унда ишни кўзғатишни рад қилиш билан бир вақтда манфаатдор шахсларга судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари ва тартиби тушунтирилиши лозим. Башарти улар маълум сабабларга кўра, суд орқали ўзларини ҳимоя қилишни сўраш имкониятига эга бўлмасалар, прокурор бундай шахсларни ҳимоя қилиб, судга ариза билан мурожаат этишга ҳақлидир (ЖПК 334-модда, 2-қисм).

Жиноят ишини кўзғатиш рад қилиш ҳақида жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс хабардор қилинади ва уларга қарор ёки ажрим устидан жиноят қилиш ҳуқуқлари ва тартиби тушунтирилиши лозим.

5-§. Жиноят ишини кўзғатишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати

Жиноят ишини кўзғатишнинг қонунийлиги ва асослилиги устидан назоратни аҳамияти, унинг жиноят процессининг дастлабки босқичи сифатида, кейинги жиноят-процессуал ва тергов ҳаракатларининг ҳуқуқий асосларини яратишда ифодаланади. Жиноят ишини кўзғатиш ўзида жиноят процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, шунингдек тўғри ва ўз вақтида жиноят ишини кўзғатишда Конституцияда кафолатланган фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш, турар жой дахлсизлиги, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилинмаслик ҳуқуқлари сақланиб қолади. Жиноят ишининг тўғри кўзғатилиши, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қонунда ўрнатилган ҳаракатларининг ва терговнинг муваффақиятли якунланишига имкон беради.

ЖПКнинг 331—моддасига мувофиқ суриштирувчи, терговчи, суд жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги қарор ёки ажримнинг нухасини ишнинг тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган ҳолатда юборади. Жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги қарор ёки ажримнинг



4095
НАМ 7
АТО 6137

нусхасини олгандан сўнг, прокурор иш юзасидан ўзининг назорат функциясини амалга ошира бошлайди. Агар иш етарли асосларсиз суриштирувчи, суриштирув органининг бошлиғи ва терговчи томонидан қўзғатилган бўлса, бунда прокурор ўз қарори билан жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилади ва жиноят ишини қўзғатишни рад қилади, агар жиноят иши қўзғатилиб тергов ҳаракатлари ўтказилган бўлса, прокурор ўз қарори билан жиноят иши юритувини тугатади.

Прокурор қарори асосланган ва унинг мазмуни аризачи маълумотларидан иборат бўлиши лозим, чунки унинг қарори устидан юқори турувчи прокурорга аризачи томонидан шикоят қилиниши мумкин. Жиноят ишини қўзғатиш асоссиз равишда рад қилинганда, прокурор суриштирувчи, суриштирув органининг бошлиғи ва терговчи томонидан чиқарилган жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилади ва жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради.

Жиноят ишини қўзғатиш ёки иш қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги суднинг ноқонуний ва асоссиз ажрими устидан прокурор юқори судга протест беришга ҳақлидир. Прокурор жиноят ишини қўзғатишнинг асослилиги ва қонунийлиги устидан назорат қила туриб, ваколатлари доирасида суриштирув ва дастлабки тергов органларидан содир этилган жиноятни очилиши тўғрисидаги хабарлар, материаллар, ҳужжатларни, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки терговнинг бориши ҳақидаги маълумотларни, бир ойда камида бир марта тайёргарлик кўрилаётган ёки содир қилинган жиноятлар рўйхатини қонун талаблари асосида қабул қилиш ва расмийлаштириш юзасидан ижрони текширади.

Прокурор жиноят ишини қўзғатиш ёки уни рад қилишнинг қонунийлиги ва асослилигини назорат қилади ҳамда жиноят ҳақидаги хабарларни қонунда кўрсатилган муддатларда кўриб чиқилишига риоя қилинганлигини текширади ва булар юзасидан тегишли қарор қабул қилади. Прокурорнинг жиноят-процессуал кодексда ўрнатилган тартибда, терговга қадар жиноят иши қўзғатилган ва тергов қилинаётган пайтда ўтказган текширувлари юзасидан берган кўрсатмалари суриштирув ва дастлабки тергов органлари учун мажбурийдир.



Мавзу бўйича саволлар.

1. Жиноят ишhini қўзғатиш бошқичининг тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Жиноят ишhini қўзғатиш ваколатига эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар.
3. Жиноят ишhini қўзғатиш учун асос ва сабаблар, уларнинг моҳияти.

4. Жиноятга оид маълумотиларни қайд этиш ва кўриб чиқиш тартиби.

5. Жиноят ишини қўғатишни рад қилиш асослари ва тартиби.

6. Жиноят ишини қўғатишни қонунийлиги устидан прокурор назорати.

7. Жиноят ишини қўғатиш қарори устидан шикоят қилиш.

II-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА СУРИШТИРУВ

1-§. Суриштирув ўтказиш тушунчаси ва унинг процессуал тартиби

Жиноят ишени қўзғатиш босқичидан кейин суриштирув ва дастлабки тергов босқичи келади. Суриштирув жиноятни тергов қилишнинг процессул фаолият тури сифатида жиноят-процессуал қонуни асосида жиноят иши қўзғатилгандан сўнг амалга оширилади ва терговчига ўтказиш билан тамомланади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 38-моддасида суриштирув органларининг қуйидаги қатъий руйхати берилган:

1. милиция

2. ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари-уларга бўйсинувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича; Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма, муассаса ёки ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича;

3. Миллий хавфсизлик хизмати органлари-қонунга кўра уларнинг юритишига берилган ишлар бўйича:

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, қамоқ тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов изоляторлари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари-шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга оид ишлар бўйича;

5. давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари-ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича;

6. чегарани қўриқлаш органлари-давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича;

7.олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;

8.давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойидаги бўлинмалари-тегишлича божхона ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича.

Суриштирув органлари аҳолига анча яқин ҳисобланади, улар биринчи бўлиб тайёрланаётган ёки содир қилинган жиноятларни очадилар, шунинг учун ўз олдиларига қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида терговнинг дастлабки босқичида кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга оширадилар. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилиги суриштирувнинг қуйидаги вазифаларини белгилаб беради:

1. жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик;
2. далилларни тўплаш ва сақлаш;
3. жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш;

4. жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритишдан иборат. (ЖПК нинг 339-моддаси).

Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари деганда, далилларни топиш ва мустаҳкамлаш ҳаракагларининг кечиктирилиши натижасида далилларни йўқолиши, бузилиши, ўзгариши, шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган фаолият тушунилади. Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг рўйхати жиноят процессуал қонунчилиги билан чегараланмаган. Суриштирувчи иш учун аҳамияти бўлган изларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида барча тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Шундай қилиб, суриштирув бу-Жиноят-процессуал қонуни билан махсус ваколатли бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жиноятларни очиш, олдини олиш ва унга йўл қўймасликка қаратилган кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш фаолияти ҳисобланади.

ЖПК 339-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ЖПК нинг қоидаларига мувофиқ

текшириб чиқилгандан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий техника воситаларини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилади. Ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Соллиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари бу мақсадда тезкор-қидирув чораларини кўришга ҳам ҳақлидирлар. Бироқ тезкор-қидирув натижасида олинган маълумотлар далил сифатида эътироф этилмайди. Тезкор-қидирув натижасида олинган маълумотлар далиллар манбасини аниқлашга, терговнинг муваффақиятли тугашига ёрдам беради.

Тезкор-қидирув фаолиятини суриштирувнинг иш юритуви деб қаралмаслик лозим, чунки у суриштирув доирасида бўлсада, процессуал характерга эга эмас. Суриштирувнинг ўзи эса тегишли мансабдор шахслар томонидан амалга ошириладиган процессуал фаолиятдир. Тезкор-қидирув фаолиятини суриштирув тушунчасига киритиб бўлмаслигининг яна бир сабаби, суриштирувнинг бошқа органлар фаолияти билан бевосита боғлиқ эмаслигидир.

Суриштирув органларининг фаолиятини процессуал ва тезкор-қидирув турига бўлиниши, бир томондан уларнинг боғлиқлигини, бошқа томондан эса уларнинг фарқини кўрсатади. Боғлиқлиги шундаки, тезкор-қидирув чоралари ва суриштирув жиноят судлов ишларини юритишнинг айнан бир хил субъектлари томонидан амалга оширилади ва жиноятчиликка қарши қаратилган фаолиятга йўналтирилган бўлади.

Тезкор-қидирув чоралари суриштирувга нисбатан ёрдамчи характер касб этади. Тезкор-қидирув фаолияти тегишли норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бунда у процессуал усул ва шаклларга амал қилмайди. Жиноят ва уни содир қилган шахслардан олинган маълумотлар доимий кучга эга эмас. Бундан ташқари, тезкор-қидирув чораларини ўтказиш жараёнида жиноят судлов ишларини юритишда ҳақиқатни аниқлаш ва шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича процессуал кафолат бўла олмайди. Тезкор-қидирув ҳаракатларини ўтказиш жиноят ишини қўзғатишга боғлиқ эмас. У жиноят иши қўзғатилгунга қадар ва ундан кейин ҳам ўтказилиши мумкин. Тезкор-

қидирув ҳаракатлари суриштирув ва дастлабки тергов органларининг процессуал фаолияти билан мувофиқлаштирилади.

Суриштирув дастлабки тергов фаолияти каби жиноят процессуал қонуни асосида амалга оширилади. Жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ва суриштирув материаллари муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят процессуал қонунига кўра, суриштирувчи жиноят ишини қўзғатганидан кейин ёки прокурор ёхуд суриштирув органининг бошлиғи томонидан қўзғатилган ишни олгач, дарҳол уни иш юритувига қабул қилади ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини бажаришга киришади. Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари жиноят иши қўзғатилганидан кейин ўтказилади (ҳодиса жойини кўздан кечириш, экспертиза тайинлашдан ташқари). Бундан ташқари, жиноят иши қўзғатгунга қадар гумон қилинувчига нисбатан ушлаб туриш чораси қўлланилиши мумкин.

Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари жиноят аломатлари аниқланиши билан ўтказилади ва жиноят ишини қўзғатиш ҳақида қарор чиқарилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда жиноят излари аниқланиши ва мустаҳкамланиши лозим. Чунки излар манфаатдор ёки бошқа шахслар томонидан йўқ қилиниши мумкин, натижада эса жиноят очилмаслиги ва тергов мураккаблашувига олиб келиши мумкин. ЖПК 339 ва 340-моддаларида суриштирувчи томонидан жиноят иши қўзғатилгандан кейин, амалга ошириладиган тергов ҳаракатларининг руйхати берилмаслиги тўғри хал қилинган.

Суриштирувчи суриштирув ва тергов ҳаракатларини, жумладан: гумон қилинувчи, гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; гувоҳлантириш; ҳодиса жойини кўздан кечириш; мурдани эксгумация қилиш: эксперимент; олиб қуйиш; тинтув; телефон ва бошқа сўзлашув курилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш; экспертиза текшируви учун намуналар олиш; нарсалар ва ҳужжатларни тақдим қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишни бошқа суриштирувчига топшириши мумкин. Шунинг қайд қилиш керакки, суриштирувчи суриштирув жараёнида шахсни айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирокчи сифатида

жалб қилиши мумкин эмас, шунинг учун ҳам у айбланувчи иштирокида ўтказиладиган тергов ҳаракатларини ўтказма олмайди.

Қонунда кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг муддати белгиланган. ЖПКнинг 341-моддасига мувофиқ унинг муддати 10 кун. Мана шу кундан кечиктирмасдан суриштирувчи жиноят ишини терговчини юритувига ўтказди. Ушбу муддатнинг узайтирилиши қонунда кўрсатилмаган. Суриштирувчи айрим сабабларга кўра қонунда кўрсатилган муддатда кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказма олмаса, бундай ҳолат ишни ушлаб туришга ва узоқ вақт терговчига ўтказмасликка асос бўлмайди. Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари жиноят иши қўзғатилганидан кейин дарҳол ўтказилиши керак.

Суриштирув органи кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини бажариш юзасидан, прокурор кўрсатмаларини ва 10 кунлик муддат ўтишини кутмасдан, ишни прокурорга хабар қилган ҳолда терговчига ўтказишга мажбурдир.

Қонун белгилаган ҳолларда суриштирувчи суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан ишни дарҳол терговчига ўтказиши лозим, башарти:

- 1) оғир ёки ўта оғир жиноят аниқланган бўлса;
- 2) муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса;
- 3) ишни тугатиш учун асослар аниқланган бўлса;
- 4) терговчи ишни ўз юритувига берилишини талаб қилган бўлса. (ЖПК нинг 342-моддаси).

Суриштирув фаолияти жиноят ишини терговчига ўтказиш билан тамомланади. Суриштирувчи ишни терговчига ўтказиш ҳақида қарор чиқаради. Қарорда уни чиқарилган жойи ва вақти, қайси суриштирув органининг суриштирувчиси ушбу қарорни чиқарганлиги, суриштирувчининг исми ва фамилияси кўрсатилиши керак.

Қарорнинг баён қисмида қандай аломатларга кўра жиноят иши қўзғатилганлиги, аниқланган асослар ва ишни терговчига ўтказилганлиги кўрсатилиши лозим. Қарор суриштирув органининг бошлиғи томонидан тасдиқланиши керак.

2-§. Терговчининг топшириқлари, кўрсатмалари ва талабларининг суриштирувчи томонидан бажарилиши

Агар терговчига суриштирув органи томонидан шахси аниқланмаган жиноят иш берилган бўлса, бунда суриштирув органи жиноятни очиш, жиноятчини ушлаш ва аниқлашга қаратилган тезкор-қидирув ҳаракатларида мажбурий тартибда қатнашади. Суриштирув органи учун жиноятни очишнинг ўзи етарли эмас, чунки улардан жиноятни ким томонидан содир қилинганлигини аниқлаш ҳам талаб қилинади. Суриштирув органи терговчининг топшириқларини кутмасдан тезкор-қидирув ҳаракатларини давом эттириши шарт.

Шахси аниқланган жиноят ишлари терговчига ўтказилгандан кейин суриштирувчи терговчининг топшириғисиз бирор-бир чоралар қабул қилишга ҳақли эмас. Бундай ҳолатда суриштирув органининг вазифаси терговчи юритаётган иш бўйича унинг айрим тергов ва қидирув ҳаракатларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ҳамда терговчига унинг тергов ҳаракатларини бажаришда кўмаклашиш мажбуриятидан иборат.

Жиноят процессуал қонунига мувофиқ, суриштирувчи терговчининг тергов ва қидирув ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этиш шартлари, тартиби ва муддатлари хусусидаги кўрсатмаларига мувофиқ бажаради.

Терговчининг бундай топшириқ ва кўрсатмалари суриштирувчи учун мажбурий ҳисобланади. Терговчининг топшириғи-деганда у ёки бу тергов ҳаракатларини ўтказиш тўғрисидаги кўрсатманинг мазмуни ва уни ижро қилиш тартибига қаратилган тақдимнома баёни тушунилади. Топшириқни белгиланган муддатда бажаришнинг имконияти бўлмаса, суриштирувчи бу ҳақда терговчини хабардор қилади ва бажариш муддатини узайтиришни ёки ижро этиш шартлари ва усулларини ўзгартиришни таклиф қилади.

Терговчининг талабига асосан суриштирувчи тергов ҳаракатларини юритишда унга ёрдам бериши, шунингдек, жиноят иши учун доимий аҳамиятга эга бўлиши эҳтимол тутилган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиши ёки ишга қўшиб қўйиши учун тақдим қилиши шарт.

Терговчи ўзининг барча топшириқлари, кўрсатма ва талабларини суриштирувчига суриштирув органининг

бошлиғи орқали юборади. Суриштирувчи терговчининг топшириқ, кўрсатма ва талабларини бажара туриб у билан ҳуқуқий муносабатга, яъни ўзаро алоқага киришади, Жиноят процессуал қонунида уларнинг боғлиқлик воситаси шаклига қараб ўрнатади.

Терговчининг суриштирувчи ва суриштирув органи билан ўзаро боғлиқлиги-бу қонун асосида ўрнатилган, бир-бирига маъмурий тартибда буйсунмаган ҳолатдаги ҳамкорлик бўлиб, улар қўллайдиган восита ва усуллар тўғри бўлишини таъминлаш учун келишиб ҳаракат қиладилар. Ўзаро алоқадорлик маълум принциплар асосида ташкил қилинади. Суриштирув органи ва терговчининг ўзаро алоқадорлигининг биринчи тамойили-бу уни ташқи томондан қонунга риоя қилинишидир. Ўзаро алоқадорлик жиноят-процессуал қонуни асосида ташкил қилинади ва ижро қилинади.

Терговчи ва суриштирув органининг ўзаро алоқадорлигининг иккинчи тамойили улар ўртасидаги ваколатларнинг чегараланганлигидир, яъни, ўзаро ҳаракатни ташкил қилиш жараёнида бу органлар қўшимча ҳуқуқларни ололмайдилар. Терговчига суриштирув органининг (тезкор-қидирув) ҳаракатларида иштирок этиш ҳуқуқи берилмаган, чунки суриштирув махсус восита ва услублардан фойдаланилган ҳолда ўтказилади. Суриштирув органи терговчининг топшириғисиз айрим жиноят ишлари юзасидан тергов ҳаракатларини ўтказа олмайди.

Ўзаро ҳаракатнинг учинчи тамойили терговчининг суриштирувни амалга оширишдаги ташкилий вазифасидир. Юридик адабиётларда ушбу тамойил ўзаро ҳаракатдаги терговчининг раҳбарий ўрни деб ҳам юритилади. Демак, ўзаро ҳаракатда иккита ташкилий ва процессуал жиҳатдан мустақил орган-тергов ва суриштирув органи қатнашади, ўзаро ҳаракатдаги терговчининг ташкилий ўрни шундаки, у ўзаро ҳаракатни ўтказишда ташаббускор бўлади. Жиноят иши қўзғатилгандан кейин, дастлабки терговни ўтказиш жараёнида ўзаро ҳаракат тўғрисидаги ташаббус ҳам терговчи ҳам суриштирув органи томонидан олиб борилиши керак.

Терговчи ва суриштирув органларининг ўзаро ҳаракатларининг тўртинчи тамойили тезкор-қидирув фаолияти ва дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишда материалларни ошкор қилмасликдир. Суриштирув органларининг ходимлари ўзаро ҳаракатни амалга ошириш

жараёнида терговчига тезкор-қидирув фаолиятни усуллари ва воситаларини қўллаган ҳолда олинган маълумотларни маълум қиладилар. Бундай тергов ҳаракатларини ўтказишда унинг манбаи ошкор бўлиши хавфи мавжуд бўлади. Шунинг эътиборга олиш лозимки, терговчига тезкор-қидирув фаолиятининг материаллари, уларни олиш усули ва манбаалари кўрсатилмаган ҳолда танишиш учун тақдим қилинади. Бундан ташқари, тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида тезкор-қидирув фаолияти усуллари ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида терговчи ушбу тезкор маълумотларини олган тезкор-қидирув ходимларидан бу юзасидан масалаҳатлар олади. Масалан, терговчи жиноятчини тинтув қилиш жараёнида, тезкор маълумотлар асосида қилинаётган объектни қаердалигини олдиндан билса ҳам, уни олдига дарҳол бориб, олиб қўймаслиги, у худди предметни ўзининг қидирув, изланув ҳаракатлари асосида тасодифан топгандай бўлиши керак.

Терговчи ва суриштирув органининг ўзаро ҳаракатини бешинчи тамойили бу суриштирув органининг узаро ҳаракатни амалга оширишдаги усули ва воситаларини мустақил танлашидир. Бу шунинг англатадики, тезкор-қидирув чораларидан фойдаланиш зарур бўлган ҳолларда, терговчи суриштирув органининг олдига яширинган жиноятчини қидириш, айбланувчини топиш, жиноят содир қилиш қуролларини аниқлаш, ўғирланган мулкни топиш вазифасини қатъий қўйиши мумкин. Бу вазифаларни суриштирув органларининг ходимлари қандай восита ёки усуллар билан ҳал қилишларини уларнинг ўзлари белгилайдилар.

Терговчи ва суриштирув органининг жиноятларни тергов қилишдаги ўзаро ҳаракатлари қонун ва қонун ости ҳужжатлари ва белгиланган шакллар асосида амалга оширилади. Бундай ҳамкорлик келишилган фаолиятни амалга оширишда ҳамда терговчи ва суриштирув органлари ходимлари ўргасида аниқ муносабатни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзаро ҳаракат шакллари икки тури мавжуд: процессуал ва ташкилий шакллар. Ўзаро ҳаракатнинг процессуал шакли бевосита жиноят процессуал қонунида кўрсатилган, масалан: терговчи суриштирув органи билан қуйидаги ўзаро ҳаракатларни амалга оширади:

1.терговчининг топшириғига кўра суриштирув органлари томонидан тергов ва қидирув ҳаракатларини бажариш:

2.терговчи томонидан тергов ҳаракатларини юритишда суриштирув органлари вакилларини жалб қилиш;

3.терговчининг қарорини суриштирув органлари томонидан бажарилиши;

4.суриштирув органлари терговчи талабига мувофиқ танишиб чиқиш ёки жиноят ишига қўшиб қўйиш учун ҳужжатлар ва бошқа материалларни тақдим қилади. Булар доимий аҳамият касб қилиши лозим (ЖПК 264-343-моддалар).

Ўзаро ҳаракатнинг ташкилий шакли жиноят-процессуал қонунида кўрсатилмаган. У жиноятларни тергов қилишдаги ўзаро ҳаракатни амалга ошириш жараёнида юзага келади ва жиноятни тергов қилиш мобайнида терговчи билан суриштирув органи тезкор ходимларининг турли хил муносабатларини белгилайди. Бундай муносабатлар процессуал қонун асосида амалга оширилади, амалиётда қуйидаги ўзаро ҳаракатнинг ташкилий шаклларидадан фойдаланилади:

1.ҳодиса содир бўлган жойга терговчи ва суриштирув органининг ходимларини биргаликда чиқиши;

2.терговчининг суриштирув органига оғир ёки ўта оғир жиноят тўғрисида маълум қилиш;

3.оғир ва мураккаб ишларда терговчи томонидан тезкор гуруҳларни ташкил қилиниши;

4.тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларини келишиб режалаштириш;

5.жиноятларни тергов қилишда маълумотлар юзасидан ўзаро фикр алмашиш;


6.жиноятни олдини олиш ҳаракатларини ўтказиш ва аҳоли олдида чиқишлар қилиш.

Терговчи суриштирув органига топшириқлар беришда суриштирув органи ходимининг ваколатини эътиборга олиши лозим. Агар терговчи суриштирув органи ходимига бирор-бир қидирув ҳаракатларини амалга оширишни топширмаган бўлса, топширилмаган ҳаракат талаб ҳам этилмайди. ЖПК да қандай тергов ҳаракатларини суриштирув органи ходимларига топшириш мумкинлиги кўрсатилмаган.

Бевосита жиноят содир бўлган жойдаги ўзаро ҳаракатлар қуйидаги тарзда ташкил қилинади: тезкор-тергов гуруҳининг раҳбари терговчи билан ҳисоблашиб, у ҳодиса содир бўлган жойда кўздан кечириш ўтказиши. Суриштирув органи ходими гувоҳларни аниқлайди, излар бўйича жиноятчиларни

қидиришни ташкил қилади, булар ўрнатилган тақдирда жиноятчи ушлаб турилади. Суриштирув органининг ходими ўз вазифаларини бажариш жараёнида терговчи, участка нозири ва бошқалар билан ўзаро алоқада ҳаракат қилиши керак.

3-схема





Мавзу бўйича саволлар.

1. Суриштирув тушунчаси ва унинг дастлабки терговдан фарқи.
2. Суриштирув фаолиятини амалга оширувчи органлар.
3. Суриштирувнинг вазифалари.
4. Суриштирув юритишнинг процессуал муддатлари.
5. Суриштирувнинг бошланиши ва тамомланиши.
6. Суриштирувчи томонидан терговчининг топшириқлари, кўрсатмалари ва талабларини бажарилиши.

III-БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

§-1. Дастлабки терговнинг тушунчаси, унинг моҳияти ва вазифалари

Дастлабки тергов жиноят процессининг мустақил босқичи ҳисобланиб, у жиноят ишини қўзғатишдан кейин бошланади. Жиноят ишини қўзғатиш жиноят процессининг дастлабки ва мустақил босқичидир. Ушбу босқични дастлабки терговнинг бир қисми сифатида қарашга уринаётган олимларнинг фикрига қўшилиб бўлмайди¹. Чунки бу қарашлар амалдаги қонунчиликка зид бўлиб, на назарий ва на амалий асосларга эга. Жиноят ишини қўзғатиш жиноят процессининг дастлабки босқичи сифатида дастлабки тергов органлари фаолиятини муваффақиятли олиб борилишини таъминлайди.

Дастлабки тергов жиноят процессуал ҳуқуқининг мураккаб институти ҳисобланади. Дастлабки терговда процессуал ва тергов ҳаракатларини ўтказиш натижасида жиноятларни тез ва тўла очиш, айби бўлган шахсларни ҳар томонлама ҳолисоналик билан фош қилиш ҳамда жиноий жавобгарликка тортиш ва уни судга бериш шароитлари яратилади.

Шунингдек, бу институт нормалари тергов давомида шахсларнинг содир қилган қилмишида жиноят аломатлари бўлмаса, ёки унда қонунда кўрсатилганидек, жазодан озод қилиш асослари мавжуд бўлса, қўзғатилган жиноят ишини тугатишни ҳам назарда тутаяди. Шу билан бирга, жиноятларни келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиб, уни бартараф қилиш чоралари кўрилади.

Дастлабки терговни «дастлабки» дейилишига сабаб, аксарият ҳолларда, «у судда ишни кўриб чиқишдан олдин олиб борилади»². Баъзи олимлар уни «суддан олдин ва суд учун хизмат қиладиган фаолият»³ деб қарашади. Бу фикрлар аксарият ҳолларда тўғри бўлсада истисно ҳолатлар ҳам мавжуд, чунки қўзғатилган жиноят иши судгача етиб бормаслиги ҳам мумкин. Суриштирувчи, терговчи, прокурор

¹ Алексеев Н.С. Уголовный процесс. М., 1989 йил 214-бет.

² Н. С. Алексеев Тахрири остида. Уголовный процесс. М., 1989 йил 209 бет.

³ М. С. Строгович Курс советского уголовного процесса 2 том 1970 йил 40 бет.

томонидан қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда дастлабки тергов босқичида жиноят иши тугатилади.

Дастлабки тергов дейилишига яна бир сабаб шуки, бу босқичда эълон қилинган айблов судда тасдиқланмаслиги ҳам мумкин. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси 1-қисмида “жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди” дейилган.

Мазмунан “дастлабки тергов” қуйидаги фаолиятни ўз ичига олади, яъни қонунда белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан жиноятларни очиш, айбдорларни фош этиш, жиноят иши бўйича ишда қатнашаётган фуқароларни ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва адолатли қарорлар қабул қилиш шулар жумласига киради⁴.

Жиноятларни очиш, гумон қилинувчи ва айбланувчини жинойий жавобгарликка тортиш ҳамда бир вақтнинг ўзида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш-дастлабки терговнинг энг муҳим ва асосий вазифаларидандир. Булар бир-бирини тўлдиради, чунки жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий мақсади инсонни жинойий тажоввузлардан ҳимоя қилишдир.

Дастлабки тергов жараёнида жиноятчиликка қарши курашиш функцияларини қўллаш, баъзи ҳолларда, ишда қатнашаётган иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашни назарда тутиши мумкин. Лекин бу чеклашлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЖПК ва бошқа қонунларда назарда тутилган кафолатларга риоя этилгандагина амалга оширилади⁵. Дастлабки тергов барча терговчилар учун умумий бўлган ва уларнинг фаолиятини

⁴ Н. Л. Селиванов Тахрири остида Руководство для следователя. ИПК “Лига Разума”. М. 1997 йил 2 бет.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя қилишни кафолатловчи қатор қоидаларни назарда тутати, жумладан; Конституциянинг 19-моддасида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас... 27-моддасида ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажоввузлардан, шахсий ҳаётига аралашшдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тингув ўтказиши ёки уни қўздан кечириш, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошқор қилиши мумкин эмаслиги қайд қилинган.

асосий йўналишларини белгилаб берувчи бевосита процессуал вазифаларга эга. Улар ЖПК нинг 2-моддасида назарда тутилган умумий вазифалардан келиб чиқади.

Баъзи олимлар терговчининг вазифаси жиноят ишини тергов қилиш деб умумий қоида билан чекланишади⁶. Лекин бундай ёндашув дастлабки тергов мазмун, моҳиятини очишга ёрдам бермайди. Амалдаги қонунларнинг таҳлили бу босқичнинг олдида бир қанча аниқ вазифалар ётганини кўрсатади ва булар терговчининг процессуал фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Дастлабки тергов олдида турган вазифалардан бири- жиноятни тез ва тўла очишдир. Бу вазифа ЖПК нинг 2-моддасида тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиб, уни бажариш шубҳасиз, дастлабки тергов органларига юклатилган, чунки улар керакли процессуал воситалар билан таъминланган. Иш қўзғатишни талаб этадиган жиноят содир этилиш фактлари юзасидан суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишнинг қоидаларига риоя этган ҳолда дарҳол ишга киришиш жиноятни ўз вақтида очиш ва уни содир этган шахсларни фош этишнинг асосий кафолатларидан биридир. Жиноят ҳодисаларини ўз вақтида очиш суриштирув, тергов ва прокуратура органлари фаолиятини дарҳол излар йўқолмасдан туриб ташкил этишни талаб қилади.

Бу тергов ишларини аниқ мақсадга йўналтиришга ва фаол равишда олиб боришга, жиноятларни олдини олиш, уларни содир бўлиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш вазифаларини бажаришга ёрдам беради. Шунинг учун терговчи фаолиятининг биринчи йўналиши: жинойий қилмиш мавжудлигини (ёки йўқлигини) аниқлаш, унинг барча кўриниши ва уни содир этган шахсларни топишга қаратилиши лозим. Бу анча мураккаб вазифа бўлиб, терговчидан юқори маҳорат ва ташаббускорликни талаб этади. Жиноят содир этган шахс ўзининг қасддан қиладиган ижтимоий ҳавфли қилмишини тайёрлаш ёки содир этишда, одатда, уни яширишга, биронта из қолдирмасликка ҳаракат қилади. Ундан ташқари, у тергов даврида ҳам терговчини турли ёлғон уйдирмалар орқали чалғитишга уринади. Бундай

⁶ Л.Н.Гусев, Процессуальное положение следователя в советском уголовном процессе, «Вопросы судопроизводства и судоустройства в новом законодательстве СССР», Госюриздат. М., 1959 йил 301-329 бетлар.

“жиноятларни тез ва тўла очиш учун профессионал тажриба ва билим, шунингдек чидам керак бўлади”⁷.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори 1997 йил 13-сонли “Жиноятчиликка қарши курашиш, дастлабки тергов ва суриштирув ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини тўлиқ таъминлаш ҳамда тергов маҳкамаси фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида”⁸ги буйруғида бунинг қатор сабабларини кўрсатиб ўтган. Хусусан, “суриштирув ва дастлабки терговни сифатсиз ва малакасиз ўтказилиши, сансолорликка йўл қўйиш, қонун талабларини кўпол равишда бузиш” ва ҳоказолар, жиноят ишини очилмай, жиноят содир этган шахсни аниқланмай қолишига олиб келиши мумкин.

Тергов қилинаётган жиноятнинг барча ҳолатлари шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан бошқа жиноятлар содир этилганми, содир этилган жиноятга бошқа шахсларнинг алоқаси бор ёки йўқлиги аниқланиши керак.

Дастлабки терговнинг кейинги вазифаси бу жиноятни содир этган шахсни жавобгарликка тортиш ва уни судга бериш учун шарт-шароитларни яратишдир.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида айбсиз шахсни жиноий жавобгарликка тортилмаслиги кафолатланган. Дастлабки тергов органлари қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлса, айбланувчини жиноий жавобгарликдан озод қиладилар. Бундай асосларга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 12-бобида кўрсатилганидан яъни, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (64-модда); қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (65-модда); айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (66-модда); касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш (67-модда); амнистия ҳужжати асосида жавобгарликдан озод қилиш (68-модда), шунингдек ЖКнинг 84-моддасида назарда тутилган асослар киради.

⁷ Еникеев М. И., Эминова В.Е., Психология преступника и расследование преступлений, М., изд. БЭК . 1996. 218-219-бетлар. ; Лебедев С.Я., Антиобщественные традиции, обычаи и их влияние на преступность. изд “Юрлит” М., 1989 йил 45-49 бетлар

⁸ Ҳ.Р.Бош Прокурорининг амалдаги буйруқлари, кўрсатмалари, низом ва йўриқномалари тўплами. Тошкент-1999 йил. 92 бет.

Дастлабки терговнинг яна бир вазифаси бу жинойт натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш ёки суд ҳукмидан кейин уни қоплаш учун керакли шарт-шароитларни яратишдир. Ўтмишда тергов идораларининг ишида жиддий камчиликларга йўл қўйилиб, жинойт натижасида етказилган моддий зарарларнинг аксарият қисми амалда қопланмаган. Масалан, 1984-1988 йилларда Россиядан “таклиф” қилинган “дессантлар” томонидан ўтказилган ва ўзбеклар иши деб аталган жинойт ишлари буйича Ўзбекистон Республикасига етказилган моддий ва маънавий зарарлар қопланмаган.

Ҳозирги, кунда терговчининг жинойт натижасида етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган ҳаракатлари асосий фаолият йўналишидан бири ҳисобланади. Жинойт-процессуал қонунимизга мувофиқ етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашга қаратилган ҳаракатлар фуқаровий даъво қўзғатиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Масалан, ўғирлик, ўзлаштириш, тамагирлик ва бошқа шу каби жинойтлар орқали етказилган зарар дастлаб мулк эгаси тассаруфидан чиқиб кетган моддий бойликларни қидириш йўли билан амалга оширилади. Қидириб топилган ашёлар даъво аризаси йўқлигидан қатъи назар жабрланувчига қайтарилади.

Етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган терговчининг ҳаракатлари қуйдагиларни ўз ичига олади:

а) жинойт натижасида йўқолган моддий ашёларни қидириш ва ўз эгасига қайтариш;

б) етказилган зарарнинг қийматини ҳамда тўлиқ ёки қисман жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар доирасини аниқлаш;

в) зарар қопланиши мумкин бўлган манбааларни аниқлаш;

г) топилган ашёларни тўлиқ сақлашга қаратилган чораларни кўриш;

д) ЖПКга мувофиқ муайян шахсни фуқаровий даъвогар, деб тан олиш ҳамда шахсни фуқаровий жавобгар сифатида ишга жалб қилиш⁹. Бу ҳаракатларнинг барчаси ўз вақтида бажарилиши лозим, баъзи ҳолларда эса суд ижрочисининг иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

⁹ Н.В.Жогин, Ф.Н. Фаткуллин Предварительное следствие., изд. “Юри-дическая литература”, М., 1965., 42 бет.

Жиноят процессида дастлабки терговнинг асосий ва энг муҳим вазифалардан бири бу жиноятни содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этишдир. Жиноятчиликка қарши курашишда жиддий ютуқларга эришиш учун мунтазам равишда жиноятларни келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва уни бартараф қилиш чораларини кўриш лозим.

Терговчи томонидан дастлабки терговда бу вазифани амалга ошириш учун исботланган фактларга асосланиш керак, яъни исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар далиллар ёрдамида тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилгандан кейин жиноятни содир бўлишига сабаб бўлган шарт-шароитлар ҳақида хулоса чиқарилади. Ўз ўрнида бу ҳам исботланиши керак. Бу масаланинг бир томони, иккинчи томондан жинойий оқибатни келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф қилиш йўлларини кўрсатиш ва уни бажарилишини назорат қилиш лозим.

Дастлабки терговнинг яна бир муҳим вазифаси бу фуқароларни қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялашдир. Терговчининг тарбиявий фаолияти икки ёқлама хусусиятга эга. Бир томондан, айбланувчининг руҳий ҳолатини ва одатларини ижобий тарафга ўзгартириш учун таъсир қилиш, қонунга хилоф ҳаракатларини ўзи англашига ҳамда тузалиш ва ижтимоий фойдали меҳнат қилишга, қонунлар, ахлоқ ва одобга риоя этиш лозимлигини тушуниб етишига ёрдам бериш керак. Иккинчи томондан, терговни юритилиши қолган фуқароларга ижобий таъсир кўрсатиб, қонунга бўлган эътиқод, ҳуқуқ тартибот ишларининг мустаҳкамлиги, жиноят иши очилмай қолмаслиги ва уларнинг ҳуқуқлари дахлсизлигига ишонч уйғотиш лозим.

Жазонинг муқаррарлиги ҳеч кимда шак-шубҳа қолдирилмаслиги керак. Умумий қоида бўйича ишни судга қадар юритиш суриштирув ва дастлабки терговдан иборат. Бу органларнинг биргаликдаги фаолияти юқоридаги вазифаларни ҳал бўлишига олиб келади.

§-2. Дастлабки терговнинг умумий шартлари

Дастлабки терговнинг умумий шартлари жиноят процессида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, дастлабки тергов фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади.

Дастлабки терговнинг умумий шартларига риоя қилмаслик жинойт процесси вазифаларини бажарилмай қолишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам дастлабки тергов институтида унинг умумий шартларига жиддий аҳамият бериш, талабларига риоя қилиш ва сидқидилдан бажариш нафақат қонун талабини бажариш балки жинойтга қарши кураш сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Дастлабки терговнинг умумий шартларига қуйидагилар киради:

1. Терговнинг ваколатли шахслар томонидан олиб борилиши; (ЖПК нинг 344, 354, 355, 356, 357, 358-моддалари).

2. Дастлабки терговнинг мажбурийлиги ва терговга тегишлилиги; (ЖПК нинг 345-моддаси).

3. Дастлабки терговни бошлаш ва унинг муддатлари; (ЖПК нинг 350, 351-моддалари).

4. Дастлабки терговда жамоатчилик ва ҳолисларнинг иштироки; (ЖПК нинг 349, 352-моддалари).

5. Дастлабки терговни ошкор қилмаслик мажбурияти; (ЖПК нинг 353-моддаси).

6. Тергов фаолиятида илмий-техника воситаларидан фойдаланиш;

7. Жинойт ишларини бирлаштириш ва ажратиш. (ЖПК нинг 332-моддаси).

1. Дастлабки терговни юритишга ваколатли мансабдор шахслар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Жинойт иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради. Дастлабки терговни прокурорлар ҳам олиб боришлари мумкин (ЖПКнинг 344 моддаси).

Дастлабки тергов органи бўлиб терговчи ҳисобланади¹⁰. Бунинг маъноси шуки, айнан терговчи маълум бир процессуал фигура сифатида, жинойт ишини тўлиқ ва ҳар томонлама тергов қилиш учун жинойт процессуал қонунида кўрсатилган барча чораларни кўришга, процессуал ва тергов ҳаракатларини мустақил амалга оширишга, тўпланган далиллардан келиб чиқиб хулосалар чиқаришга ваколатланган. Дастлабки тергов органлари-муассаса, ташкилот эмас, балки нафақат давлат аппаратида, шунингдек

¹⁰ Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса, 2 том 1970 йил. 44 бет.

жиноят процессида ҳам муайян процессуал мақомга эга бўлган шахслардир.

Бу ҳолат қонунда аниқ кўрсатилган: “Терговчи терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор ружсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мустақил равишда қабул қилади” (ЖПКнинг 36-моддаси 2-қисми). Ундан ташқари қонунда қўйидаги қоида белгиланади: “Терговчининг ўз юритишидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир” (ЖПКнинг 36 моддасининг 4-қисми). Бу терговчи томонидан дастлабки тергов процессида, масалан, тинтув ва олиб қўйиш ўтказишда ҳолисларни жалб қилиш, мулкни хатлаш ва шу каби қарорларга тегишлидир.

Баъзи бир олимларнинг “терговчининг процессуал ҳолати унинг у ёки бу идорада фаолият юритишига қараб фарқланади”¹¹ деган фикрларига қўшилиб бўлмайди. Чунки терговчининг у ёки бу идорада хизмат қилиши унинг процессуал фаолиятига таъсир қилмай балки, ваколатини терговга тегишлилик қоидалари бўйича чегараларини белгилайди. Баъзи олимлар дастлабки тергов органларини суд муҳокамасига нисбатан ёрдамчи ролда эканлиги ҳақида сўз юритишади. Масалан, М.А.Чельцов дастлабки тергов органини “одил судловга ёрдамчи органларнинг кенг қамровли фаолияти” дейди.¹² Бу борада Д.С. Карев ва Н.М. Савгировларнинг фикрига қўшилаемиз, “дастлабки тергов органлари ролини камайтириш нотўғри, чунки дастлабки тергов масаласига етарли ёндашмаслик, ишни тўлиқ тергов қилишга халал беради, буни эса суд муҳокамасида тўлдиришнинг имконияти бўлмайди”¹³. Юқорида таъкидлаганимиздек, терговчининг мустақиллиги судьяларнинг мустақиллигидан фарқ қилади. Судьяларга ҳеч ким, давлатнинг ҳеч қайси органи, ҳатто юқори турувчи суд ҳам уларнинг юритувида бўлган ишни қандай ҳал қилиши бўйича кўрсатмалар бера олмайди. Терговчига эса прокурор

¹¹Л. М. Карнеев тахрири остида „Советский уголовный процесс“ М., Юрлит. 1980 г. Ст. 237

¹² Чельцов М.А. Советский уголовный процесс. Госюриздат, 1951 йил 227 бет.

¹³ Кр.: Карев Д.С., Савгиров Н.М. Возбуждение и расследование уголовных дел. “В.Ш”. М., 1967, 4-5 бетлар.

жиноят ишидаги ҳар қандай масала бўйича кўрсатмалар беради ва бу терговчи учун мажбурийдир.

Лекин бу кўрсатмалар икки шарт асосида мажбурий ҳисобланади. Биринчидан, прокурорнинг кўрсатмалари фақат ёзма равишда берилган бўлса, терговчи учун мажбурий (ЖПКнинг 37-моддаси 3-қисми, 382-моддаси 3,4-қисмлари). Бу техник талаб эмас, балки процессуал-ҳуқуқий талаб бўлиб, унинг маъноси шундаки, прокурор терговчига ўз кўрсатмаларини ёзма равишда тузиб, шу билан уларнинг қонунийлиги ва асослилиги ҳамда терговчи томонидан уларнинг бажарилиши натижасида келиб чиққан оқибат учун ҳам жавобгар бўлади. Прокурорнинг ёзма кўрсатмалари процессуал ҳужжат бўлиб, ишга қўшиб қўйилади. Иккинчидан, прокурор томонидан берилган кўрсатмалар турли хил тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида таклиф мазмунида берилиб, терговчини иш ҳолатлари бўйича муайян хулоса чиқариш учун мажбур қилмаса ҳам терговчи учун мажбурийдир. Бунинг маъноси шундаки, агар прокурор терговчига у ёки бу ҳолатни аниқлашни, бирор масала бўйича экспертиза ўтказишни, бирор шахсни сўроқ қилишни таклиф этса, терговчи бундай кўрсатмаларга рози бўлмаса ҳам уларни тўхтатмай ижро этиши лозим.

Аммо кейинчалик бу кўрсатмалар устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиши мумкин. Агарда прокурор берган кўрсатмалар терговнинг мазмуни ва натижасига тегишли бўлса, бунда прокурор терговчининг ўз ишончига қарши чиқишига мажбур эта олмайди. Бинобарин, ЖПКнинг 36-моддаси 3-қисмига асосан, терговчи прокурорнинг: 1) шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги, 2) жиноятни тавсиф қилиш, 3) айблов ҳажмини белгилаш, 4) эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш, 5) ишни судга юбориш ёки, 6) ишни тугатиш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилган ҳолда ишни юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақлидир.

Бундай ҳолда қуйи турувчи прокурорнинг кўрсатмасини юқори турувчи прокурор ўз қарори билан ё бекор қилади ёки иш бўйича тергов юритишни бошқа терговчига топширади. Қонуннинг бу буйруғига оғишмай риоя этиш терговчининг ҳақиқатда эркин ва мустақил бўлишини кафолатлайди. Терговчи прокурор кўрсатмаларининг техник ижрочиси эмас,

у мустақил процессуал шах, у қонун билан ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклатилган жиноят процессуал фаолиятнинг мустақил субъектидир.

Маълумки, дастлабки тергов босқичидаги асосий исботловчи субъект бу-терговчидир. Иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириш ҳақидаги талаблар дастлабки тергов органлари учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Яъни терговчи судда ҳукм чиқариш учун асос бўладиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур ва етарли¹⁴ далилларни тўплаши керак.

Дастлабки тергов органларининг жиноятларни очишда тутган ўрни уларнинг жиноят процессида қандай процессуал функцияни бажаришига боғлиқ бўлади¹⁵. Процессуал адабиётларда бу масала бўйича турли хил фикрлар билдирилган. Баъзи олимлар терговчининг фаолияти қораловчи (айбловчи)¹⁶ мазмунида ва ҳатто бу билан далилларни тўплашда айблов томонга ён босиши¹⁷ ҳақида фикр билдирадидлар. Бошқа олимларнинг фикрича, терговчининг фаолияти айблаш, ҳимоялаш ва ишни ҳал қилиш функцияларини ўзида мужассамлайди.¹⁸ Шундай қарашлар ҳам борки, унга асосан терговчининг фаолияти икки қисмга ажратилади: 1) ишда айбланувчи юзага келгунча терговчи жиноятни очади; 2) шахсга айблов эълон қилингандан сўнг бу шахсни айблайди ёки бир вақтнинг ўзида ҳам ҳимоя қилади¹⁹.

Бу қарашлар терговнинг тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисоналиги ҳақидаги бошланғич қоидаларни унутиб, терговчининг ягона бўлган фаолиятини қисмларга ажратиб ташлайди.

Терговчининг фаолияти, албатта, иш учун “бетараф” бўлган фактларни аниқлашга эмас балки, ҳақиқий ҳолатларни аниқлашга қаратилган бўлиши лозим. Демак терговчининг фаолиятини қандайдир қисмларга бўлиш эмас,

¹⁴Исботланиши лозим бўлган барча ва ҳар ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб эътироф этилади.

¹⁵ Салиев Ю. Раскрытие преступлений как уголовно- процессуальная функция . Т., 1991 й.

¹⁶Журавлёв В.Г. “Обвинение как уголовно процессуальная функция в советском уголовном и военно-уголовном процессе “, М., 1950., 15 бет.

¹⁷ЧельцовМ.А.Система основных принципов советского уголовного процесса. М.,1946г.130 б.

¹⁸Строгович М.С. Уголовное преследование в советском уголовном процессе. М.,1951г. 98 б, шунингдек, Курс советского уголовного процесса. М., 1958., 127 бет.

¹⁹ Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса, М., 1958., 127-бет ва Чельцов М.А. Уголовный процесс. М., 1948 йил 76 бет.

балки бир бутун фаолият деб қараш лозим. Терговчи фақат тергаш функциясини амалга оширади. Унинг замирида дастлабки терговда амалда бўладиган барча умумий шартлар мужассамланади

Терговчи ўз фаолиятида мустақил бўлса-да, унга тергов бошқармаси (бўлими) бошлиғи раҳбарлик қилади. Ички ишлар ва мишлий ҳавфсизлик хизмати органларида тергов бошқармаси (бўлими) бошлиғи бўлиб-алоҳида мансабдор шахслар бўлса, прокуратура идораларида тергов бошқармаси (бўлими) бошлиғи бўлиб-прокурор ҳисобланади.

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинимаси, гуруҳнинг бошлиғи ва унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларни олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат қилиб турадилар, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона олиб бориш чораларини кўрадилар. Тергов органининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ишларни текшириб кўришга, шунингдек дастлабки тергов ўтказиш, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш, жиноятни тавсиф қилиш ва айбловни ҳажми ҳамда ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида терговчига кўрсатмалар беришга, ишни бир терговчидан иккинчисига топширишга, шунингдек терговчини ваколатларидан фойдаланиб дастлабки терговни олиб боришда қатнашишга ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боришга ҳақлидир (ЖПКнинг 37-моддаси). Тергов органи бошлиғи ва унинг ўринбосари иш юзасидан терговчига берган ёзма кўрсатмалари терговчи учун мажбурийдир (ЖПКнинг 37-моддаси 3-қисми).

Шуни назарда тутиш керакки тергов бошқармаси (бўлим) бошлиғи ўз қарорлари билан терговчининг қарорларини бекор қила олмайди, бундай ҳуқуқ фақат прокурорга берилган. Ундан ташқари, терговчи ва тергов бошқармаси (бўлим) бошлиғи ўртасидаги низоли масалалар бўйича охириги сўз прокурорга тегишлидир.

Терговчи қуйидаги ҳолатларда жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли эмас ва уни рад қилиши лозим, башарти: 1) у ушбу иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, мутахассис, таржимон, гувоҳ, ҳолис, ҳимоячи сифатида, гумон қилинувчи, айбланувчининг қонуний вакили ёки жабрланувчининг,

фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этаётган бўлса ёки илгари иштирок этган бўлса; 2) у ушбу ишни юритиш учун масъул бўлган бирор бир мансабдор шахснинг ёки юқорида кўрсатилган ўзга шахсларнинг қариндоши бўлса; 3) унинг ҳолислилигига ва бегаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Терговчининг ўз процессуал мажбуриятларини бажариши, башарти ушбу иш кўшимча тергов юритиш учун жўнатилган бўлса, дастлабки тергов юритишига монелик қилмайди (ЖПКнинг 76-моддаси). Агар ЖПК 76-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлса терговчи ўзини ўзи рад этиши шарт.

Жиноят иши мураккаб, кўп меҳнат талаб қиладиган, ўта долзарб бўлса, прокурор ёки тергов бўлинмасининг бошлиғи айнан шу иш бўйича махсус тергов гуруҳини қарор асосида тузади. Гуруҳ раҳбари ЖПК нинг 355-моддасида белгиланган ваколатлардан фойдаланади. Гуруҳ раҳбари бажариладиган ҳар бир ҳаракат ва қарорнинг қонуний ва асосланган бўлиши учун тўла жавобгар бўлади. Шу билан бирга

1) ишни ўзи раҳбарлик қиладиган терговчиларга тақсимлаб беради, уларнинг ҳар бири бажарадиган иш қисми ёки тергов йўналишини белгилайди, айрим тергов ҳаракатлари бажаришни топшириб, уларни ижро этиш муддатини белгилайди;

2) шахсан ўзи тергов ҳаракатларини бажаради ва раҳбарлиги остидаги терговчилар ўтказаетган айрим тергов ҳаракатларида иштирок этади;

3) қарорлар чиқаради, шу жумладан шахсни ишда айбланувчи тариқасидаги иштирок этишга жалб қилиш, қамоққа олиш, ишни тўла ёки унинг бирор қисмини тугатиш ёхуд тўхтатиш ҳақида қарорлар чиқаради;

4) прокурорнинг кўрсатмалари ижро этилишини таъминлайди, ЖПК 36-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган ҳолларда ишни ўз эътирозлари билан бирга юқори турувчи прокурорга юборади;

5) суриштирув органига тергов ва қидирув ишларини олиб бориш тўғрисида топшириқлар ва кўрсатмалар беради, шунингдек ундан терговчилар бажараетган тергов ҳаракатларини ўтказишда ёрдам беришни талаб қилади, ўз

топшириқлари, кўрсатмалари, талаблари бажарилиши устидан назорат қилиб боради;

6) жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чоралари тўғрисида тақдимномалар юборади;

7) айблов хулосасини тузади ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради ва тасдиқлаш учун уларни иш билан бирга прокурорга юборади.

Гуруҳ аъзолари бўлган терговчилар эса гуруҳ раҳбарининг топширигини, кўрсатмасини қонунга хилоф ва асоссиз деб ҳисобласалар ўз эътирозларини беришга ҳақлидирлар. Гуруҳ раҳбари эса бу эътирозларни кўриб чиқиб ё ўз топшириғи ва кўрсатмаларини бекор қилади ёки уни ижро этиш учун бошқа терговчига беради ёхуд уни ўзи ижро этади. Гуруҳ раҳбарининг қароридан норози бўлган терговчи прокурорга шикоят қилишга ҳақли. Прокурор эса узил-кесил қарор қабул қилади. Айрим ҳолларда бир тергов ҳаракатини бир неча терговчилар ижро этадилар. Бундай ҳолда айнан шу тергов ҳаракатини ўтказиш учун масъул бўлган терговчи тайинланади.

2. Дастлабки терговнинг мажбурийлиги, терговга тегишлилик. Дастлабки терговнинг умумий шартларидан бири бу-дастлабки терговнинг мажбурийлиги ҳақидаги қоидадир.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЖПК барча жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг мажбурийлигини белгилади (345-м). Маълумки, ишларни судга қадар юритиш суриштирув ва дастлабки терговдан иборат. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи олимлар тезкор-қидирув фаолиятини ҳам судга қадар юритадиган ишлар қаторига киритади.²⁰ Моҳиятига кўра бу фаолият жиноят ишларни юритишга кирсада процессуал жиҳатдан уни киритиб бўлмайди. Чунки тезкор-қидирув фаолият натижалари, гарчи кейинчалик далил манбаи сифатида легаллаштирилсада, далилларга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб бера олмайди ва уларни ҳар доим ҳам (объектив сабабларга кура) процессуал шаклга айлантиришнинг имкони бўлмайди.

²⁰ Шумилов И. О. «Новый оперативно-розыскной закон РФ». М., 1998 й. 6-бет.

Суриштирув органлари жиноятларни олдини олиш ва унга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий зиён копланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритишга йўналтирилган. Мазмуни бўйича суриштирув дастлабки терговда амалга ошириладиган тахминан 45-50 фоиз ҳаракатларни (ишларни) бажаради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 345-моддаси дастлабки тергов мажбурийлиги қуйидагича баён қилинган: 97-103, 114-119, 121, 124-126, 128, 129, 136, 141-149, 175, 183, 184¹, 186, 186¹, 193-212, 215-221, 225, 229¹, 229², 230-236, 242, 244, 245, 251-258, 264, 265-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 279-302-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ҳарбий прокуратура терговчилари томонидан олиб борилади. Жиноят кодексининг 150-163, 182, 223, 246-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов миллий хавфсизлик хизмати терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 104-113, 120, 122, 123, 127, 130-135, 137-140, 164-166, 168-174, 187, 213, 214, 222, 224, 226-229, 243, 247-250, 259-263, 266-278-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек вояга етмаганлар содир этган барча жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 167, 176-181, 184, 185, 185¹, 188-192,²¹ 244¹, 244²-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ишни қўзғатган орган томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 237-241-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ушбу иш қўзғатилишига сабаб бўлган жиноят қайси

²¹Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши Ахборотномаси. 2001й. №1-2,11ва23-моддалар, № 9-10, 165 ва 182-моддалар.

органининг терговига тегишли бўлса, ўша орган томонидан олиб борилади.

Терговни олиб боришда бошқа тергов органи терговига тегишли янги жиноят аниқланса, ишни юритаётган дастлабки тергов органи фақат тегишли прокурорнинг розилиги билан терговни тўлиқ ҳажмда тамомлаши мумкин. Қонунда кўрсатилган айрим тоифадаги айрим мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура терговчилари томонидан олиб борилади.

Амалдаги ЖП қонунчилигида “терговга тегишлилик” термини қўлланилган қатор нормалар мавжуд бўлиб, бундай нормаларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 345, 346 моддаларини киритса бўлади. Улардан ташқари ЖПКда терговга тегишлилик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда тегишли органлар ва мансабдор шахслар ўртасидаги процессуал муносабатларни тартибга солувчи нормалар бор.

Жиноят процессуал ҳуқуқида жиноят ишини терговга тегишлилигини тартибга солувчи нормаларнинг мавжудлиги, муайян, мустақил, ҳуқуқий институтнинг мавжудлиги ҳақида гувоҳлик беради. Бу институт нормалари асосида тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслари ўртасидаги жиноят иши бўйича дастлабки тергов юзасидан вужудга келадиган муносабатлар тартибга солинади²². Терговга тегишлилик институтининг нормалари асосан дастлабки терговда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солади.

Дастлабки терговдан ташқарида терговга тегишлилик бўлиши ҳам мумкин эмас. Аммо терговга тегишлилик билан боғлиқ қатор масалалар суд босқичларида, хусусан, дастлабки терговда терговга тегишлилик қоидаларига риоя қилганликни текширишда вужудга келади.²³ Шунини айтиш мумкинки, бу институт нормалари: биринчидан, муайян тоифадаги жиноий ишни тергов қилишда дастлабки тергов органларининг ваколатларини аниқлаш; иккинчидан, жиноят ишини бир тергов органидан иккинчисига ўтказиш тартиби, асослари ва шартларини; учинчидан, терговга тегишлилик қоидалари бузилганда юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий оқибатларни белгилайди.

²² Зинатулин З.З., Салахов М.С., Чулюкин Л.Д. Подследственность уголовных дел, -Казань., изд. Казанского университета, 1986 й., 7-бет.

²³ Вопросы уголовного права и процесса в практике Верховных Судов СССР и РСФСР (1938-1969 гг.) под ред. Бородина С.В., -М., Юрлит. 1971й., 315 бет.

Терговга тегишлилик масалаларини тўғри хал қилиш жиноят иши бўйича терговни ҳар томонлама, тўлиқ, холисона ва ўз вақтида олиб боришни таъминлайди²⁴. Терговга тегишлилик қоидаларига риоя қилмаслик қонун ва фуқароларнинг ҳуқуқларини бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун терговга тегишлилик қоидаларини бузиш баъзи ҳолларда ЖП қонунини жиддий бузиш деб топилиши мумкин ва терговга тегишлилик қоидаларига риоя қилиб жиноят ишини қўшимча тергов қилиш учун қайтарилади²⁵. Масалан, ички ишлар органининг терговчиси томонидан қасддан одам ўлдириш жиноят ишини тергов қилганлик ЖП қонунини жиддий бузиш деб топилиб, иш қўшимча тергов қилиш учун қайтарилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, бу институт нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчиси бўлиб-суриштирув органлари, прокуратура, Ички ишлар Вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари, тергов бошқармаси (бўлими) бошлиқлари, прокурор, судья ва суд ҳисобланади. Лекин фикримизча, терговга тегишлилик масаласи бўйича жинойи-процессуал муносабатларнинг асосий субъекти бўлиб терговчи ҳисобланади, чунки “жиноят иши бўйича дастлабки терговни юритиш фақат терговчининг асосий функциясидир”.

Терговга тегишлиликни аниқлаш бу- жиноят иши бўйича дастлабки терговни юритиш мажбурияти ва уни қайси терговчи олиб боришни белгилашдир. Жиноят-процесси ҳақидаги адабиётларда терговга тегишлилик масаласи бўйича турли қарашлар мавжуд. Масалан М.С.Строгович қуйидаги таърифни келтиради “терговга тегишлилик деб ишни хусусиятига қараб у ёки бу терговчи ёки терговчилар тоифасига берилишига айтилади”.²⁶ Бу борада З.З.Зинатулин, М.С.Салахов ва Л.Д.Чулюкинларнинг фикрлари тўғри бўлиб, унга кўра “...хусусиятлар ва белгилар ишнинг ўзига боғлиқ бўлиб, қонунчиликка боғлиқ эмас ҳамда терговга тегишлиликнинг объектив сабаби, лекин мазмуни эмас. Чунки терговга тегишлилик қонуннинг хошиши бўйича ўзгариши

²⁴ Ягодинский В.Н.Соблюдение подследственности в деятельности органов внутренних дел: Проблемы дальнейшего укрепления социалистической законности при расследовании преступлений органами внутренних дел. Киев изд. КВШ МВД СССР 1988 й. 62- бет

²⁵ М.А. Чельцов таърири остида. «Уголовный процесс». М., Юрлит. 1969 йил 275 -бет; Гальперин И.М., Лукашевич В.З. «Преданию суду». М., Юрлит. 1965 йил 68 -бет.

²⁶ Строгович М.С. Курс уголовного процесса. том2 . 41-бет.

мумкин, айти пайтда ишнинг хусусияти ва белгилари ўзгармайди. Масалан илгари вояга етмаганларнинг жиноят ишлари буйича дастлабки тергов прокуратура терговчилари томонидан тергов қилинган бўлса, ҳозирги кунда бу тоифадаги ишлар қонуннинг хоҳиши бўйича ички ишлар органларининг терговчилари ихтиёрига ўтказилган”²⁷.

Қонунда дастлабки терговни юритиш ваколати берилган давлат идораларининг қатъий рўйхати келтирилганлигини ҳисобга олиб, терговга тегишлиликни қуйидаги йўналишларини ажратиш мумкин: 1) прокуратура терговчилари терговга тегишли жиноят ишлари; 2) ички ишлар органи терговчиларининг терговга тегишли ишлар; 3) миллий хавфсизлик органлари терговчилари терговга тегишли бўлган жиноят ишлари²⁸. Терговчининг ваколатлари терговга тегишлилик шакллари билан белгиланади. Юридик адабиётларда унинг турли хил шакллари ва сонлари мавжудлиги ҳақида фикрлар билдирилган.

Терговга тегишлиликнинг мазмунига кўра (предметли) ва ҳудудий шакллари мавжудлиги ҳеч кимда шубҳа тугдирмайди. М.С.Строгович ва аксарият юрист олимлар ҳам шу нуқтаи назарни ҳимоя қилади. Лекин ундан ташқари бошқа шаклларнинг борлиги ҳам баъзи олимлар томонидан эътироф этилади, масалан шахсларга кўра (персонал) терговга тегишлилик (Д.С.Карев)²⁹, ишларнинг боғлиқлигига кўра ва муқобил (альтернатив) терговга тегишлилик (Л.М. Карнеева)³⁰. Баъзи муаллифлар буларни терговга тегишлиликнинг шакллари эмас, балки белгиси сифатида қарашга уринишади, С.В.Бородин³¹ қарашлари бунга мисол бўла олади. Фикримизча, терговга тегишлилик: мазмунига кўра, ҳудудий, махсус (альтернатив ва шахсига кўра) ва ишларнинг боғлиқлиги бўйича, шакллари билан фарқ қилади.

Мазмунига кўра терговга тегишлилик асосий ҳисобланиб, жиноят ишлари бўйича турли хил идора терговчиларининг ваколатлари билан фарқ қилади. Бундай чегаралашнинг асосига содир этилган жиноят турлари

²⁷ Зинатуллин З.З., Салахов М.С., Чулюкин Л.Д. Подследственность уголовных дел. Казань 1985 й. 8-бет.

²⁸ Белоусов С.А. Подследственность в уголовном процессе и вопросы её совершенствования. Автореферат ... канд.юр.наук. - Ташкент 1994 йил 75-бет

²⁹ Советский уголовный процесс. отв.ред. Д.С.Карев, М., 1975 йил 211-бет.

³⁰ Советский уголовный процесс. под.ред. Л.М.Карнеевой, П.А.Лупинской, И.В.Пыречева. М., 1980 г. 237-бет.

³¹ Бородин С.В. Подследственность-закон-советская милиция. 1964, № 7, 19-20- б.

қўйилади³². Прокуратура, ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати идоралари терговчилари томонидан дастлабки тергов юритиладиган конкрет жиноятлар рўйхати юқорида кўрсатганимиздек Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 34б моддасида кўрсатилган.

Миллий хавфсизлик хизмати терговчиларининг мазмунига кўра терговга тегишлилиги ҳақида сўз борганда шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, у аниқ кўринишдаги сиёсий йўналишга эга. Бошқа давлатларнинг ЖП қонуни ҳам давлат хавфсизлик органларининг терговига тегишлилигини худди шундай таърифлайди³³.

Мазмунига кўра, терговга тегишлиликнинг аҳамияти шундаки, турли хил шакллар ўртасида рақобат бўлганда афзаллик мазмунига кўра терговга тегишлиликка берилади. Агар иш мазмунига кўра тегишлилик белгилари бўйича муайян дастлабки тергов органининг терговига тегишли бўлмаса, бу терговчи иш юритишга ҳақли эмас.³⁴

Шунга кўра:

1.Тажовуз объектига қараб. Бу мезон бўйича Миллий хавфсизлик хизмати терговчилари ваколатлари прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги терговчилари ваколатларига нисбатан фарқ қилади;

2.Тергов қилинаётган ишларнинг мураккаблигига қараб. Бу мезон бўйича прокуратура ва ички ишлар терговчиларининг ваколатлари фарқланади;

3.Тергов аппарати жойлашган органининг фаолияти хусусиятига қараб. Масалан Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлаш вазифаларидан келиб чиқиб, мамлакатнинг иктисодий ва сиёсий тизимига, унинг ҳудудий яхлитлигига, суверинитетига, муҳофаа қобилятига қарши қаратилган жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов Миллий хавфсизлик хизмати терговчилари ваколатлари доирасига қиради;

4.Тергов ва тезкор-қидирув чораларининг уйғунлигига қараб. Бу мезон бўйича номаълум шахслар томонидан содир

³²Ягодинский В.Н. Соблюдения последственности в деятельности органов внутренних дел ... изд. КВШ МВД СССР, 1988 йил 63-бет.

³³Кг.: Уголовный процесс в европейских социалистических государствах (подред. Божьева В.П.) М., Юрлит. 1978 йил 15-бет.

³⁴Дубинский А.Я. Производство предварительного расследования органами внутренних дел. Киев, изд. КВШ МВД СССР, 1987 йил, 38-бет.

этилган жиноятларни тергов қилиш ички ишлар органларига берилган (ўғирлик, босқинчилик, талончилик ва х.к.)³⁵.

Мазмунига кўра терговга тегишлиликни таҳлил қилганда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ЖПКнинг 345-моддаси ёрдамчи белгига эга. Гап шундаки, бу модданинг 6-қисмига кўра “ЖКнинг 167, 176-181, 184, 185, 185¹, 188-192, 244¹, 244² моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ишни қўзғатган орган томонидан олиб борилади”. Яъни бу ишлар бўйича тергов идоравий бўйсинувидан қатъи назар ҳар бир (жиноят ишини қўзғатган) терговчи томонидан олиб борилиши мумкин. Буни муқобил (альтернатив) тегишлилик дейилади.

Шимановский В.В. ҳам терговга тегишлиликнинг бу белгисини терговга тегишлиликнинг мустақил шакли деб кўрсатади³⁶.

Терговга тегишлиликнинг асосий шакли бу-**худудий терговга тегишлиликдир**. Унинг асосий вазифаси бир тумандаги тергов органлари ваколатини аниқлаштиришдир. Тергов органлари ҳар бир туман (шаҳар), вилоят ва ҳ.к.ларда бор, худудий терговга тегишлилик бу органларнинг худудий ваколатларини чегаралайди.

Унинг асосий мазмуни шундан иборатки, дастлабки тергов жиноят содир этилган жойда юритилади. Агар жиноят содир этилган жой дастлабки терговни юритиш даврида аниқланса терговчи кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтқазиб прокурор розилиги билан ишни қайси терговга тегишлилигига қараб ўтказиши мумкин. Худудий терговга тегишлиликнинг амалда бўлиши республиканинг маъмурий худудий бўлиниши ва тергов аппаратининг идоравий тузилишига боғлиқ бўлади. Масалан, прокуратура ва ички ишлар органлари маъмурий худудий бўлинишга асосланади.

Худудий терговга тегишлиликни аниқловчи асосий белги-бу жиноят содир этилган жой, унинг ёрдамчи белгилари эса-айбланувчи ва кўпчилик гувоҳлар турган жойдир.

³⁵Зинатуллин З.З., Салахов М.С., Чулюкин Л.Д. «Подследственность уголовных дел» Казань .1986 г. 21-23-бетлар.

³⁶Шимановский В.В. Общие условия производства предварительного следствия. уч.пос. Л., 1983 й. 5 бет.

МДХ мамлакатларининг ЖПКда ҳудудий терговга тегишлилик бўйича фарқлар мавжуд. Масалан, Украина ЖПКнинг 116-моддаси ва Молдова ЖПКнинг 112-моддаси ҳудудий терговга тегишлиликни “агар жиноят содир этилган жой маълум бўлса, дастлабки тергов кўпчилик гувоҳлар турган ерда ўтказилишини белгилайди”. Бошқа давлатларнинг ЖПК ҳудудий терговга тегишлиликни ёрдамчи белги сифатида жинойи оқибат келиб чиққан жой деб кўрсатади (Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 96-моддаси, Озарбайжон Республикаси. ЖПКси 129-моддаси, Туркменистон Республикаси ЖПКси 104-модда, Россия Федерациясининг ЖПКси (132-модда) эса жиноят аниқланган жойни кўрсатади.

Махсус терговга тегишлилик. Жиноят иши бўйича терговга тегишлилик жиноят субъекти бўлиб ким иштирок этишига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ЖПК мазмунига кўра тегишлилик билан бир қаторда махсус терговга тегишлиликни ҳам ажратади. Бу шаклдаги терговга тегишлилик баъзида персонал, яъни шахсига кўра тегишлилик деб ҳам аталади³⁷. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 345-моддасини 5,9-қисмларида шахсига кўра тегишлилик белгиланган.

ЖПКда назарда тутилган кейинги шакл жинойи ишнинг боғлиқлиги бўйича терговга тегишлилик ҳисобланади. Унга кўра, бир жиноят ишини тергов қилиш бошқа жиноят иши билан боғлиқ бўлса, шунда қўлланилади. (Бу Ўз Р. ЖПК нинг 345-моддасини 7 ва 8-қисмларида ўз аксини топган).

3-§. Дастлабки тергов учун ўрнатилган муддатлар

Жиноятларни тез ва тўла очишда, уни содир этган шахсларни аниқлашда, алоҳида тергов ҳаракатларини ҳамда бутун тергов фаолиятини бажариш учун ўрнатилган процессуал муддатларга³⁸ қатъий рион қилиш муҳим аҳамиятга эга.

³⁷ Карнеев Л.М., Лупинская П.А., Тыричев И.В. «Советский уголовный процесс». М., Юрлит. 1980 й. 238-б.

³⁸ Процессуал муддат-вақт оралиги бўлиб, бу муддат давомида жиноят процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши керак ёки уларни амалга оширишдан тийиб туриш талаб этилади. З. Ф. Иноғомжонова таҳрири остида. Жиноят процесси. Дарслик. «Янги аср авлоди». Т., 2002 й. 366-бет.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда алоҳида тергов ҳаракатларининг муддатлари белгиланган бўлиб, уларга қисқача тўхталамиз. Дастлабки тергов муддатлари қоида бўйича иккига бўлинади:³⁹ а) қонун (кодекс) билан белгиланадиган муддатлар; б) суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тайинланадиган муддатлар.

ЖПКда белгиланган муддатлар соат, сутка ва ойлар билан ҳисобланади. Муддатларни ҳисобга олишда муддатнинг ўтиши бошланган соат, сутка ҳисобга олинмайди, лекин бу қоида ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасада сақлаш муддатларини ҳисоблашга тааллуқли эмас (314-модда 1-қисм.).

Процессуал муддатларни таърифлашда олимлар орасида ягона фикр йўқ. Масалан З.Ф.Иноғомжонова процессуал муддатларни ифодаланиш мазмунига кўра 3-турдаги нормаларга ажратади: а) процессуал ҳаракатларни дарҳол бажарилишини белгиловчи нормалар (321-модда); б) аниқ муддатни белгиловчи қонун нормалари (475-модда); в) аниқ муддатларни белгиламайдиган қонун нормалари (333-модда)⁴⁰.

Дастлабки терговда алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш муддатларини қўйидаги гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Дастлабки терговни тезкор олиб борилишини таъминловчи муддатлар. Масалан, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол ёки уч суткадан, алоҳида ҳолларда эса ўн суткадан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши керак. ЖПКнинг 331-моддасига асосан суруштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини қўзғатиш учун асос ва сабаблар мавжуд бўлган тақдирда жиноят ишини қўзғатиши шарт ва бу ҳақда қарор чиқаради. Иш қўзғатилгандан кейин узоққа чўзилган жиноятларнинг олдини олиш ва жиноятларни такрорланишига йўл қўймаслик, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлган жиноят излари, нарса ва ҳужжатларни мустақкамлаш ва қўриқлаш юзасидан дарҳол чора кўриши лозим.

³⁹Гуляев А.П. «Процессуальные сроки в стадиях возбуждения и предварительного расследования». М., 1976.

⁴⁰Иноғомжонова З. Ф. таҳрири остида. Жиноят процесси дарслик. «Янги аср авлоди».Т., 2002 й.366-367 б.

ЖПКнинг 347-моддасига асосан ҳар бир терговчи ўз юритувида бўлган жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида бирор тергов ҳаракатини шахсан ўзи бажаришга ёхуд уни ўтказишни суриштирувчига топширишга қақли. Терговчининг топшириғида ижро этиш мажбурий бўлган муддат кўрсатилади. Терговчининг топшириғини бу муддат ичида ижро этишнинг иложи бўлмаса, топшириқ, олган шахс терговчига топшириқ қачон бажарилиши мумкинлиги тўғрисида ёзма равишда, телеграмма ёки телефонограмма орқали хабар қилади ва унинг кўрсатмаларига биноан топшириғни бажарилишини давом эттиради. ЖПКнинг 381-моддасига асосан терговчи айблов хулосасини тузгандан сўнг, унда ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни кўриб чиқиб, имзолаб, дарҳол прокурорга юборади.

2. Даствлабки терговда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатловчи муддатлар. Бунга гумон қилинувчи, айбланувчини сўроқ қилиш; ушлаб туриш; қамоққа олиш; жиноят иши қўшимча терговга қайтарилганда қамоқда сақлаб туриш муддатини ҳисоблаб чиқиш; тиббий муассасада сақлаш муддатлари киради. ЖПКнинг 110-моддасига асосан суриштирув ва даствлабки тергов ўтказиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун чақирилган, қамоққа олинган ёки мажбурий келтирилгандан кейин дарҳол ёки йигирма тўрт соатдан кечиктирилмай сўроқ қилиниши керак. Агар айблов эълон қилинганидан кейин дарҳол сўроқ қилишнинг имкони бўлмаса (масалан айбланувчининг тўсатдан соғлигининг ёмонлашуви, унинг қочишга, яширинишга уриниши ва ҳ.к.) сўроқ қилиш баённомасида кечиктириш сабаблари кўрсатилиши керак.

Агар сўроқ қилиш соат 22-00 да тугамаган бўлса, умумий қоида бўйича соат 6-00 ча танаффус эълон қилинади. Агар айбланувчининг кўрсатмаларини олиш ёки текширишни кечиктириш далилларнинг йўқолишига олиб келиши мумкин бўлса, жиноят иштирокчиларини ушлашга, ўғирланган мулкни қидириб топишга, янги жиноятларнинг олдини олишга ҳалақит берса, сўроқ қилиш тунги вақтда ўтказилиши мумкин. Ушлаб туриш гумон қилинувчига нисбатан унинг жинойий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетиш, далилларни яшириш ёки йўқ

қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. ЖПК нинг 226 моддасига асосан ушлаб туриш милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошлаб етмиш икки соатдан ошиб кетмаслиги керак. Қидирилаётган айбланувчи ушланганда, агар унга нисбатан қамокда сақлаш тариқасида эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор бўлмаса, шахс ушлаб турилган туман (шаҳар) прокурори тергов ўтказиладиган жойга олиб бориб топшириш учун зарур бўлган, лекин 10 суткадан ортиқ бўлмаган муддатга ушлаб туриш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли. Гумон қилинувчи ҳақиқий ушланган пайтдан бошлаб ўтган вақт айбланувчининг қамокда сақлаш муддатига киритилади.

Жиноятчи тергов қилинаётганда қамокда сақлаб туриш уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.⁴¹ Бу муддат терговни тамомлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурор томонидан беш ойгача узайтирилиши мумкин. Кейинчалик дастлабки тергов муддати фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан етти ойгача ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тўққиз ойгача узайтирилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда, содир этилган жиноятнинг оғирлигини ҳамда тергов қилинаётган ишнинг мураккаблигини инобатга олиб, дастлабки тергов муддати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин. (351-модда). Дастлабки тергов муддатига қуйидагилар кирмайди: а) айбланувчи, ҳимоячи шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш материаллари билан танишиб чиққан вақт; б) дастлабки тергов тўхтатиб турилган вақт; в) қўшимча тергов ўтказиш учун қайтарилган иш терговчига келиб тушгунга қадар ўтган вақт.

3. Дастлабки терговда қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратини кафолатловчи муддатлар. Бунга асосан мурдани эксгумация қилиш учун асослар (148-модда), почта телеграф жўнатмаларини хатлаш (166-модда), телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тартиби (170-модда.),

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001й, 9-10-сон 165-модда. 2001 й. 29 август қонуни таҳририда

прокурорнинг процессуал мажбурлов чораларни қўллаш ҳақидаги кўрсатмасининг мажбурийлиги (219-модда), оҳтиёт чораси сифатида қамокқа олишни қўллаш тартиби (243-модда.), қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тартиби (247-модда.), айбланувчини лавозимидан четлаттириш тўғрисидаги қарор (256-модда.), шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарор (266-модда.), жиноят ишени қўзғатиш тартиби (331-модда) киради.

Дастлабки тергов муддатларини ҳисоблаш ҳар доим жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб, одатда, терговчи томонидан жиноят ишени тугатиш тўғрисидаги қарор чиқариш, айблов хулосасини тузиш ёки ишени тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш билан тамомланади.

Суд ишени қўшимча тергов ўтказиш учун қайтариб юборганда, шунингдек тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда қўшимча тергов муддати тергов олиб бориш устидан назорат қилаётган прокурор томонидан, мазкур ишени терговчи қабул қилган пайтдан бошлаб белгиланади. Бу муддатни янада узайтириш ишени судга бериш, тўхтатиб туриш ёки тугатилгунга қадар ўтган тергов муддатини ҳисобга олган ҳолда умумий асосларда амалга оширилади.

Тергов муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномани терговчи тергов муддати тугашидан камида ўн сутка илгари прокурорга топширади. Прокурор ўз устхати билан илтимосномани қаноатлантиради ёки дастлабки терговни тамомлаб, ишени судга юбориш тўғрисида кўрсатма беради ёхуд жиноят ишени тугатиш тўғрисида қарор чиқаради (351-модда 7-қисм).

4-§. Дастлабки терговда жамоатчилик ва холисларнинг иштироки

Дастлабки терговда жамоатчилик ва холисларнинг иштирок этиши бу фаолиятни тўлиқ ҳар томонлама ва холисона бўлишини таъминлашга қаратилгандир.

Жамоатчиликнинг дастлабки терговдаги иштироки фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг бир шаклидир. Жамоатчиликни дастлабки терговда иштирок этишга жалб этиш-бу нафақат тергов сифатининг самарадорлигини ошириш балки,

фуқароларнинг қонунларга риоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш воситаси ҳамдир.

Жамоатчиликнинг дастлабки терговда иштирок этиши терговчига содир этилаётган ёки содир этилган жиноятлар тўғрисида хабар беришдан, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказишда бевосита ёрдам кўрсатишдан, ҳодиса содир бўлган жойни қўриқлашдан, унда бўлган изларни сақлаш, гувоҳ ва жабрланувчиларни аниқлаш, жиноят қуролларини қидириб топиш, бошқа жиноятларга алоқадор ва уни содир этган шахсларни аниқлашда ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Жиноят ҳақида маълумот олган суриштирув органи, терговчи, прокурор жиноят ишини қўзғатиш ҳақида қарор қабул қиладилар. Тайёрланаётган ёки содир этилган ҳар қандай жиноят ҳақидаги маълумотлар жамоатчилик томонидан айнан шу шахсларга жўнатилади. Агарда ушбу мансабдор шахслар жиноят ишини қўзғатишни рад этса, бу ҳақда жиноят тўғрисида хабар берган шахсга маълум қилиниши лозим. Ўз навбатида бу шахслар мансабдор шахснинг қарори устидан юқори турувчи органга шикоят қилиши мумкин.

Жамоатчиликни дастлабки терговга жалб қилиш шакллари хилма-хил бўлиши мумкин: жиноят ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ёки радио ва телевидение орқали хабардор қилиш ва бу ахборатларни эълон қилиш сабаблари, жиноятни содир этган шахслар ёки жиноятни ўз кўзи билан кўрган шахсларни аниқлашга қаратиш; жамоанинг мажлисида маърузалар қилиш ва жиноят содир этиш сабабларини ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишда тегишли чора ишлаб чиқиш, маҳалла йигинларига тергов ҳаракатлари ёки қидирувга ёрдам бериш тўғрисида мурожаат қилиш ва х.к. Терговчи мурожаатига ижобий қараган шахслар гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин.

Жамоатчилик вакилларига бирон-бир тергов ҳаракатини мустақил равишда бажаришни юклаб қўйиш ман этилади (масалан тинтув ва олиб қўйишни ўтказиш, тезкор-қидирув чораларини кўриш), чунки далилларни тўплаш дастлабки тергов ва суриштирувнинг жиноят-процессуал фаолиятидир. Бошқа орган, муассаса ва ташкилот дастлабки терговни ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

Жамоат вакиллари терговчига ўз муҳитидан холисларни, таржимонларни, мутахассисларни алоҳида тергов ҳаракатларида иштирок этиши учун тавсия қилишлари мумкин. Жамоатчилик муҳитидан тавсия этилган холислар, таржимонлар, мутахассисларга ЖПК қоидалари тадбиқ этилиб, улар тегишли процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Муайян жиноят иши бўйича унинг жараёнига ёки натижаларига нисбатан бирон-бир манфаатга эга бўлмаган шахслар ушбу иш бўйича холис сифатида иштирок этиш учун жалб қилинишлари мумкин.

Дастлабки терговда холислар: олиб қўйиш, тинтув ўтказиш, кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, эксперт тадқиқотини ўтказиш учун намуналар олиш, мурдани эксгумация қилиш, нарсалар ва ҳужжатларни тақдим қилиш тергов ҳаракатларида иштирок этадилар.

Агар сўроқ пайтида сўроқ қилинувчи шахс баённомага имзосини қўйиш ёки кўрсатув беришдан бош тортиш ҳаракатларини амалга оширса, у ҳолда унинг бу ҳаракатларини тасдиқлаш учун холислар чақирилади ва сўроқ қилиш баённомасида улар бу фактни тасдиқлаб, имзоларини қўядилар ёхуд терговчи бу фактни тасдиқлаш учун алоҳида баённома тузиш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳар бир тергов ҳаракатида ками-да икки нафар холис иштирок этиши шарт. Ўзбекистон Республикаси ЖПКга берилган шарҳида “холисларнинг ёши фуқаровий ҳуқуқий лаёқатга эга ёшдан паст бўлмаслиги даркор”⁴² дейилган.

Бу фикрга қўшила олмаймиз чунки, фуқаролар ҳуқуқий лаёқатга ёшга тўлмасдан ҳам эга бўлишлари мумкин. Фикримизча, холисларнинг ёши тўла фуқаролик муомала лаёқатига эга ёшдан паст бўлмаслиги лозим. Тўла фуқаролик муомала лаёқати эса ўн саккиз ёшдан бошланади⁴³. Холис сифатида ички ишлар органида, прокуратура ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлайдиган ходимларни жалб қилиш ман қилинади.

Холисларнинг жиноят ишидан манфаатдор бўлиши ёки бўлмаслиги терговчи томонидан тергов ҳаракатларини ўтказишдан олдин текширилади. Холис сифатида иштирок

⁴²Ўзбекистон Республикаси ЖПКга шарҳлар.ИИВАкадемияси.Т.,“Адолат”2000йил,464-бет.

⁴³Х.Б.Бобоев ва бошқалар, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”. ТДЮИ/Т., 2000 й. 300-бет.

этувчи шахс иш бўйича айнан бир пайтда процесда бошқа мавқега эга ҳолда иштирок этиши мумкин эмас.

Почта хат-хабарларини хатлаш ҳаракатлари учун жалб этиладиган холислар почта телеграф муассасасининг ходимлари таркибидан олиниши талаб қилинади. Холислар тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида бошидан охиригача иштирок этишлари талаб қилинади, акс ҳолда уларнинг иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари ҳуқуқий кучга эга бўлмайди.

5-§. Дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслик мажбурияти

Дастлабки тергов босқичида терговчи жиноят ишидаги барча маълумотларни ёки унинг муайян қисмидаги маълумотларни ошкор қилинмасликни талаб этишга ҳақли (353-модда). Тергов ҳаракатларида иштирок этаётган ёки бу ҳаракатларни бажаришга ҳозир бўлган ёхуд тергов материаллари билан танишаётган шахслардан уларнинг зиммасига ишда мавжуд бўлган маълумотларни унинг рухсатисиз ошкор қилмаслик тўғрисида мажбурият юклатилганлиги ҳақида тилхат олиши мумкин.

Жиноят иши материалларини асосиз равишда ошкор қилиш жиноят ишини тергов қилиш жараёнига жиддий тўсқинлик қилиши жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказиши мумкин.

Суд жараёнига қараганда дастлабки терговда ошкоралик талаблари нисбатан чекланган ҳолатда бўлади. Лекин дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслик мажбурияти-бу терговчининг махфий фаолияти дегани эмас: терговчи жиноят ишини очишда жамоатчилик ёрдамига таяниши, радио, телевидение, матбуотдан фойдаланиши, айбланувчини топиш учун фуқаролар билан мулоқотга киришиши мумкин. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, жиноят процессида терговчи жамоат ташкилотлари ва фуқароларни тергов қилинаётган иш бўйича у ёки бу маълумотларни беришларини тақиқламайди, аксинча улар томонидан бериладиган турли хил мулоҳазаларни текшириб кўради.

Дастлабки тергов материалларини ошкор қилмасликнинг турли хил сабаблари бор. Биринчидан, материалларни ошкор этилиши терговчининг ишини қийинлаштириши мумкин,

лекин ЖПКда ошкор этиладиган материаллар чегараси белгиланмаган ва бу терговчи томонидан мустақил ҳал қилинади; иккинчидан, жиноят содир этган шахс жиноятни очилаётганини билиб қолса яшириниши, ўз қилмишининг изларини йўқотиши, ўзининг айбсизлигини исботловчи сунъий далилларни тайёрлаши мумкин.

Дастлабки тергов материалларини шошилиш ошкор этиш айбланувчининг манфаатига ҳам зарар етказиши мумкин. Жиноий жавобгарликка тортиш бу-кейинчалик жиноят таркиби ёки ҳодисаси содир бўлмагани ёхуд қилмишда шахснинг айби йўқлиги асосида жиноят ишини тугатишнинг имкони йўқлиги дегани эмас. Жиноий жавобгарликка тортилган шахс қонунда назарда тутилган асослар бўйича дастлабки терговдан озод қилиниши ва айбсиз деб топилиши мумкин. Шунинг учун айбланувчини қоралайдиган дастлабки тергов материалларини ўз вақтидан олдин ошкор қилиш унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига асоссиз зарар етказиши мумкин.

Шундай қилиб, тергов юритувида бўлган материалларни ошкор қилиш қатъий равишда ишнинг ҳолати ёки шароитидан келиб чиқиб терговчи ёки прокурорнинг рухсати билан амалга оширилиши лозим. Шунинг ҳисобга олиб терговчи, зарур ҳолларда, гувоҳларни, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарни, таржимон ва экспертни, холислар ва бошқа шахсларни тергов ҳаракатларини ўтказишда ундаги маълумотларини ошкор этмаслик ҳақида огоҳлантиради ва бу ҳақда тилхат олади. Агарда бу тилхатдаги огоҳлантириш бузилса талабни бузган шахс Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 239-моддасига асосан жавобгарликка тортилади.

Тергов маълумотларини ошкор қилиш ҳақидаги рухсат терговчи ёки прокурор томонидан берилади ва у ёзма шаклда бўлиши шарт. Бундай рухсатни расмийлаштириш тегишли қарор шаклида қайд этилишини тақазо этади ва унда кимга, қайси доирадаги шахсларга қандай материалларни ошкор қилиш мумкинлиги кўрсатилади. Прокурорнинг рухсатисиз ҳеч ким жиноят ишини қўзғатишдан олдин маълум бўлган материалларни ошкор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

6-§. Тергов фаолиятида илмий-техника воситаларидан фойдаланиш

Жиноят процессуал кодексининг 81-моддасининг иккинчи қисмида далиллар манбаининг турлари белгиланган. Бунга овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлар киради.

Илмий-техника воситаларидан, сўроқ қилиш, юзлаштириш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперимент ўтказиш, олиб қўйиш ва тинтув, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали сўзлашувларни эшитиб туриш, нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш, эксперимент, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, қўрсатувни ҳодиса юз берган жойда текшириш каби тергов ҳаракатларида кенг фойдаланилади. Терговчи илмий-техника воситаларидан фойдаланишда мутахассисларни жалб қилиши мумкин. Илмий-техника воситаларидан фойдаланиш, далилларни топиш, текшириш ва ишга қўшиш учун зарур. Илмий-техника воситаларидан фойдаланган терговчи рад қилиб бўлмайдиган далилларга эга бўлади. Бунинг учун у қуйидаги шартларга риоя қилиши лозим:

1. Илмий-техника воситаларидан фойдаланганда уни сифатига эътибор бериши керак.

2. Терговчи илмий-техника воситаларидан фойдаланишда мутахассисни жалб қилиш билан бир қаторда барча масъулиятни ўз зиммасига олиши лозим.

3. Илмий-техника воситаларидан фойдаланилаётганлиги тўғрисида процесс иштирокчиларига маълум қилиниши керак.

4. Илмий-техника воситалари орқали тўпланган маълумотлар ҳолисларнинг иштирокида ишга қўшилиши лозим. Бошқа илмий-техника воситаларига приборлар, ашёлар, ва материаллар киради. Масалан, изларни нусхасини олишда гипс, парафин ёки полимерлардан фойдаланиш, кимё-физикага оид реактивлар, инфрақизил нурлар ва бошқалар. Булардан далилларни олиш ва расмийлаштиришда фойдаланилади.

7-§. Жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратиш

Дастлабки терговнинг умумий шартларидан бири бўлган жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратиш ЖПК нинг жиноят ишини қўзғатиш бобига (41-боб) киритилган бўлса ҳам, бу масала дастлабки терговда ҳал қилинади. Чунки жиноят ишини қўзғатиш бобида ҳодисанинг юз берган бермаганлиги, унда жиноят белгисининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги исботланади. Жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратишда эса ҳодиса исботланган, айб эса мавжуд бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКни 332-моддасининг биринчи қисмига кўра, қуйидаги ҳолатларда жиноят ишлари **бирлаштирилади**. Битта тергов иши юритувига бир неча шахснинг бир ёки бир неча жиноятни биргалашиб содир этганликда айбланишига доир ишлар ёхуд бир шахснинг бир неча жиноятни содир этганликда айбланишига доир ишлар бирлаштирилиши мумкин.

Қуйидаги ҳолатларда жиноят ишлари **ажратилади**. Бир ёки бир неча жиноятни биргалашиб содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан ишни ажратишга, башарти бу иш ҳолатлари бўйича зарур бўлиб қолса ҳамда бундай ажратиш суриштирувнинг, дастлабки терговнинг ва суд томонидан ишни кўриб чиқишнинг тўлиқ ва холисона бўлишига таъсир қилмаса, йўл қўйилади (ЖПКни 332-моддасининг 2-қисми). Ишни бирлаштириш ва ажратиш суриштирувчининг, терговчининг қарори билан амалга оширилади.


8-§. Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар

Жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт. Жиноятларнинг олдини олиш чоралари тўғрисида „Жиноят процесси“ дарслигининг умумий қисмида батафсил ёритилган.⁴⁴ Суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш давомида жиноятни содир этишига сабаб бўлган ва унга имкон берадиган шарт-шароитларни

⁴⁴ Иноғомжонова З. Ф. Жиноят процесси дарслик. „Янги аср авлоди“ Т., 2002 й. 338-343-бетлар.


аниқлаб, далиллар ёрдамида исботлаб, бартараф этиш чораларини кўришлари лозим. Бунинг учун махсус процессуал ҳужжат, тақдимнома қабул қиладилар ва уни тегишли давлат органларига, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идораларига, жамоат бирлашмалари, жамоалар ва мансабдор шахсларга юборадилар. Тақдимноманинг бир нусхаси жиноят иши материалига қўшиб қўйилади. Тақдимномага жавоб бир ой давомида терговчига ва прокурорга юборилиши шарт. Тақдимномада белгиланган йўл-йўриқлар ва талаблар бажарилмаган ёки етарли даражада бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

5 схема



6 схема

Терговга тегишлиликнинг турлари
(ЖПК 345-моддаси.)



Мавзу бўйича саволлар.

1. Дастлабки терговнинг қандай умумий шартлари мавжуд?
2. Терговга тегишлилик нима ва у қандай мақсадда турларга ажратилган?
3. Терговчининг топшириғи ҳақида нима биласиз?
4. Дастлабки терговнинг муддатлари ва уни узайтириш тартиби қандай?
5. Қандай тергов ҳаракатларида холислар иштирок этади ва нима учун?
6. Жиноят ишидаги маълумотлар қай тартибда сир сақланади ва уни ошкор қилиш қандай оқибатларга олиб келади?
7. Терговчилар гуруҳи раҳбарининг қандай ваколатлари бор?
8. Терговчи ва прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан қаерга ва қай тартибда шикоят қилинади?

IV-БОБ. ЖИНОЯТ ИШИДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧИ ТАРИҚАСИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ЖАЛБ ҚИЛИШ

1-§. Гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилиш тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 47-моддасига асосан, гумон қилинувчи-жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлсада, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 359-моддаси талабларига кўра, шахс Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган бўлса ёхуд ишда уни жиноят содир этишда гумон қилишга асос берувчи маълумотлар мавжуд бўлса, у жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинади.

Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаш асослари қуйидагилардан иборат:

1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;

2) жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жинойи фаолият билан шуғулланишига барҳам бериб, қочиб кетиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир. (ЖПК 220-моддасининг 1-қисми)

Ушбу қайд этилган шахсни гумонланувчи тариқасидаги ушлаб туриш асослари бир вақтнинг ўзида шахсни жиноят

иши бўйича гумон қилинувчи сифатида жиноят ишига жалб қилиш учун хизмат қилади.

Шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушиши—бу маълум бир шахсни жиноий хатти-ҳаракат (ижтимоий хавфли қилмиш-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ни амалга ошираётган вақтида бевосита ушлаб олинганлиги ёки жиноят содир этганидан сўнг қўлга тушганлигини билдиради.

Одатда жиноят содир этилган вақтида воқеа шохидлари жиноят содир этилиш жараёнини бевосита қўзатувчиси бўладилар. Жабрланувчилар эса бевосита жиноят содир этилиши жараёни иштирокчисидирлар. Жабрланувчилар ҳам воқеа шохидларини ҳам, жиноят содир этган шахснинг кимлигини ёхуд айнан кайси шахс томонидан содир этилганлигини аниқ кўрсатиб бера оладилар. **Жиноят шохидлари, шу жумладан, жабрланувчиларнинг жиноят содир этган шахсларни тўғридан-тўғри кўрсатишлари**— жиноятни очиш, тергов қилиш ва исбот қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар ва идоралар ходимларига кўрсатиб беришлигини англатади.

Шахснинг ўзида ёки кийимида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилиши деганда- шахснинг кийимида, ўзида ёки уйида ёхуд шахсга тегишли транспорт воситасида ёхуд шахсга тегишли буюм ва предметларда содир этилган жиноятнинг яққол излари масалан: жабрланувчи билан курашиш излари, белгилари, қон излари, қон доғлари, ўғирланган мулк, жиноят қуроллари ва бошқаларни топилиши тушунилади

Биз биламизки, жиноят ишини қўзғатиш учун ҳам, жиноят иши бўйича бирон бир процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳам ёхуд жиноят иши бўйича ишни қандай тарзда давом эттириш, йўналишини белгилаб олиш учун ҳам тўпланган материалларга, яъни тўпланган далиллар йиғиндисига мурожаат қилинади. Маълум бир шахсни муайян бир жиноятни содир қилишда гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилиш учун ҳам иш бўйича тўпланган далиллар йиғиндисига тегишли тарзда баҳо берилади. Далиллар эса албатта, маълумотлардан ва ашёвий далиллардан иборат бўлади. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилиш асосини яна бири бу-**гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар ҳисобланиб**—бу

бевосита ёки билвосита таърифга эга бўлган далиллар йиғиндиси ёки тизими сифатида намоён бўладиган, улар асосида тегишли шахснинг жиноят содир этганлиги тўғрисида шубҳа ҳолатини вужудга келтирадиган маълумотлардан иборатдир. Бу маълумотларнинг мавжудлиги шахс устидан дастлабки тергов жараёнида тегишли тергов ҳаракатларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, шахсни доимий яшаш жойи йўқлиги ёхуд унинг шахси аниқланмаганлиги ҳам шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туришга асос ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 226-моддасининг талабига кўра, милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган шахсни ушлаб туриш етмиш икки соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Гумон қилинувчи ушлангандан бошлаб йигирма тўрт соат ичида сўроқ қилиниши ва қонун талабларига асосан шу муддат ичида эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги масала ҳал қилиниши зарур.

✓ Гумон қилинувчи шахсни ушлаб туриш мақсади қуйидагилардан иборат:

1) ушлаб турилган шахснинг содир этилган жиноятга бўлган алоқаси;

2) шахснинг ўз жинойий фаолиятини давом эттиришига ёхуд бошқа ҳар қандай ғайриқонуний фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш;

3) суриштирув, тергов ва суддан кочиб кетишининг олдини олиш;

4) жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал бериш эҳтимолини бартараф қилиш;

5) жиноят иши бўйича ишга жалб қилинган ёки жалб қилиниши мумкин бўлган гувоҳ ва жабрланувчиларга нисбатан гумон қилинувчи томонидан ғайриҳуқуқий таъсир кўрсатиш, қўрқитиш, шахсий хавфсизлигига таҳдид солиш ҳаракатларининг олдини олиш.

Ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам, иш қўзғатилгандан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Иш қўзғатилгандан кейин ушлаб туришга фақат терговчи, суриштирувчи, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига мувофиқ йўл қўйилади (ЖПКнинг 220-моддаси)

Юқорида қайд этилган ушлаб туриш асослари мавжуд бўлганда милиция ва бошқа суриштирув органининг ходими,

шунингдек муомалага лаёқатли ҳар қандай шахс жимомт содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш ва яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга олиб келишга ҳақлидир. (ЖПКнинг 222-моддаси).

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 359-моддаси талабларига биноан шахс Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлгандагина гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилиниши мумкин. ✓

2-§. Гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор

Шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор қабул қилади.

Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор олдида қўйилган қонуний талаблар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 360-моддасида қайд этилган бўлиб, қонун талабларига асосан бирор жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс иш қўзғатилгунга қадар ушланган бўлса ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 225-моддасида назарда тутилган текшириш ушлаб туришнинг асосли эканлигини тасдиқлаган бўлса, терговчи шахсни ушлаб туриш, иш қўзғатиш ва ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида тўхтамларга келиб, уларни битта қарорда баён қилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 225-моддаси талаблари шундан иборатки, ушлаб туришнинг асосли эканлигини текшириш, ҳужжатларни талаб қилиш ва кўздан кечириш гумон қилинувчи тариқасида ушланган шахсни милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соатдан кечиктирилмай ўтказилиши лозим. Йигирма тўрт соат ичида ўтказилган текшириш ҳақиқатан ҳам гумон қилинувчини қонуний асосда ушланганлигини тасдиқласа, унда суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан яъни, жиноят иши бўйича ишни олиб бораётган мансабдор шахс

томонидан гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Қарорда ушлаб турилган шахс қайси жиноятни содир этишда гумон қилинаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг қайси моддасида бу жиноят назарда тутилганлиги, ушлаб туришнинг сабаб ва асослари, шунингдек шахсни ушлаб туриш, агар жиноят иши илгари қўзғатилмаган бўлса, жиноят ишини қўзғатиш ва уни ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш кўрсатилиши керак.

Шахсни гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилиш ҳақидаги ушбу қарор гумон қилинувчига у биринчи марта сўроқ қилингунига қадар эълон қилиниши шарт. Айни вақтда гумон қилинувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасида назарда тутилган гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилиши лозим.

Шахсни гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор уч қисмдан: кириш, тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмидан иборат бўлади. Қарорнинг кириш қисмида-ушбу қарорни чиқариш вақти ва жойи, орган ва қарорни чиқараётган мансабдор шахснинг фамилияси, исми-шарифи, эгаллаб турган лавозими, хизмат унвони, жиноят иши қўзғатилган бўлса, унда жиноят иши рақами, агарда қўзғатилмаган бўлса, қайси жиноий ҳодиса факти юзасидан қабул қилинаётганлиги қайд этилади.

Қарорнинг тавсиф-асослантириш қисмида-жиноят ишининг қисқача мазмуни яъни, жиноят иши бўйича аниқланган воқеа тафсилоти, содир бўлган ҳодиса Жиноят Кодексининг қайси моддасида назарда тутилган жиноят эканлиги ва ушбу жиноятни содир этишда гумонланаётган шахсни гумонланувчи тариқасида ишга жалб қилиш учун қандай далиллар мавжудлиги ва уни ушлаб туриш асоси нимадан иборат эканлиги батафсил ёритиб берилади ҳамда ЖПКнинг қайси моддаларига биноан қарор қилинаётганлиги қайд этилади.

Қарорнинг хулоса қисмида-гумонланувчи тариқасида ушланиб, гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилинаётган шахснинг тўлиқ фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, куни, турар жойи, қаерда ва қандай лавозимда ишлаши, оилавий аҳволи, муқаддам судланганлиги ва бошқа унинг шахсини аниқловчи маълумотлар, Ўзбекистон

Республикаси ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган ушлаб туриш асослари, ушланган шахсни қаерда ушлаб туриш, прокурорга ушбу қарор нухасининг юборилиши, ушланган шахсга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасида қайд этилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши кераклиги, қарорни сўнгида ушбу қарорни тузган шахсни эгаллаб турган лавозими, мансаби, хизмат унвони, фамилияси, исми-шарифи, шунингдек қарор якунида гумонланувчи тариқасида ушлаб турилиб, ишга гумон қилинувчи тариқасида жалб қилинаётган шахсни қарор билан танишиб чиққанлиги ҳақида қайд этилади. Бу шахс қарор билан танишиб чиққанлигини ўз имзоси билан тасдиқлайди ва санасини қайд қилиб қўяди.

3-§. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тартиби ва қарори.

Жиноят иши бўйича гумон қилинувчи шахсни ушлаб туриш муддати етмиш икки соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Ушлаб туриш муддати тугагунга қадар ва асослар мавжуд бўлганда шахс айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши, унга айб эълон қилиниши, ЖПКнинг 109-112- моддаларидаги қоидалар бўйича сўроқ қилиниши ва ЖПКнинг 236-240- моддалари қоидаларига амал қилган ҳолда эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги масалани ҳал қилиниши зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг талаблари асосида айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор чиқарилгандан бошлаб айбланувчи деб юритилади.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор чиқарилган пайтдан бошлаб айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддасида қайд этилган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади ва унга юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларида назарда тутилган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини чекланишини ҳамда асоссиз равишда уларни жинойий жавобгарликка тортилишларини олдини олиш мақсадида, қонун жиноят содир этишда гумон қилинувчи шахснинг айбини тасдиқловчи

далилларни етарли даражада тўпланган тақдирдагина уни жиноят иши бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш тўғрисида қарор чиқарилиши мумкинлигини таъкидлайди.

Жиноят иши бўйича шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш учта мустақил процессуал ҳаракатни ўзида акс эттиради:

1) жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорнинг терговчи томонидан ёки прокурор томонидан тузилиши;

2) терговчи ёки прокурор томонидан, яъни жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишга масъул шахс томонидан айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинаётган шахсга айбловнинг эълон қилиниши;

3) айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинган шахсга айбловнинг эълон қилиниши билан ёки уни айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортилгандан кейин йигирма тўрт соат ичида сўроқ қилиниши.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 361-моддаси талабларига асосан, шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорни терговчи ёки прокурор чиқаради. Қарорда:

1) айбланувчи тариқасида жалб этилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган куни, оyi ва йили;

2) айбловнинг мазмуни, яъни шахснинг зиммасига қўйилаётган жиноят ҳодисаси, у содир этилган жой, вақт ва бошқа муҳим ҳолатлар баёни;

3) Жиноят кодексининг ушбу жиноятни назарда тутган моддаси, қисми, банди акс эттирилиши лозим.

Жиноят Кодексининг турли моддалари, қисмлари ва бандларида назарда тутилган бир неча жиноятни содир этишда айбланганда, бу жиноятлардан ҳар бирининг моҳияти ва юридик тавсифи алоҳида кўрсатилиши лозим.

Қарорнинг хулоса қисмида мазкур шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида тўхтамга келинганлиги ифодаланиши лозим. Умуман олганда, шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорнинг шакли гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилиш ҳақидаги қарор тузилишига

ўжшаб кетади. Масалан, бу қарор ҳам уч қисмдан: кириш, тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмдан иборат бўлади.

Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор асосланган, ҳуқуқий жиҳатдан тўғри тузилган ҳуқуқий ҳужжат бўлиши талаб қилинади. Шунинг билан бирга ушбу қарорда содир этилган жиноятнинг барча ҳолатлари аниқ ва равшан тавсиф этилиши, ушбу тавсиф жиноят иши юзасидан тўпланган материалларга тўла мос келиши, далилларга асосланган бўлиши лозим. Қарорда содир этилган жиноятнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида назарда тутилган моддаси, қисми ва банди аниқ ва тўлиқ баён этилиши керак.

Қарорнинг хулоса қисми жиноят иши юзасидан тўпланган далил ва исботларга таянган ҳолда чиқарилган жиноят иши бўйича дастлабки терговни амалга ошираётган масъул шахс-терговчи ёки прокурорнинг хулосаларини ўзида акс эттирган бўлиши, ушбу хулосалар албатта қарорнинг тавсиф-асослантириш қисмидан мантиқий жиҳатдан келиб чиққан бўлиши шарт ҳисобланади.

Содир этилган жиноят бир неча шахслар томонидан амалга оширилган бўлса, унда жиноят иши бўйича айбланувчи тариқасида барча жиноят содир этган шахсларни ишга жалб қилиш лозим бўлади. Бундай ҳолларда, албатта ҳар бир жиноят содир этган шахс учун алоҳида жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб қилиш тўғрисида қарор чиқарилиши ва уларга ушбу қарор қонун билан белгиланган тартибда алоҳида эълон қилиниши керак. Айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этиш учун жалб қилиш тўғрисида тузилган ҳар бир қарор тегишли тартибда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 361-моддаси талабларига мос келиши шарт.


Айбланувчининг қонун билан белгиланган ҳуқуқларини муҳофаза қилиш вазифаси ҳамда унинг ҳуқуқларини поймол қилмаслик мажбурияти дастлабки терговни амалга ошираётган масъул мансабдор шахснинг-терговчи ва прокурорнинг зиммасига юклатилгандир. Айбланувчининг ҳуқуқларини чеклаб қўйиш эса-қонун билан белгиланган ҳуқуқий оқибатларга (процессуал ҳужжатнинг бекор қилинишига, айрим ҳолларда-айбланувчининг ҳуқуқларини ғайриқонуний тарзда чеклаган, поймол қилган мансабдор

шахсни тегишли тарзда жавобгарликка тортилишига) сабаб бўладиган жиддий процессуал бузилиш ҳисобланади.

Жиноят иши бўйича айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинаётган шахс томонидан ёки шахслар томонидан бир неча жиноят содир этилган бўлса, унда ушбу бир қарорнинг ўзида барча жиноят тафсилотлари баён қилиниши ва ҳар бир жиноят учун тавсиф алоҳида акс эттирилиши лозим. Бир неча шахслар томонидан бир жиноят содир этилган ҳолларда, ҳар бир айбланувчининг жиноят содир этишдаги роли ушбу қарорда аниқ баён қилиниши лозим. Қарорни бундай матнда тайёрлаш ҳар бир жиноят содир этган шахсни ижтимоий хавфлилик даражасига тегишли тарзда ҳуқуқий баҳо беришда катта аҳамиятга эгадир. Ушбу ҳолат уларнинг хатти-ҳаракатларини тўғри квалификациялаш (квалификация қилиш)га ҳамда суд томонидан уларга нисбатан жазо тайинлашда адолатлилик тамойилини амалга оширишда кўмак беради.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда айбланувчининг шахсига тегишли бўлган барча маълумотлар тўлиқ ва асослантирилган ҳолда баён қилиниши лозим. Қарор сўнгида айбланувчининг қонун билан белгиланган процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, хусусан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги ҳақида қайд этилиши ва бу ҳолат айбланувчи томонидан имзоланиши керак. Бунда айбланувчи қарор билан танишган кун, ой ва йил ҳақида баённомада қайд этилади.

Қарорнинг хулоса қисми дастлабки терговни амалга ошираётган терговчи ёки прокурор томонидан имзоланиши, ўз мансаби, хизмат унвони, фамилияси, исми-шарифи қарор сўнгида қайд этилиши керак. Шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор (ЖПК нинг 361-моддаси)га кўра, шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш қуйидаги схемадаги шаклда амалга оширилади:



4-§. Айбловни ўзгартириш, тугатиш ва тўлдириш асослари

Айбловни ўзгартириш, тугатиш ва тўлдириш Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 362-моддасида кўрсатилган талаблар асосида амалга оширилади. Қонун талабларига кўра, башарти тергов ўтказиш чоғида дастлабки айбловни қайта кўриб чиқишни тақозо этадиган янги далиллар тўпланган бўлса ёки дастлабки айбловнинг ноаниқлиги ёхуд юридик тавсифи нотўғрилиги маълум бўлиб қолса, дастлабки айблов ўзгартирилиши, қисман тугатилиши ёки тўлдирилиши лозим. Бу ҳақда дастлабки терговни амалга ошираётган шахс томонидан тегишли тартибда қарор чиқарилади ва унда айбловнинг янги мазмуни баён қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддасида ҳамда 84-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган айбланувчини реабилитация этиш учун асос бўладиган ёки ишни юритиш учун монелик қиладиган ҳолатлар аниқланса, айблов тугатилади.

Реабилитация асосларига: 1) иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ўтказилган, жиноий иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги; 2) айбланувчи тариқасида жиноят ишида

иштирок этиш учун жалб қилинган шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги; 3) айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этиш учун жалб қилинган шахснинг содир этилган жиноятга дахли йўқлиги киради.

Ишни юритишга монелик қиладиган ҳолатларга шахснинг жиноят содир этилишида айблилик масаласини ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар киради, яъни:

- 1) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;
- 2) эълон қилинган амнистия ҳужжати содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;
- 3) айбланувчи вафот этган бўлса;
- 4) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;
- 5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши кўзгатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақидаги бекор қилинмаган қарори бўлса;
- 6) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан кўзгатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса (ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);
- 7) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жинорий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тулмаган бўлса.

Жиноят иши бўйича қуйидаги ҳолларда ҳам шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши тўғрисида қарор чиқарилиши мумкин:

1) ишни тергов қилиш мобайнида қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса;

2) биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс жиноят содир этганидан кейин етказилган зарарни бартараф этган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон қилган ва жиноятни фош қилишга фаол кўмаклашган бўлса;

3) содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганининг шахсини ҳисобга олиб, материалларни воёга

етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қараб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса;

4) жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича айбланувчи билан ярашган тақдирда айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

Айбловни тугатиш тўғрисида дастлабки терговни амалга ошираётган терговчи ёки прокурор қарор чиқаради. Бир йўла шу қарор билан айбланувчига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси, мулкни хатлаш, лавозимидан четлаштириш чораларини бекор қилади ва шахсга айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга қонунсиз жалб қилинганлиги сабабли кўрган зиёнларини ундириб олиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиради. қарорнинг нусхаси шу шахсга дарҳол тақдим қилиниши ёки юборилиши лозим.

Айбловни тугатиш тўғрисидаги қарор ҳам уч қисмдан: кириш, тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор шакли билан бир хил бўлиб, ушбу қарорда ҳам айбловни тугатиш учун асос бўлган барча далил ва исботлар баён қилиниши ва қарор қонун талабларига кўра асослантириб берилиши лозим.

Мавзу учун саволлар.

1. Гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилиш асослари нималардан иборат?

2. Гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорнинг мазмуни қандай?

3. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш мазмуни нимадан иборат?

4. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишнинг гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилишдан қандай фарқи бор?

5. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорнинг мазмуни қандай?

6. Жиноят ишига айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишда терговни олиб бораётган шахсга қандай мажбуриятлар юклатилган?

7. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишнинг процессуал муддатлари қандай ва

айбланувчини сўроқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

8. Айбловни ўзгартириш, тугатиш ва тўлдиришнинг қонуний асослари нималардин иборат?

9. Айбловни ўзгартириш, тугатиш ва тўлдириш тўғрисидаги қарорнинг мазмуни қандай?

V-БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТЎХТАТИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ

1-§. Дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклашнинг тушунчаси, унинг мазмуни, қонуний асослари

Дастлабки терговни тўхтатиш-тергов жараёнида тергов олиб борилишига тўсқинлик қиладиган ва тергов ҳаракатларини олиб боришга имкон бермайдиган ҳолатлар вужудга келиши муносабати билан амалга оширилади. Жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини олиб боришни тўхтатиш дастлабки тергов, суд муҳокамасига тайинлаш ва суд муҳокамаси даврида ҳам амалга оширилиши мумкин. Тергов ҳаракатларини олиб боришни тўхтатиш тушунчаси дастлабки тергов мобайнида амалиётда кўпроқ қўлланилади. Чунки, тергов ҳаракатларини олиб боришга имкон бермайдиган ҳолатлар айнан дастлабки тергов жараёнида кўп учрайди, бу ҳолатни баргараф этгандан кейингина дастлабки терговни олиб бориш мумкин бўлади.

Дастлабки терговни олиб бориш учун имкон бермайдиган ҳоллар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 364-моддасида қайд қилинган бўлиб, улар дастлабки терговни тўхтатиш асослари деб номланган. Ушбу моддада дастлабки терговни тўхтатиш асослари билан биргаликда тартиби ҳам белгиланган. Қонун талабига кўра, дастлабки тергов:

- 1) иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган;
- 2) айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган;
- 3) айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, башарти унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаса;
- 4) айбланувчи ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда тўхтатилади.

Дастлабки тергов ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар юзага келган вақтдан бошлаб тўхтатилади. Лекин дастлабки тергов тўхтатилгунга қадар терговчи айбланувчи йўқлигида бажариш мумкин бўлган барча тергов ва процессуал ҳаракатларни бажариши шарт. Шундай қилиб, дастлабки терговни тўхтатиб туриш учун иккита шарт мавжуд:

1) Жиноят иши юзасидан олиб борилаётган ҳодисада ҳақиқатан ҳам жиноят аломатлари мавжуд бўлишлиги, буни тасдиқловчи етарли далиллар тўпланган бўлиши талаб қилинади;

2) Айбланувчини йўқлигида бажарилиши лозим бўлган барча тергов ва процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши керак.

Ушбу икки ҳолат фақатгина ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган айбланувчига нисбатан қўлланилиши ва уларга тегишли жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни вақтинча тўхтатиб туриш учун асос бўлиб хизмат қилади. Лекин қолган асослар билан жиноят иши бўйича дастлабки терговни вақтинча тўхтатиш учун яна иккита қуйидаги шарт мавжуд:

1) дастлабки терговнинг қонун билан белгиланган муддатини ўтганлиги;

2) терговдан яширинган айбланувчини топиш ва жавобгарликка тортиш бўйича бажарилиши лозим бўлган барча процессуал ва тергов ҳаракатлари бажарилган бўлиши шарт.

Барча процессуал ва тергов ҳаракатларини бажарилган бўлиши ҳақидаги талабга кўра, терговчи айбланувчига боғлиқ бўлмаган, унинг иштирокисиз ўтказиш мумкин ва лозим бўлган тергов ва процессуал ҳаракатларни тушунамиз. Бунда иш бўйича далилларни тўплаш ҳаракатлари тўлиқ ҳажмда амалга оширилмаган бўлса ва айбланувчининг иштирокисиз ушбу далилларни топиш, қайд қилиш ва тўплаш имконияти бўла туриб, уларни топилмаган, қайд қилинмаган ва тўпланмаган бўлса, унда ушбу жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини тўхтатиш мумкин эмас.


Агарда, шу тергов ҳаракатларини тўлиқ бажариш учун тергов муддати етишмаган бўлса, тергов муддатини узайтириш лозим бўлади. Агарда айбланувчини оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган ва айни ҳолда ишни юритишда иштирок этишини истисно этадиган касалликка чалинганлиги аниқланса, унда ушбу факт тегишли тартибда суд тиббий экспертизаси ўтказиш йўли билан тасдиқланиши керак. Суд тиббиёт экспертизасининг ёхуд суд психолог экспертизасининг хулосаси дастлабки терговни тўхтатишга асос ҳисобланади. Агар руҳий касаллик тузалмайдиган

характерга айланган бўлса, унда жиноят ишини тўхтатиш эмас, жиноят ишини қарор билан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун прокурор орқали судга юборилиши талаб этилади.

Жиноят процессуал қонунчилиги талабига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ўз ваколатлари доирасида жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда жинойий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлашлари ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт. Жиноят содир этган шахсларни аниқламаслик эса, қонунчилик, давлат ва жамият, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид ҳисобланади. Шунинг учун дастлабки тергов мобайнида юқорида қайд этилган дастлабки терговни тўхтатиш асослари пайдо бўлиб қолса, қонунда кўрсатилган талабларни бажарилганидан сўнг дастлабки терговни тўхтатиш мумкин.

Дастлабки терговни тўхтатиш асослари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 364-моддасида белгиланган.

8-схема



2-§. Дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклаш тўғрисидаги қарор чиқариш учун қўйиладиган талаблар

Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида етарли асослар бўлганида терговчи қарор чиқаради ва унинг нусхасини прокурорга юборади.

Дастлабки тергов фақатгина айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш учун асослар ва далиллар бўлгандагина тўхтатилиши мумкин, агарда бундай далил ва исботлар етарли бўлмаса, унда жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатиб туриш тўғрисида эмас, балки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор чиқарилиши керак.

Жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишдан аввал терговчи агарда айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлса, тегишли тартибда қидирув эълон қилиши, иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган бўлса уни аниқлаш юзасидан тегишли барча чораларни кўриб, жойларга топшириқлар юбориши ҳамда айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган бўлса, башарти унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаса, айбланувчини қаерда эканлигини аниқлаш ва уни келтириш юзасидан тегишли тезкор-қидирув топшириқларини жойларга юбориш лозим.

Агарда иш бўйича бир неча айбланувчи бўлиб, улардан биронтасига нисбатан терговни тўхтатиш асослари мавжуд бўлса, унда жиноят ишини бир қисми алоҳида иш юритувга ажратилади ва шу қисми бўйича дастлабки тергов вақтинча тўхатилади, қолган қисми бўйича эса тергов давом эттирилиб, жиноят иши қонун талаблари асосида кўриб чиқишлик учун судга юборилади.

Айбланувчини қаерда эканлиги номаълум бўлган шахсга нисбатан жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатиш учун жиноят иши материалларида етарли даражада шу ҳолатни тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлиши керак. Айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинган шахс, ўзини турар жойини ўзгартирганлиги ҳақида дастлабки тергов органларига маълум қилиши шарт ҳисобланади. Айбланувчи ўз турар жойини ўзгартирганлиги ҳақидаги хабарни турар жойини ўзгартирганидан сўнг оғзаки ёки ёзма равишда йигирма тўрт соатдан кечикмай маълум қилиши талаб

қилинади. Ушбу талабни бажарилмаслиги айбланувчига нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чорасини қўллашга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Унинг ўз турар жойини ўзгартирганлиги, дастлабки тергов ва суддан яшириниш мақсадида содир қилинмаган бўлса, бу ҳолат жиноят ишини тўхтатишга асос бўлмайди.

Айбланувчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетганлиги ва уни терговга олиб келишни имконияти бўлмаслиги аниқланса ҳам жиноят ишини тўхтатишга асос бўлади.

Айбланувчини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетганлиги икки хил шаклда яъни, қонуний ва гайриқонуний бўлиши мумкин:

1) Айбланувчи Ўзбекистон ҳудудидан қонуний равишда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, чиқиб кетган бўлса, унда унинг қонуний чиқиб кетганлиги расмийлаштирилган ҳужжатлар билан тасдиқланади ва шу ҳужжатлар асосида жиноят ишини тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарилади;

2) Айбланувчи Ўзбекистон ҳудудидан қонун талабларига зид равишда тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан, тергов ва суддан қочиш мақсадида яширин равишда хорижий давлатларга қочиб чиқиб кетган бўлса, гайриқонуний бўлади.

Дастлабки тергов органлари томонидан шу сабабларга кўра, ўз иш юритувларидаги жиноят ишлари юзасидан, агарда айбланувчини чет элга қочиб кетиш эҳтимоли бор бўлса, бу шахслар ҳақида терговчи хорижга чиқиш учун тегишли рухсатнома (виза) ҳужжатларини расмийлаштириш билан шуғулланадиган Ички Ишлар Идораларига маълумотнома юбориши ва маълумотнома орқали шу шахсларга тегишли рухсатномаларни расмийлаштиришни таъқиқлаб қўйиш ҳақида талабнома юбориши лозим. Талабнома қарор тарзида прокурорни тегишли рухсатномаси олингани ҳолда амалга оширилади. Бу билан айбланувчини қонуний йўл билан хорижий давлатларга чиқиб кетиши ва ўша давлатларда қолиб кетиб, жиноий жавобгарликдан қутилиб кетишининг олди олинади.

Дастлабки терговни амалга ошираётган шахс томонидан айбланувчи топилмаганлигини баҳона қилиб ва тегишли тергов ва қидирув ҳаракатларини ўтказмасдан ишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилиниши қатъиян ман қилинади. Терговчи томонидан бундай гайриқонуний қарорни

қабул қилинганлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлган бўлса, хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлиши ва текшириш натижасига кўра унинг томонидан ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қаралган деб ҳам баҳоланиши мумкин.

Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида юқорида қайд этилган асослар мавжуд бўлганда, қонунда белгиланган тартибда дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида терговчи томонидан қарор чиқарилади ва унинг нусхаси тегишли прокурорга юборилади.

Прокурор терговчи томонидан қабул қилинган қарорни қонунийлигини ўз ваколатлари доирасида текшириб чиқиб, терговчини фикрига қўшилса, қарорни ўзгартирмайди. Терговчининг қарорини ноқонуний деб топса, унда қарорни бекор қилиб, дастлабки терговни тиклаш ҳақида қарор қабул қилади. Прокурор ўз қароридан жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини тиклаш асосларини ҳамда бажарилиши лозим бўлган тергов ҳаракатларини кўрсатиб беради. Прокурорнинг ушбу қарорига асосан терговчи дастлабки терговни давом эттиради.

Терговчи мабодо, прокурорни фикрига қўшилмаса, унда ўз мулоҳазаларини ёзма равишда баён қилиб, жиноят ишини юқори турувчи прокурорга тақдим қилади. Юқори турувчи прокурор ҳам жиноят иши материаллари ва терговчининг фикр мулоҳазалари ҳамда қуйи турувчи прокурорнинг қарорини қонунийлигини ўз ваколатлари доирасида текшириб чиқади. Қуйи турувчи прокурорнинг фикрига қўшилса, қарорни ижро қилиш учун терговчига юборади. Қуйи турувчи прокурорнинг фикрига қўшилмаса, унда унинг қарорини бекор қилади.

3-§. Қидирув эълон қилиш

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 365-моддасида қидирув эълон қилиш тартиби белгиланган бўлиб, айбланувчининг турган жойи номаълум бўлганда терговчи унинг турар жойини аниқлаш учун зарур бўлган барча чораларни кўриши, зарур ҳолларда эса, унга нисбатан қидирув эълон қилиши шарт.

Ўз мазмунига кўра қидирув иши айбланувчи тариқасида жиноят ишига жалб қилинган шахсни излаб-топишга

қаратилган фаолиятдир. Агар шахс айбланувчи тариқасида жиноят ишига жалб қилинмаган бўлса, жиноятни ким содир этганлиги аниқланмасдан туриб, жиноят содир этган шахсни излаш яъни жиноятни очиш ва тезкор-кидирув фаолияти билан боғлиқ ҳолат бўлади.

Терговчи фақат айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши тўғрисида қарор чиқарилган шахсга нисбатан қидирув эълон қилишга ҳақли. Қидирув дастлабки тергов ўтказилаётганида ҳам, шинингдек дастлабки тергов тўхтатилганидан кейин ҳам эълон қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 242-243-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда терговчи прокурорнинг санкцияси билан қидирилаётган айбланувчи топилган тақдирда унга нисбатан қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасини қўллаши мумкин.

Қидирилаётган айбланувчи ушланган тақдирда ўша жойдаги прокурор ўша шахснинг қидирилаётган айбланувчи эканлигини аниқлаши ва қамоққа олиш учун қонуний асослар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Қидирув эълон қилишни амалга оширмасдан туриб, аввал ҳақиқатан ҳам айбланувчининг терговдан яширинганлигини аниқлаш зарур. Бунинг учун унинг шахси тўғрисида батафсил ахборот йиғиш лозим бўлади.

Айбланувчини қидиришда барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, суриштирув органларининг хизматидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Айбланувчига нисбатан қидирув эълон қилиниши дастлабки терговга ёрдам берадиган далилларни йиғиш ҳаракатларини тўхтатиб қўймайди.

Қидирув эълон қилиш тўғрисидаги қарорда терговчи олиб борилаётган жиноят ишининг ҳолатлари, қидирув эълон қилиш асослари, қидирув фаолиятини кимга топширилаётганлиги, қидирилаётган шахсга нисбатан қандай эҳтиёт чораси қўлланиши кераклиги ва қидирилаётган ушланган тақдирда уни қаерга юборилиши лозимлигини баён қилади. Агарда жиноят ишини тўхтатиш ва қидирув эълон қилиш тўғрисидаги терговчининг қарори битта ҳуқуқий ҳужжат-қарорда ифода этилган бўлса, унда барча маълумотлар ушбу ҳужжатда кўрсатиб ўтилиши керак.

Айбланувчининг қидируви натижасини ва самарасини терговчи томонидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи суриштирув органлари билан ишни ташкил қилганлигига қараб белгилаш мумкин. Одатда терговчи айбланувчини қидируви билан боғлиқ бўлган топшириқни қарор ҳамда қидирилувчининг фотосурати билан биргаликда ички ишлар органларига юборади. Қидирув ҳақидаги қарорга қидирилаётган шахс ҳақида батафсил маълумот берилади. Унинг ташқи кўриниши, ёши, миллати, ирқи ва қаерларда бўлиши мумкинлиги, умуман олганда қидирилаётган шахсни топишга ёрдам бериши мумкин бўлган ҳар қандай маълумот илова қилиб юборилиши лозим.

Қидирилаётган шахснинг шахсий маълумотномасида: фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, ойи, куни, миллати, фирқага аъзолиги, маълумоти, оилавий аҳволи, қариндошларининг рўйхати ва уларнинг турар жойлари, унинг мутахассислиги, ихтисослиги, охириги турар жойи ва ишлаш жойининг манзилгоҳи, ҳарбий хизматга алоқадорлиги, судланганлиги тўғрисидаги маълумотлар, ташқи қиёфа белгилари, саломатлиги, сурункали таърифга эга бўлган касалликлари, қаерда даволанганлиги, жиноий жавобгарликдан қандай сабабларга кўра қочганлиги, унга кимлар ёрдам берган бўлиши мумкинлиги ёхуд аниқ бўлса ким ёрдам берганлиги, шахсий алоқалари ва бошқа шунга ўхшаш маълумотлар ҳамда айбланувчи қаерда яшириниши мумкин бўлган ҳудудлар, жойлар, тахмин ва тусмоллар мавжуд бўлганда қидирувни осонлаштирадиган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Зарур бўлган ҳолларда, қидирув эълон қилиш тўғрисидаги қарор билан биргаликда айбланувчини сўроқ қилиш тўғрисидаги топшириқни ҳам қўшиб жўнатилади. Сўроқ қилиш тўғрисидаги топшириқда айбланувчидан сўралиши лозим бўлган саволлар тизимини ҳам қўшиб юбориш мумкин.

Қидирув эълон қилиш тўғрисидаги қарор ва топшириқ суриштирув органига топширилганидан сўнг ҳам терговчи айбланувчини қидириш юзасидан ўз фаолиятини тўхтатмайди. Терговчи ўзининг қидирув ҳақидаги қарорининг ижросини мунтазам равишда суриштирув органларидан талаб қилиб туришга ҳақлидир. Агарда қидирувни амалга ошираётган суриштирув органлари фаолиятидан терговчи

норози бўлса, бу ҳақда прокурорга шикоят билан муурожаат қилиши мумкин.

Агарда айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса, у ҳолда шахсни халқаро-ҳуқуқий экстрадация қоидаларига асосан мамлакатимиз ҳудудига олиб келиш ва айбланувчини тутиш лозим. Экстрадация мунособатлари эса тегишли хорижий давлат билан республикамиз ўртасида тузилган халқаро-ҳуқуқий шартномага асосан амалга оширилади.

Шахнинг кидируви Интерпол (халқаро полиция) орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолда, ушбу ташкилот қоидаларига бўйсунтириш лозим бўлади.

4-§. Айбланувчи касал бўлиб қолганида дастлабки терговни тўхтатиш.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 366-моддасига кўра айбланувчи касал бўлиб қолганида дастлабки тергов тўхтатилади унда кўрсатилишича, суд-тиббий эксперти ёки психиатр-эксперт айбланувчининг касалини жиноят ишини юритишда иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касаллик деб топса, иш бўйича дастлабки тергов айбланувчи соғайгунга қадар тўхтатилади.

Бундай ҳолда айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси терговчи томонидан ЖПКнинг 236-254 моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда сақлаб қолиниши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Шифокорнинг оддий маълумотномаси орқали ёхуд айбланувчининг ўзини касаллигини билдириб берган оғзаки илтимосномаси орқали жиноят ишини тўхтатиб қўйиш ман этилади. Жиноят ишини тўхтатиш учун айбланувчининг оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка учраганлиги тегишли тартибда суд-тиббий ёхуд суд психиатрик экспертиза орқали аниқланиши ва уларнинг шу ҳақдаги тегишли хулосаларини олинishi шарт ҳисобланади.

Суд-тиббий экспертнинг (СПЭ ҳам) хулосаси асосидагина жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин. Айбланувчини оғир касалликка дучор бўлганлиги терговчини айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки

бекор қилиш ҳуқуқини чегараламайди. Терговчи ҳар қандай ҳолда, ЖПКнинг 236-254-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда қарор қабул қилиши лозим.

5-§. Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор

Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор терговчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 369-моддасида кўрсатилган талаблар асосида чиқарилади. Бу қарор асослантирилган процессуал ҳужжат ҳисобланиб: 1) тўхтатилган жиноят иши бўйича ҳақиқатан ҳам жиноят ҳодисаси содир этилганлиги исботланган бўлиши, бу тўғрисида иш бўйича тегишли далиллар мавжуд бўлиши; 2) иш бўйича айбланувчининг иштирокисиз амалга оширилиши лозим бўлган барча тергов ҳаракатлари ўтказилган бўлиши, иш материаллари билан бу ҳолат ўз тасдиғини топиши; 3) жиноят содир этган шахсни ва жиноятдан кўрилган зарарни аниқлаш мақсадида барча чора ва воситалар бажарилган бўлиши шарт. Ушбу шартларнинг бажарилмаганлиги чиқарилган қарорни асосsizлигини билдиради.

Қарор асосан уч қисмдан, яъни кириш, асослантириш ва хулоса қисмидан иборат бўлади. Қарорнинг кириш қисмида: а) қарорнинг тузилган жойи (аҳоли яшаш пункти); б) қарор тузилган вақт (йил, ой, кун); в) қарорни тузган шахснинг лавозими, махсус унвони, фамилияси, исми-шарифи ва г) қайси иш бўйича ушбу қарор чиқарилаётганлиги (жиноят ишининг номери ёки номи-кимга тегишли эканлиги) қайд этилади.

Қарорнинг тавсиф (асослантириш) қисмида жиноят ишининг мазмуни, қандай сабабларга кўра ишни тўхтатиш кераклиги ва уни асословчи ҳолатлар ва исботловчи далилларни ўз ичига олади. Қарорнинг хулоса қисмида қабул қилинган қарорнинг мазмуни-(яъни, процессуал ҳаракат мазмуни ва мақсади) дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида, ашёвий далилларни сақлаш ва иш билан боғлиқ бошқа чоралар амалга оширилганлиги баён қилинади. Шундан кейин қарор уни тузган шахс томонидан имзоланади ва унинг нусхаси тегишли прокуратурага юборилади.

Агарда терговчи айбланувчининг қаерда эканлиги ноъмалум бўлганлиги сабабли дастлабки терговни тўхтатиш ҳақида қарор чиқарса, унда қарорнинг тавсиф қисмида а)

жиноят ишининг моҳияти нимадан иборат эканлиги; б) жиноят ишини тўхтатиш асослари нималардан иборат эканлиги; в) айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинган шахсга тегишли маълумотлар қайд этилган бўлиши зарур. Ушбу ҳолатда айбланувчига нисбатан қидирув ҳам эълон қилинади. Қидирув эълон қилиш қарорида ҳам айнан таъкидлаб ўтилган маълумотлар ўз аксини топган бўлиши лозим.

Қарорнинг хулоса қисмида 1)терговчининг ишни тўхтатиш ҳақидаги қарори; 2)суриштирув идораларига қидирув эълон қилиш тўғрисидаги топшириқ (мабодо қидирув эълон қилиш ҳақида алоҳида қарор қабул қилинмаган бўлса) кўрсатилиши керак. қарор сўнгида терговчи ўз имзосини қўяди.

Агарда терговчи дастлабки терговни тўхтатишни айбланувчини ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинганлиги муносабати билан амалга оширмакчи бўлса, унда қарорнинг тавсиф қисмида:

1)айбланувчининг оғир руҳий ёки бошқа турдаги касаллигини тасдиқловчи далиллар (шахс даволаниб ётган касалхонадаги даволовчи врач-мутахассис иштирокида кўздан кечириш ва суд тиббиёт экспертизаси хулосасини олиш);

2)айбланувчи соғайиши учун қандай чоралар қўрилганлиги (стационарга юборилганлиги, амбулатория шароитларида даволанаётганлиги ва ҳ.к.);

3) айбланувчини айни вақтда транспорт воситаси билан тегишли жойга олиб боришга унинг саломатлиги йўл бермаётганлиги ва унга тиббий кузатув зарурлиги қайд этилиши керак. Қарорнинг тавсиф қисмида айбланувчи соғайиб кетгунича унинг жиноят иши тўхтатилиши қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 370-моддасида терговчининг дастлабки тергов тўхтатилганидан кейинги ҳаракатлари баён қилинган бўлиб, унда кўрсатилишича, терговчи дастлабки терговни тўхтатиш асосларига қараб ички ишлар органлари ва бошқа ваколати органлардан айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахсларни аниқлаш, яшириниб юрган айбланувчиларни қидириб топиш учун кўрилаётган

чоралардан мунтазам хабардор бўлиб туради ва шу мақсадда ўзи сўров хатлари юборади, маълумотлар ва тушунтирувлар олади, жамоатчиликнинг ёрдамидан фойдаланади ёхуд айбланувчининг дастлабки терговнинг тўхтатилишига сабаб бўлган касаллигидан вақти-вақти билан хабардор бўлиб туради. Айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган ҳолларда терговчи жиноят содир этишда айбланаётган ва бошқа давлатлар ҳудудида яшириниб юрган шахсларни ушлаб беришни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга мувофиқ чоралар кўради.

Дастлабки тергов тўхтатилгандан кейин ва у қайта тиклангунга қадар тергов ҳаракатлари ўтказилишига йўл қўйилмайди.

6-§. Тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайта тиклаш

Тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайта тиклаш асослари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 371-моддасида қайд қилинган. Ушбу модда талабига кўра, тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов: биринчидан, терговни тўхтатиш учун асос тариқасида назарда тутилган

а) иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган;

б) айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган;

в) айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, башарти унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаса;

г) айбланувчи ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда тўхтатилади деган асослар бартароф этилганда дастлабки тергов тикланади.

Дастлабки терговни тиклашнинг иккинчи асоси-бу жиноят иши бўйича айбланувчининг иштирокисиз бажарилиши мумкин бўлган қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш зарурати туғилганда қайта тикланади. Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор қонунга номувофиқ бўлса, прокурор уни бекор қилиши ва дастлабки терговни қайта тиклаш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

Терговчи дастлабки терговни қайта тикланганлиги ҳақида прокурорга дарҳол хабар қилади. Иш юзасидан дастлабки тергов қайта тикланиши билан бир вақтда дастлабки тергов муддати ҳам тикланади. Тергов муддатини кейинчалик узайтирилиши дастлабки терговни тўхтатишдан олдин ўтган тергов муддатини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 351-моддасига биноан амалга оширилади. Ушбу модда талабига кўра, тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда қўшимча тергов муддати тергов олиб бориш устидан назорат юргазаетган прокурор томонидан, мазкур ишни терговчи қабул қилган пайтдан бошлаб бир ой доирасида белгиланади.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклашнинг мазмуни, қонуний асослари нималардан иборат ?

2. Жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатиш қандай ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради?

3. Дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклаш тўғрисидаги қарор чиқариш учун қўйиладиган талаблар қайсылар ?

4. Жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклашнинг процессуал тартиби нималардан иборат ?

5. Қидирув эълон қилиш мазмуни қандай ?

6. Айбланувчи касал бўлиб қолганида дастлабки терговни тўхтатишга нималар асос бўла олади ?

7. Жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарорда қўйилган талаблар ?

8. Тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайта тиклаш қандай амалга оширилади ?

VI-БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТАМОМЛАШ

1-§. Дастлабки терговни тамомлаш тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти

Дастлабки терговни тамомлаш-бу жиноят ишини тўла ҳар томонлама ва ҳолисона амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамда жиноят иши юзасидан бажарилиши лозим бўлган барча тергов ҳаракатларини бажариб бўлингандан кейин юзага келадиган дастлабки тергов босқичининг яқунловчи қисми ҳисобланади. Дастлабки терговни тамомлаш шу ҳақдаги қарорни тегишли тарзда процессуал расмийлаштирмасдан аввал бир қатор процессуал ҳаракатларни амалга оширилишни талаб этади.

С.П. Бекешко ушбу босқич мазмунига жиноят иши бўйича қонун билан белгиланган тартибда далилларни топиш, тўплаш ва қайд қилиш билан боғлиқ бўлган барча процессуал ҳаракатларни, иш юритишни расмийлаштириш ва бир тизимга солиш ҳамда иш бўйича унинг тақдирига оид қабул қилинган қарорларни процесс иштирокчиларига маълум қилиш каби ҳаракатларни киритади.⁴⁵

Дастлабки терговни яқунловчи қисми жиноят иши бўйича дастлабки тергов материалларини бир тизимга солишдан бошланади. Амалиётда унинг қуйидаги икки тури мавжуд: Биринчиси-хронологик тизимга солиш, иккинчиси-мазмунига кўра тизимга солишдан иборат. Хронологик тизимга солишда терговчи томонидан тўпланган ва унга келиб тушган жиноят иши материаллари гуруҳларга бўлинади ва хронологик тартибда жойлаштирилади;

Мазмунига кўра тизимга солишда жиноят иши материаллари содир этилган жиноятлар бўйича гуруҳларга бўлинади. Одатда мазмунига кўра тизимлаштириш кўп эпизодли жиноят ишлари бўйича қўлланади. Бундай ҳолларда ҳужжатлар содир этилган жиноятларнинг огирлик даражаси қандай бўлишидан катъи назар, содир этилган жиноят гуруҳига қараб жиноят ишига тикилади. Бир неча эпизодлар учун умумий ҳисобланган ва тузилган баённомалар ва қарорлар, айбланувчи, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳужжатлар, тинтув баённомалари,

⁴⁵ Бекешко С. П. Практикум по уголовному процессу. Учеб. пособие. Для студентов юр. факультетов и ВУЗов Минск изд. БГУ имени В.И. Ленина. 1979 г. Стр. 13.

гумонланувчи тариқасида ушлаш ва эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ҳақидаги қарор ва баённома ва шунга ўхшаш бошқа ҳужжатлар хронологик тартибда ишга тикилади.

Жиноят иши материалларини тизимга солиш авваламбор терговчига, сўнгра айбланувчига, ҳимоячига, айбланувчининг қонуний вакилига, жабрланувчига, фуқаролик даъвогарига, фуқаролик жавобгарига ва уларнинг қонуний вакилларига, прокурорга, судга, судьяга иш бўйича тўпланган далилларни янада чуқурроқ таҳлил қилишга ёрдам беради, шунингдек тезкорлик билан дастлабки тергов ҳужжатларидан фойдаланиб, яқуний ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишга имкон яратади. Терговчи дастлабки тергов босқичининг ушбу қисмида жиноят иши бўйича ишни тақдирини ҳал қиладиган қарорни қабул қилиш учун ўз хулосаларини шакллантиради ва асослайди.

2-§. Дастлабки терговни тамомлаш турлари

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 372-моддасида дастлабки терговни тамомлаш турлари белгиланган:

- а) дастлабки тергов жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш;
- б) айблов хулосаси тузиш;
- в) ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш билан тамомланади.

Шундай қилиб, дастлабки тергов босқичини яқунлаш қисми жиноят иши материалларини тизимга солиш билан бошланиб, жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш ёки айблов хулосаси тузиш ёхуд ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш поёнига етади.

Жиноят ишини тугатиш

Жиноят ишини тугатиш йўли билан дастлабки терговни тамомлаш қонунда белгиланган (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-84-моддалари) асослар мавжуд бўлгандагина амалга оширилади. Биринчидан, ЖПКнинг 83-моддасида кўрсатилган реабилитация учун асослар мавжуд бўлганда, яъни:

1) иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса ;

3) гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса,

Иккинчидан, ЖПКнинг 84-моддасида кўрсатилган айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар мавжуд бўлганда, яъни:

1) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;

2) эълон қилинган амнистия ҳужжати содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;

3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;

4) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;

5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;

6) иш фақат жабрланувчининг шикоят билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

7) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса.

Агар шахс жиноят ишига айбланувчи тариқасида жалб қилинганидан кейин, жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса ёхуд амнистия ҳужжати қабул қилинган тақдирда ёхуд, айбланувчи, судланувчи вафот этса, унинг яқин қариндошларини талабига кўра, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Мабодо, ушбу ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо белгиланмасдан чиқарилади.

Жиноят содир этган шахс жиноят содир этилганидан кейин ўз ҳаракатларининг моҳиятини идрок этиш ёки идора қилиш имкониятидан маҳрум этадиган руҳий касалликка чалиниб қолса, уларга тегишли жиноят иши ЖПКнинг 61-бобида белгиланган тартибда айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича жабрланувчи жиноят содир қилишда гумонланаётган, айбланаётган, судланаётган шахс билан ярашган тақдирда жиноят иши ЖПКнинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси талабига асосан жиноят иши қуйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши мумкин, башарти;

1) ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса;

2) биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс жиноят содир этилганидан кейин етказилган зарарни бартараф этган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон қилган ва жиноятни фош қилишга фаол кўмаклашган бўлса;

3) содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганининг шахсини ҳисобга олиб, материалларни воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қараб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса.

Жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорни терговчи асослантирилган тарзда расмийлаштириш йўли билан амалга оширади. Терговчининг бундай қарорига прокурор розилик беради (ЖПК нинг 382-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 374-моддасига биноан жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор белгиланган қоидаларга риоя қилинган ҳолда тузилади. Қарор кириш, тавсиф ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Кириш қисмида унинг номланиши, тузилган жой ва санаси, шунингдек қайси жиноят иши бўйича чиқарилганлиги кўрсатилади қарорнинг тавсиф қисмида эса:

1) жиноят ишини кўзғатиш асослари ва унинг содир этилишига доир тергов вақтида текширилган тусмоллар;

2) гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга тўғрисидаги маълумотлар, уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари,

башарти бу шахсга қўйилган гумон ёки айб илгари чиқарилган алоҳида қарор билан тугатилмаган бўлса;

3) жинойт ишини тугатиш асослари;

4) бу асосларни тасдиқловчи далиллар, улар ишнинг қайси жилдлари ва саҳифаларида акс эттирилганлиги;

5) ашёвий далилларнинг рўйхати, бу ашёлар сақланаётган жой ва уларнинг эгалари, шунингдек манфаатдор шахслар ёки муассасалар томонидан бу ашёларни уларга қайтариб бериш тўғрисидаги илтимослари, башарти шундай илтимос қилинган бўлса;

6) фуқаровий даъвои таъминлаш чоралари баён қилинади.

қарорнинг хулоса қисмида :

1) жинойт ишини тугатиш тўғрисидаги;

2) гумонни ёки айбловни олиб ташлаш тўғрисидаги;

3) эҳтиёт чораларини, шунингдек фуқаровий даъвои таъминлаш учун кўрилган чораларни бекор қилиш тўғрисидаги;

4) ашёвий далиллар тўғрисидаги қарорлар баён қилинади.

Агар жинойт иши буйича бир неча шахслар айбланувчи тариқасида жинойт ишига жалб қилинган бўлсалар, уларнинг фақатгина баъзи бирига нисбатан жинойт ишини тугатиш асослари мавжуд бўлса, бундай айбланувчининг қисми тугатилади, қолган айбланувчиларнинг қисми эса умумий иш юритуви тартибида айблов хулосаси билан прокурорга юборилади. Ишни тугатиш ҳақидаги қарорда ашёвий далиллар тақдири белгилаб қўйилиши лозим. Агарда иш юритуви тугатилган айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси қўлланган бўлса, бу чораси бекор қилиниши керак. Рўйхатга олинган ва олиб қўйилган мулк рўйхатдан чиқарилиб, эгасига қайтарилиши лозим.

Терговчи жинойт ишини тугатганлиги ҳақида ёзма равишда гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига ҳамда жинойт ишини қўзғатиш учун ариза билан мурожаат қилган фуқаро ёки мансабдор шахсга маълум қилиши шарт. Шу билан бир вақтда терговчи жинойт ишини тугатиш ҳақидаги қарор устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириши шарт.

Ҳарбий хизматга чақирилувчи шахсга нисбатан иш тугатилганда терговчи бу ҳақда етти кунлик муддати ичида ёзма равишда туман (шаҳар) мудоффаа ишлари бўлимига хабар қилади.

3-§. Айланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг қонуний вакиллари иш материаллари билан таништириш

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 375-моддасида жиноят иши тамомлангандан кейин ундаги материаллар билан танишиб чиқиш ҳуқуқини таъминлаш тартиби белгиланган. Терговчи жиноят ишини тугатгач бу ҳақда айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва қонуний вакилларига маълум қилади ва уларнинг жиноят иши юзасидан тўпланган материаллар билан танишиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилади. Бу ҳақда терговчи томонидан тегишли тартибда баённома тузилади ва ёзма тарзда маълум қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси жиноят иши материалига қўшиб қўйилади.

Агар процесснинг ушбу иштирокчилари томонидан жиноят иши материаллари билан танишиш истаги бўлмаса, бу ҳақда ҳам баённома тузилиб, унга процесс иштирокчиси ҳамда терговчи имзоси қўйилиб, ишга қўшилади.

Жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг қонуний вакиллари иш материаллари билан танишишни истасалар терговчи жиноят иши материалларини уларга тақдим қилиши шарт. Фуқаровий жавобгар ва уларнинг қонуний вакилини фуқаровий даъвога тегишли бўлган қисмигина таништирилади. Дастлабки тергов томонидан овозли ёзув, видеоёзув, кинотасвир ёхуд телефон ва бошқа қурилмалар орқали эшитиш амалга оширилган бўлса, унда жабрланувчи ушбу ҳаракатлар юзасидан тўпланган материаллар билан ҳам танишиш учун илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин ва ушбу материаллар унга танишиш учун тақдим қилиниши лозим.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тергов ҳаракатлари баённомасининг кириш қисмлари танишиб чиқиш учун тақдим қилинмаслиги мумкин. Бундай

ҳолларда баённомаларнинг кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кириш қисми муҳрланган ҳолда сақланади.

Башарти айбланувчининг ҳимоячиси ва жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили узрли сабабларга биноан белгиланган вақтда иш материаллари билан танишиб чиқиш учун кела олмаса, терговчи танишиб чиқиш муддатини кўпи билан беш суткага кечиктириши мумкин. Ҳимоячи ёки вакил бу муддат ичида келмаган тақдирда айбланувчига бошқа ҳимоячини таклиф қилиш, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарга бошқа вакил чақириш учун имконият яратилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 376-моддасида жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра терговчи ишдаги материалларни танишиб чиқиш учун тикилган ва рақамланган кўринишда, ҳар бир жилддаги ҳужжатларни рўйхат қилган тарзда тақдим этиши керак. Иш билан танишиб чиқиш учун зарур бўлган муддат чекланмайди. Лекин процесс иштирокчилари атайлаб иш билан танишишни чўзсалар, унда терговчи ўз қарори билан муайян муддат белгилашга ҳақли ҳисобланади.

Процесс иштирокчилари жиноят иши материаллари билан танишиш давомида, ундан кўчирмалар олишлари, ўтказилган дастлабки тергов ҳаракатини тўлдириш юзасидан илтимосномалар киритиш ҳуқуқига эгалар. Иш материаллари билан танишиш тўғрисидаги баённомада терговчи процесснинг қайси иштирокчисига жиноят иши материалларини қанча ҳажмини кўрганлигини, танишиш қанча муддат давом этганлигини, қандай илтимосномалар бўлганлигини ва илтимосномани қандай хал қилинганлигини кўрсатиши керак.

Ёзма илтимосномалар ишга тикилиши шарт. Агар киритилган тақдимнома қисман ёки тўлиқ рад этилса, терговчи томонидан рад этиш асослари кўрсатилиб, қарор қабул қилиниши, қарор илтимоснома киритган процесс иштирокчисига эълон қилиниши, қарор нусхаси билан у таъминланиши ва қарор ҳам ишга тикилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 377-моддасига биноан аризачи илтимосни қондириш рад қилинганлиги тўғрисидаги

қарор билан танишиб чиққандан кейин икки сутка ичида рад этилганлик устидан прокурорга шикоят қилиши мумкин.

Илтимос қондирилгандан кейин жиноят иши билан қайта таништиришга оид қонун талаби Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 378-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра киритилган илтимоснома ким томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, илтимос қондириладиган бўлса, процесс иштирокчиларидан айбланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига ишдаги барча материаллар билан яна танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт.

4-§. Айбланувчини иш материаллари билан таништиришнинг ўзига хос хусусияти

Қонун талабига кўра, дастлабки терговни амалга оширган шахс айбланувчига тергов тамом бўлганлиги ва иш материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқини, танишиб чиқиш мобайнида жиноят иши бўйича яна бошқа гувоҳларни сўроқ қилишни талаб қилиши, ишга бошқа материаллар, қўшимча ҳужжатлар ва ашёвий далилларни тақдим қилиб уларни ҳам ишга қўшишни, қўшимча ёхуд такрорий экспертизалар ўтказишни, жабрланувчи ва гувоҳлар ва бошқа иштирокчилар билан юзлаштириш ўтказишни талаб қилиши мумкинлигини албатта тушунтириши керак.

Айбланувчига жиноят иши материалларини тўлиқ ҳажмда тақдим қилиш унинг қонун билан белгиланган ҳуқуқларини кафолати ҳисобланади. Чунки, жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиш учун тақдим қилингунига қадар терговчи томонидан аниқланган, ишга қўшилган ва текширилган далиллар ҳамда ўтказилган тергов ҳаракатлари билан ҳам айбланувчи таниш бўлмайди. Айбланувчи одатда, фақатгина ўзи билан боғлиқ ҳолда ўтказилган тергов ҳаракатларидан воқиф бўлиши мумкин. Масалан, воқеа жойини унинг иштирокида кўздан кечириш, кўрсатувларини воқеа жойида текшириш, юзлаштириш, гувоҳлантириш, тергов экспериментини ўтказиш шулар жумласига киради. Иш материалларини тўлиқ ҳажмда айбланувчи ва унинг ҳимоячисига танишиб чиқиш учун тақдим қилиш дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва холисона ўтказилганлигини текширишнинг бир услуги

ҳисобланади. Айбланувчи ва унинг ҳимоячисини жиноят иши бўйича киритган илтимосномаларини қондириш йўли билан дастлабки терговда йўл қўйилган хато ва камчиликлар бартараф этилади.

Агар айбланувчи иш материалларини ҳимоячиси иштирокида танишиб чиқиш истагини билдирса албатта унга бу имконият яратилиши шарт. Агар айбланувчи жиноят иши юритилган тилни билмаса, таржимон иштирокида иш билан танишиб чиқиши учун шарт-шароит яратилиши керак. Бундай ҳолларда, таржимон томонидан жиноят иши тўлиқ тарзда оғзаки равишда таржима қилиб берилиши лозим. Айбланувчилар бир нечта бўлса, унда ҳар бир айбланувчига жиноят иши материаллари алоҳида-алоҳида тақдим қилиниши ва ҳар бир айбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатлари алоҳида таъминланиши талаб қилинади. Иш материаллари билан таништириш баённома билан расмийлаштирилади.

5-§. Айблов хулосаси билан жиноят ишини тамомлаш, унинг мазмуни ва шакли

Айблов хулосаси билан жиноят ишини тамомлаш дастлабки терговни тамомлашнинг энг кўп учрайдиган тури ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган процессуал ҳаракатлар амалга оширилганидан сўнг, айблов хулосаси тузилади. Айблов хулосаси-дастлабки тергов натижаларини ўзида мужассамлаштирган, айбланаётган шахснинг ҳаракатларини тегишли тартибда жиноят қонунчилигини қайси моддаси билан квалификацияланаётганлигини ва шу айблов айнан қайси далил ва исботлар билан тасдиқланганлигини, айбланувчини ҳатти-ҳаракатларини енгиллаштирувчи, оғирлаштирувчи ҳолатлари нималардан иборат эканлигини, умуман далиллар таҳлилини ўзида акс эттирган жуда муҳим процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Айблов хулосаси- айнан суд муҳокамасида кўрилиши лозим бўлган жиноят ишининг айблов доирасини белгиловчи процессуал ҳужжатдир. Шунинг у тегишли талабларга жавоб бериши лозим: объектив бўлиши (фақатгина текширилган ва аниқланган далилларга асосланган бўлиши), аниқ белгиланган (шубҳалар асосида турли тушунчани бермаслиги лозим), юридик асосланган (тегишли тартибда жиноят ва жиноят

процессуал қонунчилиги талабларига таянган бўлиши) шунингдек, стилистик ва грамматик талабларга тўлиқ жавоб бериши керак. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 379-моддасида айблов хулосаси олдига қўйилган қонуний талаблар мавжуд бўлиб, унга кўра, айбланувчи ва унинг ҳимоячиси жинойт ишидаги барча материаллар билан таништирилганларидан кейин терговчида ишни судга юбориш учун етарли асослар борлиги тўғрисидаги фикри ўзгармаган бўлса, айблов хулосаси тузади.

Айблов хулосаси тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Тавсиф қисмида дастлабки терговда аниқланган ҳолатлар: жабрланувчи, шунингдек айбланувчи тўғрисидаги маълумотлар; айбланувчининг айбини тасдиқловчи далиллар; айбланувчининг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важлари ва уларни текшириш натижалари баён қилинади. Хулоса қисмида айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади ҳамда эълон қилинган айбловнинг мазмуни Жинойт кодексининг шу жинойтни назарда тутган моддаси ёки моддаларини ҳам кўрсатган ҳолда баён қилинади.

Агар, айбланувчи томонидан бир неча жинойтлар содир қилинган бўлса, унда ҳар бир содир қилинган жинойт учун алоҳида шу кўрсатилган талаблар бажарилиши керак (содир қилинган жинойтнинг вақти, жойи, содир қилиш сабаблари, жинойтнинг мотиви, жинойт натижасида етказилган зарарли оқибати, мазмуни, шу содир қилинган жинойтни квалификацияси). Мабодо, жинойт бир неча шахслар томонидан содир қилинган бўлса, айблов хулосасини тавсиф-асослантириш қисми олдига қўйилган талаблар ҳар бир жинойт содир этган шахс-айбланувчига нисбатан алоҳида татбиқ этилиб, кўрсатилиши лозим. Тавсиф-асослантириш қисмида содир этилган жинойтда ҳар бир жинойт содир қилиш иштирокчисининг ўрни, бажарган иши, айбининг даражаси, айбини тасдиқловчи маълумотлар, унга қўйилаётган айбловга нисбатан кўргазмаси ёритиб берилиши лозим.

Айблов хулосасида фақатгина жинойт иши бўйича айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш қарорида кўрсатилган жинойтларнинг ўзи кўрсатилиши лозим. Айблов хулосасининг хулоса қисми тавсиф-асослантириш қисми билан узвий боғлиқ бўлиши ва мантиқан ундан келиб чиққан

бўлиши, хулоса қисми тавсиф-асослангириш қисми мазмунига тўлиқ мувофиқ келиши талаб қилинади. Айбланувчи бир неча жиноятни содир қилишда айбланаётган бўлса, унда ҳар бир содир қилган жинояти учун алоҳида юридик баҳо берилиши керак. Гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноят иши бўйича ҳар бир айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, айблов шакли ва ЖКнинг тегишли моддаси алоҳида кўрсатиб берилиши шарт.

Айблов хулосасида баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи иш саҳифалари кўрсатилиши керак. Айблов хулосаси каерда ва қачон тузилганлиги кўрсатилиб, терговчи томонидан имзоланади. Агар тергов бир нечта терговчи томонидан амалга оширилган бўлса, унда айблов хулосаси тергов гуруҳи раҳбари томонидан имзоланади. Айбланувчи жиноят иши юритилган тилни билмаса, айблов хулосасининг нусхаси унинг тилига ёзма равишда таржима қилиб топширилади.

Айблов хулосаси тузиб бўлингандан сўнг, терговчи айблов хулосасига иловаларни хал қилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 380- моддаси талабига кўра, иловада терговчининг фикрича суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати, шунингдек қўлланилган эҳтиёт чоралари, гумон қилинувчи ва айбланувчи қанча вақт қамоқда сақланганлиги, ашъвий далиллар, фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари, суд чиқимлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Агар дастлабки тергов томонидан овозли ёзув, видеоёзув, кинотасвир ёки бошқа техникадан фойдаланилган бўлса, айблов хулосаси сўнгида баён қилинадиган маълумотларда шу техникалардан қачон ва қаерда қўлланилганлиги ва шу техник воситалар натижаларини ўзида акс эттирган аудио, видеоёзув материаллари ва кинотасвир ленталари қаерда сақланаётганлиги ҳақида кўрсатиб қўйилади. Худди шундай, жиноят иши бўйича ашъвий далиллар сифатида ишга бириктирилган предмет ва буюмларни қаерда сақланаётганлиги ҳақида кўрсатиб қўйилади.

Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатида терговчи уларнинг турган жойи ҳамда кўрсатувлари ёки хулосалари ишнинг қайси саҳифасида баён қилинганлигини кўрсатади.


Терговчи суд мажлисига чақирилувчилар рўйхатига иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёрдам берадиган гувоҳларни ўзинигина киритади. Гувоҳлар рўйхатини шундай тартибда бериш керакки, суд терговини ўтказишда, далиллар таҳлилини суд томонидан ўтказилишида маълум бир кетма-кетликда давом этиш лозим. Судга чақирилувчилар рўйхатига зарур бўлган ҳолларда мутахассислар, таржимонлар, экспертлар, вояга етмаганлар ишлари бўйича эса, албатта, вояга етмаган шахсларнинг қонуний вакиллари ва педагоглар, врачлар ва тарбиячилар киритилиши талаб этилади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, ҳолислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатида уларнинг таҳаллуслари кўрсатилиши мумкин. Хавфсизлиги таъминланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар улар иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомаларининг кириш қисмлари билан бирга муҳрланган ҳолда судга тақдим этилади. Улар билан фақат айблов хулосасини тасдиқловчи прокурор ва ишни кўриб чиқувчи судья танишишлари мумкин.

Айблов хулосаси имзоланганидан сўнг, жиноят иши дарҳол прокурорга юборилади. (ЖПК 381-моддаси). Бу ҳақда айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланилган бўлса, унда айбланувчи сақланаётган тергов изолятори маъмуриятига ёзма равишда маълум қилинади.

9-схема

Дастлабки терговни тамомлаш (ЖПК нинг 372-моддаси)



Мавзу бўйича саволлар:

1. Дастлабки терговни тамомлашнинг қандай турлари мавжуд?
2. Жабранувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларини иш билан таништиришнинг ўзига хос хусусиятларини биласизми?
3. Дастлабки терговни тамомлашда жиноят иши материаллари билан айбланувчини таништириш тартиби қандай?
4. Дастлабки терговни тамомлашда ҳимоячи иштироки нимадан иборат?
5. Дастлабки терговни тамомлашда айбланувчи ва бошқа жиноят процесси иштирокчиларининг шикоят, ариза ва илтимосномаларини ҳал қилишнинг қандай шартлари қонун билан белгиланган?
6. Дастлабки терговни тамомлаш баённомасига қандай талаблар қўйилган?
7. Жиноят ишини тугатиш тушунчаси, асослари ва тартиби қандай?
8. Айбланувчини иш материаллари билан таништиришнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
9. Айблов хулосаси, унинг мазмуни ва шакли қандай ?

VII-БОБ. СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ҚОНУНЛАРНИНГ ИЖРО ЭТИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ

1-§. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари қонунларнинг ижро этиши устидан прокурор назоратининг тушунчаси ва аҳамияти

Конституцияга кўра, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга буйсиноб амалга оширадilar (120-модда).

Суриштирув ва дастлабки тергов органларининг иш юритишда қонунларнинг ижро этиши устидан назорат прокурор томонидан амалга оширилади. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларни ижро этилиши устидан прокурорлик назорати-бу қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратнинг бир тури бўлиб, жиноят содир этилганлиги туғрисидаги ариза ва хабарларни кўриш ҳамда ҳал қилиш, текширишни амалга оширишнинг ЖПКда белгиланган тартиби, чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунлар ижро этилиши устидан олиб борадиган назоратининг соҳасидир.

Қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурорлик назоратининг ўрни ва аҳамияти ҳозирги кунда ошиб бормоқда. Суриштирув ва дастлабки тергов органларининг барча фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жиноят процессуал қонун ҳужжатларига қатъиян ва аниқ мувофиқ келиши лозим.

Жиноятларни очиш ва тергов қилишдаги прокурорлик назоратини амалга оширишда шахсий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш ва турар-жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни сир сақланиши каби конституциявий қоидаларга алоҳида эътибор зарур. Жиноят судлов ишларини юритиш жиноят иши қўзғатилгандан кейин бошланади. Шунинг учун ҳам суриштирув ва дастлабки тергов органлари устидан прокурорлик назорати ҳам шу пайтдан амалга оширилиши керак.

Жиноят ишени қўзғатиш босқичи-жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, бир томондан, жиний ҳодисага нисбатан дарҳол таъсир кўрсатилишини таъминласа, иккинчи томондан, жиноят аломатлари бўлган фактларни аниқлайди.

Жиноят ишени ўз вақтида қўзғатилиши жиний фаолиятни давом эттиришни тўхтатиш, жиноятни тез ва тўла очиш, айби бўлган шахсларни жавобгарликка тортилиши, айби бўлмаган ҳеч бир шахсни жавобгарликка тортилмаслиги, ҳамда жиноят судлов ишларининг бошқа масалаларини ҳал қилишга ёрдам беради. Жиноят ишени қўзғатишни етарли асосларсиз рад қилиш, қоидага кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келади.

Бунда шуни англаш мумкинки, жиноят судлов ишларининг юритилиши устидан прокурорлик назорати жиноят иши қўзғатилган пайтдан эмас, балки ундин олдин, яъни жиноят тўғрисида хабар келиб тушган вақтдан бошлаб амалга оширилиши лозим.

Прокурор жиноят ишени қўзғатишнинг асослиги ва қонунийлиги устидан назоратни амалга оширишда жиноят ишени қўзғатиш асослари содир қилинган ёки тайёрланаётган жиноятни тасдиқловчи фактик маълумотларда ўз аксини топганлигини ҳисобга олиши лозим. Ҳеч қандай тахмин, миш-миш, субъектив ишонч жиноят ишени қўзғатишга асос бўла олмайди. Шунингдек, тезкор-қидирув воситалари билан олинган маълумотлар, агар улар бошқа маълумотлар билан тасдиқланмаса, жиноят ишени қўзғатиш учун етарли асос бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 337-моддасига мувофиқ жиноят ишени қўзғатишнинг қонунийлиги устидан назорат олиб бораётган прокурор:

1. Суриштирувчининг, суриштирув органи бошлигининг, терговчининг жиноят ишени қўзғатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва иш қўзғатишни рад қилишга;

2. Суриштирувчининг, суриштирув органи бошлигининг, терговчининг жиноят ишени қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва айни вақтда иш қўзғатишга;

3. Иш қўзғатиш тўғрисидаги ёки иш қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан юқори судга протест беришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 331-моддасига мувофиқ, суриштирувчи ёки терговчи жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхаси ишнинг тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборади. Қонунда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қоида мавжуд эмас. Прокурор нафақат жиноят ишини қўзғатишни қонунийлиги устидан назоратни, балки қўзғатишни рад қилишнинг қонунийлиги устидан ҳам назоратни олиб бориши лозим. Тергов амалиёти шуни кўрсатадики, кўпгина қонун бузилишлар жиноят ишини қўзғатишни рад қилишда рўй беради.

Прокурор жиноят ишини қўзғатишни рад қилишнинг қонунийлигини текширишда қўшимча маълумотларни талаб қилиб олади. Жиноят тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд бўлгандан кейингина, прокурор жиноят ишини қўзғатишини рад қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилади ва жиноят ишини қўзғатади. Бу эса қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф қилади, ҳамда мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан прокурорнинг таъсир кўрсатиш доирасини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 382-моддасига мувофиқ, суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, прокурор ўз ваколати доирасида:

-суриштирув ва дастлабки тергов органларидан ишларни текшириш учун, содир этилган жиноятларга оид тезкор-қидирув, суриштирув, дастлабки тергов ишларини олиб борилишига доир ҳужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ойда камида бир марта текширади;

-суриштирувчилар ва терговчиларнинг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади;

-жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш,

айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жинойт содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради;

-суриштирув органларига шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қамоққа олиш, қидириш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, бошқа тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги қарорларни ижро этишни топширади, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси қўлидаги ишлар юзасидан жинойтларни очиш ва жинойт содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради;

-суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тўлиқ амалга оширади;

-тинтув ўтказишга, почта-телеграф жўнатмаларни хатлаш ва уларни олиб қўйишга, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришга, айбланувчини лавозимидан четлаштиришга ва қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирув органлари ҳамда терговчининг бошқа ҳаракатларига рухсат беради; Ушбу кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда тергов юритиш ҳамда эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддатини узайтиради;

-ишларни суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисида ўз кўрсатмалари билан қайтаради;

-ҳар қандай ишни суриштирув органларидан олиб терговчига беради, шунингдек, уни бир дастлабки тергов органидан бошқасига, бир терговчидан бошқасига ўтказади;

-суриштирувчи ёки терговчини, башарти улар ишнинг тергов чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлсалар, суриштирув ёхуд дастлабки тергов ишларини давом эттиришдан четлатади.

Прокурорнинг жинойт-процессуал кодексда назарда тутилган тартибга мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов органларига терговга қадар текшириш ўтказиш, ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалари ана шу органлар учун мажбурийдир. Прокуратура берилган ваколатлар орқали, у суриштирув ва дастлабки органлари томонидан йўл қўйилган қонун бузилишларини бевосита бартараф қилади. Прокурор, прокуратура терговчилари

юритувида бўлган ишлар юзасидан суриштирув органларига алоҳида тергов ва қидирув ҳаракатларини амалга оширишга кўрсатма бериш ҳамда суриштирув органлари томонидан ўз вақтида чоралар кўриш ҳуқуқига эга.

Терговчига шахси аниқланмаган иш ўтказилган бўлса, бунда улар жинойт содир этган шахсни аниқлаш юзасидан терговчини хабардор қилиб турган ҳолда ўз тезкор-қидирув ҳаракатларини олиб боришни давом эттирадилар.

Прокурор жинойтларни тергов қилишда қонунларга риоя қилинганлиги устидан назоратни амалга оширади. Прокурорнинг терговни ўтказиш жараёнидаги ҳолати, терговчиникига қараганда бошқачадир. Прокурор қарор қабул қилишда мустақил бўлса, терговчи жинойт ишини юритишида прокурордан розилик ёки рухсат олишига тўғри келади. Жинойт ишини тергов қилиш, жинойт содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш прокурор фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.

Бундан ташқари, прокурор ёки унинг ўринбосари кўп воқеали жинойт ишлари бўйича айбловни айрим воқеалари юзасидан муайян шахсга нисбатан тўплаган далилларни айблов хулосаси тузиш учун етарли деб эътироф этса, шу воқеалар бўйича терговни тамомлаш ва ишни судга юбориш ҳақида ёзма кўрсатма беришга ҳақли (ЖПК 383-модда).

Дастлабки тергов якунлангандан сўнг, жинойт ишини судга юборишдан аввал барча ишларни прокурор ёки унинг ўринбосари ўрганиб чиқади ва процессуал ҳаракатларни амалга оширади.

2-§. Айблов хулосаси билан келган жинойт ишлари юзасидан прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари

Прокурор ёки унинг ўринбосари терговчидан айблов хулосаси билан келган жинойт ишини ўрганиб чиқиши ва қуйидаги масалаларга эътиборни қаратиши лозим:

1) айбланувчини зиммасига қўйилаётган қилмиш содир этилган ёки этилмаганлиги ва бу қилмишда жинойт таркиби бор-йўқлигини;

2) қўйилган айб ишдаги мавжуд далиллар билан асослантирилган-асослантирилмаганлигини;

3) айбланувчининг исботланган барча жиноий қилмишлари айблов мазмунига киритилган-киритилмаганлигини;

4) жинояти фош қилинган барча шахслар айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган-қилинмаганлигини;

5) айбловни ёки ишни тугатишга сабаб бўладиган ҳолатлар бор-йўқлигини;

6) айбланувчининг қилмишларига тўғри ёки нотўғри тавсиф берилганлигини;

7) эҳтиёт чораси тўғри ёки нотўғри танланганлигини;

8) фуқаровий даъво ни таъминлаш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини;

9) жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этрилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланган-аниқланмаганлигини ҳамда уларга барҳам бериш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини;

10) тергов синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисна ўтказилган-ўтказилмаганлигини;

11) айблов хулосаси ЖПКнинг 379 ва 380-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ тузилган-тузилмаганлигини;

12) суриштирувчи ва терговчи ЖПКнинг бошқа талабларига риоя қилган-қилмаганлигини текшириши шарт (ЖПК 384-модда).

Ушбу қайд этилган масалалар ва айблов хулосаси бўйича прокурор томонидан ҳал этиладиган масалалар руйхати мажбурий бўлиб, уларни ечмасдан айблов хулосаси ва жиноят ишини прокурор судга юбориш имкониятига эга эмас.⁴⁶ Шунинг учун ҳар бир масалани жиноят ишида тула ҳал этилганлигини текшириши лозим. ЖПКнинг 385 моддасига мувофиқ прокурор ёки унинг ўринбосари айблов хулосаси билан келган жиноят ишларини чуқур ўрганиб чиқиб, ҳар томонлама текшириб, қонунга мослигини кўпи билан беш суткада кўриб чиқади ва қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши лозим:

1) ишни судга юбориш учун асослар мавжуд деб топиб, айблов хулосасини тасдиқлаш;

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексига шарҳлар. ИИВ Академияси, Адолат, 1999, 512-513 бет.

2) ўз қарори билан айблов мазмунидан айрим бандларни чиқариб ташлаб, енгилроқ жиноятни назарда тутувчи қонунни қўллаш ва шу ўзгартиришлар билан айблов хулосасини тасдиқлаш;

3) қўшимча тергов ўтказиш учун ишни ўз кўрсатмалари билан терговчига қайтариш;

4) ишни юритишни тўхтатиш;

5) ишни тугатиш.

Башарти айбловни тўлдириш ёки уни оғирлаштириш томонига ёхуд ҳақиқий ҳолатларга кўра аввалги айбловдан жиддий фарқ қиладиган томонга ўзгартириш талаб қилинса, прокурор ёки унинг ўринбосари қўшимча ёки ўзгартирилган айб эълон қилиш учун ишни қўшимча терговга қайтаради.

Айблов хулосаси билан келган жиноят иши буйича прокурор ёки унинг ўринбосари эҳтиёт чорасини ўз қарори билан бекор қилишга, ўзгартиришга ёки илгари эҳтиёт чораси танланмаган бўлса, шундай чорани татбиқ этишга ҳақлидир. Бунда ЖПКнинг 28-бобидаги эҳтиёт чоралари қоидалари қўлланилади.

Жиноят иши судга юборилгунга қадар прокурор ёки унинг ўринбосари суд мажлисига чақириладиган шахсларнинг рўйхатини ўз қарори билан қисқартириш ёки тўлдиришга ҳақлидир. Бунда айбланувчилар, муомала лаёқатига эга бўлган жабрланувчилар, вояга етмаган айбланувчиларнинг қонуний вакиллари, шунингдек фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахслар ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинганлар ва уларнинг вакиллари рўйхатдан тушириб қолдирилиши мумкин эмас. Дастлабки терговда гувоҳ сифатида суроқ қилинмаган ва эксперт хулоса бермаган шахслар рўйхатга қўшимча қилиб киритилиши мумкин эмас.

Прокурор ёки унинг ўринбосари айблов хулосасини тасдиқлаб, жиноят ишини тегишлилиги бўйича судга юборади. Прокурор ёки унинг ўринбосари ишнинг судга юборилганлиги ҳақида айбланувчига ва ҳимоячига, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига дарҳол хабар қилади. Агар илтимослари бўлса, уларни судга юборишга ёки суд мажлисида баён қилишга ҳақли эканликлари тўғрисида маълум қилади. Айни вақтда прокурор ёки унинг ўринбосари айбланувчига ва ҳимоячига айблов хулосаси ва унга қилинган

иловаларнинг тасдиқланган нусхаларини юборади, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхати бундан мустасно, башарти айблов хулосасига ёки иловага ўзгартиришлар киритилган бўлса, уларни ўзгартириш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ҳам юборилади.

Айблов хулосаси тасдиқланган жиноят ишини судга иш билан бирга суд мажлисида текшириш ва ҳал этиш учун барча илтимослар ва шикоятлар юборилади. Айблов хулосаси билан келган жиноят ишлари бўйича прокурор ҳаракатлари юзасидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

Мавзу учун саволлар.

1. Суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунларни ижро этиши устидан назоратни амалга оширишда прокурор ваколатлари қандай?

2. Қўп воқеали жиноят ишлари бўйича прокурорнинг ваколатлари нималардан иборат?

3. Айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор қал этиши лозим бўлган масалалар.

4. Айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурорнинг қарори.

5. Айблов хулосаси билан келган жиноят иши бўйича прокурорнинг эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарори.

6. Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатини ўзгартириш.

7. Жиноят ишини судга юбориш.

**Айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан
прокурор ҳал этиши лозим бўлган масалалар.
(ЖПК нинг 384-моддаси)**

айбланувчини зиммасига қўйилаётган қилмиш содир этилган ёки
этилмаганлигини ва бу қилмишда жиноят таркиби бор-йўқми;

қўйилган айб ишдаги мавжуд далиллар билан асослантирилганми ёки
асослантирилмаганми;

айбланувчининг исботланган барча жиноий қилмишлари айблов
мазмунига киритилганми ёки киритилмаганми;

жинояти фош қилинган барча шахслар айбланувчи тариқасида ишда
иштирок этишга жалб қилинганми ёки қилинмаганми;

айбловни ёки ишни тугатишга сабаб бўладиган ҳолатлар борми ёки
йўқми;

айбланувчининг қилмишларига туғри ёки нотўғри тавсиф берилганми;

эҳтиёт чораси тўғри ёки нотўғри танланганми;

фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари кўрилганми ёки
кўрилмаганми;

жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этрилишига имкон берган шарт-
шароитлар аниқланганми ёки аниқланмаганми; ҳамда уларга барҳам
бериш чоралари кўрилганми ёки кўрилмаганми;

тергов синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона
ўтказилганми ёки ўтказилмаганми;

айблов хулосаси ЖПКнинг 379 ва 380-моддаларида назарда тутилган
талабларга мувофиқ тузилганми ёки тузилмаганми;

суриштирувчи ва терговчи ЖПКнинг бошқа талабларига риоя
қилганми ёки қилмаганми.

VIII-БОБ. ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИНГ СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИГИ

1-§. Судловга тегишлилик тушунчаси ва унинг аҳамияти

Жиноят ишларининг судловга тегишлилиги деганда жиноят процессуал қонуни билан жиноят ишини у ёки бу судда мазмунан кўрилишини белгиловчи юридик хусусият тушунилади. Бу хусусиятга кўра жиноят ишини қайси судга тегишли эканлиги ва ягона суд тизими ичида судлар ўртасидаги ваколатлар белгиланади.

Судловга тегишлилик икки хил маънода тушунилади. Судловга тегишлилик, биринчидан, айрим жиноят ишларининг кўрилиши ва ҳал қилиниши суд органларига тааллуқли (тегишли) бўлишлигини англатади; иккинчидан, судловга тегишлилик ягона суд тизимига кирадиган умумий юрисдикция судларининг қайси бири муайян жиноят ишини кўриш ва ҳал қилишга ҳуқуқли бўлишини билдиради. Бинобарин, суд органларининг ваколатига кирадиган жиноят ишларини ўз ичига олади. Жиноят ишларининг доираси жиноят процессуал қонунига кўра белгилаб берилади.

Демак, судловга тегишлилик деб суд органларига тегишли бўлган жиноят ишларининг мазмунига кўра суд инстанциялари ўртасида тақсимланишига, шунингдек, ҳудудий ва шахсга кўра мазкур жиноят ишининг айнан қайси судга таъллуқли бўлишига айтилади. Жиноят ишини кўриш, ва ҳал қилишда судловга тегишлилик масаласи катта аҳамиятга эга.

Судловга тегишлилик ҳақида сўз юритилганда, суд инстанцияси ваколатларига кирадиган жиноят ишларининг қонуний, асосли, адолатли ва мазмунан аниқ кўрилиши биринчи инстанция, кассация ва назорат суд инстанцияларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Бундай фикрга келинишига жиноят процессуал қонунида кўрсатилган судловга тегишлилик юридик атамасинининг ишлатилиши, чунончи «туман шаҳар судлари судловига, вилоят судлари судловига ва Олий суд судловига тегишли жиноят ишларининг белгиланиши» асосдир яъни, судловга тегишлилик жиноятнинг характерига кўра, малакаланиши билан белгиланади.

Судловга тегишлилик фақат жиноятнинг характерига кўра белгиланибгина қолмай балки, жиноят содир этган субъект билан ҳам белгиланади. Масалан: ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган жиноятлар тўғрисидаги ишлар фақат ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлади.

Судловга тегишлиликнинг жиноят процессуал қонуни томонидан очиқ белгиланиши ҳар бир суд тизимига тегишли бўлган ишларни аниқ бўлишига ёрдам беради. Бу эса судлар ўртасида ишларни кўришда сансалорликка йўл қўйилмаслиги, юқори судларга тегишли ишларнинг қўйи судлар томонидан кўрилмаслигини таъминлайди.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, юқори судлар судловига тегишли жиноят ишлари қўйи судлар томонидан кўрилмаслиги лозим. Акс ҳолда жиноят процессуал қонунининг нормалари бузилади. Юқори судлар томонидан қўйи судларнинг судловига тегишли бўлган барча жиноят ишлари кўрилиши мумкин. Чунончи юқори судларнинг судловига тегишли бўлган жиноят ишлари ўзининг алоҳида ижтимоий аҳамияти ёхуд ўта муҳимлиги билан ажралиб туради.

Юқори судларга ёки ҳарбий судларга тегишли бўлган жиноят ишларидан ташқари ҳамма жиноят ишлари туман (шаҳар) судлари судловига тегишлидир. (ЖПК 389-моддасининг 1-қисми). Туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судларга жиноят ишларининг жуда кўп турлари топширилган, аниқроқ айтадиган бўлсак 90 фоиз жиноят ишларини ушбу суд органлари кўради.

Суд таркибига кўра судловга тегишлилик борасида сўз юритилганда жиноят ишлари ҳайъат судловига тегишлидир. Ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган ишлар якка судья судловига тегишли ҳисобланади. Биринчи инстанция суди томонидан кўриладиган мураккаб жиноят ишлари судья ва икки нафар халқ масалахатчиси судловига тегишли бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди томонидан кўриладиган жиноят ишлари уч нафар судья судловига тегишли бўлиб, ушбу таркиб жиноят ишини кўриб ҳал қилади.

Агар жиноят иши ҳайъат судловига тегишли бўлиб, у якка судья судловида кўрилса, бу қонунга хилоф. Ушбу ҳолатнинг акси бўладиган бўлса, яъни якка судья судловига

тегишли жиноят ишлари ҳайъат судловига ўтиб кўриладиган бўлса, бу ҳолат қонун бузиш деб ҳисобланмайди.

Судловга тегишлилик масаласини оддий ҳолат деб бўлмайди. Балки, судловга тегишлилик процессуал катта аҳамиятга эга. Суд талабига кўра жиноят ишлари каерда кўрилишидан катъи назар судловлиликка кўра ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолисона кўрилишини таъминлайди. Қонунчиликка кўра судлар томонидан жиноят ишлари юзасидан ҳукм чиқарилди дегани бу ишда охирги нуқта қўйилди дегани эмас. Қонун суд органларига ҳар бир жиноят ишини самарали кўриб ҳал қилишда, мустақил ва фақат қонунга бўйсунушини эътироф этади. Бу борадаги нормани нуфузли халқаро ҳужжатлар ҳам талаб этади.

2-§. Судловга тегишлиликнинг турлари

Жиноят ишининг кайси судга тегишли бўлишлигини (судловлигини) белгилашда мазмунан кўрилиб ҳал қилинадиган жиноят ишининг турига қаралади.

Жиноят процессуал қонунини таҳлил қилганимизда бир-биридан фарқланувчи судловга тегишлиликнинг белгиланишини кўришимиз мумкин. Буларга турдош ёки предметли, шахсига кўра, ҳудудий ва мустасно тегишлилик киради. (каранг 12-схема).

Турдош ёки предметли судловга тегишлилик деб ишнинг тури ёки характерига қараб ҳар хил турдаги судларга жиноят ишларнинг тегишли бўлишлиги тушунилади. Бу судловга тегишлиликни белгилашда жиноий иш тури, жиноятнинг предмети нимадан иборат бўлиши ва жиноят субъектлари кимлар бўлишига ҳам қаралади. Турдош судловга тегишлилик бўйича ягона суд тизимидаги ҳар турли судлар ўртасидаги ваколатга ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судларига тегишли ишлар ўз мазмуни билан бир хил бўлиб, жиноят процессуал қонуни билан алоҳида белгиланади, шунга асосан жиноят-процессуал кодекси 389-моддасининг 2—қисмида уларнинг судловига тегишли жиноят ишлари аниқ белгиланган. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг судловига

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 97-моддасини иккинчи қисми, 118- моддасининг тўртинчи қисми, 150, 153, 155, 157, 158-моддалари, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари, 160, 161-моддалари, 210-моддасининг учинчи қисми, 230, 231, 242, 244-моддалари, 273-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар тегишлидир.

ЖПК 389-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган жиноят ишлари вилоят ва унга тенглаштирилган судлар ўзларига тегишли бўлган жиноят ишларини фақат ўзлари кўришлиги лозимлигини ва шу мазмундаги ишларни қуйи туман судларига ўтказмаслигини белгилайди.

Юқори судлар жиноят-процессуал қонунида белгиланган ўзларига тегишли жиноят ишларидан ташқари, қуйи суд судловига тегишли ҳар қандай жиноят ишини биринчи инстанция суди тариқасида ўзи кўриш учун олишга ҳақлидирлар. (ЖПК 390-моддаси).

Ҳарбийларга нисбатан шахсига кўра судловга тегишлилик қўлланилади. Шунинг учун ҳарбийларнинг жиноят ишлари махсус ҳарбий судлар судловида кўрилади.

Ҳарбий судларнинг судловига қуйидаги жиноятлар ҳақидаги ишлар тегишли:

а) ҳамма ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий хизматни ўташга мажбур бўлган шахслар ўқув йиғинлари ўтаётганда қилган барча жиноятлари ҳақидаги ишлар;

б) миллий хавфсизлик органларининг офицер, сержант ва оддий аскарлари томонидан қилинган барча жиноятлар ҳақидаги ишлар;

в) ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаларнинг бошлиқлари таркиби, шунингдек Ички ишлар вазирлиги қўшинларининг сержант ва оддий аскарлари томонидан қилинган жиноятлар;

г) ҳарбий судлар қонунлари билан белгиланган бошқа жиноятлар бўйича ишлар, чунончи, ҳарбий судларнинг судловига истисноли ҳолатда (масалан, ҳарбий жазони ижро этиш) бошқа судлар фаолият кўрсатмайдиган жойлардаги фуқаролик ва жиноят ишлари судлари томонидан кўрилади.

Ҳарбий хизматчиларга нисбатан ҳарбий судларнинг судловига тегишли ишлар предметли белгиси бўйича ажратилмайди. Мураккаб бўлган жиноят ишлари Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ҳарбий ҳайъатининг судловига тегишли бўлади. Ҳарбий судлар судловига тегишлилигининг

худудий белгиси чекланган ҳолда амал қилади. Бу борадаги судловга тегишлилик судловга тегишлиликнинг муайян ҳарбий қисм, гарнизон, қўшилмаларга тааллуқлилиги билан аниқланади. Ҳарбий хизматчиларга тааллуқли ишларнинг ҳар хил даражаси ҳарбий судларнинг судловга тегишлилиги шахсий белгиси бўйича ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Ташкент шаҳар судларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят тўғрисидаги ишни, агар у мазмунан мураккаб бўлмаса, жиноят ишлари бўйича тегишли туман (шаҳар) судига, шунингдек округ ёки худудий ҳарбий судга кўриш учун топширишга ҳақли.

Қовун жиноят ишининг худудий жиҳатдан судловга тегишлилигини ҳам белгилаб муайян худудда кўрилишини назарда тутади. Худудий жиҳатдан судловга тегишлилик жиноят ишларининг худудий белгисига кўра жиноятнинг қаерда содир бўлганига қараб белгиланади. Масалан, жиноят иши қайси худудда содир этилган бўлса, шу худудда фаолият юритаётган суднинг судловига тегишли бўлади.

Жиноят ишининг жиноят содир бўлган жойда кўрилиши кўпчилик гувоҳлар ва жабрланганларни чақиришни осонлаштиради. Бу эса уларнинг иштирок этишига ва тегишли далилларни таъминлайди. Судьяларнинг тайинлаб қўйилган жойда ишни кўриб ҳал қилишлари одил судлов фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутади ва суднинг тарбиявий аҳамиятини кучайтиради.

Айрим ҳолларда жиноят қаерда содир қилинганлигини аниқлаш мумкин бўлмайди. Бундай ҳолларда Жиноят процессуал кодексининг 391-моддаси 2-қисмига мувофиқ ушбу иш юзасидан дастлабки тергов тамом бўлган худуддаги суд томонидан кўрилиши талаб қилинади.

Жиноят содир бўлган жойни аниқлаш жиноят ишининг очилишига катта ёрдам беради. Шу маънода узоқ давом этган жиноятлар ҳақидаги ишлар шу жиноят қайси худудда тамомланган ёки тўхтатилган бўлса, шу худуднинг судловига тегишли бўлади.

Мустасно судловга тегишлилик. Баъзи жиноят ишларининг турларига нисбатан уларнинг хусусиятларини

эътиборга олиб, фақат муайян судга тегишли бўлишини белгиланиши мустасно судловга тегишлилик, дейилади.

Мустасно судловга тегишлилик ҳақида сўз юритилар экан, аввало шуни таъкидлаш жоизки, қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди қандай жинойт ишлари тегишли бўлиши кўрсатилмаган, фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Суди томонидан жинойт ишларининг жамоат учун аҳамиятли бўлиши ва ўта мураккаб ишларни малакали текшириш талаб қилиш лозимлиги кўрсатилган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ўта мураккаб ёки муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ишларни (турдош ёки предметли, шахсий, ҳудудий) тегишлилигига қарамасдан ўзи кўриш учун чақиртириб олиши мумкин.


Бу турдаги судловга тегишли ишлар икки манбадан олинади.

а) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан юборилган ишлар;

б) қуйи судлардан чақиртириб олинган ишлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан юборилган жинойт ишини ўзи кўриб ҳал қилиши мажбурий эмас. Бундай ишларни лозим топганда ўзи кўрмасдан тегишли бўлишига қараб бошқа ўзидан қуйи судларга юбориши мумкин. Қонунда курсатилган жинойт ишининг судловга тегишлилиги амал қилинган тақдирда қуйидагиларга яъни, жинойтларнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, чуқур кўриб чиқишга, ҳукмнинг қонуний, асосли, адолатли бўлишига, суднинг эса аҳамиятини оширишга эришилади.

Жинойт ишларининг судловга тегишлилигининг белгиланиши судлар томонидан қонуний асосли адолатли ҳукмлар чиқарилишини таъминлайди.



3-§. Жиноят ишлари бирлаштирилганда уларнинг судловга тегишлилиги

Айбланувчи бир нечта жиноятни бир худудда эмас, балки бир турдаги бир нечта суд ҳаракат қиладиган жойда содир қилган бўлиши мумкин ёки бир нечта шахслар бир жиноятни турли жойларда содир қилган бўлишлари ва бу жиноятлар бир хилдаги бир нечта судга тегишли бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ишлар бирлаштирилади. Жиноий иш эса шу иш бўйича дастлабки тергов қаерда тамомланган бўлса, шу худуддаги суднинг судловига тегишли бўлади.

Бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар турли даражадаги судларга тегишли жиноятларни содир қилишда айбланган бўлса, барча жиноятлар тўғрисидаги иш шу судларга нисбатан юқори бўлган суд томонидан қурилади. Масалан: жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (ЖК 97-модда), жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда номусга тегиш (ЖК 118-модда 4-қисми). Ушбу ҳолатда турдош ёки мазмунига кўра (предметли) судловга тегишлилик амалда бўлади ва бунга мувофиқ туман (шаҳар) суди эмас, балки юқори судлар (Қорақолпоғистон Республикаси Олий Суди, Тошкент шаҳар ва вилоят судлари) судловига тегишли бўлади.

Бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар бир неча жиноятларни қилишда айбланса, агар бундай ишларнинг локал биттаси

ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлса, барча жиноятлар ҳақидаги ва барча шахсларга доир иш ҳарбий суд томонидан кўрилади (ЖПК 392-модда). Ҳарбий судлар жиноят ишлари билан биргаликда ҳарбий қисмлар (муассасалар), давлат, жамоат ва тижорат ташкилотлари, муассасалари, корхоналари ва алоҳида фуқароларнинг жиноят билан етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги фуқаролик ишларини ҳам кўриб чиқади. Бир гуруҳ шахсларнинг биттаси ҳарбий суднинг судловига тегишли жиноятни содир этган бўлса, унга қўшилиб барча жиноят ишлари ҳарбий суднинг судловида кўрилади.

Агар у ёки бу сабабга кўра иш бир хилда бўлиб, бошқа бир қанча судлар судловига тегишли бўлган иш қайси худудда дастлабки тергов ёки суриштирув тўхтатилган бўлса, ўша жойдаги суднинг судловига тегишли ҳисобланади.

Агар жиноят иши бир хил даражадаги бир неча суднинг судловига тегишли бўлса, жиноят ишини дастлабки тергов тамом бўлган жойдаги судда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Бу борадаги масала ЖПКнинг 393-моддасида кўрсатилган қоидаларга асосан судловга тегишлилик белгиланади.

4-§. Жиноят ишининг судловга тегишлилигига кўра ўтказилиши

Жиноят ишини қайси судга тегишлилиги масаласи биринчи маротаба дастлабки тергов тамом бўлгандан сўнг, ишни прокурор орқали судга юбориш вақтида келиб чиқади. Сўнгра бу масала иш келиб тушган суд томонидан текширилади. Жиноят ишининг қайси судга тегишлилиги масаласи судда жиноят процесси иштирокчиларининг хоҳиши ёки судьяларнинг хоҳиши билан эмас, балки қонунда кўрсатилган асосда, тартибда ҳал қилинади.

Жиноят ишини бир суддан тўғридан-тўғри шундай даражадаги судга ўтказишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга суд юборилган жиноят ишини ўзига тегишли эканлигини аниқлаши лозим. (ЖПК 396-моддасининг 1-қисми). Баъзи вақтларда жиноят ишини тўла, ҳар томонлама, ҳолисона ва ўз вақтида кўрилишини таъминлаш мақсадида бир суддан иккинчи судга ўтказилиши мумкин. Лекин ишни

бошқа судга ўтказишнинг маълум шартлари мавжуд (ЖПК 393-моддаси).

Жиноят иши судья томонидан бу судга тегишли эмас, балки бошқа суднинг судловига тегишли эканлигини аниқласа, уни ўша тегишли судга юборади. Бу судьянинг ажрими, юқори суд раисининг эса қарори билан процессуал расмийлаштирилади.

Муайян бир туман (шаҳар) судидан Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳудудидаги жиноят ишлари бўйича бошқа судларга ўтказиш тўғрисидаги судьянинг ажрими ёки бўлмаса прокурорнинг тақдимномаси мавжуд бўлган жиноят ишлари тегишли тартибда юқори суд инстанциясининг раисига юборилади. Бу иш юзасидан жиноят ишлари бўйича юқори суднинг раиси ўз қарори билан муайян ҳудуднинг судловига тегишлилигини белгилайди ва бу борадаги қарор қатъий бўлиб, мунозара қилишга йўл қўйилмайди.

Жиноят ишининг тегишлилик масаласига риоя қилиниб, жиноят процессуал қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорлари талабларига тўлиқ амал қилинган ҳолда юборилган жиноят ишини суд қабул қилиб олишга мажбур.

Суд судловга тегишлилигига риоя қилиб, қабул қилиб олган иш, гарчи кейин бошқа шу даражадаги суднинг судловига тегишли эканлиги суд мажлисида маълум бўлиб қолган ҳолатларда суд ишни кўришни давом эттираверади ва бу иш бўйича ҳукм чиқаришга ҳақлидир. Шу ўринда жиноят процессуал қонунида белгиланган норматив-ҳуқуқий мезон амалда бўлишличини қайд этиш лозим. Суд мажлиси вақтида юқорида кўрсатилган ҳолат юзага келганда, ишнинг ҳолатларини тўла текширишга зарар етказилмаслик инobatта олинishi керак. Мазкур судда ишни кўриш унинг ҳолатларни тўла текширилишини таъминламаса, суд тегишлилигига кўра ишни бошқа суднинг судловига юборади (ЖПК 393-моддаси). Суд мажлиси давомида жиноят иши юқори турувчи суднинг ёки ҳарбий суднинг судловига тегишли эканлиги аниқланса, суд тегишлилигига кўра ишни юборади. Ушбу процессуал талаб ҳар қандай ҳолатда ҳам бажарилиши шарт.

Ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлган жиноят ишларини тегишлилигига кўра ўтказиш ўзига хос хусусиятларга эга. Муайян ҳарбий суддан бошқа ҳудуддаги

(ҳарбий қисм, гарнизон) ҳарбий судига ўтказиш юқори турувчи ҳарбий суднинг раиси томонидан ҳал қилинади. Юқори инстанция ҳарбий суди раисининг қарорига кўра, қуйи ҳарбий суднинг судловига тегишли бўлган ишлар юқори суднинг судловига ўтказилиши мумкин. Ёки бўлмаса юқори ҳарбий суднинг судловига тегишли бўлган ишлар қуйи суднинг судловига ўтказилиши мумкин. Шунингдек, бошқа худди шундай ҳарбий судга жиноят ишини кўриб чиқиш учун ўтказиш ҳуқуқига ҳам эга.

Жиноят ишини бир суддан бошқасига 392 ва 393-моддаларда кўзда тутилган тартибни бузиб жўнатилган ҳолда, суд раиси юқори суд раисига жиноят ишини судловга тегишлилигига кўра ўтказиш тўғрисидаги судьянинг ажримини бекор қилиш ҳақида тақдимнома беришга ҳақли.

Юқори инстанция судининг судловига ва ҳарбий суднинг судловига тегишли бўлган жиноят ишлари қуйи судлар томонидан кўриб чиқишига йўл қўйилмайди. Жиноят процессуал қонунида белгиланган тартибга кўра бир суддан бошқа судга ўтказилган жиноят иши, қайси судга юборилган бўлса, ўша суд томонидан қабул қилиниши шарт.

Юқори суднинг суд мажлисида кўрила бошланган ишни қуйи судга ўтказишга йўл қўйилмайди. Юқори суд мазкур ишни давом эттириб қонуний ҳукм чиқариши зарур. Жиноят ишини бир вилоят судидан бошқа вилоят судига ўтказиш ҳақидаги судьянинг ажрими ёки тегишли прокурорнинг тақдимномаси мавжуд бўлган жиноят ишлари Ўзбекистон Республикаси Олий Судига юборилади.

Жиноят ишининг судловга тегишлилигига кўра бошқа вилоятдаги жиноят ишлари бўйича судга ёки Қорақолпоғистон Республикасидаги жиноят ишлари бўйича судга ўтказиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг раиси томонидан ҳал қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг раиси унинг муовини, Қорақолпоғистон Республикаси Олий Судининг раиси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар судининг судьялари томонидан жиноят ишини бошқа судга ўтказиш ҳақидаги ажримини асосли деб топганда жиноят ишини тегишли судга юборади. Жиноят ишини судловга тегишлилигига кўра ўтказиш тўғрисидаги судьянинг ажрими ёки тегишли шахсларнинг тақдимномаси асосли эмас деб топганда, уни жиноят процессуал қонуни бўйича судловга тегишлиликка

асосан ўз жойида кўрилиши маъқул деб топади ва қарор билан процессуал расмийлаштиради.

Судловга тегишлилик ҳақида баҳслашишга йўл қўйилмайди. Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда бир суддан бошқа судга юборилган жиноят иши албатта кўриб чиқиш учун қабул қилиниши лозим (ЖПК 394-моддаси).

Мавзу бўйича саволлар.

1. Жиноят ишларининг судловга тегишлилиги тушунчаси ва унинг аҳамияти.
2. Судловга тегишлиликнинг белгилари.
3. Судловга тегишлилик турлари.
4. Турдош ёки предметли, шахсга кўра, ҳудудий ва мустасно судловга тегишлилик.
5. Жиноят ишлари бирлаштирилганда уларнинг судловга тегишлилиги.
6. Жиноят ишининг судловга тегишлилигига кўра ўтказилиши.
7. Судловга тегишлилик хусусида тортишувга йўл қўйилмаслиги.

IX-БОБ. ЖИНОЯТ ИШНИ СУДДА КЎРИШ УЧУН ТАЙИНЛАШ

1-§. Жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш тушунчаси ва унинг аҳамияти

Жиноят процессида жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш муҳим босқич бўлиб ҳисобланади. Унда судьялар (суд раиси) жиноий ишени судда кўриб чиқиш учун етарли асослар мавжудлигини текшириб, бундай асослар етарли деб ҳисоблаганида жиноят ишени судда кўриш учун тайинлайди.

Суриштирув ва дастлабки тергов ўтказилган ва айблов хулосаси тузилиб, прокурор тасдиғидан ўтган барча жиноят ишлари ушбу босқич орқали ўтади. Жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш айбланувчининг айбдор эканлигини билдирмайди, балки фуқароларнинг асоссиз жиноят ишлари судда кўриш учун тайинланмасликларини кафолатлашга қаратилгандир.

Мазкур босқичда судья ёки суднинг мажбуриятларига далилларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш кирмайди, балки суд мажлисида ишени кўриб чиқиш учун фактик маълумотлар ва ҳуқуқий асосларнинг етарлилиги текширилади.


Жиноят ишени судда тайинлашнинг аҳамияти бир томондан суриштирув ва тергов органларининг ҳаракатларини қонуний ва тўғри олиб борилганлиги ва жиноят ишени судда кўриш учун етарли асослар тайёрланганлигини текшириш бўлса, иккинчи томондан, қонун билан белгиланган асослар ва тартиблардан ташқари ҳеч кимни айбланувчи тариқасида жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас деган қонун талабини тўғри амалга оширишни таъминлайди.

Жиноят ишени судда кўришга тайинлашда судья хулоса чиқариши учун қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

а) жиноят ишени кўриб чиқиш учун далилларнинг етарлилиги;

б) айбланувчининг жавобгарлик даражаси ва характериға таъсир қилувчи ҳолатларнинг, шунингдек айбланувчининг шахсини, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатларнинг тўлиқ аниқланганлиги;

в) жиноят содир этилишиға имкон берган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланганлиги.



Судья жиноят ишени суд мажлисида кўриш учун етарли асослар мавжудлигини аниқлаб, айбдорлик масаласини олдиндан ҳал қилмасдан айбланувчининг жиноят ишени судда кўриш-учун тайинлаш тўғрисида қарор чиқаради. Шу вақтдан бошлаб айбланувчи судланувчи деб процессуал мақом олади.

Жиноят ишени судда кўриш учун тайинлашда қуйидаги ҳолатлар текширилади:

- 1.Мазкур қилмиш учун жиноий жавобгарлик вужудга келишининг зарурий шартлари;
- 2.ЖПК нормаларининг тўғри қўлланилганлиги;
- 3.Эълон қилинган айбловнинг етарлилиги, тергов жараёнида аниқланган жиноий ҳаракатларнинг барчаси айбловга киритилганлиги ва айбланувчинининг барча ҳаракатлари юридик баҳоланганлиги.

Агар жиноят иши материаллари қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги, ишни тўхтатиш асослари йўқлиги, ишни кўриб чиқиш учун далилларнинг етарлича тўпланганлиги, жиноят иши дастлабки тергов жараёнида олинган материалларга асосан квалификацияланган

терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўтказилганлиги, жиноят процессуал кодекснинг талабларига риоя қилинганлиги, эҳтиёт чораси ҳақидаги масаланинг тўғри ҳал бўлганлиги, айблов хулосаси ЖПК нинг 379-380-моддаларидаги талабларига асосан тузилганлиги, ушбу суднинг судловига тегишли эканлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон берса, у ҳолда судья ишни мазмунан кўриш тўғрисида қарор чиқаради.

Таъкидлаш жоизки, судья асос бўлганда жиноят ишини юритишни тўхтатишга ҳақли. Жиноят ишини тугатиш эса фақат суд томонидан суд муҳокамасида ҳал қилинади. (ЖПК 401-моддаси). Суд жиноят ишини, унинг ҳажмини, мураккаблигини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб, судланувчини ва унинг ҳимоячисини, ҳимояга тайёрланиш имкониятига эга бўлишларини назарда тутган ҳолда, қонунда белгиланган муддат ичида, кўриш учун тайинлаши керак⁴⁷.

Ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ёхуд бошқа қарор қабул қилиш ҳақидаги масала судья томонидан иш судга келиб тушган кундан бошлаб етти суткадан кечиктирмай ҳал қилиниши лозим. Алоҳида ҳолатларда шу суднинг раиси томонидан кўпи билан уч суткагача узайтириш мумкин (ЖПК 395-моддаси).

2-§. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ва ишни тайинлаш тўғрисидаги қарор

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда ҳал қилиниши лозим бўлган ҳолатлар рўйхати жиноят ишини кўриб чиқиш масаласи ким томондан ҳал қилинишидан қатъи назар ўзгармайди.

ЖПКнинг 396-моддасида кўрсатилган масалаларни текширмасдан айбланувчини судга бериш ёки судга бермасликни ҳал этиш мумкин эмас. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида судья ҳар бир айбланувчига нисбатан қуйидаги ҳолатларни аниқлаши лозим бўлади, яъни:

1. иш мазкур суднинг судловига тегишлими;
2. ишни тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабр қарори.

қолатлар йўқми;

3. ишни суд мажлисида кўрилиши учун асослар етарлими

4. суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ЖПКнинг талабларига риоя қилинганми;

5. айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганми;

6. жиноят оқибатида етказилган мулкый зарар қопланишини таъминлаш чоралари кўрилганми;

7. айблов хулосаси ЖПКнинг талабларига мувофиқ тузилганми (14-схема).

Юқорида кўрсатилган, масалаларни икки гуруҳга бўлиш мумкин

а) Жиноят ишини суд мажлисида кўриш учун тўсқинлик қиладиган қолатлар /1-5 пунктлари/;

б) тергов ёки суриштирув олиб борилганида жиноят процессуал ва жиноят кодексларининг талабларига риоя этилганлигини аниқлаш /4-7 пунктлар/;

Айбланувчининг жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал этишда жиноят ишининг мазкур суднинг судловига кириш ёки кирмаслигини аниқлаш зарур. Агар жиноят ишини шу суднинг судловига тегишли эмаслиги аниқланса, судья-ажрим чиқариб, жиноят ишини тегишли судга юбориши керак.

Судья жиноят ишини мазкур суднинг судловига тегишли эканлигини аниқлагандан сўнг жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган асослар мавжудлигини текширади. Агар судья жиноят ишини вақтинча тўхтатишга асослар мавжуд деб ҳисобласа, бу ҳолда судья ажрим чиқариб, ишни тўхтатади.

Жиноят ишини суд мажлисида кўриш учун асосларнинг етарлилигини баҳолашда иш қолатларнинг ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолисона аниқланганлиги текширилади. Бунда жиноят ишидаги барча қилмишлар айбланувчига қўйилганлиги ва жиноятга даҳлдор барча шахслар жиноий жавобгарликка жалб қилинганлигини текшириш керак. Агар айбланувчига у томондан содир этилган жиноий қилмишлар қўйилган бўлиб, унга оғирроқ айблов эълон қилиши мумкин бўлса ёки муқаддам эълон қилинган фактик қолатлар бўйича фарқ қилса, жиноят иши суд томонидан қўшимча терговга қайтарилади. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда жиноят ишини қўзғатиш асослари ва тартибини белгиловчи

ЖПКнинг 322-325-моддаларидаги талабларига риоя қилинганлиги, шунингдек, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишни белгиловчи процессуал нормаларга риоя қилинганлигини ўз вақтида аниқлаш зарур. Чунки бу масалани ҳал этмасдан жиноят ишини суд мажлисида кўриш мумкин эмас

Айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини тўғри белгилаш жиноят процессуал қонунчилигини тўғри амалга оширилишини таъминлайди. Шунинг учун судья айбланувчининг жиноий ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал этишда унга нисбатан эҳтиёт чораси тўғри қўлланилганлигини текшириши лозим. Агар судья эҳтиёт чорасини ўзгартириш зарур (қамокдан озод қилиш ёки қамокқа олиш керак) деб ҳисобласа, судья томонидан мустақил равишда ҳал қилинади.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорда, ишни тегишлилиги тўғрисидаги масалалардан ташқари, уни олиб боришга тааллуқли ва бошқа процессуал масалалар ҳам, масалан, процессуал чиқимлар ва уларни қоплаш тўғрисидаги масалалар ҳал қилиниши мумкин.

3-§. Жиноят ишини юритишни тўхтатиш ва тугатиш

Жиноят ишини юритишни тўхтатиш масаласи жиноят процессуал қонунчилигида ўз ҳуқуқий асосини топган (ЖПК 399-моддаси). Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида чиқарилган ажримда яширинган айбланувчини қидириш масаласи баён қилиниши лозим. Жиноят иши бўйича айбланувчини қидириш тўғрисида судьянинг алоҳида ажрим чиқариши қонунда тақиқланган эмас. Жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиш тўғрисидаги ажримдан кўчирма ёки қидирув тўғрисидаги ажримнинг нусхаси ижро этиш учун ички ишлар органларига юборилади.

Гуруҳ томонидан содир этилган жиноят ишлари бўйича иш юритишни тўхтатиш тўғрисидаги масала яширинган айбланувчисиз ишни кўриб чиқишда ҳақиқатни аниқлашга асослар борлиги билан боғлиқ ҳолда ҳал қилинади. Бу масала ижобий ҳал қилинганда, яширинган айбланувчига нисбатан алоҳида иш юритиш учун ажратилади, акс ҳолда, иш бўйича ҳамма айбланувчиларга нисбатан иш юритишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги суд тиббий эксперти хулосаси билан тасдиқланганда, судья айбланувчи соғайгунга қадар ишни юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради (ЖПК 399-моддасининг 2-қисми). Рухий жиҳатдан бетоб бўлган шахсинг ақли норасо ҳолатда ижтимоий ҳавфли қилмишни содир этганлиги, ёки жиноят содир этгандан сўнг руҳий касалликка чалинганлигини тасдиқловчи асослар мавжуд бўлганда судья тиббий усулдаги мажбурлов чораларини қўллаш учун бу асосларга риоя қилинганлигини текширади.

Айбланувчи қидириб топилган ёки тузалиб чиққан ҳолатларда судья жиноят иши бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида ажрим чиқаради ва ишни судда кўриш учун тайинлаш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этади.

Таъкидлаш лозимки, жиноят процессуал қонунига мувофиқ айбланувчининг яшириниб юрганлиги маълум бўлса, ЖПК 399-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, юритишдан тўхтатилган жиноят иши айбланувчини қидириш чораларини кўриш учун айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга ўтказилади (ЖПК 400-моддаси).

ЖПК 401-моддасига кўра кодекснинг 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда суд жиноят ишини тугатади. Жиноят юз бермаган бўлса, жиноят иши қўзғатилмаслиги, агар жиноят иши қўзғатилган бўлса тугатилиши лозим. Иш судда кўриш учун юборилган бўлса, суд томонидан ишни тугатилиши бекор қилиниб, ҳаракатдан қолдирилиши керак.

Жиноят ишини тугатишда суд ЖПКнинг 83-84-моддаларидаги асослар билан бирга қуйидаги масалаларни ҳам кўриб чиқиши лозим;

а) дастлабки терговда айбланувчига нисбатан танланган эҳтиёт чорасини бекор қилиш;

б) фуқаровий даъвони бекор қилиш.

в) ашёвий далиллар масаласини ҳал этиш.

Суд мажлисида 18 ёшга тўлмаган шахслар томонидан жамоат учун унча ҳавфли бўлмаган жиноят содир қилганликлари маълум бўлиб, унга нисбатан жиноий жазо қўлламасдан ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келса, уни жиноий жазодан озод қилиб, тарбиявий характердаги мажбурлов чораларини қўлланиш масаласини қараб чиқиш

учун вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияга юборилиши мумкин.

Жиноят ишини судда кўриш чоғида суд қонунда белгиланган асос бўйича жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ажрим нусхасини жинойий жавобгарликка тортилган шахс ва иш бўйича жабрланувчига топшириш шарт. Бу ҳолат уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга бўлади. Чунки ишни тугатиш ҳақидаги ажрим устидан судланувчи ва жабрланувчи норози бўлса, юқори судга шикоят қилиш учун ажримдаги асослар билан танишмоғи лозим.

4-§. Ишни қабул қилиб олиш ҳақида судьянинг қарори

Келиб тушган жиноят иши бўйича судья ЖПК 395-моддасида белгиланган қарорлардан бирини қабул қилади, яъни,

1) жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида;

2) жиноят иши юзасидан иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида;

3) жиноят иши юзасидан иш юритишни тугатиш тўғрисида.

Судьянинг қарори кириш, тавсиф ва қарор каби уч қисмдан иборат бўлади. Қарорнинг кириш қисмида-қарор чиқарилган жой ва вақти, судьянинг фамилияси кўрсатилади. Тавсиф қисмида-жиноят ишининг суд мажлисида кўриш учун тўплаган далилларнинг етарли бўлганлиги, суд мажлисида прокурор ва ҳимоячининг иштироки, агар илтимослар қилинган бўлса, ундай илтимосларни қаноатлантирганлиги ёки рад этилганлигини қайд этиш керак. Қарор қисмида-иш юзасидан қабул қилинган қарор, яъни жиноят иши судда кўриш учун тайинланган, айбланувчининг исми, фамилияси, Жиноят Кодексининг қайдномаси, суд мажлисида кўриш учун тайёргарлик билан боғлиқ бўлган масалаларнинг ҳал этилганлиги кўрсатилади. Тавсиф ва қарор қисмлар жиноятнинг характери, тури ва қабул қилинган тўхтамнинг мазмунига боғлиқ. Судьянинг жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорида қуйидагилар акс этиши керак:

1) қарор қачон ва қаерда чиқарилгани;

- 2) судьянинг лавозими ва фамилияси;
- 3) судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, Жиноят кодексининг унга нисбатан эълон қилинган айбга доир моддаси;
- 4) ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун етарли асослар борлиги тўғрисидаги хулоса;
- 5) судланувчиларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор;
- 6) суд маҳокамасида давлат айбланувчисининг, шунингдек ҳимоячининг иштироки;
- 7) суд муҳокамаси ўтказиладиган жой ва вақт кўрсатилиши лозим.

5-§. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлангандан сўнг судья томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлангандан сўнг судья томонидан бир қанча процессуал ҳаракатлар амалга оширилади. Судья жиноят ишини судда кўриш учун тайинлангандан сўнг процессуал иштирокчиларни жиноят иш материаллари билан танишиши учун барча шароитларни яратиб беради ва уларга иш материалидан нусха олишларига рухсат беради.

Агар судда жиний иш материаллари билан бир неча иштирокчи танишиши лозим бўлса, уларга навбат белгиланади. Қамоқда сақланаётган судланувчи учун жиноят иш materiali билан танишиш жойи судья томонидан белгиланади. (У қамоқда сақланаётган муассаса биносида ёки суд биносида иш материаллари билан таништирилади).

Агар жиноят иш материалларида давлат сири билан боғлиқ бўлган маълумотлар бўлса, суд уларни ошкор бўлмаслигини таъминлаши шарт. Судья иш билан танишиш давомида жиноят иш материалларидан қилинган кўчирмаларни суд мажлисигача судда сақлаш ҳуқуқига эга.

Ҳимоячи ва судланувчи иш materiali билан биргаликда ёки алоҳида танишишлари мумкин. Судланувчи танлаб олган ҳимоячи узоқ вақт иш materiali билан танишиш учун кела олмаса, судья судланувчига бошқа ҳимоячини танлашни таклиф қилади ёки юридик масалаҳат орқали уни тайинлаш чораларини кўради.

Иш материали билан танишиш тамомлагандан сўнг процесс иштирокчиси қоида бўйича суд мажлисида кўриб чиқиш учун илтимоснома бериши мумкин. Ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ илтимосномалар суд мажлиси бошлангунга қадар судья томонидан ҳал қилинади.

Жиноят иши материали билан танишганлик ҳақидаги суд ажримда ёки процесс иштирокчисининг ёзма илтимосномасида иш билан танишиш вақти белгиланиши зарур. Айблов хулосасининг нусхаси суд мажлиси бошланишидан уч кун аввал топширилиши лозим.

Агар суд жиноят ишини кўришни кейинга қолдирадиган бўлса, иш бўйича иштирокчиларнинг рўйхати ўзгарадиган бўлса, судья томонидан ажрим чиқарилади ва томонларга маълум қилинади. Судья жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш қарорида кўрсатилган шахсларни суд мажлисига чақириш тўғрисида, суд котибияти томонидан ижро этиладиган фармойиш беради.

Суд мажлисига тайёргарлик учун судья томонидан кўриладиган бошқа чораларга қуйидагилар киради: халқ масалаҳатчилари (уларни шу иш бўйича танишишга шароит яратиш), давлат айбловчиси, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, таржимоннинг келишини таъминлаш.

ЖПКнинг 405-моддасига биноан жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисидаги қарор чиқарилган вақтдан бошлаб, кўпи билан ўн суткада суд ишини кўришни бошлаши керак. Жиноят ишини кўриб чиқиш бошланган вақтдан эътиборан узоғи билан икки ой ичида суд уни мазмунан ҳал этишни тугаллаши лозим.

Мавзу учун саволлар.

1. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашнинг тушунчаси ва аҳамияти.

2. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ёхуд бошқача қарор қабул қилиш тартиби қандай?

3. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар деганда нимани тушунасиз?

4. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорда нималар кўрсатилади?

5. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида жиноят ишини юритишни тўхтатиш масалалари?

6. Тўхтатилган жиноят ишини прокурорга ўтказиш тартиби қандай?


7. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида жиноят ишини тугатиш.

8. Процесс иштирокчиларини жиноят иши материаллари билан таништириш тартиби.

9. Суд муҳокамаси иштирокчиларини суд мажлисига қақриш тартиби.

10. Суд мажлисида жиноят ишини муҳокама қилишни бошлаш муддати қандай ҳисобланади?

13-схема



Х-БОБ. СУД МУҲОКАМАСИНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

1-§ Суд муҳокамасининг умумий шартлари ҳақида тушунча унинг вазифаси ва аҳамияти

Суд муҳокамаси жиноят процессининг марказий босқичи ҳисобланади. Бу босқичда жиноят процессининг асосий вазифалари юзасидан бир тўхтамга келинади, яъни суд жиноят ишени мазмунан кўриб, ўз ҳукмида шахсни айбдор ёки айбдор эмаслиги, ушбу қилмиши учун жазолаш ёки жазоламаслик масаласини узил-кесил ҳал қилади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг суд муҳокамасига ҳақ бўлган босқичларида дастлабки айблов юзага келади, жиноят факти бўйича далиллар топилади, текширилади ва уни муҳокама қилиш ҳамда мазмунан ҳал қилиши учун шарт-шароитлар яратилади. Суд муҳокамасидан кейинги босқичларда эса суд қарори текширилади ҳамда йўл қўйилган ҳато ва камчиликлар бартараф этилади.

Шундан кўриниб турибдики, суд муҳокамасига берилган ваколат жиноят процессининг биронта босқичига берилган эмас. Суд муҳокамасида давлат органи билан судланувчи ўртасидаги келишмовчилик шахс ва жамият манфаатларидан келиб чиқиб ҳал этилади. Агар судланувчининг айби судда текширилган ва баҳоланган далилларга асосан тўла тасдиғини топса, уни айбдор деб эълон қилинади ҳамда республика номидан қилмишига яраша жазоланади, жазони ўтагандан кейин ҳам маълум вақтга ҳақ судланган деб топилади ва аксинча судланувчининг айби исботланмаса у оқланади ва кўрган зарарлари қопланади. Демак бу босқичга шахс тақдирини ҳал қилишдек муҳим вазифа юклатилган. Шундай экан биронта ҳато ва камчиликларга йўл қўйилмаслиги учун суд муҳокамасига жуда катта талаблар қўйилган ва қонун билан қафолатланган.

Суд жазоловчи орган эмас, судга ишонч, ҳурмат ва эътиқод бўлиши учун у келишмовчиликни жуда катта маҳорат ва адолат билан ҳал қилиши лозим. Бунинг учун айблов ва ҳимоя тарафидаги ваколат мутлақо тенглаштирилиши ва тортишувчилик асосида, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари таъминланган ҳолда, жиноят иши мазмунан кўрилиб, бир ҳулосага келиниши керак.

Шунинг учун ҳам қонун суд муҳокамасига бир неча шартлар қўйган. Бу шартларнинг биронтасини бажармаслик ёки етарли даражада бажармаслик, суд ҳукмига шубҳа билан қарашга олиб келади.

Ўз-ўзидан маълумки, қонунга хилоф, асослантирилмаган, адолатсиз ҳукмнинг қабул қилиниши нафақат суд ҳокимиятини нуфузига қолаверса давлат ҳокимияти шаънига ҳам путур етказди. Шундай экан, одил судловни амалга оширишда ягона орган бўлган судлар қонунда белгиланган суд муҳокамасининг умумий шартларига қатъий амал қилишлари шарт.

Суд муҳокамасининг умумий шартларига қуйидагилар киради:

1. Суд муҳокамасининг бевоситалиги, оғзакилиги ва ошкоралиги;
2. Судловга тегишлилик;
3. Суд таркибининг ўзгармаслиги;
4. Суд муҳокамаси иштирокчиларининг тенглигини таъминлаш ва уларнинг процессуал ҳолатини кафолатлаш;
5. Суд муҳокамаси доирасининг қатъийлиги;
6. Жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш, тўхтатиш ва тугатиш,
7. Суд мажлисининг тартиби,
8. Суд мажлисининг баённомаси.

Суд муҳокамасининг умумий шартлари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, у мажлис давомида амалда намоён бўлади.

2-§. Суд муҳокамасининг бевоситалиги, оғзакилиги ва ошкоралиги

Суднинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсиниши, асосли иш кўриши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ЖПК билан кафолатланган.

Суд муҳокамасидаги далилларни бевосита текшириш шarti суд муҳокамаси босқичида марказий ўринни эгаллайди. Бевоситаликнинг мазмуни шундан иборатки, судья ўз олдида турган жиноий иш бўйича инсон тақдирини тергов органлари томонидан тақдим этилган материалларга қараб эмас, балки суд муҳокамаси давомида бевосита маълумотларни, кўрсатувларни эшитиш, далилларни кўриш,

билиш ва таҳлил қилиш асосида ҳал қилади. Бунда маълумотни бевосита ўша шахснинг ўзидан эшитиш, далиллар манбайини асл ҳолатидан билиб олиш, тегишли материаллар билан шахсан ўзи танишиш ҳолатлари зарур бўлади. “Дастлабки тергов тақдим этган ёзма материаллар эса суд муҳокамаси учун дастлабки, ёрдамчи ва кўмакчи характерга эга ҳолос”.⁴⁸

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 26-моддасида шундай дейилган: “Жиноят ишини юритишни амалга оширишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларни бевосита текширишлари; гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишлари, эксперт ҳулосаларини эшитишлари, ашёвий далилларни кўздан кечиришлари, баённома ва бошқа ҳужжатларни ўқиб эшиттиришлари шарт”.

Суд муҳокамасининг бевоситалигида қонунга кўра судьянинг ички ишончи, ҳуқуқий онги ва қонунга мувофиқ жиноят иши материалларини бевосита ўрганиши, далилларни текшириш, процесс иштирокчиларини сўроқ қилиш, ашёвий далилларни кўздан кечириши ва ҳулоса қилиш талаб этилади. Судьяга шахсан узи судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш, эксперт ҳулосасини эшитиш, ашёвий далилларни кўздан кечириш, баённома ва бошқа ҳужжатларни эълон қилиб, ўқиб эшиттириш мажбуриятини юклайди. Бунда судья имкон қадар биринчи манбалардан фойдаланади, яъни кўзи билан кўрган гувоҳни сўроқ қилади, ҳужжатларнинг асл нусхалари бўйича уларнинг мазмуни билан танишади. Суд фақат суд мажлисида текширилган ва ўз тасдиғини топган далилларга асосланиб ҳукм чиқаради.

Суд муҳокамасининг бевоситалиги унинг оғзакилиги билан чамбарчас боғлиқдир. Уларни чегаралаб қўйиш мумкин эмас. Суд судланувчини, жабрланувчини, гувоҳларни ва бошқаларни сўроқ қилиш йўли билан уларнинг оғзаки сўзларини бевосита эшитиб қабул қилиб, кўрсатувларига баҳо беради. Лекин алоҳида ҳолларда суд тарафларнинг розилиги билан суд мажлисига келмай қолган гувоҳларнинг кўрсатувларини ўқиб эшиттиради. Бунда оғзакиликка риоя қилиниб, бевоситаликдан чекинилади, бошқа ҳолларда бевоситаликдан чекинишга йўл қўйилмайди.

⁴⁸ Гуценко К. Ф. таҳрири остида. Уголовный процесс. Москва 1997 й. Зерцало 301-бет.

Суд муҳокамасининг оғзакилиги бевоситалик учун зарур бўлган дастлабки заминдир. Оғзакилик суд муҳокамасида, суд муҳокамаси иштирокчилари билан суднинг ўзаро мулоқати ифодаси бўлса, бевоситалик эса суд томонидан шу алоқанинг маълум иш юзасидан далил сифатида қабул қилинишидир. Суд муҳокамасида судланувчилар, жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар оғзаки кўрсатув берадилар ва уларга оғзаки шаклда саволлар берилади. Оғзаки илтимосномалар билдирилади, прокурор хулоса беради, суд музокараларида нутқ сўзланади.

Суд муҳокамаси давомида суд томонидан қабул қилинган ажримлар эълон қилинади ва хужжатлар ўқиб эшиттирилади. Суд муҳокамасининг оғзакилиги ва бевоситалиги тўғрисида В. М. Савицкий шундай дейди: "Далилларни бевосита ва оғзаки усулда эшитилиши, кўрилиши, текширилиши туфайлигина судья ва халқ масалаҳатчиларида ички ишонч вужудга келади, шунинг натижасида бўлажак ҳукмга асос яратилади"⁴⁹.

Суд муҳокамасининг бевоситалиги ва оғзакилигидан ҳамда ошкоралик қоидалари келиб чиқади. Суд муҳокамасининг очик, ошкора олиб борилиши жиноий ишларни кўриб ҳал қилишда унинг тарбиявий ролини оширади. Шунингдек, ошкоралик судларнинг иш фаолиятини, ундаги хато ва камчиликларни рўёбга чиқариб, жамоатчиликка ҳам намоён қилади.

Ошкоралик суд муҳокамаси иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва бурчларини амалга оширишда тўла ва самарали кафолатдир. Ошкоралик суд муҳокамасида бўлган ҳар бир иш юзасидан ҳақиқатни аниқлашга, одил судловни амалга оширишга ёрдам беради. Суд муҳокамасида қатнашаётган процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини тўла таъминлаш мажбурияти шу билан бирга уларга ҳуқуқ ва бурчларидан тўла фойдаланиш имкониятини яратади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 19-моддасига кўра қуйидаги ҳолатларда суд муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтқазилади:

1) "Давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган; ишлар, 2) жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар; 3) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар; 4) фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид

⁴⁹ В. М. Савицкий Что такое уголовный процесс. Москва. "Знание", 1987 йил. 142-бет.

маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида иш ёпиқ суд мажлисида кўрилади; 5) жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин-қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда суд уларнинг илтимосларига кўра ажрим чиқариб, ишни ёпиқ, суд мажлисида кўради.

Судда қисман ёпиқ суд мажлислари ҳам ўтказилади. Бунга ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари киради. Суд мажлисида бу хат ва хабарларни жўнатган ҳамда олган шахсларнинг розилиги билан ошкор қилиниши мумкин. Акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади. Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказилади. Ишни ёпиқ суд мажлисида ёки қисман ёпиқ суд мажлисида кўриш учун суд албатта ажрим чиқариши лозим. Бунинг фарқи ёпиқ суд мажлиси муҳокама бошлангунга қадар, яъни судгача тайёргарлик кўришда ҳал қилинади. Қисман ёпиқ суд мажлисини ўтказиш эса илтимоснома тушгандан кейин кўриб чиқилади. Бу ажрим суд мажлисига йиғилганларга тааллуқли бўлиб, процесс иштирокчиларига дахли йўқ.

Суд судланувчининг ва жабрланувчининг яқин қариндошларини, шунингдек бошқа шахсларни мазкур мажлисда текшириладиган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ошкора қилганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантириб, кейин уларнинг ёпиқ суд мажлисида иштирок этишларига рухсат беради. Суд залида тартибни сақлаб туриш учун зарур бўлган ҳолларда суд айрим шахсларнинг суднинг очик суд мажлисларида қатнашишларини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир. Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга, кинога олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади. Суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади.

Судлов фаолиятида ошкораликни кенгайтириш учун зарур ҳолларда судлар оммавий ахборот воситалари ходимларига, тегишли жамоат бирлашмалари ва жамоаларга бўладиган процесслар тўғрисида хабар бериши, шунингдек процессларни бевосита корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўтказиши мумкин. Суд ишни очик ёки ёпиқ

суд мажлисида кўрилишини белгилашда суд муҳокамасининг тарбиявий таъсирига, айрим фуқароларнинг манфаатларига, яъни уларнинг ҳаётидаги интим томонларни ошкора бўлмаслиги, зарар келиб чиқмаслигини назарда тутиши керак. Жиноят иши ёпиқ суд мажлисида кўрилган тақдирда ҳам суд муҳокамаси давомида қонунда белгиланган барча талаб ва қоидаларга риоя қилиниши шарт. Суд муҳокамасида 16 ёшга етмаган шахслар суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмасалар. Агар 16 ёшга етмаган шахслар жиноят иши бўйича судланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳ сифатида ўтадиган бўлсалар, у ҳолда суд мажлисида иштирок этишлари мумкин ва уларнинг иштироки чегарасини судьянинг ўзи белгилайди.

Суд жараёни тугаб, унинг натижалари оммавий ахборот воситаларида, радио, телевидениеда намойиш қилиниши мумкин. Ушбу намойишни чоп этиш ёки телевидениеда кўрсатиш суднинг ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг амалга оширилиши талаб қилинади (агар бу иш ёпиқ суд мажлисида кўрилмаган бўлса). Ошкоралик принципи ўз мазмунини фақат суд муҳокамасида топади.

Чунки суриштирув ва дастлабки терговда ошкоралик анча чегараланган, лекин ҳозирги пайтда ҳамма суриштирув ва дастлабки терговда жамоатчилик иштирокига кўпроқ эътибор берилмоқда. Ошкоралик суд муҳокамасининг тарбиявий таъсирини оширишда, суднинг ҳурматини кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Судлар фаолиятида ошкоралик халқ-ҳокимиятини амалга оширишнинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланиб, у нафақат ишда иштирок этувчи фуқароларга балки, жамоатчиликка суд томонидан одил судловни амалга ошириш жараёнини назорат қилиш имконини беради.

Ошкоралик суднинг ишни кўриш билан боғлиқ барча ҳаракатлари ва чиқараётган қарорлари учун жавобгарлигини оширади, судлар фаолиятини халқ томонидан назорати эса амалиётда учраётган хато, камчиликларини бартараф этишда, қонунларни ҳурмат қилишда ва адолатни қайта тикланишида ёрдам беради. Ошкора суд процесслари орқали ҳуқуқий тарғибот олиб борилади, шунинг учун ошкоралик аҳолини ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади.⁵⁰

⁵⁰ Волкадаев Н. Ф. Правовая культура судебного процесса. М., Юридическая литература. 1980 й. 41-бет

Судлов фаолиятида ошкораликни кенгайтириш учун процессларни бевосита корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда ўтказилиши аҳоли орасидаги ҳуқуқий тарбияни кенгайтириш имкониятини яратади ва унинг самаралари бошқа тарғибот-ташвиқотларга нисбатан анча юқори ва таъсирли бўлади.

Судловга тегишлилик. Судловга тегишлилик суд муҳокамасининг муҳим умумий шартларидан бири бўлиб, қонун талабига риоя қилинмаган тақдирда ҳукми бекор бўлишига олиб келади.

Судловга тегишлилик жиноятнинг тавсифи ва унинг квалификацияси билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 389-моддасида жиноят ишларининг судловга тегишлилиги қويدаси берилган. Унга кўра: юқори судларнинг ва ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлган ишлардан ташқари ҳамма жиноят ишлари туман (шаҳар) судининг судловига тегишлидир. Бу масала ушбу дарсликнинг 8-бобида атрофлича ёритиб берилганлиги сабабли фикримизни шу ерда мухтасар қиламиз.

3-§. Суд муҳокамасининг иштирокчиларининг тенглигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кафолатлаш

Суд мажлисида ҳаракат қилувчи асосий шахс (орган) ларга суд (судья), шунингдек жиноят судлов ишларини юритиш субъектлари бўлган ва айнан шу босқичда айблов тарафида фаолият кўрсатувчи давлат айбловини қўлловчи-прокурор, жабрланувчи, унинг вакили, қонуний вакили, фуқаровий даъвогар ва унинг вакили, жамоат айбловчиси ва улар билан тенг ваколатга эга бўлган ҳимоя тарафидаги иштирокчилар судланувчи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, фуқаровий жавобгар унинг вакили, жамоат ҳимоячиси киради. Бу иштирокчилар ҳар бирининг процессуал ҳолати ўзига хос ҳусусиятга эга.

Айниқса, барчанинг диққат эътиборида бўлган суднинг (судьянинг) мавқеи алоҳида ўрин тутади. Чунки асосий иштирокчи сифатида суд иш юзасидан охириги хулосани бериш (айблов ёки оқлов ҳукмини чиқариш); иш юзасидан процессуал тергов ҳужжатларини мустақил ҳал қилиш; суд мажлисини кейинга қолдириш (418-модда); жиноят ишини

қўшимча тергов юритиш учун қайтариш (419-модда); жинойт ишини кўришни тўхтатиш (420-модда); суд мажлисида жинойт ишини тугатиш (421-модда); эҳтиёт чораларини қўллаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш (422-модда); суд мажлисига манфаатдор шахсларни қўйиш, қўймаслик масаласини судга тақдим этилган далилларни маъқул ёки маъқул эмаслигини ҳал қилади, энг муҳими мажлисни бошқаришга ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 408-моддасида шундай дейилган:

“Суд мажлисида шу суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья раислик қилади. Раислик қилувчи суд мажлисига раҳбарлик қилади, ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириш ҳамда ҳақиқатни аниқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳамма чораларни кўради, кўрилаётган ишга алоқаси бўлмаган ҳолатларни суд муҳокамасига киритмайди.

Раислик қилувчи суд мажлиси залида тартибга риоя қилинишини таъминлайди. Унинг фармойишлари тарафлар ва барча ҳозир бўлганлар учун мажбурийдир. Тарафлардан ёки бошқа шахслардан бирортаси раислик қилувчининг ҳаракатларига эътироз билдирган тақдирда бу эътирозлар суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади”.

Суд мажлисида судьяларга тажрибали судья раҳбарлик қилади, у барча суд муҳокамаси иштирокчиларининг фаолиятини бошқаради, суд терговини режалаштиради ва амалга оширади, одил судловни амалга ошириш учун керак бўлган шарт-шароитларни таъминлайди.

Туман (шаҳар) судининг раиси шахсан ўзи раислик қилиш учун судьяни тайинлайди. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судларининг суд мажлисларида суд раиси ёки унинг танлови бўйича раис ўринбосари, суд ҳайъатининг раиси ёки унинг тайинлови бўйича тегишли суднинг судьяси раислик қилади. “Суд мажлисида раислик қилувчининг раҳбарлиги суд процессининг тарбиявий аҳамиятини таъминлаб, иш ҳолатини тартибли равишда кўриб чиқишга имконият яратади”⁵¹. “Суд муҳокамасида раислик қилувчининг аниқ ҳаракатлари, халқ масалаҳатчилари масалаҳатлашуви ва тарафлар билан фикрлашуви процессуал қонун талабларига

⁵¹ “Уголовный процесс” Под. ред. Гуценко К. Ф. Москва. “Зерцало” 2001 г. 353-стр.

қатъий риоя қилган ҳолда иш олиб бориши, қонунга эътиқод ва эътироф билан ёндашуви процесс иштирокчиларидан ҳам шуни талаб қилиши учун замин ҳозирлайди. Суд таркиби ишни кўришда уни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текширилишини таъминлаш чораларини кўриши, судланувчининг айбини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини аниқлаши лозим. Шунингдек иш юзасидан ҳақиқатни аниқлаш учун фақатгина ишдаги материаллар ва далиллар билангина чегараланиб қолмай ўз ташаббуси билан далиллар тўплаши ва текшириши лозим.

Суд таркиби ишни тўла текшириш учун қўшимча далиллар тўплаш, ҳужжатларни талаб қилиб олиш, иш юзасидан судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, мутахассис ва экспертни сўроқ қилиш, ариза ва илтимосларни қабул қилиш, танаффус эълон қилиш, қидирув эълон қилиш, иш юзасидан келмаган жабрланувчи ва гувоҳларни мажбурий келтириш, суд тартибини бузганларга чоралар кўриш, суд муҳокамаси пайтида судга ҳурматсизлик қилганларга чоралар кўриш ҳуқуқига эга.

“Суд таркибига суд муҳокамасида бўлган ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб хал қилиш, илтимос ва аризаларни кўриб чиқиб, суднинг қарорини билдириш, таржимон билан таъминлаш, қонунга сўзсиз бўйсиниш, объектив ҳақиқатни аниқлаш, судланувчи шахсни қонун асосида айбдор деб топиб, жазо белгилаш, суд муҳокамасида тилга эътибор бериш, суд муҳокамасининг бевоситалигини, оғзакилигини ва ошкоралигини таъминлаш, зарур ҳолларда ёпиқ суд мажлиси ўтказиш, суд муҳокамасининг тарбиявий таъсирини ошириш ва судга бўлган ҳурматни ошириш мажбуриятлари юклатилади”⁵².

Суд муҳокамасида раислик қилувчи бошқа иштирокчиларга нисбатан алоҳида ваколатларга эга: суд муҳокамасига тайёргарлик билан боғлиқ ҳаракатларни бажаради, суд мажлисини куни, жойи ва вақтини белгилайди, суд мажлисини очиқ деб эълон қилади, суд мажлисига келмай қолган иштирокчиларсиз ишни давом эттириш ҳақида тарафларнинг фикрини сурайдди. Судланувчи шахсини аниқлагач суд таркиби ва процесс иштирокчиларини эълон

⁵² Н. С. Алексеев ва В. Э. Лукашевич (масъул муҳаррирлар) “Уголовный процесс” Ленинград. 1989 г. 232-стр.

қилади. Шунингдек, судланувчи, жабранувчи, эксперт ва мутахассисларга ҳуқуқ ва бурчларини тушунтиради.

Суд муҳокамасининг барча иштирокчилари ва суд мажлиси залида қатнашувчи фуқаролар ҳам раислик қилувчининг барча фармойиш ва талабларини сўзсиз бажаришлари керак. Суд мажлисини тартибини бузган гувоҳларни ва бошқа фуқароларни улар тартибни такрор бузган тақдирда огоҳлантиради ва суд залидан чиқариб юбориш ҳуқуқига эгадир.

Суд муҳокамаси пайтида раислик этувчи, тушган ариза ва илтимослар тўғрисида тарафлар фикрини сўрайди, ишга алоқаси бўлмаган мазмундаги саволларни чиқариб ташлаш ҳуқуқига эга. Суд муҳокамасида раҳбарликни раислик қилувчи судья амалга оширса-да, иш юзасидан далилларни текшириш, ўрганиш ва баҳо бериш ҳайъат иштирокида ҳал қилинади. Ишни муҳокама қилишда келиб чиққан, ҳайъатда кўришни талаб қилувчи масалалар, кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Агар раислик қилувчининг фикри тўғрисида халқ масалаҳатчиларининг бирида иккиланиш пайдо бўлса, бу масала ҳам ҳайъат аъзолари иштирокида кўриб чиқиб ҳал қилинади. Суд (судья ва халқ масалаҳатчилари) нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси ЖПК сининг 13-моддасида батафсил ўз ифодасини топган.

Суд муҳокамасининг иштирокчилари ҳисобланган халқ масалаҳатчилари ҳам ўзларининг ҳуқуқ ва бурчларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексига биноан амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 13-моддасида „Иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибига судья ва икки нафар халқ масалаҳатчиси киради. Одил судловни амалга оширишда халқ масалаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эгадирлар дейилган. Суд ҳайъатида икки нафар халқ масалаҳатчиларининг иштирок этиши аҳолини одил судлов ўтказилишига жалб этиш воситаси сифатида тан олинади. Суд масалаҳатчилари биринчи инстанция суди томонидан жиноят иши кўрилганда бевосита иштирок этадилар. Улар суд муҳокамасидан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал

қилишда, суд баённомасига нисбатан бўлган шикоятларни ечишда, хилма-хил процессуал саволларни ҳал қилиш ил ҳукми ижро этишда вужудга келадиган саволларни ечишда бевосита судья билан биргаликда иштирок этадилар ва ўн фикр-мулоҳазаларини судьяга етказиб, ушбу саволлар бўйича келиб чиққан муаммоларни ҳал қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар халқ масалаҳатчисининг фикри раислик қилувчи судьянинг фикрига тўғри келмаса, раислик қилувчи судья унга қайси қонун талабларига биноан халқ масалаҳатчисининг фикри нотўғри бўлишини тушунтириб бериши шарт.

Суд мажлисида раислик қилувчининг якка ўзи ҳал қиладиган айрим масалалар ҳам суд таркиби назорати остида бўлади. Масалан, суд муҳокамаси пайтида судланувчи ёки жабрланувчи тартибни бузганда уларни суд залидан чиқариш учун халқ масалаҳатчисининг фикрини суриштириб кейин ҳал қилади.

Суд муҳокамасининг иштирокчиларидан бири бўлган прокурор судда давлат номидан айбловни қўллаб қувватлайди. “Прокурор жиноят процессининг барча босқичларида кенг ваколатларга эга бўлиб хусусан суд муҳокамаси босқичида давлат номидан айбловни қўллаб-қувватловчи мансабдор шахс функциясини бажаради ҳамда судда тарафлардан бирининг мавқеини, ҳолатини, ўрнини эгаллайди”⁵³.

Прокурор суд муҳокамаси вақтида ҳам қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишларига суднинг эътиборини тортади, суд томонидан қонун бузилишига йўл қўйилганда бу ҳақда судга айгиш ҳуқуқига эга. Суд муҳокамасида прокурор судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларга, эксперт ва мутахассисларга савол бериб жавоб олиш, илтимослар қилиш, далиллар келтириш, қўшимча гувоҳлар ва ҳужжатлар талаб қилиш, далилларга баҳо бериб, ўз фикрини баён қилиш, айбдор шахсга жазо тури ва муддатини белгилаш тўғрисида ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга.

Прокурорнинг суд муҳокамасида иш юзасидан қилган илтимос ва талаблари суд учун мажбурий бўлмай умумий асосларда ҳал қилинади. Шунингдек, прокурорнинг судланувчига нисбатан жиноят қонунини қўллаш ва жазо

⁵³ Гуценко К. Ф. таҳрири остида. “Уголовный процесс” Москва, “Зерцало” 2001 й. 354-бет.

белгилаш ҳақидаги фикрлари ҳам суд учун мажбурий эмас. Суд ишга объектив ёндошган ҳолда суд ҳолатларини ҳисобга олиб, бир хулосага келади.

Суд муҳокамасида прокурор процесснинг одий иштирокчиси у фармойиш бериш ҳуқуқига эмас, суд муҳокамасининг иштирокчиларига ҳам кўрсатма ва йўл-йўриқлар бера олмайди, лекин судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш ҳамда далилларни текшириб, баҳо беришда фаол иштирок этиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 409-моддасида суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган. Прокурор биринчи инстанция судларида жиноятларга доир ишларни кўришда иштирок этиб, давлат айбловини қувватлайди, далилларни текширишда иштирок этади, судланувчиларга, жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва судга таклиф этилган бошқа шахсларга саволлар беради.

Жиноят кодексининг нормаларини қўллаш, судланувчининг ҳаракатларини тавсифлаш, унга жазо турини ва меъёрларини тайинлаш тўғрисида ҳамда суд ҳал этиши лозим бўлган бошқа масалалар юзасидан ўз фикрини баён қилади, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чоралар хусусида ўз фикрини билдиради.

Прокурор давлат айбловини қувватлар экан, ушбу кодекснинг, Ўзбекистон Республикаси бошқа қонунларининг талабларига ва ишнинг барча ҳолатларини қараб чиқишга асосланган ўз ишончига амал қилади. Суд тергови маълумотлари асосида прокурор судланувчига қўйилган айбловни ўзгартириш зарур деган хулосага келса, у ҳақда судга асослантирилган баёнот бериши шарт. Суд муҳокамаси натижасида прокурор суд тергови маълумотлари судланувчининг айбсизлигидан далолат беради деган қатъий хулосага келса, у айбловдан воз кечиши ва воз кечиш сабабларини судга баён қилиши шарт.

Прокурор айбловнинг мазмунини ўзгартириш ёки айбловдан воз кечиш сабаблари хусусидаги фикрини судга ёзма равишда тақдим этади. Прокурор фуқароларнинг ҳуқуқлари ва жамият манфаатларини муҳофаза этиш

ниятида даъво қўзғатиши ёки жабрланувчи томонидан қўзғатилган фуқаровий даъвои қувватлаш ҳуқуқига эга.

Суд муҳокамасида прокурорнинг иштирок этиши бевосита прокурор назоратини амалга оширишнинг бир тармоғи ҳисобланади. Прокурор ишни ҳар томонлама, тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида муҳокама қилишда қонун талабларининг бажарилиши, асосланган ажрим ёки қарорларнинг чиқарилиши ва уларнинг сўзсиз ижро этилиши учун жонбозлик кўрсатади.

Прокурор суд мажлисига келмай қолса, жиноят ишини муҳокама қилиш кейинга қолдирилади. Прокурор судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсиниши принципига қатъий риоя қилган ҳолда одил судловнинг мақсадлари ва суднинг вазифаларини амалга оширишга кўмаклашади. “Судлар томонидан жиноий ишларни кўриб чиқишда прокурорнинг иштироки Ўзбекистон Республикаси ЖПК ва судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш ишини ташкил қилиш ҳақида” ги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 1997 йил 24 июлда чиқарилган 7-сонли буйруқда белгиланган ҳолларда мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги (янги таҳрирда) ги қонунининг 27-моддасида: “Прокурор суд жараёнининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, судьяларнинг мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсиниши принципига қатъий риоя этиши, ўз фаолияти билан одил судловни амалга оширишга кўмаклашиши шарт” деб белгиланган.

Прокурор узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги тўғрисида суд тегишлича юқори турувчи прокурорга хабар қилади. Вояга етмаганларни, давлат сири билан боғлиқ бўлган, одам ўлдириш ва бошқа оғир жиноятлар содир қилганлик ҳақидаги жиноий ишлар суд муҳокамасида кўрилаётганда ҳамда прокурор қатнашиши зарур деб топилган ҳолларда прокурор суд муҳокамасида албатта иштирок этиши шарт.

Прокурорнинг айбловдан воз кечиши, суд томонидан суд муҳокамасини давом эттириши, судланувчининг айбдор ёки айбсизлиги масаласини хал қилиши учун тўсқинлик қилмайди ва судни бу мажбуриятдан озод этмайди. Прокурор суднинг чиқарган ноқонуний ва асоссиз қарорига

нисбатан иштирок этган-этмаганлигидан қатъи назар протест келтиришга мажбур. Суд муҳокамасида прокурор умумий қоидага бўйсунди, раислик қилувчининг фармойиш ва талаблари бошқа иштирокчилари билан бир қаторда прокурор учун ҳам мажбурийдир. Суд муҳокамасининг иштирокчиларидан бўлган ҳимоячи (адвокат) судланувчига конституциявий ва процессуал ҳуқуқларни амалга оширишда, суд муҳокамасида унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб, зарурий юридик ёрдам беради.

Ҳимоячи судланувчининг ҳар қандай манфаатларини эмас, балки унинг фақат қонуний манфаатларини, қонуний ҳимоя воситалари ҳамда усуллари билан ҳимоя қилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 53-моддасида ҳимояси ишнинг суддаги муҳокамасида тараф сифатида иштирок этади ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоят келтириш, суд мажлиси баённомаси билан танишиш ва у ҳақида ўз мулоҳазаларини билдириш, иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади деб ёзилган.

Шунингдек, ҳимоячи суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши, ишда иштирок этиш ҳақида битим тузилган ёки тайинланган вақтидан бошлаб адвокат ҳимоячи вазифасини бажаришни рад этишга ҳақли эмас. Ҳимоячи суд муҳокамасининг барча қисмларида бошидан охиригача иштирок этади. Ҳимоячи суд муҳокамасида далилларни текширишда иштирок этади, раддия беради, судланувчини оқловчи ёки уни жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради, янги далилларни талаб қилиб олиш ва ишга қўшишни суддан илтимос қилади, шунингдек иш юзасидан ҳар хил илтимослар қилади, ишда иштирок этаётган бошқа иштирокчиларнинг илтимослари юзасидан судланувчини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан судга ўз фикрини билдиради, суд музокараларида иштирок этиб, ҳимоя нутқини сўзлайди. Суд муҳокамасининг бошқа иштирокчилари каби ҳимоячи ҳам далилларни ўзининг ички ишончи билан қонун асосида судланувчининг манфаатидан келиб чиқиб баҳолайди.

“Суд муҳокамасида бир ёки бир неча ҳимоячи иштирок этиши мумкин. Қонунда ишда иштирок этувчи

ҳимоячиларнинг сони белгиланмаганлиги сабабли битта судланувчининг бир неча ҳимоячи ҳимоя қилиши мумкин. Шунингдек суд муҳокамасида агар икки ва ундан ортиқ судланувчининг манфаатлари бир-бирига зид келмаса уларни битта ҳимоячи ҳимоя қилиши мумкин”⁵⁴.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 51-моддасининг талабига кўра суд муҳокамасида: вояга етмаганлар, соқовлар, карлар, кўрлар, жисмоний нуқсони ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиганларнинг, судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиганларнинг, судланувчиларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлса, жамоат айбланувчиси ёки жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этса, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги жинойй ишлари бўйича ҳимоячининг иштирок этиши мажбурийдир.

Ҳимоячи бошқа бир жинойй иш юзасидан суд муҳокамасида қатнашаётган бўлса ёки бошқа сабабларига кўра суд мажлисига кела олмаса судланувчининг розилиги билан бошқа ҳимоячига алмаштирилиши мумкин.

Суд муҳокамасида судланувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётган ҳимоячи уни ҳимоя қилишдан бош тортишга ҳақли эмас. У қонунда кўрсатилган барча усул ва воситалар билан судланувчини ҳимоя қилиши шарт. “Ҳимоячи суд муҳокамасида қатнашиб, иш ҳолатлари унга маълум бўлган тақдирда ҳам гувоҳ сифатида сўроқ қилинмайди. Ҳимоячи судланувчининг ўрнида эмас балки у билан бирга суд муҳокамасида иштирок этади”⁵⁵.

Ҳимоячи суд муҳокамасида фаол иштироки билан судланувчига нисбатан суд томонидан жинойт қонунини ва жазони тўғри белгилашда ёрдам беради. Ҳимоячи жинойй ишда иштирок эта туриб қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга. Бу Ўзбекистон Республикаси “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида” ги 1998 йил 25 декабрь қонунда ўз ифодасини топган.

“Суд муҳокамасида жинойй иш юзасидан судланувчи ва жабрланувчининг иш жойидан, яшаш жойидан ва бошқа

⁵⁴ Волходаев Н. Ф. Правовая культура судебного процесса. М.: “Юрид. лит.” 1980. 54- бет.

⁵⁵ “Уголовный процесс” под ред. Гуценко К. Ф. Москва “Зерцало” 1997 й. 85-бет.

жамоат ташкилотларидан вакиллар қатнашиши мумкин. Улар суд муҳокамасида ўз манфаатини ҳимоя қилувчи шахслардан фарқ қилиб, меҳнат жамоаси ёки жамоат ташкилоти манфаатларини ҳимоя қиладилар. Албатта, бу манфаатлар суд муҳокамасида бўлган жиноий иш билан боғлиқ бўлган ҳолларда амалга оширилади. Бу вакиллар суд муҳокамасида жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этадилар. Улар корхона, муассаса, ташкилот ва ҳўжаликларнинг умумий йиғилишлари қарори билан сайланадилар, шу йиғилиш баённомаларининг нусхаси судга тақдим этилган тақдирда суднинг ажрими асосида суд муҳокамасида қатнашадилар”⁵⁶. Жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси суд муҳокамасида қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

Жамоат айбловчисига судланувчига қўйилган айбни исботлаш мажбурияти юклатилмайди. Улар фақат гуруҳ ёки жамоатчилик фикрини баён қилади. Жамоат ҳимоячиси далилларни текширишда иштирок этади, илтимослар қилади, суд музокараларида иштирок этади, судланувчининг айбини енгиллаштирувчи, уни оқловчи ҳолатлар тўғрисида, судланувчига бериладиган жазони юмшатиш, уни жазодан озод қилиш, уни меҳнат жамоаси кафиллигига беришни суддан илтимос қилиши мумкин.

Жамоат ҳимоячисининг суд муҳокамасида тутаган позицияси судланувчининг ва унинг ҳимоячисининг позицияси билан боғлиқ эмас. У жамоа ёки жамоат ташкилотининг фикрини баён этади. “Жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси суд муҳокамасида мустақил бўлиб, бошқа иштирокчилар каби иш юзасидан далилларни текшириш, далиллар келтириш, илтимослар қилишда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар”⁵⁷. “Жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси суд муҳокамасига қўйилган иш материаллари билан танишишлари, улардан кўчирмалар олишлари мумкин. Суд муҳокамасида судланувчининг айби ўз тасдиғини топмаса, жамоат айбловчиси айбловдан воз кечиши мумкин”⁵⁸. Битта судланувчига нисбатан бир жамоат ташкилоти ёки меҳнат жамоасидан ҳам жамоат айбловчиси, ҳам жамоат ҳимоячиси қатнашиши мумкин эмас. Чунки

⁵⁶ Саркисянц Г. П. “Защитник уголовном процессе” Т, ФАН, 1971 й.

⁵⁷ Золорский Г. И. “Судебное разбирательство по уголовным делам” Москва “Юри.лит” 1985 й.

⁵⁸ Коллашников Н.Я. “Судебное разбирательство по уголовному делу” М.: “Юр. лит” 1962 й. 22-6.

бунда ташкилот ёки меҳнат жамоасининг фикри айнан ифоди этилмай қолади. Турли жамоат ташкилоти ёки меҳнат жамоасидан битта судланувчига нисбатан ҳам жамоат айбловчиси, ҳам жамоат ҳимоячиси суд муҳокамасида қатнашиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 412-моддасининг талабига кўра, “Жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси судга келмай қолса, ишнинг ҳолатларига қараб, суд ишни улар иштирокисиз кўриш мумкинлиги ёки муҳокамани кейинги қолдириш масаласини ҳал этади”. Уларни келмаганлиги тўғрисида уларни юборган ташкилот ёки меҳнат жамоасига хабар берилади.

Суд муҳокамасида вояга етмаганларнинг жиноий ишлари кўрилаётганида жамоат вакиллари сифатида суд томонидан уни иш, ўқиш жойи ёки яшаш жойидан вакиллар, шунингдек вояга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссия ходимлари, ота-оналари, қонуний вакиллари, яқин қариндошлари ҳамда ҳомий ва васийлари чақирилиши мумкин. Зарур ҳолларда бу вакиллар гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 43-44-моддаларида жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён этилган. Унга кўра, суд муҳокамасида иштирок этаётган жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси иш материаллари билан танишишга, далиллар тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга; илтимоснома беришга, тарафларнинг музокараларида сўзга чиқиб, жамоат айбловчиси айбловнинг исботланганлиги ҳақида, жамоат ҳимоячиси судланувчини оқлайдиган ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ҳолатлар хусусида судга фикр билдиришга ҳақлидир. Жамоат айбловчиси айбловдан воз кечишга ҳақли. Жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси суд муҳокамасида иштирок этиш, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиш ва ишда судланувчининг аҳволини енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлашга кўмаклашиши шарт.

Биринчи инстанция судларининг суд мажлисларида ишлар судланувчиларнинг иштирокида кўрилади. Судланувчи ҳуқуқларининг кафолати жумладан суд мажлисида унинг иштирок этишининг мажбурийлигидир. Бу масала ЖПК нинг 410-моддасида ҳам қайд этилган. Судланувчи суд мажлисига келмаса, ишни муҳокама қилиш кейинги қолдирилиши лозим. Судга келмаган судланувчини

суд мажбурий келтиришга шунингдек унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашга ёки эҳтиёт чорасини турини ўзгартиришга ҳақлидир. Ишнинг судланувчининг иштирокисиз муҳокама қилинишига қўйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

1. Судланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган ва судга келишдан бўйин товлаган, унинг йўқлиги иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қилмаган тақдирда;

2. ЖПК нинг 272-моддасида назарда тутилган тартибда суд мажлиси залидан чиқариб юборилган бўлса, йўл қўйилиши мумкин.

Далилларни тўлиқ ва ҳар томонлама тадқиқ қилиш ва текширилишини таъминлаш мақсадида суд ишни судланувчисиз кўриб чиқиш учун асослар бўлган тақдирда ҳам, суд муҳокамасида судланувчининг иштироки мажбурий деб топиши мумкин. “Суд муҳокамасида ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриши ва судланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш мақсадида судланувчининг суд мажлисида қатнашиши шартдир”.⁵⁹

Судланувчи суд муҳокамасида рад жавоби бериши, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ёки ҳимоячи олиш, ариза ва илтимослар бериш, бошқа иштирокчиларнинг илтимослари юзасидан ўз фикрини айтиш, суддаги ишга қўшиш учун ҳужжатлар тақдим қилиш, қўшимча гувоҳлар чақиришни ва ҳужжатларни сўраб олишни талаб қилиш, экспертиза тайинлашни сўраш, суд терговининг хоҳлаган пайтида тушунтириш бериш, суддан айрим ҳужжатлар ва кўрсатувлари ўқиб эшиттиришни сўраш, бошқа судланувчиларга, жабрланувчи, гувоҳлар, эксперт, фуқаролик даъвогари ва бошқаларга савол бериш, далиллар тақдим қилиш, воқеа жойини кўздан кечиришда қатнашиш, агар ҳимоячи бўлмаса суд музокараларида ҳимоя сўзини ҳамда охириги сўз сўзлаш ҳуқуқига эга. Шунингдек судланувчига суд муҳокамасида қатнашиш суд мажлиси тартибини бузмаслик мажбурияти ҳам юклатилади.

Судланувчи суд муҳокамасида тартибни бузган тақдирда раислик қилувчи томонидан огоҳлантирилади. Агар такроран тартибни бузса, суд ажрими билан суд залидан чиқарилиб, суд муҳокамаси унинг иштирокисиз давом эттирилади. Лекин

⁵⁹ “Уголовный процесс” Под. ред. ГуденкоК. Ф. М.: “Зерцало” 2001 г. 192-стр.

судланувчининг иши бўйича чиқарилган ҳукм унинг иштирокида ўқиб эшиттирилади. Суд муҳокамасининг яна бир иштирокчиси бўлган-жабрланувчи суд муҳокамасида мустақил ва тенг ҳуқуқлидир. Суд муҳокамасида жабрланувчи ўзи ёки вакили орқали қатнашиб, у моддий, маънавий ёки жисмоний зарар кўрган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида қуйидагилар қайд этилган: “Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади”.

Шунга кўра суд муҳокамасида жабрланувчилар кўрсатув бериш йўли билан ўзларининг шахсий манфаатларини ҳимоя қиладилар. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 54-моддасининг талабига кўра: “Жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади.

Жабрланувчи ЖПК сининг 55-моддасига кўра:

1) Жабрланувчи кўрсатув бериш, далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш;

2) Қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисидаги аризалар бериш ҳамда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш,

3) Суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоят келтириш; шахсан ўзи ёки вакили орқали судда айбловни қувватлаш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

4) Суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш; ҳаққоний кўрсатувлар бериши; ҳақиқатни аниқлашга, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги;

5) Суднинг талаби бўйича далиллар тақдим қилиши;

6) суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт;

7) жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлгон кўрсатувлар берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади;

Жабрланувчининг ўлимига олиб келган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни суд томонидан марҳумнинг қонуний вакили деб эътироф этилган яқин қариндошлари ёки бошқа шахслар амалга оширадilar. Судга далиллар келтириш, илтимослар қилиш, хужжатлар тақдим қилиш, келтирилган моддий зарарни ундиришни талаб қилиш, шикоят қилиш судланувчига жазо белгилаш тўғрисида ўз фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга.

Жабрланувчиларга суд муҳокамасида қатнашиш, тўғри кўрсатувлар бериш, суд мажлиси тартибига риоя қилиш мажбурияти юклатилади. “Жабрланувчи суд муҳокамасига келмай қолган тақдирда бунинг оқибатлари Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 411-моддасида баён этилган. Унга кўра: “Жабрланувчи суд мажлисига келмаса, суд жабрланувчининг иштирокисиз ишдаги барча ҳолатларни тўла аниқлаш ҳамда унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мумкин ёки мумкин эмаслигига қараб, жиноят ишини муҳокама қилиш ёки кейинга қолдириш масаласини ҳал этади”.

Жабрланувчи суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда суд уни мажбурий келтириш ҳақида ажрим чиқаради. Жабрланувчининг кўрсатуви фақат ўзининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси бўлиб қолмасдан, балки, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашда муҳим ҳисобланади. Ишни муҳокама қилиш вақти ва жойи тўғрисида жабрланувчи олдиндан хабардор қилиниши керак.

Суд муҳокамасининг мустақил ва тенг ҳуқуқли иштирокчиси бўлган фуқаролик даъвогари ва фуқаролик жавобгари маълум процессуал ҳуқуқ ва бурчларга эга. Фуқаровий даъвогар бўлиб суд муҳокамасида фуқаро, корхона, ташкилот ёки муассаса вакили қатнашиши мумкин. Агар дастлабки терговда иш юзасидан фуқаровий даъвогари деб топилмаган бўлса, судда суд ажрими билан фуқаровий даъвогар деб топилади.

Фуқаровий даъвогарга ҳам ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади. Фуқаролик даъвоси жабрланувчи томонидан

берилса, жабрланувчига фуқаровий даъвогарнинг ҳуқуқ на бурчлари тушунтирилади. Фуқаровий даъвогар суд муҳокамасида-далиллар келтириш, илтимослар қилиш, суд муҳокамасида тўлиқ қатнашиш, фуқаровий даъвосини қўллаб-қувватлаш ва уни қаноатлантиришни талаб қилиш, иш материаллари билан танишиш ҳамда иш юзасидан ўз фикрларини баён қилиш ҳуқуқига эга. Фуқаровий даъвогар суд томонидан талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдир.

Фуқаровий даъвогар суд мажлисига келмаса, даъво кўрмай қолдирилади. Агар даъвони унинг иштирокисиз кўриш ҳақида фуқаровий даъвогарнинг илтимоси бўлса, прокурор фуқаролик даъвосини қўллаб-қувватласа ёки суд ўз ташаббуси билан даъвони кўриб ҳал қилишни лозим деб топса, фуқаровий даъво кўриб чиқилади. Агар фуқаровий даъво суд муҳокамасида ҳал қилинмай қолдирилса, манфаатдор шахс судга фуқаролик тартибида мурожаат қилиб, даъвони кўзгатиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Фуқаролик жавобгар ҳам суд муҳокамасида иштирок этиб, ишни ҳал қилиш вақтида мустақил ва тенг ҳуқуқлидир. Кўпгина ҳолларда фуқаровий жавобгар судланувчи шахс бўлади. Жабрланувчини моддий манфаатини яхшироқ таъминлаш мақсадида фуқаровий жавобгар сифатида суд муҳокамасига судланувчининг ота-онаси, қонуний вакиллари, яқин қариндошлари ёки бошқа шахслар жалб қилиниши мумкин. Шунингдек судланувчининг жиноий ҳаракатлари туфайли келтирилган зарар учун моддий жавобгар бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар ҳам фуқаролик жавобгари бўлиши мумкин. Вояга етмаганлар жиноий ишлари юзасидан уларнинг ота-онаси, ўқув юрти, вояга етмаган шахс даъволанаётган тиббий муассаса, ҳомий ва васийлар фуқаровий жавобгар сифатида жалб қилиниши мумкин.

Фуқаровий жавобгар: айблов ва фуқаровий даъвонинг мазмунини билиш; даъвога эътироз билдириш; тушунтириш бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш, биринчи инстанция апелляция, кассация ва назорат инстанция судининг мажлисларида иштирок этиш, суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд ҳукми ва ажримининг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоятлар бериш; иш бўйича келтирилган шикоят

ва протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаровий жавобгар суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ва уларнинг талабларига асосан фуқаровий даъвога тегишли бўлган далиллар тақдим қилиш; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни қўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги, суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Фуқаровий жавобгар ёки унинг вакилининг суд мажлисига келмаслиги фуқаровий даъвони кўришни тўхтатмайди. Ишни кўриш унинг иштирокисиз давом эттирилади. Суд муҳокамасида фуқаровий жавобгарларнинг номидан уларнинг вакиллари қатнашишга йўл қўйилади. Вакил сифатида ота-оналари, яқин қариндошлари, корхона, ташкилот, муассаса вакиллари, ҳомий ва васийлар, адвокатлар ҳам қатнашиши мумкин. Вакиллар кўрсатув беришдан ташқари барча ҳаракатларни бажаради. Улар суд муҳокамасида ўз билганлари юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ қилинишлари мумкин.

Суд муҳокамаси иштирокчилари бўлган гувоҳлар ва экспертлар ёлгон кўргазма ёки хулоса берган тақдирда ҳамда кўрсатув ёки хулоса беришдан бош тортганда Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 238-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин. Шунингдек таржимонга нисбатан ҳам ёлгон ёки нотўғри ёхуд тўлиқ бўлмаган ҳолда таржима қилган тақдирда гувоҳларга қўлланган чоралар қўлланиши мумкин.

Суд муҳокамасида махсус билим талаб қилинадиган ҳолларда ёки эксперт хулосаси керак бўлиб қолганда эксперт чақирилиши мумкин. Шунингдек эксперт берган хулосасида камчилик бўлиб қолган тақдирда эксперт суд муҳокамасига чақирилиб сўралиши мумкин. Суд муҳокамасида эксперт шу ҳолатларни текшириш, ўз хулосасига аниқлик киритиш мақсадида суднинг рухсати билан судланувчига, жабрланувчига ва гувоҳларга саволлар бериши мумкин. Эксперт хулосасини ёзма равишда беради. Экспертнинг хулосаси суд томонидан ўқиб эшиттирилади. Шу хулоса юзасидан экспертга саволлар берилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 69-моддасида суд муҳокамасида мутахассиснинг иштироки тўғрисида тўхталиб

Ўтилган бўлиб, шунга кўра мутахассис суднинг чақирувига кўра суд муҳокамасига келиши, судга далиллар топиш, ўрганиш ва мустаҳкамлашда ўзининг махсус билими билан ёрдам бериши, суднинг диққатини иш юзасидан маълум бир ҳолатларни аниқлашга жалб этиши, алоҳида саволларга тушунтириш бериши керак. Шунингдек мутахассислар раислик қилувчининг руҳсати билан далилларни текшириш мақсадида иштирокчиларга саволлар бериш ҳуқуқига эга.

Мутахассисга тўғри ва аниқ тушунтириш бериш мажбурияти юклатилган. Мутахассис ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортган ёки бўйин товлаган тақдирда унга нисбатан жамоат таъсири чоралари ёки суд томонидан жарима солиниши мумкин. Суд муҳокамасида вояга етмаган шахсларни сўроқ қилиш вақтида педагог таклиф қилиниши мумкин.

Суд муҳокамасида ўлим билан боғлиқ жиноий ишлар кўрилаётганида врач ёки суд тиббиёт экспертизаси ходимлари, ишдаги текширилаётган далилларга қараб Ўзбекистон Республикаси ИИВ га қарашли криминалистика бўлимлари ходимлари, суд экспертиза институтлари ёки лабораторияларининг ходимлари ҳам жалб этилиши мумкин.

Суд муҳокамасида мутахассисларнинг берган баёнотлари далилларга баҳо беришда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси ЖПК сининг тегишли моддаларида суд муҳокамасининг иштирокчилари бўлган айбловчи, ҳимоячи, судланувчи, жабрланувчи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар, иш юзасидан далиллар келтириш ва текширишда, илтимослар қилишда ва бошқа ҳаракатларда тенг ҳуқуққа эга эканликлари кўрсатилган.

Суд муҳокамаси иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилиги судларда жиноий ишлар юзасидан одил судловни амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Суд муҳокамаси иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилиги ҳар бир ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқилишига хизмат қилса, уларнинг манфаатдорлиги ва фаоллиги, суд томонидан ишни тўғри ҳал қилинишига ёрдам беради.

4-§. Жиноят ишени муҳокама қилиш чоғида суд таркибининг ўзгармаслиги

Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритишда суд таркибининг доимийлиги ва ўзгармаслиги суд муҳокамасининг умумий шартларидан бири бўлиб, суд муҳокамасининг бевоситалигини таъминлашнинг процессуал воситаларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг ЖПК нинг 406-моддасида Жиноят ишени муҳокама қилиш чоғида суд таркибининг ўзгармаслиги қондаси ўрнатилган. Унда “Ҳар бир жиноят иши бир таркибдаги суд ёки бир судья томонидан кўриб чиқилиши лозим” дейилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 13-моддасида шундай дейилган: “Жиноят ишлари хайъатда кўрилади. Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар эса, судья томонидан якка тартибда кўрилади.

Иш биринчи инстанция суди томонидан хайъатда кўрилганда суд таркибига судья ва икки нафар халқ масалаҳатчиси киради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни уч нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқади. Тегишли суд хайъатларида апелляция ва кассация тартибда ишларни кўриш уч нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади.

Суд раёсати ишларни раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлгандагина кўриб чиқади. Жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги катта бўлмаган, бу жиноятлар учун белгиланган жазо муддати беш йилдан ошмайдиган ҳолларда судья якка тартибда иш кўриш ҳуқуқига эга. Суд хайъатида икки нафардан халқ масалаҳатчиларининг иштирок этиши аҳолини одил судловни таъминлашга жалб этиш воситасидир.

Жиноят ишени суд муҳокамасининг ҳар қандай қисмида тўлиқсиз суд таркиби томонидан кўриб чиқишга йўл қўйилмайди. Судьянинг суд мажлисида қатнашишини давом эттириш имкониятидан маҳрум қилувчи ва унинг алмаштирилишини талаб қилувчи ҳолатлар қуйидагилардан иборат: унга эълон қилинган рад этишни қониқтириш, давомли касаллиги, оилада юз берган фавқулодда ҳодиса ва бошқалар. Судьянинг давомли бўлмаган касаллиги ишени кўриб чиқишда танаффус берилишига олиб келади.

Суд муҳокамасида халқ масалаҳатчисини захирадагиси билан алмаштириш тартиби ЖПК нинг 407-моддасида берилган. Унда таъкидлашича, башарти ишни муҳокама қилиш узоқ вақт талаб қиладиган бўлса, ишда захирадаги халқ масалаҳатчиси қатнашиши мумкин бўлиб, у ишни муҳокама қилиш бошланган пайтдан эътиборан суд мажлиси залида ҳозир бўлади ва судьянинг ҳуқуқларидан фойдаланади, суд масалаҳатлашувиларидан ва иш бўйичи қарор чиқариш вақтида қатнашиш ҳуқуқи бундан мустаснодир.

Халқ масалаҳатчиси суд таркибидан чиқиб кетган тақдирда захирадаги халқ масалаҳатчиси унинг ўрнини эгаллайди ва ишни муҳокама қилиш давом этади. Суд муҳокамасида захирадаги халқ масалаҳатчисининг борлиги жиноят ишини кўриб чиқишда сансолорликка йўл қўйилмаслигининг кафолатидир. Захирадаги халқ масалаҳатчиси чиқиб кетган халқ масалаҳатчисини алмаштирмағунига қадар суд процессида иштирок этмайди. У суд мажлиси залида ҳозир бўлади холос, иш муҳокамасини қўзғатиб, зарур жойларини белгилаб боради, иш бўйича барча далилларни бевосита қабул қиладди.

Агар халқ масалаҳатчиси унинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилувчи сабабларга кўра узоқ муддатга чиқиб кетган бўлса, у ҳолда захирадаги халқ масалаҳатчиси жиноят ишини кўриб чиқишда иштирок этиши мумкин. Чиқиб кетган халқ масалаҳатчисини алмаштирган ва суд терговини тиклашни талаб қилмайдиган захирадаги халқ масалаҳатчиси ишга киришишда, унга тушунарсиз бўлган саволларни суд муҳокамаси давомида аниқлаб олиши керак.

Агар халқ масалаҳатчиси захирада бўлмаган халқ масалаҳатчиси билан алмаштирилаётган бўлса, суд муҳокамаси бошидан тикланиши шарт. Чиқиб кетган халқ масалаҳатчисининг захирадаги халқ масалаҳатчиси билан алмаштирилганлиги тўғрисида суд мажлиси баённомасида алмаштиришни талаб қилган ҳолатлар, муҳокама бошидан тикланганлиги ёки давом эттирилганлиги қайд этилиши лозим.

5-§. Суд муҳокамасининг доираси

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 414-моддасида шундай дейилган: Судда жиноят ишини муҳокама қилиш фақат айбланувчиларга нисбатан олиб борилади.

Тайинланган жазонинг енгиллиги ёки оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги туфайли ҳукм бекор қилинаётганидан кейин иш кўриб чиқилган тақдирда суд муҳокамаси судланувчининг умуман айбдор-айбдормаслиги масаласига дахл қилмаган ҳолда жиноятни тавсифлаш ва жазо чораси хусусидагина боради.

Судланувчини ҳимоя қилиш ҳуқуқи билан таъминлаш мақсадида суд муҳокамаси судланувчига қандай айб қўйилиб судга берилган бўлса, шу айб юзасидан иш юритилади. Суд муҳокамасининг доирасини белгиловчи иккита асосий ҳужжатлар мавжуд: 1) айблов ҳулосаси, 2) жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарор. Суднинг ҳукми судланувчилар қандай айб билан судга берилган бўлса, шу айб юзасидан чиқарилади.

Суд судланувчига қўйилган айбдан суд муҳокамасида ўз тасдиғини топмаган эпизодларни олиб ташлаши мумкин. Шунингдек суд судланувчига қўйилган айрим жиноят таркибини, яъни судланувчининг ҳолатини оғирлаштирайдиган ҳамда судланувчига қўйилган айб таърифини ва унинг юридик жиҳатдан квалификациясини, агар янги таъриф судланувчининг айбини оғирлаштирмаса ўзгартириши мумкин. Суд ўзгартирилган айбларни ҳукмда баён қилиши лозим.

Суд муҳокамасида бўлган жиноий иш юзасидан судланувчига қўйилган айб фақат енгиллаштирувчи томонга ўзгартирилиши мумкин. Жиноят ҳуқуқида моддий томондан бир хил деб олинган жиноятлар мазмун жиҳатдан ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

Айбловни оғирроғига ўзгартириш деганда бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг бошқа нормалари (моддаси, қисми ва банди) қўлланилиши, санкцияси оғирроқ жазони ёхуд айблов ҳажмини оширувчи жиноят квалификацияси ўзгаришига олиб келувчи қўшимча фактлари айбловга киритилиши назарда тутилади.

Суд тергови материаллари эълон қилинган айбловни тенг ёки енгилроқ жазони назарда тутувчи янги айблов билан

Ўзгартириш зарурлигини кўрсатган ҳолларда, суд иш муҳокамасини давом эттириб, янги айблов бўйича, игар у илгари эълон қилинган айбловнинг фактик маълумотлари билан қамраб олинган бўлса, ҳукм чиқариши мумкин.

Шу билан бирга судланувчининг қилмишини енгилроқ жазо, шунингдек илгариги квалификацияни ёки айблов қисмини сақлаб қолиб, айбловнинг айрим ҳолатларини истисно қилишни назарда тутувчи модда бўйича квалификация қилиш мумкин. Суд айбловни ўзгартиришга ҳақли. Бунда айбловнинг бир қисми ёки жиноятнинг тавсифий аломатлари чиқариб ташланади. Айбловнинг суд томонидан оғирроғи билан ёки дастлабки айбловга нисбатан фактик ҳолатлари жиддий фарқ қиладиган айблов билан ўзгартирилишига йўл қўйилмайди дейилган.

Судда аниқланган ҳолатларга боғлиқ бўлган, дастлабки терговда айбланувчига эълон қилинган ва айблов ҳулосасида баён этилган айблов ўзгариши мумкин. Аммо судда айбловни ўзгартириш судланувчининг ҳолатини оғирлаштиради, судланувчининг жимояланиш ҳуқуқи бузилишига олиб келса, айбловни ўзгартиришга ва ўзгартирилган айблов бўйича ҳукм чиқаришга йўл қўйилмайди.

Агар айблов судда оғир бўлмаган ва илгаригисидан фактик маълумотларига кўра фарқ қилмагани билан алмаштирилса суд ишнинг муҳокамасини давом эттиради ва ўзгартирилган янги айблов бўйича ҳукм чиқаради.

Масалан: “Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 97-моддаси 2-қисмдаги жиноятни содир этишда судланувчига эълон қилинган айблов бўйича судда ишни кўриш учун тайинланган бўлса, судда эса оғирлаштирувчи ҳолатлар тасдиқланмаса, суд иш муҳокамасини давом эттиришга ва оғирлаштирувчи ҳолатларсиз одам ўлдиришда айблов бўйича ҳукм чиқаришга ҳақли.

Шунингдек, агар судда айбловнинг бирор бир қисми олиб ташланса, судланувчи айбланаётган қатор жиноятларда унинг фаолиятини у ёки бу ҳолати тасдиқланмаса, суд иш муҳокамасини давом эттириши ва ҳукм чиқаришга ҳақли. (масалан: бир неча ўғрилиқ жинояти бўйича бирининг тасдиқланмаслиги). Судланувчига қўйилган айбни мазмунан ўзгартириш учун процессуал асослар бўлиши шарт.

6-§. Янги айблов ва янги шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 416-моддасида янги айблов бўйича жиноят ишини қўзғатиш тартиби белгиланган. Унда, суд терговида судланувчининг унга илгари қўйилган айбловдан бошқа жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд жиноят ишини кўришни тўхтатмай, янги айблов бўйича иш қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқаради ва бу ажримни ҳамда зарур материалларни дастлабки тергов ўтказиш учун юборади дейилган.

Янги айблов дастлабки айблов билан боғлиқ бўлган ва уларни айрим-айрим ҳолда кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда иш материали қўшимча тергов ўтказиш учун қайтарилиши лозим. Суд янги айблов муносабати билан судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириши ёки ўзга эҳтиёт чорасини қўллаши мумкин. Башарти янги айблов бўйича суд иш қўзғатишгача асос бўлган ҳолатлар юзасидан терговчи ёки прокурор илгари иш қўзғатишни рад қилиш ёки ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарган бўлса, суд бу қарорни бекор қилади.

Суднинг ташаббусига кўра прокурор ёки суд муҳокамасининг бошқа иштирокчилари илтимосига кўра янги айблов бўйича жиноят иши қўзғатилиши мумкин. Бунда шундай қарорни қабул қилишга қадар, суд прокурорнинг ҳулосасини, ҳимоячи ва бошқа суд муҳокамаси иштирокчиларининг фикрларини эшитади. Янги айблов бўйича жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда суд ушбу ишнинг прокурор ёки терговчи томонидан илгари тугатилганлигини назарда тутади.

Ишни ажратиб ёки бирлаштирган ҳолда кўриб чиқиш тўғрисидаги масала янги айблов бўйича ишни тергов қилиш сингари, жиноят ишларини ажратиш ёки бирлаштириш тўғрисидаги қонун ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади.

Янги айблов бўйича жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги ажрим масалаҳатхонада чиқарилади ва барча суд таркиби томонидан имзоладиган алоҳида ҳужжат кўринишида расмийлаштирилади. Уни қоида бўйича, суднинг масалани тўғри ҳал қилиши учун зарур бўлган барча маълумотлар мажмуини баҳолаши мумкин бўлган суд

терговининг охирида чиқариш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга зарурат туғилганда, бундай ажрим судланувчининг бошқа жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланганидан сўнг чиқарилиши керак. Ишни судда кўриш учун тайинлаш масаласи хал қилинган шахсга нисбатан янги ишни қўзғатиш ҳамма вақт ҳам уни прокурорга битта юритувда икки ишни бирлаштириш учун қайтарилишига асос бўла олмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 417-моддасида янги шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш тартиби ва шартлари берилган бўлиб, унда суд тергови пайтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд шу шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқаради ва бу ажримни зарур материаллар билан бирга қўшимча тергов ўтказиш учун юборади дейилган.

Янги қўзғатилган иш кўрилаётган иш билан узвий боғлиқ бўлса ва бу ишларни айрим-айрим ҳолда кўриш имконияти бўлмаса, суд бутун ишни қўшимча дастлабки тергов ўтказиш учун юборади. Судланувчидан бошқа шахсга нисбатан суд иш қўзғатишга асос бўлган ҳолатлар юзасидан терговчи ёки прокурор илгари иш қўзғатишни рад қилиш ёки ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарган бўлса, суд бу қарорни бекор қилади.

Била туриб ёлгон кўрсатув берган гувоҳга, жабрланувчига ёки ёлгон хулоса берган экспертга, атайин нотўғри таржима қилган таржимонга нисбатан иш қўзғатиш фақат ҳукм чиқариш билан бир вақтда бўлиши мумкин.

Суд жиноят иши қўзғатилган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси қўллашга ҳақлидир. Судда жиноят содир этилишига дахлдор бўлган барча шахсларнинг жинойий жавобгарликка тортилиши учун унга боғлиқ барча чораларни кўриш мажбурияти юклатилган. Суд жиноят содир этилганлигини аниқлаган ҳар қайси ҳолларда жиноят ишини қўзғатиши лозим. Шунингдек, суд мажлисида жинойий жавобгарликка тортилмаган шахснинг иштирок этаётганлиги ёки судланувчининг жиноят қилган шериги ёхуд бошқа шахсларнинг жинояти тўғрисида ҳам маълумотлар аниқланганида жиноят иши қўзғатиши лозим. Башарти жиноят ишини қўзғатиш учун маълумотлар етарли бўлса,

суд ўзининг алоҳида ажрими билан текширилиши лозим бўлган материалларни прокурорга юборади.

Янги шахсга нисбатан жиноят ишhini қўзғатиш суд томонидан янги айблов бўйича жиноят ишhini қўзғатиш масаласи каби ҳал қилинади (Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 416-моддаси).

7-§. Жиноят ишhini қўшимча терговга қайтариш

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 419-моддасида Жиноят ишhini қўшимча тергов юритиш учун қайтариш тартиби берилган. Унда: “Суд қуйидаги ҳолларда жиноят ишhini қўшимча тергов юритиш учун фақат икки мартагача қайтаради:

1) дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаган бўлиб, уни суд мажлисида тўлдириш мумкин бўлмаса;

2) суриштирувчи ёки терговчи томондан ЖПК нинг талаблари жиддий бузилган бўлса ва бу ишнинг тўғри ҳал қилинишига тўсқинлик қилса;

3) айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловнинг оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра айблов хулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асослар мавжуд бўлса;

4) шу иш юзасидан бошқа шахсларни айбланувчи тариқасида ишга жалб қилишга асослар бўлса ва уларга тегишли материалларни ишдан ажратиш мумкин бўлмаса;

5) иш нотўғри бирлаштирилган ёки ажратилган бўлса.

Ишни прокурорга қайтарганда суд ўз ажримида қайтариш асосларини ва қандай ҳолатлар қўшимча равишда аниқланиши лозимлигини кўрсатиши шарт.

Жиноят ишhini қайта терговга қайтариш ҳақидаги суднинг қарори суд муҳокамасининг суд тергови қисмидан кейин процесс иштирокчиларининг ташаббуслари билан амалга оширилиб, бу ҳақда масалаҳатхонада ажрим чиқарилади. Ажримда: қандай муайян ҳолатлар аниқланиши, қайси фактлар текширилиши, далиллар ўртасида қандай қарама-қаршиликлар борлиги, далиллардан нималар олинishi ва бошқалар кўрсатилган бўлиши лозим.

Бир вақтнинг ўзида ажримда айбланувчига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳақидаги масала ҳам ҳал қилиниши керак. Суд дастлабки тергов органлари томонидан текширилган ва суд томонидан баҳоланган ҳолатлар бўйича жиноят ишини қайта терговга қайтаришга ҳақли эмас.

Суднинг фикрига кўра, судланувчининг айбини исботловчи далиллар йўқ бўлиб, уларни йиғиш (топиш) мумкин бўлмаса, ҳамда ишдаги материаллар оқлов ҳукми чиқарилишига асос бўлса, бундай жиноят ишлари қайта терговга қайтарилмайди. Суднинг позицияси ва далилларни текшириш ҳақидаги кўрсатмалари ўрнига, бажариб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида истак билдирилган, жиноят ишини қайта терговга қайтариш ҳақидаги ажримларга ҳам йўл қўйилмайди.

Жиноят иши қайта терговга қайтарилганидан сўнг суд томонидан берилган кўрсатма дастлабки тергов органлари учун мажбурийдир. Бу кўрсатмаларнинг бажарилмаслиги (қўшимча тергов ўтказилганидан сўнг) жиноят иши қайта қўрилганда ҳукми бекор қилинишига сабаб бўлади.

Суриштирув ва дастлабки тергов даврида гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоясига оид процессуал ҳуқуқларига риоя қилинмаган, гумон қилинувчи, айбланувчи ва унинг ҳимоячисининг иш учун муҳим аҳамиятли бўлган ҳолатларини аниқлаш юзасидан билдирилган илтимослари асоссиз равишда қаноатлантирилмай қолдирилган ҳолларда, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа талаблар жиддий бузилган бўлса ва тергов камчиликларини суд мажлисида тўлдириш мумкин бўлмаса, суд қонунда кўрсатилган тартибда ишни қўшимча терговга юбориш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиши лозим. Суд ўзгартирилган айбларни ҳукмда баён қилиши лозим.

Агарда суд муҳокамасида судланувчига қўйилган айбни ундан оғирроғига ёки ундан фарқ қиладиган айбга ўзгартириш керак бўлиб қолса, суд оғирлаштирувчи айбни ёки қандай фарқ қилишини кўрсатиб ажрим чиқариб ишни қўшимча тергов ўтказиш учун юборади.

Суд муҳокамасида суд томонидан аниқланган, судланувчига қўйилган айб юзасидан вужудга келган янги эпизодлар ва жиноятлар унинг жавобгарлигини оғирлаштирадиган бўлса ёки ўзгартирилган айб таърифини ва жиноят квалификацияси судланувчига нисбатан оғирроқ

жазо белгиланган қонунни талаб қилса, бу қонуни судланувчига нисбатан суд томонидан қўлланилиши мумкин эмас. Суд бу ишни ўз муҳокамасида кўриб чиқиб, суд ажрими билан қўшимча тергов ўтказиш учун юборади.

Агар суд муҳокамасида судланувчига қўйилган айбдан мазмун жиҳатдан фарқ қиладиган бошқа айб борлиги аниқланса, бу айб судланувчининг ҳолатини енгиллаштирган тақдирда ҳам суд айбни мазмуни ўзгарганлигини кўрсатиб ўз ажрими билан ишни қўшимча терговга юборади. Агар суд муҳокамаси вақтида судланувчига қўйилган айбдан ташқари бошқа жиноят содир қилганлиги аниқланса, суд муҳокамасини давом эттириб, янги аниқланган жиноят юзасидан материалларни дастлабки тергов ўтказиш учун юборади. Агар янги аниқланган жиноят суд муҳокамасида бўлган жиноий иш билан боғлиқ бўлиб, уларни алоҳида кўришнинг имконияти бўлмаса, суд ишнинг ҳаммасини қўшимча тергов ўтказиш учун юборади.

Суд муҳокамасида жиноий иш кўрилаётганда жиноий жавобгарликка тортилмаган ёки жиноий жавобгарликдан асоссиз озод қилинган шахсларга нисбатан ҳолатлар аниқланиб қолса, суд шу шахсларга нисбатан жиноий иш кўзгатиб материалларни уларга нисбатан дастлабки тергов ўтказиш учун юборади. Агар бу шахсларни жинояти суд муҳокамасида бўлган жиноий иш билан боғлиқ бўлиб, уларни алоҳида кўришнинг имконияти бўлмаса, суд ишни ҳаммасини қўшимча терговга юборади.

8-§. Жиноят ишини кўришни кейинга қолдириш, тўхтатиш ва тугатиш

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 418-моддасида жиноят ишини муҳокамасини кейинга қолдириш шартлари ва тартиби белгиланган. Унда “Суд мажлисига чақирилган шахслардан бирортаси келмай қолганлиги ёки янги далиллар талаб қилиб олиш зарур бўлганлиги сабабли, жиноят ишини муҳокама қилиш мумкин бўлмаса, суд ишни муҳокама қилишни кейинга қолдиради ва суд мажлисига келмаган шахсларни чақириш ёки янги далилларни талаб қилиб олиш чораларини кўради” дейилган.

Суд жиноят ишнинг муҳокамасини кейинга қолдириш сабабларини бартараф этганда, ишни кўриб чиқишни давом

этириши мумкин. Суд баъзи бир сабабларга кўра жиноят ишининг муҳокамасининг кейинга қолдириб, бошқа ишни кўриб чиқишга киришган бўлса, бу иш муҳокамасини бошдан бошлашга асос бўлмайди.

Жиноят ишининг муҳокамаси кейинга қолдирилгандан сўнг, янги далилларни тадқиқ қилиш натижалари ва ЖПК нинг 419-моддасида назарда тутилган белгиларнинг мавжуд бўлиши жиноят ишини қайта терговга қайтаришга сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 420-моддасида жиноят ишини кўришни тўхтатиш қоидалари берилган. Унда: судланувчи яширинган бўлса, шунингдек судга келишга имконият бермайдиган руҳий ва бошқа оғир қасалликка чалинган тақдирда, суд мазкур судланувчига нисбатан ишни тўхтатади ва бошқа судланувчиларга нисбатан ишни муҳокама қилишни давом эттираверади. Борди-ю, ишни айрим-айрим ҳолда муҳокама қилиш ҳақиқатни аниқлашни қийинлаштиради, ишни юритиш бутунлай тўхтатилади. Яширинган судланувчига қидирув суд ажрими билан эълон қилинади“ дейилган.

Судланувчининг оғир қасал бўлганлиги туфайли ишни кўриш тўхтатилган тақдирда суд унга нисбатан танланган эҳтиёт чорасини бекор қилиши ёки ўзгартириш масаласини муҳокама қилиши лозим. Агар судланувчи ишни кўриб чиқишга қадар ёки кўриб чиқиш вақтида яширинган бўлса, суд ички ишлар органлари, яшаш ва иш жойидаги жамоат бирлашмалари тақдим этган тегишли ҳужжатларга, шунингдек судланувчининг яширинганлигини тасдиқловчи қариндошларининг, қўни-қўшинларининг ва бошқа фуқароларнинг тушунтиришларига асосан ишни кўришни тўхтатади.

Судланувчининг руҳий ёки бошқа оғир қасалга чалинганлиги экспертнинг хулосаси ёки бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши лозим. Судланувчи тузалиб чиққунга қадар жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиш муносабати билан, суд ишни тўхтатилишига асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни аниқлаши керак.

Яширинган судланувчи топилганда ёки қасал судланувчи соғайганда, жиноят ишини юритуви қайта тикланади ва муҳокамага тайинланади. Бундай ҳолатларда жиноят ишини кўриб чиқиш муддати, судланувчининг топилгани ёки соғайгани тўғрисида судга маълум бўлгандан

бошлаб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 421-моддасида суд мажлисида жиноят ишининг тугатилиши тартиби белгиланган бўлиб унда: суд мажлисида ушбу кодекснинг 83-моддасида ва 84-моддасида биринчи қисмининг 1, 2, 3-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланса, суд ишини кўришни давом эттиради ва 83-моддада кўрсатилган асослар бўйича оқлов ҳукми, 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3-бандларида кўрсатилган асослар бўйича айбдорга жазо белгиламайдиган айблов ҳукми чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 83-моддасида реабилитация учун асослар берилган. Унда: “Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қуйидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим:

1. иш кўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2. судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;

3. судланувчининг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса;

Шахсга нисбатан жиноят ишини олиб боришда агарда юқорида кўрсатилган ҳоллар аниқланса, айнан шу шахсга нисбатан жиноят иши тугатилади. Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар шахсни оқлаш учун асос бўлади. Мазкур модданинг биринчи банди жиноий ҳодиса юз бермаганлигини ва бинобарин шахсни оқлаш учун асос борлигини кўрсатади.

Содир этилган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса, яъни қилмиш содир этилган бўлса ҳам:

а) у қонунда жиноят сифатида тан олинган бўлмаса;

б) у қонунда жиноят сифатида тан олинган, аммо шахснинг ҳаракатида на тўғри, на эгри қасд ва эҳтиётсизлик бўлмаса, яъни жиноятнинг субъектив ҳолати аниқланмаган бўлса;

в) жиноий ҳаракат содир этилган бўлсада, жамоат учун хавfli ва ғайриқонуний белгиларга эга бўлмаса (масалан, айбланувчи зарурий мудофаа ҳолатида ҳаракат қилган бўлса) бу ҳолларда ушбу модданинг 2-бандига асосан шахсни оқлаш учун асослар мавжуд бўлиб, суд бу шахсга нисбатан ЖПК нинг 464-моддасига биноан оқлов ҳукмини чиқаради ва 529-моддага асосан уни суд залидан озод этади. Ушбу модданинг 3-банди содир этилган жиноятга шахснинг дахли бўлмаса оқлашга асос борлигини қайд этади. Шахснинг

жиноятга дахли бўлмаслиги шундан иборатки, унинг иштироки тегишли далиллар билан тасдиқланмаган бўлиб, ҳақиқатдан у жиноят содир этмаганлиги ва жиноят содир этилган жойда бўлмаганлиги аниқланганидан дарак беради ва суд уни оқлайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 84-моддасида айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар берилган. Унга кўра: “қуйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим, башарти;

1. шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;
2. эълон қилинган амнистия ҳужжати содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;
3. айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса

Ушбу моддада айбдорлик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай ишни тугатиш учун асослар қайд этилган. Суд жиноят ишини тергов қилишда ёки суд муҳокамасида ушбу моддада мавжуд бўлган асосларга дуч келса, ишни тугатишга ҳақли бўлади.

Эълон қилинган умумий авфни қўллаш чегаралари олий ҳокимиятнинг тегишли авф тўғрисидаги қонунда кўрсатилади. Агар авф этиш жазони енгиллатса ҳам ва ўз ичига маҳкумнинг жазо муддатини қамраб олган тақдирда ҳам жиноят иши тугатилмайди, сабаби бундай ҳужжат айбдорли масаласини ҳал қилишга ёрдам бермайди. Тегишли шахсни умумий авфга алоқадорлиги авф тўғрисидаги қонун билан аниқланади.

Агар судланувчи шахс вафот этган бўлса жиноят ишини тугатиш учун асос мавжуд бўлади, лекин вафот этган шахсга нисбатан унинг яқин қариндошлари талаб қилганда суд муҳокамаси давом эттирилади. Агар жиний жавобгарликка тортилган шахс ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаса у оқланади. Вафот этган шахсни жиноят содир этишда айбланиш ёки унга нисбатан белгиланган жазо муддатини узайтириш ёхуд унинг жиноятини тавсифловчи моддани оғирроқ моддага ўзгартириш мақсадида суд ҳаракатлари олиб борилмаслиги лозим. Вафот этган шахснинг мулки жиноят йўли билан қўлга киритилганлиги аниқланганлиги масаласи фуқаровий судлов муҳокамаси орқали ҳал этилиши лозим.

Амалиётда вафот этган шахсни оқлаш учун асослар топилмаса, суд жиноят ишини тугатиш тўғрисида ажрим чиқариши ва ЖПК нинг 421-моддасининг 3-бандини қўллаши лозим бўлади. Уларда вафот этган шахснинг кадр-қимматини камситиш ёки у тўғрисидаги бирон ахборотни кўрсатилиши мумкин эмас.

9-§. Суд мажлисининг тартибига амал қилиш

Суд мажлисининг тартиби Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 424-425-моддаларида кўрсатилган бўлиб, бу тартиб суд муҳокамасининг ибратли ўтказилишини таъминлаш билан бирга, суд процессининг тарбиявий таъсирини ҳамда давлат номидан иш кўрувчи одил судловни амалга оширувчи суд органининг нуфузини оширади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 424-моддасида шундай дейилган:

“Судьялар кириб келаётганда суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ўринларидан турадилар.

Суд процессининг барча иштирокчилари судга тик турган ҳолда мурожаат қиладилар, кўрсатув берадилар ва баёнотлар қиладилар. Ушбу қоидада фақат раислик қилувчининг рухсати билангина четга чиқилиши мумкин. Суд процессининг барча иштирокчилари, шунингдек суд залида ҳозир бўлган барча шахслар раислик қилувчининг суд мажлисида белгиланган тартибга риоя қилиш тўғрисидаги фармойишларини сўзсиз бажаришлари лозим.

Ўн олти ёшга тўлмаган шахслар, башарти улар судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ бўлмасалар, суд мажлиси залига киритилмайдилар. Суд муҳокамасининг иштирокчилари ва суд мажлиси залида ҳозир бўлган бошқа фуқаролар судни хурмат қилишлари, раислик қилувчининг фармойишларига ва суднинг ажримларига сўзсиз бўйсунушлари шарт.

Суд муҳокамаси иштирокчиларнинг суд ва раислик қилувчи билан тортишишларига, ҳамда уларнинг сўзларини бўлишларига йўл қўйилмайди. Суд мажлиси залида ҳозир бўлган шахсларнинг, жумладан суд муҳокамаси иштирокчиларининг, гувоҳларнинг, мутахассисларнинг, таржимонларнинг, айнан раислик қилувчининг тартибни сақлаш тўғрисидаги фармойишлари бўйича ҳар қандай

қаршилик қилишлари тақиқланади ва дарҳол баргараф этилади.

Суд муҳокамаси пайтида тартиб сақланиши учун судьяга суд мажлисининг котиби ва бошқа иштирокчилар ҳам ёрдам беришлари керак. Суд залида ҳозир бўлган шахсларга, вояга етмаганларнинг ҳуққ атворига алоҳида эътибор бериш ҳамда зарур ҳолларда суд мажлиси залида тартибни сақлашнинг муҳимлиги ва аҳамиятини уларга тушунтириш керак.

Суд мажлисида тартибни бузиш, суд муҳокамасининг нормал боришига тўсқинлик қилувчи ёки халақит берувчи ҳаракатларни содир этиш ҳисобланиб, судга нисбатан ҳурматсизликни билдиради, суд мажлисининг регламентини ёки раислик қилувчининг процессни нормал боришини таъминловчи фармойишларини менсимасликка олиб келади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 425-моддасида “Суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган чоралар берилган бўлиб, унда шундай дейилган: “Тартиббузар суд мажлисида тартибни бузганда, раислик қилувчининг фармойишига бўйсунмаганда ёки судга ҳурматсизлик қилганида унга нисбатан ЖПК нинг 272-моддасига назарда тутилган чоралар қўлланилади. Суд мажлисидаги қуйидаги ҳаракатлар тартибни бузиш ҳисобланади:

1. раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмаслик ёки судни беҳурмат қилиш;

2. шахсинг гарчи у аввал бундай ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисида огоҳлантирилган бўлса-да, маъмурий тартиббузарлик ҳаракатларини амалга ошириши.

Агар суд тартибини давлат айбловчиси ёки судланувчининг ҳимоячиси бузган бўлса, у ҳолда бу шахс суд залидан чиқариб юборилмай, суд ишни тўхтатади. Агар кўрилагаётган жиноят иши бўйича бир неча айбловчи ёки бир неча ҳимоячи ягона бир судланувчи устидан айблов ёки ҳимоя олиб бораётган вазиятларда тартибни бузган айбловчи ёки ҳимоячи суд залидан чиқариб юборилади ва унинг номуносиб ҳуққ-атвори тўғрисида суд хусусий ажрим чиқариб, уни юқори турувчи прокурорга ёки адвокатлар ҳайъатига ёки раёсатига юборади. Айблов олиб борадиган шахсинг ёки ҳимоячининг тартибни бузганлиги тўғрисидаги факт, уни огоҳлантириш ва залдан чиқариб юбориш суд

баённомасида аксини топиши керак. Агар судланувчи суд мажлиси раисининг дастлабки огоҳлантиришига қарамай тартиббузарлик ҳаракатларини давом эттирса, суд залидан чиқариб юбориш тўғрисида фармойиш беради.

Бироқ бу чора алоҳида ҳолларда ва фақат судланувчига раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмаслик натижасида юз бериши мумкин. Судланувчи қайтадан суд мажлисига қўйилган ҳолда раислик қилувчи қоида бўйича, унинг йўқлигида ўтказилган барча ҳаракатлар билан уни таништириши лозим. Суд залида тартибни бузган шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида суд аниқ ва асосланган ажрим чиқаради.

Раислик қилувчининг барча фармойишлари, тартибни бузувчига қилинган огоҳлантиришлар ва чиқарилган ажримлар суд мажлиси баённомасига киритилади. Судланувчи суд мажлиси залидан чиқариб юборилган бўлса-да, унга нисбатан суд томонидан ҳукм чиқарилган тақдирда, суд мажлиси раиси судланувчини залга қайтариб келиб, унинг иштирокида ҳукми эълон қилиши ёки ҳукм чиқарилганидан сўнг унга дарҳол маълум қилиниши учун чоралар кўриши керак. Ҳукми судланувчига маълум қилгандан сўнг ундан тилхат олинади.

Судланувчи, айбловчи ва ҳимоячи бўлмаган шахс суд мажлиси залида тартибни бузса, раислик қилувчи шу пайтнинг ўзида уни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида ажрим чиқаради. Ушбу ажримда шахсни маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қайси моддасига кўра маъмурий жавобгарликка тортилганлиги қайд этилиши керак. Буларга фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар, жамоат вакиллари, жабрланувчи, унинг вакили, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ва бошқалар киради.

10-§. Суд муҳокамасида чиқариладиган ажримлар ва суд баённомаси

Жиноий ишлар бўйича биринчи инстанция судларида суд мажлиси котиби иштирок этади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 426-моддасида шундай дейилади: “Суд муҳокамаси вақтида суд мажлисининг котиби ушбу Кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида баённома юритади.

Суд мажлисининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади: суд мажлиси бошланган ва тамом бўлган вақт кўрсатилган ҳолда мажлис бўлган жой, сана; суднинг номи ва таркиби; суд мажлисининг котиби, таржимон, айбловчи, ҳимоячи, судланувчи, жабрланувчи ва унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар уларнинг вакиллари, шунингдек суд чақирган бошқа шахслар; кўрилаётган иш; судланувчининг шахсига доир маълумотлар; ҳозир бўлган ва ҳозир бўлмаган гувоҳлар ҳамда уларнинг келмаганлик сабаблари.

Баённомада: раислик қилувчининг барча фармойишлари кўрсатилади ва суднинг ҳаракатлари қандай тартибда ўтган бўлса, шу тартибда ёзилади; ишда иштирок этувчи шахсларнинг ариза ва илтимослари; судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ кўрсатувларининг батафсил мазмуни; берилган саволларга экспертнинг жавоблари; суд музокараларининг тартиби, суд музокараларда иштирок этган шахсларнинг хулосалари ҳамда судланувчи охириги сўзининг мазмуни; башарти процесс иштирокчилари илтимос қилсалар, ишни кўриш пайтида юз берган ҳолатлар тўғрисидаги мулоҳазалар акс эттирилади.

Суд зарур деб топган ҳолларда гувоҳ ва жабрланувчилар ўзлари берган кўрсатувларини суд мажлисининг баённомасида имзолайдилар. Баённома раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзоланади.

Баённоманинг мазмуни бўйича раислик қилувчи билан суд мажлисининг котиби ўртасида келишмовчилик бўлган тақдирда котиб ўз мулоҳазаларини баённомага илова қилиши шарт, бу мулоҳазалар суд таркиби томонидан кўрилади. Мазкур масала юзасидан ажрим чиқарилиб, баённомага илова қилинади.

Баённома тўлиқ бўлишини таъминлаш учун стенограмма юритилиши мумкин. Стенографик ёзув ишга илова қилинмайди. Суд муҳокамаси чоғидаги сўроқ қилишлар овоз ёзиш, видео ёзув ёки кино тасвирга олиш воситаларида акс эттирилиши мумкин. Бундай ҳолда фонограмма, видео кассета ва кино тасма суд мажлисининг баённомасига илова қилиниб, баённомада ушбу воситалар қўлланилганлиги қайд этилади.

Суд мажлисининг баённомаси ҳукм чиқарилган куннинг эртасидан, мураккаб ишлар бўйича эса уч суткадан

кечиктирмай имзоланиши лозим. Суд жиноят ишени кўриб чиқиш тартиби ва процесс иштирокчиларининг фаолияти суд мажлиси баённомасида қайд этилади. Суд мажлиси баённомаси жиноят ишени апелляция ва кассация инстанциясида кўриб чиқишда далил манбаи ҳисобланиб, унинг асосида ишени мазмунан кўриш ва ҳукм чиқариш қандай тартибда амалга оширилганлиги текширилади.

Алоҳида (масалахат) хонада ҳукм ёки ажримлар чиқаришда судьялар баённома ёзувларидан фойдаланадилар ва таҳлил қиладилар. Жиноят ишени такроран кўриб чиқиш ҳолларида суд, биринчи суд муҳокамасида қайд этилган маълумотларни ўрганади ва баҳолайди. Агар суд муҳокамаси босқичида судланувчи томонидан жиноят қилинганлигини ва ушбу иш бўйича унга илгари айблов эълон қилинганлигини кўрсатувчи маълумотлар аниқланса, янги шахсга нисбатан жиноят ишени кўзғатиш ҳолати кабилар ҳал қилинади. Суд баённомасини нотўғри ва сифатсиз тузиш юқори судлар томонидан ҳукмнинг қонунийлиги, асосланганлигини ва адолатлилигини текшириш имкониятидан маҳрум қилади.

Маҳкумга, оқланган шахсга, унинг ҳимоячисига суд мажлиси баённомаси билан танишиб чиқиш имкониятини бермаслик уларнинг ҳуқуқларини паймол қилиш деб топилади. Суд мажлисида раислик қилувчи процесснинг барча иштирокчиларига суд мажлиси баённомаси билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши шарт. Ушбу талабларнинг бажарилмаслиги процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини қўпол равишда бузилишига олиб келиб, ишнинг апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилишига таъсир кўрсатади. Процесснинг манфаатдор иштирокчилари қонунда белгиланган муддатдан сўнг тайёрланган баённоманинг имзоланган санаси тўғрисида ўз вақтида хабардор этилишлари лозим.

Агарда судланган, оқланган шахс белгиланган муддатда суд мажлисининг баённомаси билан ҳимоячи иштирокида танишиш истаги борлиги тўғрисида ариза тақдим этса, суд бу ҳақда ҳимоячини хабардор қилади, у эса ўзининг ҳимоясида бўлган шахс иштирокида суд мажлисининг баённомаси билан танишиб чиқади, чунки бу ҳимоячининг ўз зиммасига олган ҳимоя мажбуриятларидан келиб чиқади.

Шунингдек, суд муҳокамасида кўрилган жиноий иш, жиноят қонунларининг моддалари, судланувчининг шахси

тўғрисидаги маълумотлар, судланувчига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси, суд муҳокамасига тайёргарлик босқичида судга қилинган илтимослар ва берилган аризалар мазмуни, тарафлар томонидан билдирилган фикрлар, рад этишлар бор-йўқлиги, иштирокчиларга ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилганлиги ҳақида кўрсатилиб, суд муҳокамасида берилган кўрсатувлар мазмуни, савол-жавоблар мазмуни, суд томонидан масалаҳатхонага кириб ёки кирмай суд залида ҳал қилинган масалалар бўйича суд ажримлари мазмуни, воқеа жойини ва далилий ашёларни кўздан кечиришдаги ҳаракатлар, суд муҳокамасида ўқиб эшиттирилган ҳужжатларнинг қисқача мазмуни, суд музокараларининг мазмуни, судланувчининг охириги сўзи, суднинг масалаҳатхонага кириб чиққандан кейин эълон қилган ҳукми ёки ажримини ўқиб эшиттирилганлиги, манфаатдор шахсларга протест ёки шикоят келтириш, суд мажлиси баённомаси билан танишиб, унга эътирозлар билдирган бўлса улар ҳам, баён этилади. “Суд муҳокамасида берилган кўрсатувлар магнит ленталарига ёзиб олиниши мумкин.

Ёзиб олинган фонограммалар баённомада қайд этилиб, унга илова қилинади.” Суд мажлиси баённомасига мулоҳазалар бериш муддати ушбу баённомани раислик қилувчи ва котиб имзолаганидан кейинги кундан бошлаб ҳисобланади. Мулоҳазаларнинг мазмуни суд мажлиси баённомасининг олиб борилиши, расмийлаштирилиши тартибига, шунингдек ундаги ёзувларнинг тўлиқлигига ва тўғрилигига тааллуқли бўлиши керак.

Муддатнинг ўтиб кетишига узрли сабаблар мавжудлиги ёки баённома билан танишиш узоқ вақтни талаб қилса, баённома билан барча процесс иштирокчилари ўз вақтида таниша олмаса, ушбу муддат раислик қилувчи томонидан узайтирилиши лозим. Суд мажлиси баённомасига берилган мулоҳазаларни кўриб чиқувчи раис мулоҳаза берган шахсни унинг мулоҳазаси тўғрилигини баҳолаш мақсадида чақириши мумкин. Мулоҳазаларни тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, раислик қилувчи уни баённомага қўшиб қўяди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423-моддасида Суд мажлисида ажрим чиқариш тартиби белгиланган. Унда суд муҳокамаси вақтида ҳал қилинадиган барча масалалар юзасидан суд ажрим чиқаради дейилган. Қуйидаги ажримлар алоҳида хонада (масалаҳатхонада) чиқарилади. 1) Жиноят

ишни қўшимча тергов ўтказиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги; 2) янги айблов бўйича ёхуд янги шахсга нисбатан иш қўзғатиш тўғрисидаги; 3) ишни тугатиш ёки тўхтатиш тўғрисидаги; 4) эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги; 5) рад этиш тўғрисидаги; 6) хусусий ажримлар. Бу ажримлар алоҳида ҳужжатлар тарзида расмийлаштирилади ва суд томонидан имзоланади. Бошқа барча ажримлар суднинг хоҳиши билан ўз жойида чиқарилиб, бу ажрим суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади.

Суд муҳокамаси вақтида суднинг чиқарган ҳар бир ажрими дарҳол эълон қилиниши лозим. Қарор қабул қилиш учун мураккаб ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш керак бўлса ёки бундай муҳокама маълум вақт ва коллегиял тартибда суд томонидан қилинган хулосанинг асосланган баёнини талаб қилса, ажрим алоҳида хонада (масалаҳатхонада) чиқарилади. Суд мажлиси баённомасида ажримни ўқиб эшиттирилганлиги қайд этилади. Агар ажрим суд томонидан алоҳида хона (масалаҳатхона) га кирмай чиқарилса, у суд мажлиси баённомасига киритилади, суд томонидан илтимосномани қондириш рад қилинган ҳолатда эса, қабул қилинган қарорнинг асосларини тақдим этиш зарур.

Жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш асослари.
(ЖПК 419-моддаси)

Дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаган бўлиб, уни суд
мажлисида тўлдириш мумкин бўлмаса;



Суриштирувчи ёки терговчи томонидан ЖПК нинг талаблари
жиддий бузилган бўлса ва бу ишнинг тўғри ҳал қилинишига
тўсқинлик қилса;



Айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ
бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловнинг оғирроқ айблов
билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра айблов хулосасида назарда
тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан
алмаштириш учун асослар мавжуд бўлса;



Шу иш юзасидан бошқа шахсларнинг айбланувчи тариқасида
жалб қилишга асослар бўлса ва уларга тегишли материалларни
ишдан ажратиш мумкин бўлмаса;



Иш нотўғри бирлаштирилган ёки ажратилган бўлса

15-схема


Жиноят ишини кўришни тўхтатиш учун асослар.
ЖПК нинг 420-моддаси

Судланувчи яширинган бўлса;



Судга келишга имконият бермайдиган руҳий ёки
бошқа оғир касалликка чалинган бўлса.

**Суд мажлисида жиноят ишени тугатиш асослари.
ЖПК нинг 421-моддаси**



Мавзу учун саволлар:

1. Суд муҳокамасининг умумий шартлари деганда нимани тушунасиз?
2. Заҳирадаги халқ масалаҳатчилари суд мажлисида қачондан бошлаб иштирок этади ва қандай ҳуқуқлардан фойдаланади?
3. Судланувчи судга келмаслиги қандай оқибатларга олиб келади?
4. Жабрланувчининг судга келмаслигининг оқибати нимадан иборат бўлади?
5. Прокурор, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар суд мажлисига келмаслиги қандай оқибатларга олиб келади?
6. Суд муҳокамасининг доираси деганда нимани тушунасиз?
7. Қандай асослар бўлганда жиноят иши дастлабки терговга қайтарилади?
8. Суд мажлисини тўхтатиш учун қандай асослар мавжуд бўлиши керак?
9. Суд муҳокамасида қандай асослар бўлганда жиноят иши тугатилади?
10. Суд мажлисининг тартиби ҳақида сўзлаб беринг?
11. Суд мажлисининг баённомаси қандай тузилади ва қандай талабларга жавоб бериши керак?

XI-БОБ. СУД МАЖЛИСИНИНГ ТАЙЁРЛОВ ҚИСМИ

1-§. Суд мажлисининг тайёрлов қисми тушунчаси ва унинг мазмуни

Суд мажлисининг тайёрлов қисми суд мажлисида раислик қилувчи томонидан очиш (Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 428 –моддаси) ва жиноят ишининг кўрилишини эълон қилинишидан бошлаб жиноят иши бўйича дастлабки тергов томонидан тузилган айблов хулосасини процесс иштирокчиларига ўқиб эшиттиришгача бўлган процессуал ҳаракатларни (428-моддадан 438-моддасигача) ўз ичига олади. Ушбу бобнинг номидан маълумки суд муҳокамасига тегишли бўлган яъни жиноят ишини мазмунан кўриб чиқишга оид масалалар ҳал қилинмайди.

Суд муҳокамасига тайёргарлик ҳисобланган ушбу қисқа қисмнинг мақсади ўзгачароқдир. Суд мажлисининг тайёрлов қисмида ушбу суд мажлисида кўрилиши лозим бўлган ишни кўриш учун етарли процессуал шароитлар ҳамда зарур бўлган талабларни мавжудлиги аниқланади. Бу қисмда суд мажлисининг раиси процесс иштирокчиларининг судга келган келмаганлиги, таржимонга унинг ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва жавобгарлигини тушунтиради, ушбу суд таркибида ишни кўриш мумкин ёки йўқлигини аниқлайди, тарафлар кимлар эканлигини эълон қилади ва рад қилиш ҳуқуқини тушунтиради. Шунингдек, суд мажлисини рисоладагидек ўтказилиши учун зарур бўлган барча тайёргарлик ҳаракатларини амалга оширади.

Суд мажлисининг тайёрлов қисми суд мажлисини раислик қилувчи томонидан очиш (ЖПК 428-моддаси) ва жиноят ишини кўрилишини эълон қилиш билан бошланади.

Шундан сўнг, суд мажлисининг котиби давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, судланувчи, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари судга келган-келмаганлиги тўғрисида ахборот беради. Сўнгра судга таржимон, гувоҳлар, экспертлар ва мутахассислар келган-келмаганлиги текширилади. Котиб ҳозир бўлмаганларни нима сабабдан келмаганлигини маълум қилади. (ЖПК 429-моддаси)

Процесс иштирокчиларини бирортаси келмаганда жиноят ишини кўриш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги

масаласини ҳал қилиш учун раислик этувчи тарафларнинг фикрини эшитиши ва муҳокамани давом эттириш ёки уни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради. (ЖПК 433-моддаси).

Суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида суд таркибини қонунийлиги, томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар, суд муҳокамасининг келгуси босқичларини мувафаққиятли давом эттириш учун замин бўлиб хизмат қиладиган бошқа масалалар ҳал қилинади. Ушбу ҳолатларни аниқлаш вазифаси суд мажлисида раислик этувчига юклатилган.

«Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1997 йил 22 августдаги 12-сонли қарорининг 4-бандида кўрсатилишича, «Судга келишни истисно қилувчи ҳолатларга, шахснинг вафотидан ташқари оғир хасталик, йироқда ва кўп чўзиладиган хизмат сафарида бўлиши, яшаш жойидан рўйхатдан чиқиб кетганда унинг турар жойини аниқлашнинг имконияти бўлмаган ҳолатлар киритилиши мумкин. Ҳар бир ҳолатда шахснинг судга келишини истисно қилувчи ҳолат деб топиш тўғрисида қарор суд томонидан ушбу масалаларни муҳокама қилингандан кейин қабул қилиниши керак»⁶⁰.

Раислик этувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 431-моддасига асосан суд таркиби ва тарафлар эълон қилинганидан сўнг, рад қилиш масаласи ҳал қилинади. ЖПК нинг 80-моддасига (рад қилиш ва ўзини ўзи рад этиш ҳамда уларни ҳал қилиш тартиби) асосан, ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлганда, ўзлари рад қилишга мажбурдирлар.

Авваломбор, иш бўйича ўз манфаатини ҳимоя қиладиган ёки иш натижасидан манфаатдор бўлмаган бошқа шахс сифатида иштирок этаётган ёхуд илгари иштирок этган бўлса; ишни юритиш учун масъул бўлган бирор мансабдор шахснинг ёки юқорида қайд қилинган шахсларнинг қариндоши бўлса; унинг ҳолислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, ишда иштирок этишга ҳақли эмас ҳамда рад қилиниши лозимдир. Шу

⁶⁰ Қаранг, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми Қарорларининг туплами 1991-1997. «Шарк» Матбаа концерни нашриёти. Тошкент 1997. 119-бет.

қолатларнинг мавжудлиги ўзига маълум бўлса, ишдан четлашиши ҳақида суд ҳайъатига хабар бериши лозим.

Шунинг билан бирга суд муҳокамасига тайёргарлик қисмида, ушбу иш бўйича давлат айбловчиси бўлиб қатнашиши лозим бўлган прокурорни ишда қатнашиши учун монелик қиладиган қолатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқланиши лозим. Ушбу қолатлар турлича бўлиши мумкин, лекин улар учун умумий бўлган белги шуки, прокурорни иш натижасидан тўғри ёки эгри равишда шахсий манфаатдорлигидир. Агарда прокурор шу қолатлар ҳақида маълумотга эга бўлса, унда у ўзини ишдан қатнашишдан четлатишни сўраши ва ўзини рад этиш хатти-ҳаракатини амалга ошириши лозим.

Мабодо процесс иштирокчиларидан биронтаси шу ҳақда, муҳокама мобайнида судга маълум қилса ва бу ҳолат ўзини тасдиғини топса, прокурор ўзига нисбатан билдирилган рад этишга нисбатан ҳеч қандай эътироз билдирмасдан жиноят ишини кўрилишида давлат айбловчиси сифатида иштирок этишни талаб қилмаслиги, қатнашиш фикрида туриб олмаслиги керак. Чунки, жиноят иши юзасидан чиқарилаётган ҳукми адолатлилиги ва қонунийлигига процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан шубҳа туғдирилишига асос бўлмаслиги ва суд муҳокамасининг тарбиявий аҳамиятини йўққа чиқаришга хизмат қилмаслиги лозим⁶¹.

Қонун бўйича прокурорни рад қилиш судяни рад қилиш каби амалга оширилади. Рад этиш учун асос бўлса, прокурор юқори турувчи прокурорга суд муҳокамаси бошлангунга қадар маълум қилиши лозим. Суд муҳокамаси мобайнида прокурорни рад этиш асослари пайдо бўлиб қолса, прокурор алмаштирилади ва иш бошқатдан яъни, янгидан кўрилади, чунки, шу вақтгача бўлган суд муҳокамаси босқичи ноқонуний ҳисобланади, ҳамда ҳукми бекор қилинишига асос бўлиб хизмат қилади⁶².

⁶¹ Савицкий В.М. Отвод прокурора в уголовном судопроизводстве. «Правоведение», 1970, №4 с.54-59.

⁶² Карац, Норгулатов Н.Н. « Суд муҳокамасига тайёргарлик қилиш, амалий ва назарий муаммолар » Юридик фанлари номзодлиги учун тайёрланган диссертация. Тошкент.2000.,68б.

2-§. Суд тергови бошланмасдан аввал аниқланиши лозим бўлган масалалар

Сўроқ бошланганга қадар гувоҳлар суд мажлиси ўтказилаётган хонадан ташқарига чиқариб юбориладилар. (ЖПК нинг 432-моддаси) Суднинг қарорига кўра, суд терговида сўроқ қилиш учун навбатма-навбат чақириладилар. Суд томонидан сўроқ қилинмаган гувоҳларни сўроқ қилинган гувоҳлар билан ўзаро мулоқотда бўлмаслиги чорасини кўрилиши керак.

Судда раислик қилувчи 434-моддада кўрсатилган тартиб ва қоидаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, ойи, куни ва жойини, яшаб турган жойи, машғулоти, маълумоти, оилавий аҳволи ва унинг шахсига дахлдор бошқа маълумотларни сўраб, унинг шахсини аниқлайди. Унинг шахсини аниқлаб бўлгандан сўнг, унда айблов хулосасини нусхаси топширилганми, агарда топширилган бўлса, қачон топширилганлигини аниқлайди.

Шунингдек, ЖПК 388-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган процессуал ҳужжатларнинг нусхалари унга топширилган-топширилмаганлигини ва айнан қачон топширилганлигини сўрайди. Агарда айблов хулосаси ёхуд нусхаси топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар топширилмаган бўлса, ёки суд мажлиси бошланишига уч суткадан кам муддат қолганда топширилган бўлса, ишни муҳокама қилиш кейинга қолдирилиши лозим. Хатто судланувчининг ўзи ишни кейинга қолдирмасдан, курилишини илтимос қилган ҳолда ҳам ишни муҳокамаси кейинга қолдирилиши шарт.

Суд мажлисида раислик қилувчи томонидан нусхалар топширилган-топширилмаганлигини аниқлаш мобайнида, биринчидан, судланувчига агарда у судлов юритиладиган тилни билмаса, нусхалар унинг она тилига таржима қилиб топширилганми; иккинчидан, нусхалар ҳар бир судланувчига алоҳида-алоҳида топширилганми; учинчидан, ҳужжатлардан парчалар ёки тўлиқ бўлмаган алоҳида кўчирмалар ёки тўлиқ ҳужжат нусхалари топширилганлиги аниқланиши керак. Мабодо, ушбу қоидага амал қилинмаган бўлса, жиноят иши юзасидан ишни кўришни кейинга қолдирилиши шарт.

Чунки, суд муҳокамаси даврида тегишли тартибда ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлган судланувчи шу ҳужжатларнинг мазмунини билиши лозим. Судланувчиги унинг ҳуқуқларини тушунтириш масаласи қонуннинг 435-моддасида кўрсатилган бўлиб, унда қайд этилишича Раислик қилувчи судланувчининг шахсини аниқлаганидан кейин унга ушбу Кодекснинг 46-моддасида назарда тутилган суд муҳокамасидаги ҳуқуқларини тушунтиради.

Сўнгра, судланувчидан ана шу ҳуқуқларнинг ҳар бирини тушунган ёки тушунмаганлигини сўрайди. Башарти судланувчи салбий жавоб берса, раислик қилувчи унинг ёшини, умумий заковат даражасини, руҳий ва жисмоний ҳолатини эътиборга олиб, унга ҳуқуқларини қайтадан тушунтиради. Башарти бир нечта судланувчига нисбатан иш курилаётган булса, уларнинг ҳуқуқлари ҳаммасига бир йула тушунтирилади.

Тарафларнинг (жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари) ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш хусусидаги қонун талаби эса 436-моддада белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича, раислик қилувчи жамоат айбловчисига, жамоат ҳимоячисига, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига ушбу Кодекснинг тегишлича 43-модда (жамоат айбловчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари), 44-модда (жамоат ҳимоячисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари), 55-модда (жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари), 57-модда (фуқаровий даъвогарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари), 59-модда (фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари), 61-модда (қонуний вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари), 63-модда (вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари) ни тушунтиради.

Экспертга ва мутахассисга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш талаби 437-моддада баён қилинган бўлиб, ЖПК нинг 68-моддасида экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва 70-моддасида мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш қайд этилган. Илтимосномалар қилиш ва уларни ҳал қилиш тартиби эса 438- моддада қайд қилинган. Суд мажлисининг тайёрлов қисми айнан илтимослар бор-йўқлигини аниқлаш билан яқунланади. Илтимослар озгаки ҳамда ёзма равишда билдирилиши ва асослантилган бўлиши зарур. Қонун талабига кўра, раислик қилувчи

томонидан илтимослар бор-йўқлиги жиноят иши бўйича суд муҳокамасида процесс иштирокчиси сифатида қатнашаётган барчадан бирма-бир алоҳида сўраб, аниқланиши шарт.

Раислик қилувчи тарафлардан янги гувоҳлар, экспертлар ёки мутахассислар чақириш, ашёвий далиллар ва ҳужжатлар талаб қилиб олиш тўғрисида уларнинг илтимослари бор-йўқлигини сўрайди. Илтимос қилувчи тараф қўшимча далиллар айнан қайси ҳолатларни аниқлаш учун зарурлигини кўрсатиши керак.

Тараф арз қилган ҳар бир илтимосни муҳокама қилиб, суд бошқа тарафнинг фикрини тинглайди ва башарти, илтимос иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашга қаратилган бўлса, уни қаноатлантиради ёки рад этади. Илтимоснинг рад этилиши суд муҳокамаси давомида тарафни кейинчалик бошқа асосларга кўра яна шу илтимос билан муружаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Суд муҳокамаси бошлангунча тушган илтимослар суд мажлисининг тайёрлов қисмида ҳал этилиши лозим. Суд ўзининг ташаббуси билан янги гувоҳларни чақириш, экспертиза тайинлаш, ҳужжатларни ва бошқа қўшимча далилларни талаб қилиб олиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1997 йил 22 августдаги 12-сонли «Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида» ги қарорини 5-бандида қайд этилишича, «Жиноят-процессуал кодексининг 438-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, суд мажлиси қатнашчиларининг янги гувоҳларни, экспертларни, мутахассисларни чақириш, далилий ашёларни ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги илтимослари улар арз қилинган ва муҳокама этилгандан кейин бевосита ҳал қилиниши лозим бўлади.


Суд муҳокамаси қатнашчилари доирасини аниқлаш ва ишнинг ҳаракати (жамоат айбловчисини, жамоат ҳимоячисини ишга киритиш, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар деб тан олиш, ишни тўхтатиб қўйиш ёки уни кейинга қолдириш, ишни қўшимча терговга юбориш, ишни тугатиш ва бошқалар) билан боғлиқ бошқа илтимослар ушбу тартибда ҳал қилинади. Агар тараф муҳокама қилиниб, ҳал этилган илтимос юзасидан яна шу асослар бўйича арз қилган

тақдирда раислик қилувчи бу илтимосни муҳокамага киритмайди».

Ушбу илтимослар одатда, судда кўриб муҳокама қилиниши лозим бўлган далиллар доирасини кенгайтиришга қаратилган бўлади: янги гувоҳларни чақириш ва уларни сўроқ қилиш, қўшимча ёки такрорий экспертиза тайинлаш, жиноят ишига янги ҳужжатларни қўшиш ва бошқалар.

17-схема

Суд мажлисининг тайёрлов қисмини ўтказиш тартиби.



Экспертга ва мутахассисга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш.
(ЖПК 437-модда)



Илтимослар қилиш ва уларни ҳал этиш
(ЖПК 438-модда)

Мавзу учун саволлар:

1. Суд мажлисининг тайёрлов қисми тушунчаси, унинг мазмуни нималардан иборат?
2. Суд муҳокамасига келган процесс иштирокчиларини аниқлашнинг процессуал тартиби қандай?
3. Суд муҳокамасида иштирок этиш учун монелик қиладиган ҳолатлар қайсилар ва рад қилиш қандай амалга оширилади?
4. Суд тергови бошланмасдан аввал аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар қайсилар ва бу нима учун керак?
5. Суд мажлисининг тайёрлов қисмида судланувчининг ҳуқуқлари билан боғлиқ қандай масалалар ҳал қилинади?
6. Суд мажлиси иштирокчиларини ҳуқуқ ва бурчларини тушунтириш қай тартибда амалга оширилади?
7. Суд мажлисидаги илтимослар қандай тартибда қараб чиқилади?

ХИ-БОБ. СУД ТЕРГОВИ

1-§. Суд тергови тушунчаси, унинг мазмуни ва моҳияти

Суд мажлисининг тайёрлов қисмида ўтказилиши лозим бўлган барча процессуал ҳаракатлар бажариб бўлингандан сўнг, суд муҳокамасининг асосий қисми ҳисобланган-суд терговига ўтилади. Айнан шу қисмида барча тўпланган далиллар текширилади ва чиқариладиган ҳукм учун замин яратилади. Суд тергови-янги процессуал шароитда далилларни мустақил ва ижодий равишда текшириш босқичидир. Бу босқичда ҳар бир далил суд томонидан ҳар томонлама ва батафсил текшириб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексимизнинг 439- моддасига асосан суд тергови айблов хулосасини ўқиб эшиттиришдан бошланади.

Айблов хулосасини ўқиб эшиттирилганидан сўнг, судланувчига, агарда жиноят иши бўйича бир неча судланувчи бўлса, ҳар бир судланувчига раислик этувчи томонидан айблов мазмунини тушунарли бўлганлиги, содир этилган жиноятнинг мазмуни ва унинг ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланиши аниқланилади. Агарда судланувчига ёхуд судланувчиларнинг биронтасига айблов мазмуни ёхуд жиноятнинг мазмуни ёхуд, содир этилган жиноятнинг ҳуқуқий баҳоланиши тушунарли бўлмаса унда судланувчилар қандай жиноятни содир қилишда айбланаётганликлари, уларнинг қилмиши Жиноят Кодексининг қайси моддаси билан квалификация қилинаётганлиги, айбнома қандай асосларга таянганлиги, айблов хулосаси қандай далилларга асосланганлиги, далилларнинг мазмуни аниқ тушунтирилиши лозим.

Шундан сўнг, судланувчидан унга нисбатан қўйилаётган айбга иқрор ёки иқрор эмаслиги аниқланиши керак. Судланувчи ўз айбига қисман иқрорлигини билдирган ҳолларда, айнан айбловнинг қайси қисмига иқрор, қайси қисмига эса иқрор эмаслиги аниқланади. Бундай ҳолларда, нима сабабдан айбига иқрор эмаслиги, нима сабабдан айбини фақатгина бир қисмигагина иқрорлиги тўғрисида пайдо бўлган саволларни берилмаслиги керак. Чунки, бу саволларга жавобни суд тергови бошлангандан сўнг, сўз навбати

келганида судланувчи томонидан батафсил изохлаб бериш имконияти бўлади.

Суд терговида далилларни бевосита текширишга киришишдан аввал, суд уларни қандай тартибда ва қандай кетма-кетликда кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади деган саволга жавобни аниқлаб олиши лозим. Судланувчилардан ўз айбларига иқдорликлари ёки иқдор эмасликлари сўраб аниқлангандан сўнг, суд далилларни текшириш навбати ҳақида суд процесси иштирокчиларининг таклифларини эшитади. Амалиётда, одатда биринчи бўлиб, давлат айбловчисининг таклифи эшитилади.

Суд терговини олиб бориш тартиби ҳақида прокурор ўз фикрини билдираётганида, албатта, далилларни текшириш навбатини айнан қимни сўроқ қилишдан бошланиши кераклиги ҳақидаги ҳулосасида шу тартиб орқали жиноят иши бўйича тўпланган далилларни суд тергови мобайнида ҳолисона, ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганиб чиқиш имконияти пайдо бўлишлигини тушунтириб бериши керак.

Прокурор суд терговини бошлаш навбати тўғрисида фикр бериш билан бирга судда экспертлар ҳулосалари, ашёвий ва ёзма далилларни текшириш кетма-кетлигига нисбатан ҳам ўз мунособатини билдиради. Айниқса, мураккаб, кўп (эпизод) воқеали ҳамда, бир неча судланувчилар қатнашаётган жиноят ишлари бўйича суд терговини юритиш тартибини белгилаб олиниши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бу тартиб жиноят ишини суд томонидан ҳар томонлама, ҳолисона ва тўла кўриб чиқилишига ёрдам беради. Ҳар бир воқеа бўйича далилларни гуруҳлаб олишга ва процесс иштирокчилари томонидан тегишли тартибда баҳоланишига, тўпланган далилларни қолдирмасдан, хатосиз кўриб чиқишга асос бўлади. Далилларни тартиб билан тизим асосида кўриб чиқилиши суд терговини юритилишида муҳим аҳамиятга эга.

Тарафларнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда, далилларни текшириш навбати ҳақида суд ўз ўрнида ажрим чиқаради (Жиноят-процессуал кодексининг 440- моддаси). Далилларни текшириш судланувчилардан бошланган бўлса, суд судланувчилардан кейин албатта жабрланувчиларни сўроқ қилиши лозим. Агарда, судланувчилар кўргазма беришдан бош тортган бўлсалар ёхуд биринчи бўлиб, кўрсатма беришни истамаётган бўлсалар, жабрланувчини,

гувоҳларни сўроқ қилиш, далилларни кўздан кечириш, гувоҳлантириш, ёзма далилларни ўқиб эшиттириш, экспертиза ўтказиш ва бошқа суд ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги таклифларни инобатга олган ҳолда ҳал қилади. (ЖПК 440-моддаси).

Суд ҳар бир жиноят иши бўйича далилларни текшириш навбатини ишнинг моҳиятига қараб, турлича белгилаши мумкин. Қонун томонидан далилларни текширишнинг қатъий навбати белгиланмаган. Ҳар қандай ҳолатда, суд мажлиси раисининг тўлиқ ихтиёрига боғлиқ ҳолда ҳал қилинади. Хатто, дастлаб суд терговида далилларни текшириш навбати ўзгача белгиланган бўлса ҳам, ишни кўриш мобайнида раислик қилувчи томонидан ашъвий далилларни ва бошқа далилларни текшириш кетма-кетлигини процесс иштирокчиларининг илтимосларига кўра ёхуд ўз ихтиёрига кўра ўзгартириши мумкин.

Ушбу масала суд томонидан ҳал қилинганда, албатта суд тегишли тартибда ажрим чиқаради. Судланувчи жиноят иши бўйича ўз кўргазмасини ҳар бир воқеа (эпизод) бўйича алоҳида-алоҳида бериши ёки иш бўйича ўзига маълум бўлган барча ҳолатларни тўлалигича баён қилишга ҳақли.

2-§. Суд терговида сўроқ қилиш

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 442-моддасига асосан суд терговида сўроқ қилиш тартиби белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича, сўроқ қилиш ЖПКнинг 96-108-моддаларида назарда тутилган талабларга ҳамда бевосита 442-модданинг ўзида кўрсатилган талаблар асосида амалга оширилиши керак. Ушбу модда талабига кўра, ҳар бир гувоҳ ҳали сўроқ қилинмаган гувоҳлар йўқлигида сўроқ қилинади. Сўроқ қилинган гувоҳлар суд мажлиси залида қоладилар ва суд тергови тамом бўлмасдан илгари залдан фақат суднинг ижозати билан чиқиб кетишлари мумкин.

Вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилиш ҳақиқатни аниқлаш манфаатлари талаб қилган ҳолларда суднинг ажрими билан судланувчининг йўқлигида ўтказилиши мумкин. 16 ёшга тўлмаган гувоҳ сўроқ қилиниб бўлгач, зарурат бўлмаса, суд залидан чиқариб юборилиши лозим. Жабрланувчи, эксперт ва мутахассис суд муҳокамасининг бошидан охиригача суд

мажлиси залида бўлишга ва барча сўроқлар чоғида ҳозир бўлишга ҳақлидир.

ЖПК да судланувчини сўроқ қилишни судья бошлаб беради, у ишнинг маълум бўлган ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бериш таклифини киритади. Шундан сўнг судланувчини давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакилини сўроқ қиладилар. Шундан кейингина судланувчига бошқа судланувчилар ва уларнинг ҳимоячилари саволлар бериши мумкин. (ЖПКнинг 442-моддаси).

Судянинг таклифига кўра судланувчи воқеа ҳолатларини эркин сўзлаб беради. Судья судланувчининг сўзлаб берган кўрғазмасидан айнан воқеа ҳолатлари шундай содир бўлган деб ҳисобламасдан, бўлиши мумкин бўлган воқеа тафсилотлари ҳақидаги тахминларнинг бири деб ҳисоблаши керак. Суд судланувчини берган кўрғазмасини ҳақиқатми ёки йўқми, жабрланувчини, гувоҳларни сўроқ қилиб ва бошқа далилларни батафсил текширилганидан сўнг, далилларни бир-бирига таққослаши, айблов хулосасида баён қилинган ҳар бир ҳолатни текшириб чиққанидан сўнггина ҳақиқий ҳолатни аниқлаб, ўзининг ички ишончига асосан далилларга қонуний баҳо бериши мумкин.

3-§. Суд терговида далилларни текшириш ва уларга баҳо бериш

Суд терговининг процессуал мақсади судда кўриб чиқиш учун тақдим қилинган дастлабки тергов материалларини ўзинигина ўрганиб чиқиш эмас, суд муҳокамаси иштирокчилари ҳамда бевосита суднинг ўзини ташаббуси билан тўпланган ва тақдим қилинган далилларни ҳам текшириб чиқиб, реал ҳақиқатни аниқлаш имкониятини яратишдан иборатдир.

Суд тергови мобайнида қуйидагилар аниқланади: жиноят ҳодисаси; айбланувчининг жиноят содир қилишдаги айби; айбдорлик даражаси ва характериға таъсир қилувчи ҳолатлар; жиноят туфайли етказилган зарарнинг характери ва миқдори. Суд ҳукмининг сифати, қонунийлиги, асосланганлиги ҳамда адолатлилиги кўпинча суд терговининг

тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона олиб борилганлигидан келиб чиқади. Чунки, суд ҳукми суд тергови мобайнида аниқланган далилларгагина асосланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Суд ҳукми тўғрисида»ги 1997 йил 2 майдаги 2-сонли қарорини 4-бандида «Судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона тасдиқлангандагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олади. Бу талаб айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва судланувчининг айбдорлиги суд муҳокамаси жараёнида исботланган тақдирдагина чиқарилиши лозимлиги ҳақидаги ЖПКнинг 463-моддаси мазмунидан келиб чиқади» деб қўйилган.

Шунингдек, шу қарорнинг 3-банди сўнгида «ЖПКнинг 26 ва 455-моддалари талабига биноан ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозим» деб қайд қилиб қўйилган. Ушбу қарор талабларидан кўриниб турибдики, суд тергови Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона амалга оширилиши лозим.

Суд бевосита ва шахсан барча далилларни суд муҳокамасида текшириб чиқиши шарт. Суд тергови мобайнида суд жиноят иши бўйича тўпланган барча далиллар билан бирга судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва ҳолисларни қайтадан сўроқ қилиши, ашёвий далилларни кўздан кечириши, тегишли экспертиза тайинлаши, суд тергови экспериментини ўтказиши ва ҳаказоларни бевосита ва қисқа муддатда амалга ошириши мумкин. Дастлабки тергов мобайнида тўпланган барча далилларни суд терговидан тўпланган далилларга таққослаб, солиштириб кўриб, реал ҳақиқатни аниқлаб олиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 441-моддасига асосан, гувоҳни сўроқ қилишдан олдин раислик қилувчи унинг шахсини аниқлайди ва кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради.

Шундан сўнг, раислик этувчи гувоҳга барчанинг олдида ошкора равишда «Иш юзасидан ўзимга маълум бўлган ҳамма нарсани судга айтиб беришга қасамёд қиламан. Фақат ҳақиқатни, барча ҳақиқатни гапириб бераман, ҳақиқатдан

Ўзга нарсани гапирмайман» деган мазмундаги қасамёд қилишни таклиф этади ҳамда бу ҳақда улардан тилхат олади. 16 ёшга тўлмаган шахслар ҳам худди шундай қасамёд қиладилар. Лекин улар била туриб ёлгон кўрсатув бергани учун ҳамда кўрсатув беришдан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмайдилар ва бу ҳақда улардан тилхат олинмайди.

Суд тергови мобайнида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 443-моддаси талабларига кўра, ёзма далилларни, экспертлар хулосаларини ва тергов ҳаракатлари баённомаларини тарафларнинг илтимосларига ёки суднинг ташаббусига кўра раислик қилувчи, халқ масалахатчиларидан бири ёки суд мажлисининг котиби ўқиб эшиттиради. Тарафлар ушбу ҳужжатларга нисбатан ўзларининг фикрларини баён қиладилар. Шундан сўнггина суд ҳужжатларни ишга қўшиш ёки тегишлилигига қараб қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради. Суд тергови мобайнида кўздан кечириш 444-модда, Гувоҳлантириш 445-модда, Экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши 446-модда, Таниб олиш учун кўрсатиш 447-модда, эксперимент ўтказиш, эксперт текшируви учун намуналар олишни амалга оширилиши мумкин.

Суд терговини тамомланиши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 448-моддасига асосан, барча далиллар текшириб чиқилганидан кейин раислик қилувчи тарафлардан улар суд терговини тўлдирмоқчиларми ва тўлдирмоқчи бўлсалар, нима билан тўлдирмоқчи эканликларини сўраши, башарти бу ҳақда илтимос қилинса, суд уни муҳокама қилиши ва ҳал этиши билан яқунланади. Суд терговини тамом бўлганлиги ҳақида раислик этувчи эълон қилади.

Мавзу учун саволлар:

1. Суд тергови тушунчаси, мазмуни ва моҳиятини ёритиб беринг?
2. Суд терговиде сўроқ қилиш қандай амалга оширилади ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Суд терговиде далилларни текшириш ва уларга баҳо бериш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар кимлар ва уларнинг ушбу босқичдаги ҳуқуқий ҳолати нималардан иборат?

4. Суд тергови мобайнида ёзма далилларни, эксперт хулосаларини ва тергов ҳаракатларини ўзига хос хусусиятларини гапириб беринг?

5. Суд тергови мобайнида кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?


6. Суд терговида гувоҳлантириш, экспертиза ўтказиш, таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент ўтказиш, эксперт текшируви учун намуналар олишнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?

7. Суд терговини тамомланиши қандай амалга оширилади?

18-схема

Суд терговини ўтказиш тартиби.

(ЖПК 439-447 моддалар)



ХШ-БОБ. ТАРАФЛАРНИНГ МУЗОКАРАСИ ВА СУДЛАНУВЧИНИНГ ОХИРГИ СЎЗИ

1-§. Тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охириги сўзи

Далилларни текширишни энг узоқ ва қийин бўлган жараёни мантикий яқунини суд музокарасида, яъни қарама-қарши томонлар учун жиноят иши юзасидан ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бўйича суд муҳокамасининг махсус қисмида топади. Томонларнинг фикри суд учун жуда муҳимдир. Уларнинг фикрлари ёрдамида суднинг далилларни ҳар томонлама ўрганиш вазифаси енгиллашади, суд терговиди аниқланган фактларнинг, далилларнинг мазмуни ва моҳиятига чуқурроқ баҳо бериш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 449-моддасида тарафлар музокарасининг мазмуни ва тартиби белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича музокара давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг нутқлари билан бошланади. Шундан кейин жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари сўзга чиқадилар. Улардан кейин ҳимоя тараф сўзга чиқади. Ҳимоячи ҳимоя нутқини сўзлаб бўлгандан кейин, жамоат ҳимоячиси, судланувчи, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили сўзга чиқиши белгиланган.

Давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг, шунингдек ҳимоячи ва жамоат ҳимоячисининг сўзга чиқиш навбатини суд уларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда белгилайди.

Суд музокараларигача бўлган бутун жиноий-процессуал фаолият давомида ягона бир ҳақиқатни ўзида акс эттирувчи, ҳақиқий воқеа ҳолатларини хаёлан тиклашга далилларга қонуний, асосланган ва адолатли баҳолашга имкон беради. Фикрлаш субъектив ҳолат ҳисобланади; фикрлаш жараёни шаклан мантиқ қонун ва қоидаларига бўйсунса-да, ҳамма вақт ҳам ҳақиқатга олиб келавермайди.

Чунки, унга томонларнинг процессуал манфаатларини мавжудлиги, яъни, ҳар бир томонда ўз хоҳишига кўра ишнинг моддийлашган натижасига эга бўлиш истаги мавжудлиги таъсир қилади. Мана шу ердан томонларнинг жиноят иши бўйича олинган ва текширилаётган далилга

нисбатан фақатгина ўз манфаатлари йўлида ёндошиш каби қарама-қарши бўлган мунособатини кўришимиз мумкин. Томонларнинг ўрганаётган факт, далилга нисбатан ўз талқинида мулоҳаза юритишини гувоҳи бўлиш мумкин. Ушбу ҳолатда эса, ким ҳақ, ким ноҳақлиги ҳақидаги хулосани қонун буйича фақатгина суд чиқаради. Лекин суд хулоса чиқариш учун, аввало, ҳар иккала музокарада иштирок этаётган тарафларни батафсил эшитган бўлиши керак.

2-§. Суд музокараси олдига қўйилган қонуний талаблар, уларнинг моҳияти

Суд музокарасида процесс иштирокчилари ўзларининг жинойий иш юритуви тизимида эгаллаган процессуал ҳолатларига қараб, қонун билан ўзларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланишни бевосита амалга ошириб, суд таркибига ҳамда суд процесси иштирокчиларига руҳан (эмоционал) таъсир этиш, тортишувчилик принципи асосида ўз позицияларини баён қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Музокара мобайнида тарафлар суд томонидан текширилган ҳар бир далилга нисбатан ўз фикрларини мустақил равишда, эркин баҳо бериш асосида амалга оширадилар. Тарафларни ўрганилаётган далилларга нисбатан берган фикрлари учун қонунчилик уларга нисбатан ҳеч қандай жавобгарлик белгиламайди. Шундай бўлсада, жиноят процессуал қонунчилигида музокара нутқига нисбатан бир қатор қонун талаблари мавжуддир. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 449-моддасида қайд қилинган талабларга кўра, “Тарафлар ўзларининг нутқларида суд терговиди кўриб чиқилмаган далилларни келтиришга ҳақли эмас. Текшириш учун судга янги далилларни тақдим этиш лозим бўлса, тарафлар суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида илтимос қилишлари мумкин.

Давлат айбловчиси суд терговининг яқунларини инобатга олиб, ўз нутқида судланувчининг айблилиги ёки айбли эмаслиги тўғрисидаги хулосасини асослантириши лозим. Давлат айбловчиси судланувчи айбли деган хулосага келганда, унга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган жазо тури ва меъёри ҳақида судга ўз фикрини баён қилади. Тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин, улардан ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар

юзасидан эътирозлар ёки мулоҳазалар билан яна бир мартадан сўзга чиқишлари мумкин. Сўнгги эътироз билдириш ҳуқуқи ҳамisha ҳимоячи ва судланувчига берилади”.

Суд музокарасидагидек тортишувчилик тамойилини кенг қўлланиши суд муҳокамасига тайёргарлик қисмида ҳам, хатто суд тергови мобайнида ҳам кузатилмайди. У қисмларда алоҳида масалаларга оид саволлар атрофида тўхталиб ўтилади, хатто суд тергови мобайнида далилларни бирма-бир ўрганиб, текшириш борасида томонлар ўз қарама-қаршиликларини юзаки тортишув орқали амалга оширадilar. Улар далилларга нисбатан бўлган фикрларини тўлиқ баён этмайдilar, ҳар бир далил бўйича ўз мунособатларини суд тергови тамомланиб, суд музокараси мобайнида баён қилишлари лозим бўлган фикрлар тўпламига тўлдириб борадилар. А.Ф.Кони таъкидлаганидек, “Суд музокараси-суд муҳокамасининг энг жонли, энг ҳаракатчан, ўз моҳиятига кўра энг ўзгарувчан қисми ҳисобланади”⁶³.

Суд музокараси моҳиятини билиш учун манتيқий фикрлашга эга бўлиш керак. Чунки суд музокараси мобайнида ўз вазифаларининг касбий эгалари ҳисобланган давлат айбловчиси ва ҳимоячи далилларга нисбатан фақатгина ўз манфаатлари нуқтаи-назаридангина ёндошадilar. Ташқаридан ушбу ҳолатга назар ташланса, давлат айбловчиси ва ҳимоячиларни ўзаро тортишувчилик тамойилига асосан фикр баён қилаётганликлари эмас, балки музокара сўзи берилган барча процесс иштирокчиларини жиноят иши бўйича тўпланган далилларга нисбатан, умуман олганда жиноят ишига нисбатан бўлган шахсий мунособатларини эркин баён қилиш босқичига ухшатиш мумкин⁶⁴. Вахоланки, айнан мана шу эркин баён қилиш тортишувчиликни мазмун ва моҳиятини ташкил этади.

3-§. Тарафларнинг айблов юзасидан таклифлари

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 450-моддасида аниқ қилиб, 457-модданинг 1-6 бандларида кўрсатилган масалалар юзасидангина давлат

⁶³ Кони А.Ф. Асарлар тўплами. Т 4. “Юридическая литература” 1967.366-бет.

⁶⁴ Малевич Т.В. К вопросу о состязательности. - “Ученые записки ВЮЗИ” чиқиши VI, 1958. 289-бет.

айбловчиси ва ҳимоячиси ўзининг таклифларини ёзма равишда тақдим қилишлари лозимлиги қайд қилинган. Қонунда бундан ташқари, оғзаки равишда бошқа масалалар юзасидан давлат айбловчиси ва ҳимоячини ўз таклифларини билдиришга мажбурлиги қайд қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1997 йил 22 августдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида”ги қарорининг 13-бандида “Судларга, музокара тамом бўлганидан кейин тарафлар Жиноят-процессуал кодекси 457-моддасининг биринчи қисмидаги 1-6 бандларда назарда тутилган масалалар юзасидан чиқариладиган қарорнинг ўзлари таклиф этадиган мазмунини судга ёзма равишда тақдим этишлари мумкинлиги, давлат айбловчиси ва ҳимоячи учун қарорнинг бундай мазмунини судга тақдим этиш мажбурийлиги тушунтирилсин” дейилган.

Шу қарорнинг 13-бандида тарафларнинг музокара сўзлари ЖПК нинг 449-моддаси тартибида эшитилиб суд баённомасида тўлиқ акс эттирилган бўлиши лозим. Агар тарафлар ўз нутқларини ёзма равишда тақдим этмасалар, нутқлар илова қилиниб, бу ҳақда баённомада қайд этилиши керак. Судларга тушунтирилсинки, суд тергови тамомланганидан сўнг тарафлар музокара сўзларидан кейин уларнинг ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан эътирозлари бўлса яна бир мартадан сўзга чиқишлари мумкин”⁶⁵ дейилган.

Процесс иштирокчиларининг шахсий мунособатлари замирида, ўзаро келишмовчиликлари ёхуд тарафларнинг бир-бирларига нисбатан пайдо бўлган қарама-қаршиликлари туфайли луқмадан фойдаланиш мумкин эмас. Луқмани тарафлар фикрлари бир-бирига қарама-қарши бўлганлиги сабабли, шахсий келишмовчиликларни ойдинлаштириш қуролига айлантирмасликлари лозим. Луқма асосий айблов нутқи каби аниқ, исботланган, асослантирилган фактлардангина кўрилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 451-моддасида судланувчига охириги суз бериш тартиби белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича, тарафларнинг музокараси тамом бўлгандан кейин раислик қилувчи судланувчига охириги сўзни

⁶⁵ Ўз. Р. Олий суди Пленуми қарорининг тўплами “Шарк” нашриёти. Т., 1997 й. 122-бет.

беради. Судланувчининг охирги сўзи вақтида унга ҳеч қандай савол беришга йўл қўйилмайди. Суд судланувчининг охирги сўзини муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин эмас, лекин раислик қилувчи судланувчининг сўзини, у ишга мутлақо алоқаси йўқ ҳолатларни баён қила бошлаган ҳолларда, тўхтатишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 484-моддасида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари белгиланган бўлиб, ушбу модданинг 3-бандида ушбу Кодекс нормаларининг жиддий бузилганлиги апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлади дейилган. ЖПКнинг жиддий бузилиши ҳолатлари ЖПКнинг 487-моддасида белгиланган бўлиб, ушбу модданинг 6-бандида «судланувчига охирги суд берилмаган бўлса» Кодекс нормаларини жиддий бузиш деб эътироф этилиши қайд этилган. Кўриниб турибдики, судланувчига охирги сўз бериш қатъий процессуал қонун талаби ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 452-моддаси талабларига кўра, башарти тарафлар музокарадаги нутқларида ёки судланувчи охирги сўзида иш учун муҳим аҳамиятга молик янги ҳолатлар тўғрисида гапирсалар ёки муқаддам текширилмаган, лекин ишга алоқадор далилларни келтирсалар, суд тарафларнинг илтимосларига кўра ёки ўз ташаббуси билан суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради. Янгидан бошланган суд тергови тамом бўлганидан кейин суд тарафларнинг музокарасини янгитдан очади ва судланувчига охирги сўз беради. Судланувчининг охирги сўзини эшитиб бўлгандан сўнг суд ҳукм чиқариш ёки ажрим чиқариш учун дарҳол алоҳида хонага (масалаҳатхонага) киради. Бу ҳақда раислик қилувчи суд мажлиси залида ҳозир бўлганларга эълон қилади. (ЖПКнинг 453-моддаси).

**Суд муҳокамасида тарафларнинг
музокараси. (ЖПК 449-модда)**

Айблов тараф

1. давлат айбловчиси;
2. жамоат айбловчиси;
3. жабрланувчи;
4. фуқаровий даъвогар;
5. уларнинг вакиллари

Ҳимоя тараф

1. ҳимоячи;
2. жамоат ҳимоячиси;
3. судланувчи;
4. фуқаровий жавобгар;
5. уларнинг вакиллари.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охириги сузи тушунчаси, мазмуни нималардан иборат?
2. Суд музокараси олдига қўйилган қонуний талаблар, уларнинг моҳияти қандай?
3. Тарафларнинг айблов юзасидан таклифлари хусусида қонун талаблари нималардан иборат?
4. Прокурорнинг суд музокарасидаги айблов нутқи шакли қандай бўлади?
5. Ҳимоя нутқи олдига қўйилган қонуний талаблар нималардан иборат?
6. Судланувчининг охириги сўзи тушунчаси қандай?
7. Суд терговини янгидан бошлаш қандай ҳолларда амалга оширилади?
8. Суд қачон ҳукм ёки ажрим чиқариш учун алоҳида масалаҳатхонага киради?

1-§. Ҳуқм тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти

Ҳар қандай юридик иш юзасидан ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг расмий шакли ва яқуний натижаси ваколатли давлат органларининг қарорларида, хусусан ҳуқмда акс этади. Ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу тури ўзига хос хусусиятлари билан характерланади.

Биринчидан: ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳаси, жинойи процессуал муносабатлар бўйича давлатнинг ваколатли органлари томонидан ҳуқуқни қўллаш ваколатини амалга оширишда қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Иккинчидан: ҳуқуқни қўллаш ҳужжати давлат амрини акс эттириб, кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахсга нисбатан мажбурий бўлади ва бажарилиши давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади.

Учинчидан: ҳуқуқни қўллаш ҳужжати қонунда белгиланган шаклда бўлади.

Туртинчидан: ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ижтимоий муносабатларнинг алоҳида турини тартибга солишга қаратилади. Унда ҳаётий шароитлардан келиб чиқиб, субъектив ҳуқуқ ва муайян шахсларнинг ҳуқуқий мажбуриятларига индивидуал ёндашилади.

Юқорида кўрсатилган барча хусусиятлар ҳуқмга ҳам тегишли бўлади. Ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра ваколатли давлат органлари томонидан жиноят процессида чиқариладиган ҳуқм ёки бошқа қарорлар ҳуқуқни қўллаш ҳужжати сифатида намоён бўлади.

“Ҳуқм-бу давлат ҳокимиятининг амрини ўзида акс эттирувчи, муайян шаклда бўлган ва ижтимоий муносабатларни индивидуал тартибга солишга қаратилган, алоҳида юридик иш бўйича қабул қилинадиган расмий қарор ҳисобланади”.⁶⁶

Ҳуқуқни қўлловчи бошқа ҳужжатлардан ҳуқмнинг фарқи шундаки, ҳуқм жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартибда одил судловни амалга оширувчи судлар томонидан қабул қилиниб, жиноят иши бўйича асосий юридик саволларнинг жавобини ўзида акс эттиради.

⁶⁶ Матгузов Н. П., Малько А. В., Теория государства и права. Саратов, 1995 йил, 348-349 бетлар.

Одил судлов-бу фақат судлар томонидан амалга ошириладиган давлат фолиятининг ўзига хос шакли бўлиб ҳисобланади. Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан амалга ошириладиган одил судлов-бу қонунда белгиланган тартибда жиноят ишини суд муҳокамаси ёрдамида кўриб чиқиш ва объектив ҳақиқатда нима бўлганлигини аниқлаш, жинойий қилмишга юридик баҳо бериш ва жиноят содир этган шахсга қонунда белгиланган тартибда жазо белгилашдан иборат.

Хукмнинг процессуал аҳамияти шундаки, у жиноят ишлари бўйича одил судловнинг асосий ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Биринчидан, процесснинг барча иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди фаолияти натижалари бўйича ҳулоса чиқаради. Иккинчидан, жиноят ишлари бўйича, барча масалаларни суд томонидан ҳал қилишнинг биринчи босқичи бўлиб, жиноят процессининг апелляция, кассация ва назорат инстанциялари фаолиятини бошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Хукмнинг ижтимоий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

1. Суд ҳокимиятининг ушбу ҳужжатида, суд муҳокамасида кўрилаётган жинойий ишга нисбатан давлат номидан ижтимоий ҳавфлилиги бўйича баҳо берилади.

2. Хукм жинойий қилмишга нисбатан жамиятнинг муносабатини акс эттиради.

3. Хукмни ошкора эълон қилиш жамиятда ҳуқуқий билим, ҳуқуқий (онг) нинг шаклланишига, одил судлов ҳукмини чиқариш эса қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлашга кўмаклашади. Суд ҳукмининг вазифалари фақатгина мажбурлов чораларини қўллаш ёки ҳимоя чораларни қўллашдан ташқари тарбия билан боғлиқ масалаларни ўзида акс эттириши лозим.

2-§. Хукмга қўйилган талаблар

Одил судлов ҳужжати бўлган ҳукм Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 455-моддасида кўрсатилганидек, қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозим. Ушбу моддада ҳукмнинг қонунийлик талабига қуйидагича таъриф берилади: “Хукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса қонуний деб этироф

этилади". Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида: "Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди"-деб кўрсатилган. Ушбу конституциявий қоида ҳукмнинг аҳамиятини белгилаб, унга қўйилган талабларга қатъий риоя зарарлигини белгилайди.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи нуктаи назаридан ҳукмнинг қонунийлиги деганда ҳукм чиқариш вақтида эмас, балки ҳукм чиқариш процесси жараёнида жиноят ва жиноят процессуал қонун нормаларига риоя қилинганлиги тушунилади. Ҳукм жиноят процессуал қонуни жиддий бузилганида, суд ёки дастлабки тергов томонидан йўл қўйилган шундай хато, суд муҳокамаси даврида бартараф этилмаган ҳолда чиқарилганда ноқонуний деб топилади ва ҳукми бекор бўлишига олиб келади.

Ҳукмнинг қонунийлиги-бу моддий ва процессуал қонун нормаларига қатъий риоя қилиниши демакдир. Ҳукмнинг моддий қонун нормаларига асосланганлиги деганда ЖК Умумий ва Махсус қисм нормаларининг қўлланиши билан боғлиқ масалалар, жиноятларни квалификация қилиш, жазо миқдори ва тури, моддий зарарнинг қопланганлиги билан боғлиқ ва бошқа масалаларнинг тўғри ҳал қилинганлиги тушунилади. Бунда фақатгина жиноят қонуни нормалари эмас, балки фуқаролик меҳнат ва бошқа қонун нормаларининг ҳам тўғри қўлланилиши назарда тутилади.

Ҳукмнинг қонунийлиги унинг асослилиги билан ўзаро боғлиқдир. Ҳукмнинг асослилиги деганда, ҳукмда баён қилинган суд ҳулосалари иш ҳолатларига мослиги, суд муҳокамасида тадқиқ этилган ва суд томонидан ишончли ва етарли деб тан олинган далиллар мажмуи билан тасдиқланганлигига айтилади.

Амалдаги жиноят процессуал қонуннинг 455-моддаси учинчи қисмида ҳукмнинг асослилигига қуйидагича таъриф берилади: "Ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича, тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилади". Суднинг ҳар қандай ҳулосалари асоссиз бўлса, ҳукм ҳам асоссиз деб топилади. Айбсиз шахсни жиноий жавобгарликка тортганда ёки айбини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўла туриб, оқлов ҳукми чиқарилганда, ҳукм асоссиз деб топилади. Шунингдек,

суд иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқламаган бўлса, иш учун аҳамиятга эга бўлган далилларни тадқиқ этмаган бўлса, ҳамда суд қарори аниқланган фактик ҳолатга қарама-қарши бўлса шу билан бир қаторда қилмишнинг жиноят ҳуқуқий квалификацияси ва жазо чораларини қўллашда қарама-қаршилиқлар бўлганда ҳукм асоссиз деб топилади. Ҳукмнинг қонунийлиги ва асослилиги юқорида таъкидлаганимиздек, ўзаро боғлиқ бўлиб, асоссиз ҳукм ноқонуний ҳукм албатта бўлиб ҳисобланади.

ЖП қонуни нормалари бузилган ҳисобланади. Шунинг билан бирга жиноят процессуал қонуни нормаларининг асоссиз қўлланилиши бир пайтда жиноят қонунининг бузилишига сабаб бўлади. Худди шунингдек ҳукм ноқонуний бўлса, суд томонидан ЖПК қонуни нормаларининг жиддий бузилишига йўл қўйилган бўлса, суд муҳокамасининг натижаларини гумон остига қўйиб, ҳукмнинг асосли деб топилишига йўл қўйилмайди.

Ҳукмга қўйилган талаблардан яна бири, ҳукмнинг адолатли бўлишидир. Ўзбекистон Республикаси ЖПК кодексининг 455-моддаси 3-қисмида: “Ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва унинг шахси эътиборга олиб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилади”. Бироқ бундай талаб бошқа давлатлар қонунчилигида назарда тутилмаган.⁶⁷ Ҳукмга қўйилган бундай талаб янгилик бўлмасдан, балки жиноят процессуал назариясида шаклланган.⁶⁸

Ҳукмнинг адолатлиги тушунчаси тор ва кенг маънода қўлланилади. Тор маънода ҳукмнинг адолатлиги, жиноят содир этган шахснинг шахси ва қилмишнинг ижтимоий хавлилигига қараб жазо тайинланишига айтилади. Кенг маънода ҳукмнинг адолатлилиги унинг қонунийлиги ва асослилиги, ҳамда ишларни ҳал қилишнинг мазмуни ва шакли бўйича тўғрилигига нафақат ҳуқуқий, балки жиноят содир этган шахс ва унинг қилмишига нисбатан ижтимоий ахлоқий принципларга ҳам жавоб бериши назарда тутилади.

⁶⁷ Уголовный процесс: учебник для вузов / П.А. Лупский умумий тахрири остида. М.:Юристъ, 1995 й. 377-б.

⁶⁸ Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. Т2.-М., 1970 й. 325-бет.

Ҳукмнинг адолатлиги унинг қонунийлиги ва асослиги билан боғлиқ бўлмайди. У жамият томонидан ахлоқий нуқтаи назардан баҳоланади ва ижтимоий адолатни намоён этиши лозим бўлади. Қонуний ва асосли ҳукм адолатсиз ҳам бўлиши мумкин. Мисол учун амалда бўлган, лекин ижтимоий эҳтиёжларга тўғри келмайдиган Жиноят кодекси нормасини қўллашлик ҳукмнинг адолатсизлигига олиб келади. Қонун ўзгариб қолган жамиятнинг ахлоқий ҳуқуқий қарашларини акс эттирмаслиги мумкин. Шундай ҳолларда ҳукмга қўйилган адолатлилик талабини бажариш юқоридаги ҳолатларга эътибор бериш лозим.

3-§. Ҳукм чиқариш вақтида суд ҳал қиладиган масалалар

Жиноят иши бўйича аниқланган ҳолатларни синчковлик билан ва кетма-кет муҳокама қилиш судларга мажбурият сифатида юклатилган бўлиб, ҳукм чиқариш вақтида суд ҳал қиладиган масалалар қонун томонидан белгилаб қўйилган (ЖПКнинг 457-моддаси).

Суд мажлисига раислик қилувчи ҳукм чиқариш вақтида суд ҳал қиладиган масалаларни қонунда кўрсатилган тартибда ва кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда суд ҳал қилувига қўйиши лозим. ЖПК нинг 457-моддасида кўрсатилган масалаларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Жиноят ва уни содир этган судланувчининг айби исботланганлигига оид масалалар;
2. Жазога оид масалалар;
3. Фуқаровий даъво ва зарарни ундиришга тегишли масалалар;
4. Ҳукм чиқаришга оид бошқа масалалар.

Шундай қилиб, суд ҳукм чиқариш вақтида алоҳида хонада (масалаҳатхонада) қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

1. Судланувчи айбли деб топилган қилмиш ҳақиқатан содир этилганми

Суд судланувчи айбли деб топилаётган қилмиш ҳақиқатдан содир этилганлиги билан боғлиқ масалаларни ҳал этиши лозим. Агар суд муҳокамаси даврида судланувчи айбли деб топилган қилмиш ҳақиқатан содир этилмаган бўлса ва масалаҳатхонада ушбу хулосага келинган бўлса, оқлов ҳукми чиқарилади.

2.Бу қилмиш жиноят деб ҳисобланадими ва у ЖК нинг қайси моддасида назарда тутилган.

Суд ушбу масалани ҳал қилишда амалдаги ЖКнинг Умумий ва Махсус қисмларидаги жиноят тушунчаларидан келиб чиқади. Суд масалаҳатхонада ҳал қилиши лозим бўлган масалаларни мантиқий кетма-кетликда қўйиб, уларни муҳокама қилади ва ҳал этади. Уларнинг ҳар бири бўйича асосли хулосаларга келиши лозим. Шулардан иккинчиси содир этилган қилмишнинг жиноят эканлиги ва ЖКнинг қайси моддасида назарда тутилганлиги аниқланади.

Юридик адабиётларда ҳар қандай қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун барча жиноятларга тегишли бўлган жиноят белгилари ишлаб чиқилган. Бу белгиларга қуйидагилар киради: қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, айбнинг мавжудлиги, ҳуқуққа хилофлиги ва жазога сазоворлиги. Қилмишни жиноят деб топиш учун суд юқорида келтирилган жиноят белгиларини синчковлик билан таҳлил қилмоғи лозим.

Содир этилаётган қилмишларнинг барчаси ҳам жиноят бўлмасдан балки, итнизомий, фуқаровий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлиши мумкин. Шунингдек, суд ЖКнинг 35-моддасида кўрсатилган қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларга эътиборини қаратмоғи лозим. Чунки қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар ўзининг объектив ва субъектив белгиларига кўра жиноий қилмишдан иборат бўлса-да, айрим ҳолларда бундай қилмишлар ижтимоий хавfli бўлмасдан, балки ижтимоий фойдали бўлиши ва ҳуқуққа хилоф бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳаракатлар жиноят ҳуқуқида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар дейилади.

Қилмиш жиноят деб топилгандан кейин, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қайси моддаси назарда тутилгани аниқланади. Агар қилмишнинг жиноят эмаслиги суд терговда текширилган далиллар асосида аниқланган бўлса, ЖК нинг 464-моддасига биноан оқлов ҳукми чиқарилади. Жиноят кодекси махсус қисмининг қайси моддасида кўрастилганлигини аниқлаш учун унинг квалификациясига эътиборни қаратиш лозим. Жиноят таркиби жиноятнинг юридик ва ижтимоий иқтисодий мазмунини ёритиб беради, шунингдек қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги қилмишни содир этган шахснинг жиноий жавобгарликка

тортишга асос бўлиб хизмат қилади. Жиноят таркиби жиноятнинг мазмунини аниқлашда жиноят белгиларининг қонунда кўрсатилган аломатларини ва қилмишнинг характерини тўғри анализ қилиш ва чиқарилган хулосаларга асосланган ҳолда жиноят қонунларини аниқ тадбиқ қилиш жиноятни квалификациясининг зарур шартидир. Судланувчининг қилмишида жиноят таркибининг борлиги ва жиноятни квалификация қилиш билан боғлиқ масалалар ўз ечимини кейинги масалаларни ҳал этиш билан яқунланади.

3. Бу қилмишни судланувчи содир этганми?

Ушбу масаланинг ҳал қилиниши судланувчи томонидан жиноят содир этишнинг объектив томонини намоён қилади. Бунда асосий эътибор текширилган далиллар шахснинг иштирокини тасдиқлаши лозим. Суд айблов хулосасининг хулоса қисмига ва суд тергови натижаларига, суд музокараси ва судланувчининг охириги сўзига эътиборини қаратиши лозим. Агар айблов хулосасида, суд муҳокамасида жиноят судланувчи томонидан содир этилганлигини тасдиқловчи алоқадор, ишончли, етарли далиллар мавжуд бўлса, у ҳолда айблов ҳукми чиқаришга асос бўлади.

4. Судланувчи жиноятни содир этишда айблими?

Қилмиш содир этилганлиги, унда жиноят қонунида кўрсатилган жиноят таркибининг мавжудлиги, шунингдек жиноят айнан судланувчи томонидан содир этилганлиги аниқлангач суд, судланувчи жиноятни қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида ёхуд судланувчининг айбисиз содир этилганлиги масаласини кўриб чиқади. ЖК нинг 20-моддасида жиноят содир этишда айбли деб қилмишни эҳтиётсизлик ёки қасддан содир этилишига айтилади. Судланувчини қилмишни содир этишда айбли деб топиш учун айбнинг шакллари аниқлаш, шунингдек жиноятнинг мотив ва мақсадини аниқлаш лозим. Шу билан бир қаторда судланувчининг айбини белгилашда ижтимоий хавфли қилмиш билан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни ҳам аниқлаш лозим. Ушбу масалани ҳал этишда, агар ҳукм чиқариш вақтида зарур бўлса, судланувчининг ақли расолигини ҳам муҳокама қилиш керак.

Судланувчининг айблилиги билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, судланувчининг қилмишида жиноят таркибининг барча элементлари бор йўқлигини аниқлашга хизмат қилади.

Агар қилмишда субъектив томоннинг элементлари бўлмаса, суд оқлов ҳукми чиқаради.

5. Судланувчининг жавобгарлигини оғирлаштирадиган ёки энгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш.

Суд юқоридаги тўрт масалани ҳал қилгандан кейин жазо билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади. Шулардан биринчиси бўлиб ЖК нинг 55-56-моддаларида назарда тутилган жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланиши лозим. ЖПК нинг 22-моддасини биринчи қисмига биноан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни ҳал этиши лозим. Ушбу модданинг учинчи қисмида эса иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши лозим. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам оғирлаштирадиган ҳам энгиллаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Бундай мажбурият суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида юкланади. Жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар айрим жиноятларнинг зарур белгиси бўлиб ҳисобланса, бошқа жиноятлар учун жазо тайинлашда зарур аҳамиятга эга бўлади. Шу боисдан суд жазо тайинлашда ЖК нинг 55-56-моддаларида кўрсатилган жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни синчковлик билан ўрганиб чиқиши лозим. Бунда алоҳида эътиборли жойи шундаки, суд жиноят қонунида кўрсатилмаган бошқа ҳолатларни ҳам энгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин. Ушбу масаланинг аҳамиятли томони қуйидагиларда намоён бўлади:

а) муқобил санкцияда кўрсатилган жазо турларидан энгилроги тайинланиши;

б) санкцияда кўрсатилган энг оз қисмига яқинроқ муддатнинг ёки қисмнинг тайинланиши;

в) муқобил белгиланган қўшимча жазонинг белгиланиши;

г) шартли ҳукм қилиш қўлланилиши мумкин.

6. Судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши керакми?

Суд айбли деб топилган судланувчини жазодан озод қилиб (ЖПК 463-модаси, 2-қисми) ёки жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқариши мумкин. Суд ЖК нинг 70-модасига асосланиб, жиноят содир этишда айбланаётган судланувчи, иш судда курилайётган вақтгача шароит ўзгарганлиги ёки шахс намунали ҳулқи меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан узини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги эътироф этилса, жазодан озод қилиниши мумкин.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у жиноят содир этгандан кейин етказилган зарарни бартараф этиб, ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган бўлса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда вояга етмаган шахсни озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган, жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш масаласини муҳокама қилиши зарур. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги 1996 йил 19 июл 16 сонли қарорида суд вояга етмаганларга жазо тайинлаш масаласини ҳал этаётганда, биринчи навбатда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, ана шу шахсларга оид маълумотларни ҳамда жазони енгилаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони қўллаш имкониятини муҳокама қилиши лозим.

Суд айбдорни жамиятдан ажратмасдан туриб қайта тарбиялашнинг имконияти бўлмаган ҳоллардагина озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлаши мумкин. Айни вақтда ҳукмда суднинг бу тўғрисидаги ҳулосаси асослантирилиши шарт қайд этилган.⁶⁹ ЖПК нинг 564-модасига биноан суд вояга етмаган шахсни жазодан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда озод қилиши мумкин.

Суд ушбу масалада судланувчининг ҳулқини жазо қўлламасдан туриб тузатиш мумкинлигига эътибор бериши лозим. ЖКнинг 42-модаси 2-қисмига биноан жазо маҳжумнинг ахлоқини тузатишга қаратади. Шу боис суд юқоридаги чоралардан қонунда белгиланган тартибда фойдаланиши лозим.

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. (1991-1997 й.) 1-ТОМ 43, 48-бетлар.

7. Судланувчига қандай жазо тайинланиши лозим ва у шу жазони ўташи керакми.

ЖКнинг 54-моддасига биноан жазо жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахсга нисбатан тайинланади. Суд жазо тури ва миқдорини жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада ЖК Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ тайинланади. Ушбу масалада суд жазо мақсадига асосий эътиборни қаратмоғи лозим.

Жиноят қонуни инсонпарварлик принципларига таяниб, жазонинг мақсади шахсга моддий, жисмоний ёки руҳий зарар етказиш эмас, балки уни ахлоқан тузатишдан иборат, деб белгилади ва жазоламасдан туриб ахлоқан тузатишга имкониятлар очиб берди. Суд судланувчига нисбатан ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қилиши мумкин. Шахс ҳукм чиқарилганидан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка, жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқа оғир касалликка чалиниб қолса, жазони ўташдан озод қилиниши лозим.

8. Судланувчини Жиноят кодексининг 34-моддасига мувофиқ ўта хавфли рецидивист деб топиш лозимми?

Суд ЖКнинг 34-моддасидаги асослар бўйича шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиши мумкин. Бунда шахснинг бошқа давлат судлари томонидан судланганлиги ҳам инobatга олинади. Ута хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик масаласини белгилашда шахс шу жиноятни содир этгунга қадар ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлиши керак.

9. Озодликдан маҳрум қилинган маҳкум жазони қандай тартибли колонияда ўташи лозим ва жазо муддатининг бир қисмини турмада ўташи керакми?

Судланувчига нисбатан ЖПК 457-моддасининг 1-қисми 5,6,7-бандлари бўйича масалалар ҳал этилганидан кейин озодликдан маҳрум қилинган маҳкумга ЖК нинг 50-моддаси асосида жазони ўташ колонияси белгилаб олинади. Жазони ўташ колониялари турт гуруҳга бўлинади. Булар: манзил колонияси, умумий тартибдаги колония, қаттиқ тартибли колония ва махсус тартибли колниязаридир.

Суд қонунда белгиланган тартибда озодликдан маҳрум этилганларга жазонинг бир қисмини турмада ўташни

белгилаши мумкин. Турма камаш тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муайян қисмига, лекин беш йилдан куп бўлмаган муддатга тайинланади. Ушбу жазони ўташ жойи ута оғир хавфли рецедивист ва оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тайинланади. Суд маҳкум озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир қисмини турмада ўташ керак деган хулосага келса, ушбу хулосани ҳукмда асослаб бериши лозим.

10.Фуқаровий даъвои қаноатлантириш керакми, бу даъво кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим, шунингдек фуқаровий даъво қўзгатилмаган бўлса жиноят туфайли келтирилган мулкий зарар ундирилиши керакми, судланувчилар шериклик ёки хиссадорлик тартибда жавобгарликка тортилиши лозимми.

Жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш давлат ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклашда, мулкий дахлсизлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. ЖПКда судланувчи томонидан содир этилган жиноят натижасида етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган фуқаровий даъво институти мавжуд. Давлат, фуқаро ва корхона, муассаса, ташкилотларга жиноят натижасида етказилган моддий зиёнлар, судланувчи томонидан содир этилган Ҳуқуқбузарликдан ташқари, суд томонидан қопланишини таъминлаш одил судловнинг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов судлар фуқароларнинг тасавурида фақат жазоловчи орган эмас, балки уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоячиси бўлиши кераклиги хусусида таъкидлайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пеленумининг 1998 йил 11-сентябрдаги 21-сонли “Жиноят оқибатида моддий зиённи қоплаш масалаларига доир суд амалиёти тўғрисида” ги қарорида “Судлар айрим даъволарни таъминлаш чораларини кўрмайдилар, тергов органлари томонидан мол-мулкни ўз вақтида хатламаслик холларига баъзан тегишли муносабат билдирмайдилар, зарарларни миқдори ва хусусияти тўғрисидаги далилларни тўлиқ текширмайдилар, фуқаровий даъволарни етарли асосларсиз кўрмасдан қолдирадилар

жиноят натижасида қўлга киритилган маблағ эъзизиги зарарларни қоплаш мумкинлиги масаласини ҳамма вақт ҳам муҳокама этмайдилар, фуқаровий даъво қўзғатилмаган холларда етказилган мулкий зарарни уз ташаббуслари билан ҳал қилмайдилар, биргаликда содир этилган ҳаракатлар натижасида зарар етказилган шахсларнинг солидар жавобгарлиги ҳақида қонун талабларининг бузилишига йўл қўймоқдалар”⁷⁰-деб кўрсатилган.

Суд фуқаровий даъво масаласини ҳал қилиши иш якуни бўйича қандай ҳукмчи қаришга боғлиқ бўлади. (Ўз. Респ. ЖПКнинг 280-моддаси). Суд айблов нутқини чиқариш вақтида даъвонинг миқдори ва асоси исботлангандан келиб чиқиб фуқаровий даъвони тўла ёки қисман кондиради ёхуд фуқаровий даъвогарнинг талабларини кондирмаслиги мумкин. Агар мулкий зарар бир неча судланувчи томонидан етказилган бўлса суд зарарни шериклик ёки хиссадорлик тартибида қоплаш масаласини ҳал этади.

Юқорида келтирилган жиноят оқибатида келтирилган мулкий зарарни қоплаш бўйича Олий суд Пленуми қарорнинг 10-бандида “биргаликдаги жиноят ҳаракатлари натижасида зарар етказган барча шахслар етказилган моддий зарарни қоплашда солидар жавобгар бўладилар. ФКнинг 1000-моддасига биноан жабланувчининг аризасига кура ва унинг манфаатларини кузлаб, агар бу тартиб зарарни қоплашни таъминласа, суд биргаликда зарар етказган шахслар зиммасига солидар эмас, хиссалик жавобгарликни юклаши ҳақли”.-деб кўрсатилган

11. Фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланган мол-мулкни нима қилиш керак?

ЖПКнинг 290-моддасига биноан ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи терговчи ёки суд гумон қилинувчи айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкни хатлаши шарт. Ушбу масала бўйича Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 21-қарорининг 4-бандида шундай дейилади: “Айбдор шахсларнинг мол-мулкни хатлаш мулкий зарар қопланишини таъминлашнинг муҳим шаклларида хисобланади. Иш материалларида мол-мулк руйхатининг

⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларининг Т, җўплами. 1991-1998 й. “Шарк наشريёти” 195-165-бетлар.

йўқлиги мулкый зарарни қоплаш тўғрисидаги масалани курмасдан қолдиришга асос бўла олмайди, чунки бундай мол-мулк ҳукм ижроси жараёнида ҳам аниқланиши мумкин»". ЖПК нинг 295-моддасига асосан оқлов ҳукми қонуний кучга кирганда, жиноят иши тугатилганда, фуқаровий даъвогар уз давосидан воз кечганда ҳамда фуқаровий даъвони каноатлантириш юзасидан кўрилган чораларга сабаб бўлган асослар бартараф этилган бошқа ҳолларда мол-мулкни хатланганлиги бекор қилинади.

12. Ашёвий далилларни нима қилиш керак?

Ушбу масала ЖПК 211-моддасига биноан ҳал қилинади.

13. Процессуал чиқимларни кимнинг зиммасига ва қанча миқдорда юклаш керак?

Ушбу масала ЖПК 318-320-моддалари асосида ҳал этилади.

14. Судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш керакми?

Суд судланувчини ҳукм қилиб, жазо тайинлаганидан кейин, ҳукм қонуний кучга киргунга қадар эҳтиёт чорасини танлаши, ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин. Агар суд судланувчини оқлаган, жазодан озод қилиб айблов ҳукми чиқарган ёки жазо тайинламасдан туриб айблов ҳукми чиқарган бўлса эҳтиёт чораси бекор қилинади.

15. Судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд унинг устидан ҳомийлик белгилаш зарурми?

Жиноят процессида исботлаш предмети уч гуруҳга бўлинади. Шулардан бири тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритишда исболаш лозим бўлган ҳолатлардир (ЖПК 566-моддаси).

Ўзбекистон Републикаси Жиноят Кодексига биноан жинойий жавобгарликка ақли расо, қонунда белгиланган ёшга етган жисмоний шахслар тортиладилар. Уларга нисбатан жазо чоралари қўлланиши мумкин. Ақли расолик ЖК 18-моддасида қуйидагича таърифланади: «Жиноят содир этган вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс ақли расо деб топилади». ЖК 18-моддаси йккинчи ва учинчи қисмларида жинойий жавобгарлик ва жазога ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда ақли норасо шахслар

тортилмаслиги, уларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши кўрсатилган.


Бироқ ЖК 91-моддаси иккинчи қисми мазмунидан суд, жиноят содир этган шахсни жазолаш билан бир қаторда, агар у алкоголизм, гиёвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига йўлиққан холларда даъволаш учун ва жазолаш мақсадига эришишга кўмаклашувчи шароит яратиш учун тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкинлиги келиб чиқади. ЖК 96-моддасига биноан алкоголизм, гиёвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахслар томонидан жиноят содир этилган тақдирда тиббий хулоса мавжуд бўлса, суд жазо тайинлаш билан уларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлайди.

Шу боис суд жазолаш билан бир қаторда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини ҳам ҳал қилади. Агарда суд уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинлаганда, ЖК 96-моддаси биринчи қисмидаги шахслар тиббий муассасаларда мажбурий даволанишлари лозим.

4-§. Ҳукм турлари

ЖПКда ҳукмнинг икки тури ажралиб туради (1-схема): айблов ва оқлов Судланувчи жиноят содир этилишида оқланади ёки айбланади Суд қўйилган айбловга оид барча саволларга ҳукмда аниқ асослантирилган жавобларни кўрсатиши лозим. Чунки, судланувчига нисбатан бир неча айб қўйилаётган ёки бир жиноят иши бўйича бир неча судланувчи айбланаётган холларда ҳам иш бўйича фақат битта ҳукм қабул қилинади. Шунинг учун ҳам ҳукм ягона ҳужжат бўлиб, унда айблонувчига нисбатан айрим жиноятлар бўйича оқловчи, бошқалари бўйича эса айбловчи бўлиши мумкин.


20-схема



Айблов ҳукми суд муҳокамасида айби исботланганда чиқарилиши мумкин. «Суд ҳукмлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси олий суди Пеленумининг 1997 йил 2-майдаги 2-сонли қарорининг 3-бандида «Судларнинг эътибори ЖПК нинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Бунда ЖПК 26 ва 455-моддалари талабига биноан ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлис баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозим»-деб кўрсатилган. Демак бундан суд ўз хулосаларини фақат суд мажлисида текширилган далиллар билан асослантириши лозим деган хулоса келиб чиқади. ЖПК нинг 463-моддасида айблов ҳукми чиқариш асослари кўрсатилган бўлиб, унда айблов ҳукми тахминларга эмас, ишончили далилларга асосланиши кўрсатиб ўтилади.


21-схема

Айблов ва оқлов ҳукми чиқариш асослари



Судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати иш бўйича тупланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона тасдиқлангандагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўлади. «Суд ҳукмлари тўғрисида» ги Олий суднинг 1997 йил 2-майдаги 2-сонли қарорининг 5-бандида «Судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги хулосаларига зид булга далиллар ҳукмда нима учун улар ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги сабаблари асослантирилган ҳолда кўрсатилиши лозим»- дейилган.

22-схема



ЖПК 463-моддаси иккинчи қисмига кўра қуйидаги ҳолларда суд жазодан озод қилиб айблов ҳукми чиқаради: Мазкур ҳукм билан жазони қўллашдан озод қилувчи амнистия ҳужжати эълон қилинган бўлса;

шахснинг ҳукм чиққунга қадар қамоқда бўлган вақти Жиноят кодексининг 62-моддасида назарда тутилган дастлабки қамоқни ҳисобга олиш қоидаларини назарда тутиб суд томонидан тайинланган жазо чорасига тенг ёки бу чорадан ортиқ бўлса.

Юқорида келтирилган ҳолатлар бўйича суд маҳкумни тайинланган жазодан озод этган ҳолда айблов ҳукми чиқаради.

ЖПК 463-моддаси 3-қисмига биноан суд қуйидаги ҳолатлар бўйича жазо тайинламасдан туриб айблов ҳукми чиқаради:

-маҳкумга жинояти учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия ҳужжати эълон қилинган бўлса;

-мазкур жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса;

-ҳукм чиқариладиган вақтга келиб қилмиш ижтимоий хавфлилигини йўқотса ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолса;

-маҳкумнинг тузалишига жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат таъсир чоралари ёки йўли билан эришиш мумкин бўлса;

-ҳукм чиқариш вақтигача судланувчи вафот этган бўлса.


5-§. Ҳукм таркиби ва мазмуни

Суд ЖПКнинг 457-моддасида кўрсатилган масалаларни ҳал қилгандан кейин, ҳукм тузишга киришади. Қонун ҳукмнинг таркиби ва мазмунига нисбатан бир қанча талабларни белгилайди. ЖПКнинг 465- моддасига биноан ҳукм кириш, тавсиф ва хулоса қисмларидан иборат.

Ҳукмнинг кириш, тавсиф ва қарор қисмларининг талабларига риоя қилиш асосли суд қарори чиқарилишининг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

23-схема

Ҳукмнинг тузилиши (айблов ва оқлов)



Хукмнинг кириш қисмида унинг реквизиитлари кўрсатилган бўлиб, ЖПКнинг 466-моддасига биноан у қуйидагилардан иборат:

-хукм қачон ва қаерда чиқарилганлиги;

-хукмни чиқарган суднинг номи, суднинг таркиби, суд мажлисининг котиби, тарафлар, таржимон;

-судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, оғи, куни ва жойи, яшаш жойи, ишлаш жойи, мащгулоти, маълумоти ва судланувчи хусусидаги иш учун аҳамиятли бўлган бошқа маълумотлар;

-судланувчига қўйилган айблов Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилганлиги кўрсатилади.

ЖПКнинг 454-моддасига биноан хукм Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади, ЖПКнинг 466-моддасида кўрсатилган реквизиитлар тўлдирилиб борилади. Кириш қисмида суд муҳокамасининг бошқа иштирокчилари кўрсатилади: жабрларнувчи, фуқаровий даъвогар, жавобгар ва уларнинг вакиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 7-майдаги «Суд хукми тўғрисида»ги қарорининг 9-бандида «Суд хукмнинг кириш, тавсиф ва қарор қисмларининг мазмуни бўйича қонун талабларига риоя қилиш асосли суд қарори чиқарилишининг умумий кафолатларидан бири ҳисобланади», деб кўрсатилган.

Ушбу Пленум қарорида ЖПК нинг 466-моддасига биноан киритилши зарур бўлган судланувчи хусусидаги бошқа маълумотлар деганда жазо тайинлашда, жазони ўташ турини аниқлашда, маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишда инобатга олиниши мумкин бўлган маълумотлар ҳисобланиши лозимлиги таъкидланади. Булардан ташқари судланувчи саломатлигининг аҳволи тўғрисидаги (масалан ногиронлик), унда давлат мукофотлари, махсус унвонларнинг борлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам бўлиши мумкин. Шахснинг муқаддам судланганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар қонунда белгиланган тартибда судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган бўлса, хукмнинг кириш қисмида кўрсатилиши лозимлиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йилги «Суд хукми тўғрисида»ги қарорининг 9 бандида кўрсатилган. Судланганлик муддати ЖПКнинг 77-моддасига биноан ўтиб кетганлиги унинг ҳуқуқий оқибатга олиб келмаслиги сабабли хукмнинг кириш қисмига киритилмайди.

Ҳукмнинг кириш қисмида, шунингдек суднинг очиқ ёки ёпиқ мажлисда курилганлиги кўрсатилиши лозим.

Ҳукмнинг тавсиф қисмида суд, суд муҳокамаси натижасида исботланган деб ҳисоблайдиган фактларни ва қабул қилаётган қарорнинг асосини кўрсатади.

Айблов ва оқлов ҳукмларининг тавсиф қисми турлича бўлади. ЖПКнинг 467- моддасига биноан, айблов ҳукмининг тавсиф қисмида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

-суд исбот этилган деб эътироф этган жиноий қилмишнинг тавсифи;

-содир этилган жиноятнинг жойи, вақти, усули;

-айбнинг шакли;

-жиноятнинг сабаблари, мақсадлари ва оқибатлари кўрсатилиши лозим.

Қонун юқорида кўрсатилган ҳолатларни ЖПКнинг 82-моддасидан келиб чиқиб белгилайди. Суд ҳукмининг тавсиф қисмида содир этилган ҳар бир жиноят ва ҳар бир судланувчига нисбатан юқоридаги ҳолатларни асослайди. Бунда суд ҳар бир судланувчига нисбатан уз хулосаларини асословчи, шунингдек далиллар тизимидан олиб ташланган далилларнинг рад этилиш сабабларини кўрсатади.

Ҳукмнинг тавсиф қисмида, юқорида айтганимиздек, содир этилганлиги суд томонидан тан олинган жиноий қилмиш тавсифланади. Ундан кейин жиноятни содир этилиш вақти, жойи, усули, айбнинг шакли, жиноятнинг мақсади ва оқибатлари, яъни тегишли жиноят таркиби белгилари билан айблов таърифлаб берилади, шунингдек жиноий қилмишнинг барча эпизодлари ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатилиши лозим. Фақатгина суд муҳокамаси жараёнида исботланган ҳолатлар асосида ҳукмдаги айблов таърифланади.

Айбловни аниқ очиб беришда суд бевосита кўриб чиккан далилларга асосланади. Судланувчининг уз айбига икромлиги (тўла ёки қисман) ёки уни рад этиши, шу билан бир қаторда судланувчининг уз айбини оқловчи важлари мазмуни очиб кўрсатилади. Сўнгра судланувчининг айбини оқловчи ёки тасдиқловчи далиллар таҳлил қилинади.

ЖПК нинг 463-моддаси айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши кўрсатилган. Шу боис судланувчи томонидан тергов ёки суд

муҳокамаси жараёнида уз айбини бўйнига олиши суд томонидан айблов ҳукми чиқариш учун асос бўла олмайди. Судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги тутирисидаги суднинг хулосаларига зид бўлган далиллар ҳукмда нима учун ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги асослантирилган ҳолда кўрсатилиши лозим. Суд муҳокама давомида суд далилларни тизимлаштиришга эътиборини қаратмоғи лозим.

Агар суд муҳокамасида айблов қисман исботланган бўлса, суд айбловнинг исботланмаган қисмини тасдиқлайди ва уни бошқа фактик маълумотлар билан асослайди. Айблов тўла тасдиқланган ҳолларда суд жиноятни квалификациясини асослайди. ЖПКнинг 467-моддаси биринчи қисмига биноан жиноят қайтган ҳолларда суд қайта квалификация сабабларини, жавобгарликни оғирлаштирадиган ёки енгиллаштирадиган ҳолатларни асослайди.

ЖПК 415-моддасига кура суд айбловни ўзгартириши мумкин. Унинг асосий шарти шундаки, айблов фақатгина судланувчининг ахволини енгиллаштирадиган, яъни судланувчининг ҳаракатини қонуннинг бошқа моддасига ёки қонун моддасининг бошқа қисми, бандига қайта тавсифлашга, шунингдек жиноятларнинг айрим эпизодларини, агар судланувчи қонуннинг янги моддаси билан тавсифланаётган ҳаракатлари унинг айбига кирган бўлиб, эълон қилинган айбловга нисбатан фактик ҳолатлари билан жиддий фарқ қилмаган ва оғирроқ жиноят белгилари бўлмаган тақдирдагина, судланувчига айб эълон қилинмаган қонун моддаси билан таснифлашга ҳақли.

ЖПК 415-моддаси иккинчи қисмига биноан, айбловнинг суд томонидан оғирроғи билан ёки дастлабки айбловга нисбатан фактик ҳолатлари жиддий фарқ қиладиган айблов билан ўзгартирилишига йул қўйилмайди. Оғирроқ айблов-бу оғирроқ жазо чорасини кузловчи бошқа қонун нормаси (қонун моддасининг қисми ва банди) ни тадбиқ этилиши, нафақат асосий, балки, қўшимча жазога ҳам тегишлидир.

Жиддий фарқ деганда айблов ифодаси ўзгартирилиб, унга илгари эълон қилинган жиноят объекти, айб шакли ва бошқа белгилари билан фарқ қилувчи бошқа қилмиш ёки жиноят қўшилганда айбловнинг илгари эълон қилинган айбловдан жиддий фарқланиши тушинилмоғи керак.

Олий суд Пленумининг «Суд ҳукмлари тўғрисида»ги қарорига биноан «Судлар ЖПК 467-моддаси мазмунига кура суд ҳукмининг тавсиф қисмида ушбу ишда муҳокама қилинмаётган (шахс)ларнинг жиноятдаги иштирокини кўрсатишга ҳақли эмас»-деб кўрсатилган.

Жиноят иштирокчиликда содир этилган бўлса, лекин жиноятнинг бошқа иштирокчилари аниқланмаган ёки кочиб кетганлиги ёхуд бошқа сабаблар билан уларга оид иш суд муҳокамасида муҳокама қилинмаган бўлса, суд ҳукмда иштирокчиларнинг фамилияси, исми ва шахсига оид бошқа маълумотлар кўрсатилмасдан, фақат жиноят иштирокчиликда содир этилгани қайд этиб ўтилиши лозим. Жиноят иштирокчиликда содир этилган ҳолларда, суд ҳукмда ҳар бир иштирокчи жинойий ҳаракатнинг қандай қисмини содир этганини кўрсатиши лозим.

Амалиётда шундай ҳоллар учрайдики, суд муҳокамасида судланувчи суриштирув ёки дастлабки терговда берган кўрсатувларига зид кўрсатув беради. Шундай ҳолларда суд олдин берган кўрсатувларини бошқа далиллар билан биргаликда синчковлик билан текшириши ва баҳо бериши лозим.

Суд судланувчининг жинойий қилмиши ва жиноят таркиби билан боғлиқ масалани кўриб чиққанидан сунг, судланувчи айбдор деб топилган ҳолларда жазо тайинлаш масаласи ҳал этилади. Суд жазо тайинлашда ЖКнинг Умумий ва Махсус қисмларининг номаларига, хусусан жазо тайинлашнинг умумий асосларига огишмай риоя қилишлари шарт. Жазо тайинлашда асосий эътибор тайинланаётган жазо миқдори, жиноят содир этган шахсни ахлоқан тузатиш ва янги жиноят содир этилишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишига қаратилиши лозим. Жазо мақсадига енгилроқ жазо билан эришиш имкониятлари бўлмаган ҳоллардагина оғирроқ жазо чоралари тайинланади.

ЖПК 467-моддасига биноан содир этилган жиноят учун белгиланган санкцияда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо чоралари бўлган ҳолларда, суд тайинлаган озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо нимага асосланиб тайинланганини; озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинганга колонияда сақлаш тартибининг муайян турини белгилашни ёки озодликдан маҳрум этиш

жазосини турмада ўташни тайинлашни; судланувчи ўта хавфли рецидивист деб топилганлигини; шартли ҳукм қўлланганлигини, Жиноят кодексининг моддасида худди шундай жиноят учун назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо тайинланганлигини; бошқа енгилроқ жазога ўтилганлигини; умумий қоидалардан чекиниб колония тури тайинланганини; бошқа таъсир чораларини қўллаб ёки қўлламасдан судланувчи жазодан озод этилганлигини асослаб бериши шарт.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдорини, судланувчининг шахси, жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши керак. Суд жазо тайинлашда «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тугирисида»ги Олий суд Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги қароридан келиб чиқиши лозим.

Агар суд судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаганда ёки унга нисбатан хомийлик тайинлаш лозим деб топган ҳолларда, шунингдек жамоат айловчиси ёки ҳимоячисининг судланувчи билан тарбиявий ишларни олиб боришни сураб берган илтимослари, фуқаровий даъво ёки жиноят натижасидаги етказилган моддий зарарни ундириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда уз қарорларини асослантириши лозим.

Шунингдек ҳукмнинг қарор қисмида маҳкумга нисбатан амнистия ҳужжатини қўллашлик, қонуннинг тегишли нормаларига биноан маҳкумни жазодан озод этиш тўғрисидаги қарор кўрсатилмоғи лозим. Инсонпарварлик пиринципидан келиб чиқиб, суд жазо тайинлашда ЖК 57-моддасига биноан содир этилган жиноят учун кўрсатилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлашда, содир этилган жиноят моддаси(қисми,банди) ва ЖК 57-моддасини қўллаганлигини кўрсатиб утиши лозим. Судланган шахсга бир неча жиноят бўйича жазо тайинланганда, суд жиноятлар мажмуига кўра жазо тайинлагандан кейингина жазонинг колония турини тайинлайди.

ЖПК 469-моддасида оқлов ҳукмининг тавсиф қисмига кўйилган талаблар кўрсатилган. Оқлов ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчига кўйилган айбловнинг моҳияти; суд аниқлаган иш ҳолатлари; судланувчининг айбсизлиги

туғрисидаги суд хулосасини тасдиқловчи далиллар; судланувчининг жиноят содир этишда айби бор деб даъво қилишга асос бўлган далилларни суд нима учун ишонарли эмас ёки етарли эмас деб ҳисоблаши ёки нима учун суд жинойий ҳодисанинг узи юз бермаган ёхуд судланувчи содир этган қилмиши жиноят эмас, деб ҳисоблаши; фуқаровий даъвога оид қарорнинг асослари кўрсатилган бўлиши лозим. Оқлов ҳукмига оқланганнинг айбдор эмаслигига шубҳа туғдирувчи ибораларнинг киритилмаслиги лозим.

Бундан ташқари оқланганга қонунга хилоф равишда жинойий жавобгарликка тортиш оқибатида етказилган маънавий ва моддий зарарларни қоплаш бўйича унинг ҳуқуқлари тушунтирилиши керак. Қўйидаги ҳолларда суд, яъни жинойий ҳодиса юз бермаганлиги ёки шахснинг жиноят содир этилишига дахлдор бўлмагани сабабли оқлов ҳукми чиқараётганда фуқаровий даъвони қаноатлантиришни рад этади. Шунингдек, содир этилган қилмишда жиноят таркиби бўлмаганлиги туфайли оқлов ҳукми чиқарилганда фуқаровий даъво кўрмасдан қолдирилиши лозим.

Ҳукмнинг қарор қисмида жиноят иши бўйича муҳокама қилинган барча масалалар бўйича суд қарори акс этиши лозим. Унинг мазмуни ЖПК нинг 468,470-471- моддаларида берилган.

Айблов ҳукмининг қарор қисмида судланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми; судланувчининг жиноят содир этганликда айбли деб топилганлиги туғрисидаги қарор; Жиноят кодексининг судланувчининг айбли деб эътироф этилишига асос бўлган моддаси (модданинг қисми, банди), шунингдек судланувчининг ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги, башарти суд шундай қарор қабул қилган бўлса; судланувчи айбли деб топилган ҳар бир жинояти учун тайинланган жазо тури ва меъёри;

Жиноят кодексининг моддаларига мувофиқ узил кесил тайинланган ва ўталиши лозим бўлган жазо чораси; озодликдан маҳрум этилган шахснинг жазо муддатини ўташи лозим бўлган тегишли тартибли колония тури; судланувчи шартли равишда ҳукм қилинган бўлса, синов муддати ва маҳкумнинг устидан кузатув олиб бориш вазифаси юклатилган жамоа ёки шахс; ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган вақтни жазо тайинлашда жазо муддати ҳисобига

киритиш тўғрисидаги қарор; ҳукм қонуний кучга киргуниги қадар судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасига доир қарор.

ЖПК 471-моддасида айблов ва оқлов ҳукмининг қарор қисмида кўрсатилиши лозим бўлган ҳолатлар белгиланган бўлиб, буларга қўзғатилган фуқаровий даъво ёки суднинг ташаббуси билан зиённи қоплаш тўғрисидаги қарор; ашёвий далиллар ҳамда ишга илова қилинган бошқа нарсалар ва ҳужжатлар, процессуал чиқимлар, шунингдек ҳукм устидан апелляция ёки кассация, шикоят бериш ҳамда апелляция ёки кассация протести билдириш тартиби ва муддати тўғрисида қарор бўлиши лозим.

6-§. Ҳукм чиқариш ва эълон қилиш тартиби

Ҳукм суд масалахатхонасида судьяларнинг масалахатлашуви сир сақланган шароитда чиқарилади. Бу эса судьяларнинг эркин ички ишонч ҳосил қилиши ва фақат қонунга буйсунишини кафолатлаб беради. Судьялар масалахатлашувининг сир тутилиши жиноят иши бўйича, бирор бир қарор (ҳукм) қабул қилиниш жараёнига таъсир қилинишининг олдини олади.

Судья ҳукми алоҳида хонада, суд эса масалахатхонада чиқаради. Суд масалахатхонасида ҳукм чиқариш жараёнида ишни куришда иштирок этган судьялардан бошқа ҳеч ким бўлмаслиги лозим. Бошқа ҳар қандай шахс суд масалахатхонасига кириши мумкин эмас ва судьянинг ўзи ҳам суд масалахатхонасидан ЖПК нинг 456-моддасида кўрсатилган асослардан ташқари бошқа ҳолларда ташлаб чиқиб кетиши мумкин эмас.

Судьяларнинг масалахатлашуви кеч кириши, шунингдек зарур бўлган тақдирда эса кун давомида ҳам тўхтатилиши мумкин. Масалахатлашув дам олиш кунлари ва байрам кунлари ҳам тўхтатилади. Судья суд масалахатхонасидаги юритилган мулоҳазаларни ошкор қилмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам суд масалахатхонасида судьяларнинг масалахатлашуви бўйича баённома юритилмайди ва овоз бериш натижалари ҳам ошкор этилмайди. Овоз беришда катнашган судьянинг овоз бериш натижалари икки ҳолда ошкор бўлиб қолиши мумкин. Биринчидан: овоз беришда катнашган судья узининг алоҳида фикрини ЖПК 472-модда талабларига кура ёзма равишда баён қилганда. Иккинчидан: мазкур ишни

куруш чогида судьянинг жиноий суиъстемолликларга йул кўйганлик иши юзасидан олиб борилаётган айблов иши бўйича. Мазкур икки ҳолат бўйича судьяларнинг масалахатлашув сири ошкор бўлиб қолиши мумкин.

Биринчи ҳолатда, агар овоз беришда иштирок этаётган судья ўз фикрини алоҳида тартибда баён қилган ҳолларда юқори суд инстанция судлари томонидан кўрилиб чиқиляётганда судьяларнинг ёзма алоҳида фикри ўқилиши мумкин. ЖПК 472-моддаси иккинчи қисмига биноан алоҳида фикри мавжуд бўлган иш апелляция ёки кассацияда кўрилмаган бўлса иш юқори суд инстанциясига юборилиши лозим, у эса иш билан танишиб чиқиб, ҳукм устидан назорат тартибида протест бериш-бермаслик масалаласини ҳал этиши керак.

ЖПК 487-моддаси иккинчи қисми, иккинчи бандига биноан судьянинг ҳукми якка узи чиқариш тартиби ёки ҳукм чиқаришда судьялар масалахатлашувининг сир сақланиши бузилган бўлса, бу Жиноят процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши ҳисобланиб, ҳукми бекор бўлишига сабаб бўлади.

Овоз берилгандан кейин суд ҳукми тузишга киришади. Қонун ҳукми олдиндан тузиб кўйилишига йул кўймайди. Ҳукм малахатхонада судьяларнинг бири томонидан ёзилиши керак. Ҳукм суд муҳокамаси кайси тилда олиб борилган бўлса, шу тилда баён қилинади ва унинг кириш, тавсиф ва хулоса қисмлари аниқ ва ифодали баён қилинган бўлиши лозим. ЖПК 472-моддаси талабларига кўра, ҳукм судья томонидан чиқарилган бўлса, уни судьянинг якка узи, суд таркиби томонидан чиқарилган бўлса, гарчи озчиликни ташкил этган судья ўз фикрини алоҳида берган ҳолларда ҳам судьяларнинг ҳаммаси имзолайди. Овоз бериш вақтида озчиликни ташкил қилган судья ҳукмга имзо кўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилади ва ишга кўшиб кўйилади. Илова қилинган ёзма фикр суд мажлиси залида эълон қилиниши мумкин эмас.

Тузилган ҳукмга киритилган тузатишлар масалахатхонада ҳукм эълон қилингунга қадар барча судьялар имзоси билан тасдикланиши лозим. Ҳукм имзоланганидан сунг, ЖПК 473-моддаси талабларига биноан, раислик қилувчи ёки ҳалк масалахатчиси ҳукми эълон қилади. Ҳукм, жиноят иши ёпиқ суд мажлисида курилган

бўлса ҳам, ЖПК 19-моддаси 8-қисмига биноан, тўлалигича ви ошкора эълон қилинади. Суд мажлисида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси, шу жумладан, суд таркиби ҳам ҳукми тик туриб эшитадилар. Ҳукм эълон қилинган тилни билмайдиган ёки етарли даражада билмайдиган судланувчига ҳукм эълон қилинганидан сунг таржимон томонидан судланувчининг она тилида ёки у тушунадиган бошқа тилда ўқиб эшиттирилади.

Ҳукм эълон қилингач, раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга ҳукмнинг мазмунини, ҳукм устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш муддати ва тартибини тушунтиради. Агар судланувчи ўлим жазосига ҳукм қилинган бўлса, унга авф этишни сўраб илтимос қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилади.

Агар суд оқлов ҳукми ёки ЖПК 463-моддасига биноан жазо тайинламасдан ёки жазодан озод қилиб, шартли равишда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаб ҳукм чиқарилганда ҳамда судланувчи дастлабки қамоқда сақланган вақтдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда қамоқда сақланаётган судланувчи дарҳол бевосита суд мажлисининг ўзида, ЖПКнинг 474-моддасига биноан, озод қилиниши лозим. Суд оқлов ҳукми чиқарганда раислик қилувчи оқланган шахсга унинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва етказилган моддий зарарни ундириш тартибини тушунтириши лозим. Ҳукмнинг нусхаси эълон қилингандан кейин уч суткадан кечиктирилмай, хажми катта бўлган тақдирда эса ўн суткадан кечиктирилмай маҳкумга ва оқланган шахсга берилиши лозим. Бошқа тарафларга эса уларнинг илтимосларига биноан берилади.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Ҳукмнинг бошқа одил судлов ҳужжатларидан фарқи нимада?
2. Ҳукмнинг аҳамияти нимадан иборат?
3. Ҳукмнинг қандай турлари бор?
4. Ҳукмга қандай талаблар қўйилган?
5. Ҳукм чиқариш вақтида хал қилинадиган масалалар?
6. Айблов ва оқлов ҳукмлари чиқариш учун қандай асослар бўлиши керак?
7. Ҳукмнинг таркибий қисмлари қандай?

8. Айблов ҳукмининг кириш қисмида нималар баён қилинади?

9. Айблов ҳукмларининг тавсиф қисмларини тушунтиринг?

10. Оқлов ҳукмларининг тавсиф қисмларини тушунтиринг?

11. Ҳукм тузишнинг процессуал тартиби?

12. Ҳукм эълон қилишнинг процессуал тартиби?

13. Айблов ва оқлов ҳукмларининг қарор қисмида хал қилиниши лозим бўлган ҳолатлар.

14. Эҳтиёт чораси билан боғлиқ масалани хал этиш.

XV-БОБ. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари

1-§. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш тушунчаси, вазифаси ва турлари

Жиноят процессида жиноий ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, мустақил, тўртинчи босқич бу ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишдир. Ишни юқори инстанция суди томонидан кўрилиши апелляция,⁷¹ кассация ва назорат тартибида амалга оширилади.

Қонуний кучга кирмаган ёки қонуний кучга кирган ҳукмга шикоятлар ҳукмда қабул қилинадиган қарорлар билан манфаатлари боғлиқ бўлган шахслар-маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар уларнинг ҳимоячилари, қонуний вакиллари томонидан берилади ва апелляция, кассация шикояти деб, прокурорнинг протести эса-апелляция, кассация ва назорат протести деб аталади.

Апелляция, кассация шикояти, апелляция, кассация ва назорат протестининг мавжудлиги-ишнинг апелляция, кассация, назорат тартибида кўриб чиқишлигининг зарурий шартидир. Апелляция ва кассация шикоятининг, бундай шикоятга ҳуқуқ субъектининг ва протестнинг қонунда белгиланган муддатда ва лозим бўлган суд органига берилиши муҳимдир

Шикоят ва протестнинг мавжудлиги ишни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Шикоят ва протестни қонунда белгиланган муддатда ва тегишли бўлган суд органига берилиши иккинчи ва учинчи инстанция суди зиммасига шикоят ва протестда кўрсатилган сабабларнинг тўғри ёки нотўғри тақдим этилганлигидан қатъи назар ишни кўриб чиқиш мажбуриятини юклайди.

Шикоят ёки протестнинг берилиши қабул қилинган қарорлар билан қонуний манфаатлари боғлиқ бўлган

⁷¹ ЎзР. 2000 й. 14 декабр Қонуни билан киритилган. Ў. Р. Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001й. 1-2 сон 11-модда.

шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ҳуқуқий механизмни ишга туширади. Юқори инстанция суди зиммасига ҳукмнинг адолатлилигини аниқлаш, шикоятдаги ҳар бир важга асосланган жавобни бериш, шикоят берган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг бузилишларини бартараф этиш, шикоят билдирилган қарорнинг қонуний, асосли, ва адолатлилигини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўриш вазифасини юклайди.

Нафақат протестнинг, шу билан бирга шикоятнинг берилиши ҳам ҳуқуқий аҳамиятга эга, чунки бу фақат қонуний, асосланган ва адолатли ҳукмларнинг ижро қилинишига кўмаклашадики, бу шахснинг ва одил судловнинг манфаатларига мувофиқ келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Бинобарин, фуқароларнинг ҳукм, ажрим ва қарорлар устидан апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят билдириш ҳуқуқи ҳам уларнинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланади.

Ишларнинг апелляция, кассация ва назорат тартибида юритилиши муҳим вазифаларнинг ҳал этилишига хизмат қилади, шу нарсанинг ўзи уни аҳамитини белгилаб беради:

-ҳукмлар (суд ажримлари, судьянинг қарорлари) нинг, шу жумладан, шикоят билдирилмаган ва протест келтирилмаган ҳукмлар (суд ажримлари, судьянинг қарорлари) нинг ҳам қонуний асосли ва адолатли бўлишига эришишга кўмаклашади, чунки қонунда назарда тутилган суд қарори устидан шикоят билдирилиши, протест келтирилиши, ишнинг юқори инстанция суди томонидан кўриб чиқилиши шартлилигини белгилайди, бу эса суд, прокурор, тергов органларини қонунга риоя қилишга ундаш билан кучли таъсир кўрсатади. Ишларнинг апелляция тартибида юритилиши ҳукмнинг қонуний кучга киришигача бўлган даврда, яъни анча (ҳукмнинг кассация ва назорат тартибида текширилишига нисбатан) тезкор тарзда қонун бузилишларини бартараф қилишга хизмат қилади;

-ноқонуний ва асоссиз ҳукмлар (суд ажримлари, судьянинг қарорлари) нинг ижрога қаратирилишига йўл

қўймайди;

-юқори босқичдаги судлар қуйи босқич судлар фаолияти устидан назоратни амалга оширишига хизмат қилади, ишларнинг апелляция, кассация ва назорат тартибда юритилиши бунинг муҳим шакли ҳисобланади. Судлар ишларни апелляция, кассация ва назорат тартибда қўриб чиқар эканлар, ишнинг юритилишида йўл қўйилган хатоларни, қонун бузилишларни ва уларнинг сабабларини аниқдайди; уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар беради; асослар бўлганида апелляция, кассация, назорат шикоятлари ва протестлари, рад қилинади ва бу билан суд ва тергов амалиётида қонун нормаларини бир хилда қўлланилишига, уларга қатъий риоя этилишига ёрдам беради:

-ишларнинг апелляция, кассация ва назорат тартибда юритилиши маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш вазифасини ҳал қилади, чунки бу шахслар ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини камситадиган ҳар қандай масала бўйича ҳукм устидан шикоят билдириш ҳуқуқига эга, юқори инстанция судлари эса бундай шикоятларни кўриб чиқиши, бундай шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишларини аниқлаши, уларни бартараф этиши ва келгусида бундай хато ва камчиликларга йўл қўйилмаслик чораларини кўриши шарт. Бу эса процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашдаги жинойт-процессуал кафолатдир;

-судлар фаолиятининг қонунийлиги, шу асосда-тергов органлари фаолияти устидан назоратнинг процессуал шакли сифатида ишларнинг юқори инстанция судларида кўрилиши жинойт процессида қонунийликнинг таъминланишига хизмат қилади.

Юқори судларга қуйи судларнинг ҳукм, ажрим ва қарорлари устидан шикоят ёки протест келтиришнинг процессуал тартибини белгиланганлиги сансалорлик, ўзбошимчалик, пайсалга солишни олдини олади.

Ушбу босқичда процессуал фаолиятнинг тартибга солиниши қуйидагилар билан белгиланади: 1) одил судлов ўз моҳиятига кўра фақат адолат талабларига жавоб беради ҳамда бузилган ҳуқуқларнинг самарали қайта тикланишини

таъминлаган ҳолдагина одил судлов деб эътироф этилади, суднинг нотўғри қарорлари эса одил судловнинг адолатли ҳужжати деб қаралмайди ва бундай қарор бекор қилиниши керак бўлади; 2) жиноят процессидаги ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган иштирокчиларга дастлабки тергов суднинг ҳаттоларини тузатишни талаб қилиш имконияти яратилади; 3) суд ҳокимиятининг мустақиллиги суд қарорларини юқори босқичдаги суд органларидан ташқари бирорта орган томонидан қайта кўриб чиқирилиши истисно этади; 4) юқори босқичдаги судларнинг қуйи босқич суд идораларининг ҳаракатлари ва қарорларини назорат қилиши бу органлар фаолиятига аралашувига айланмаслиги ва уларнинг мустақиллигига путур етказмаслиги лозим; 5) суд ҳукмининг кучга кириши ва ижро этилиши узок муддатга қолдирилмагандагина бундай ҳукмнинг умуммажбурийлигини таъминлаш мумкин. Қонун чиқарувчининг суд қарорларини қонунийлиги, асослилиги ва адолатлиги устидан суд назоратининг аниқ шакллари ва миқёсларини белгиланиши пировард оқибатда ушбу ва айрим бошқа омилларнинг ўзаро нисбати билан тавсифланади.

Амалдаги жиноят процессуал кодекси қабул қилингунга қадар (1922 йилда ва 1959 йилда қабул қилинган ЖПК лари назарда тутилмоқда) кассация инстанцияси мустақил босқични, назорат инстанцияси ҳам “қўшимча” деб номланса ҳам мустақил босқични ташкил этган. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган ЖПК да янги 15 бўлим (Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш) ва янги 55 (Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари) бобининг юзага келишини суд ислоҳати натижалари деб қараш мумкин. Энг муҳими процесс иштирокчиларига суд қарорлари устидан шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқининг кенгайганлиги ҳамда таъминланганлиги бўлди. (ЖПК нинг 497-модда 1-қисм).

Айрим давлатларда, чунончи Россия Федерацияси Конституциясининг 50-моддасини 3-қисмида Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар бир киши ўз ҳукмининг юқори босқичдаги судлар томонидан қайта кўриб чиқирилиши талаб қилиш ҳуқуқига эга” лиги таъкидланган. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК да суд қарорларининг қонунийлиги,

асослилиги ва адолатлилигини текшириш мустақил босқич сифатида эътироф этилиб, ваколатини кенгайтирилганлиги унинг зарурлиги ва муҳимлигидан далолатдир.

Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари ўз ичига апелляция, кассация ва назорат инстанцияларига бирдай тааллуқли бўлган барча умумий жиҳатларни бирлаштиради. Буларга қуйидагилар киради: 1) Юқори суд томонидан жиноят ишини кўришда прокурорнинг иштирок этиши; 2) Юқори суд томонидан жиноят ишини кўриш чоғида қўшимча материалларни тақдим этиш ёки талаб этиш; 3) Жиноят ишини юқори суд томонидан кўришда қатъий чегаранинг мавжудлиги; 4) Юқори судда жиноят ишини кўриш муддатини белгиланганлиги; 5) Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асослар; 6) Апелляция, кассация ва назорат тартибида иш кўрувчи судларнинг ваколатлари; 7) Юқори судларнинг жазони кучайтиришга ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақли эмаслиги; 8) Юқори суд кўрсатмаларининг мажбурийлиги.

Бу умумий шартларнинг асосий мақсади ҳукм, ажрим, қарорларни қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш чоғида суд хатоларини бартараф этиш орқали одил судлов самарадорлигини ошириш ва ўз вақтида бузилган ҳақ-ҳуқуқларни тиклашдан иборат. Бу эса сифатли тузилган суд қарорларини ўз вақтида ижрога қаратилишига замин ҳозирлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 2001 й. 1 июндаги “Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида” ги Пленум қарорида “Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш, суд қарорларининг қонунийлиги асослилиги ва адолатлилигини юқори босқич судлари томонидан текшириш турлари бўлиб, йўл қўйилган суд хатоларини баратараф этишга қаратилгандир”⁷² дейилган.

Демак, Ўзбекистон Республикасида суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини апелляция,⁷³ (Ўзбекистон Республикаси 2000 й. 14 декабрдаги қонуни таҳририда) кассация ва назорат

⁷² Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2001 й. 1 июндаги Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақидаги Пленум қарори. Т. 2001 й. 17-бет.

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 й. Ахборотномаси, 2001 й. 1-2 сон 11-модда.

тартибида текширилади.

Қуйидаги жиноят процессининг иштирокчилари апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят билдирадилар ва протест келтирадилар:

1) Ишни апелляция тартибида кўриш учун мажлум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили шунингдек жабрланувчи, унинг вакили, қонуний вакили, суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринбосари эса, протест билдиришга ҳақлидир.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир. Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Бу кўрсатилган шахслар апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳам ҳақлидирлар.

2) Ишни кассация тартибида кўриш учун мажлум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили, қонуний вакили, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят беришга прокурор ва унинг ўринбосари протест билдиришга ҳақлидир.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир. Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят берадилар.

3) Ишни назорат тартибида кўриш суд раиси, прокурор ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан берилган протестга мувофиқ амалга оширилади.

4) Янги очилган ҳолатлар муносабати билан жиноят ишини қайтадан бошлаш учун эса, қонунда протест билдириш ҳуқуқи берилган прокурор ёки унинг ўринбосари берган протест асос бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Жиноятни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида”ги қарорига кўра “Суд қарорлари устидан белгиланган тартибда шикоят бериш ёки протест билдиришга

шунингдек, суд қарорларини назорат тартибда қайта кўриб чиқишни илтимос қилишга ҳақли бўлган процесс иштирокчилари ва шахслар қатъий белгиланган бўлиб, бундай шахслар доирасини кенгайтириб талқин қилишга йўл қўйилмайди”.⁷⁴

Юқори босқич судлари, қўйи судлар томонидан ишларни апелляция, кассация ва назорат тартибда кўриш учун расмийлаштиришда қуйидаги талабларнинг бажарилганлигини текширишлари шарт:

- тарафларга ҳукмнинг мазмуни, ҳукм устидан улар истаги бўйича апелляция ёки кассация тартибда шикоят бериш муддати ва тартибининг тушунтирилганлигини;

- тушган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, уларга бу ҳақда маълум қилинганлигини;

- суд қарорларининг нусхалари судланган (маҳкум) га, жабрланувчига, оқланган шахсга топширилганлигини;

- улар ва бошқа манфаатдор шахслар шикоят ёки протест билан, шу жумладан, қўшимча тақдим этилган ҳужжатлар билан танишганлигини ва ўз эътирозларини билдирганлигини;

- апелляция ёки кассация шикояти берган шахс, шунингдек, шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, шу процесс иштирокчилари ишнинг кўрилиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинганлигини;

- судланган (маҳкум), оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари ишнинг юқори инстанция судида кўрилишида иштирок этишлари мумкинлиги тўғрисидаги қонун талабларининг бажарилганлигини ва ҳ.к.

2.-§ Юқори инстанция судларида иш кўришнинг ўзига хос хусусиятлари

Юқори инстанция судларида иш кўришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Айрим хусусиятлар, масалан, шикоят бериш эркинлигининг мавжудлиги апелляция, кассация инстанцияси суди билан назорат инстанцияси судини бир-

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2001 й. 1 июндаги Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибда кўриш амалиёти ҳақидаги Пленум қарори. Т. 2001 й. 18-бет.

биридан ажратиб ҳам туради.

Ҳукм, ажрим ва қарорлар устидан шикоят билдириш эркинлиги. Ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси ҳукмда қабул қилинадиган қарорлар билан боғлиқ бўлган барча субъектларга, чунончи маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг қонуний вакилларига апелляция ва кассация тартибида шикоят билдириш ҳуқуқи берилган.

Манфаатларининг ҳимояси ҳукмда қабул қилинадиган қарорлар билан боғлиқ бўлган барча шахслар ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситадиган, қонуннинг қўлланилиши ва ишнинг фактик ҳолатларининг аниқланишига дахлдор ҳар қандай бузилиш устидан шикоят билдириш ҳуқуқига эгадир (улар ҳукмнинг ноқонунийлиги, асосизлиги ва адолатсизлиги устидан шикоят билдиришга ҳақлидир).

Шикоят бериш эркинлигига қўйидагиларни киритиш мумкин.

1) Апелляция ва кассация шикоятини ҳукм чиқарган судга ёки бевосита апелляция ва кассация инстанцияси судига берилиши;

2) Шикоятнинг мазмуни ва шаклига нисбатан қатъий талаблар қўйилмаганлиги; хатто шикоятда ҳукмларнинг ноқонунийлиги ва асосизлиги хусусида далилларнинг бўлмаслиги рад қилиш учун асос бўла олмайди, бундай ҳолда албатта унинг инкор этилиши эҳтимоли юқори бўлади. Ҳимоячининг касбий бурчини ва ЖПК нинг 53-моддасига кўра қонунда кўрсатилган барча ҳимоя воситалари ва усулларини қўлланишга доир вазифасини назарда тутган ҳолда унинг шикоятига бирмунча қатъийроқ талаблар қўйилади. Бироқ ҳимоячининг шикоятдаги камчиликлар унинг ҳимоясидаги шахс учун нохуш оқибатлар олиб келишига сабаб бўлмайди;

3) биринчи босқич суди апелляция ва кассация шикояти ёки протест келтирилган жиноий ишни юқори босқич судига юбориш мажбурияти ва ушбу суднинг ишни қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқишга доир мажбурияти билан белгиланади.

Юқори судда жиноят ишини кўриш чегараси. (482-модда). Иш апелляция, кассация ва назорат тартибида текширилганда тафтиш (ревизион) асосида олиб борилиши

ҳам ўзига хос хусусиятлардан ҳисобланади.

Бу тушунча ҳар бир жиноят иши юқори босқич судлари томонидан тўлиқ ҳажмда текширилиши шартлигидан иборат. Бунда иккита масала назарда тутилади, яъни юқори инстанция суди шикоят ёки протестда келтирилган вазлалар билан чекланиб қолмайди, иккинчидан шикоят бермаган ҳамда устидан шикоят ёки протест билдирилмаган маҳкумларга нисбатан ҳам ишни тўла ҳажмда текширади.

Суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўришда ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлигини, асослилигини ва адолатлилигини ишда мавжуд бўлган ҳамда процесс иштирокчилари томонидан тақдим этилган ёки суднинг ўзи талаб қилиб олган материаллар асосида текширади. Янги очилган ҳолат бўйича ишни янгитдан кўришда бу ҳолатларни исбот қилиш мақсадида ўтказилган тергов материаллари асос қилиб олинади.

Буни юқори судда жиноят ишини кўриш чегараси ҳам дейилади. Масалан, агар маҳкум ўз шикоятида фақат жазо чорасининг енгиллаштирилиши ҳақида илтимос қилса, юқори инстанция суди шу билан бирга ишнинг терғалишида ва ҳал қилинишида маҳкум (айбланувчи) нинг ҳуқуқлари бузилмаганлигини, унинг ҳаракатлари тўғри квалификация қилинганлигини, суднинг хулосалари ҳукмда аниқланган деб эътироф қилинган ҳолатларга мувофиқ келишини, ишнинг барча муҳим ҳолатларининг тадқиқ этилганлигини ҳам текшириши шарт. Ишнинг кўриб чиқилишидаги тафтиш йўл қўйилган барча қонун бузилишлар ва ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради. Фақат ана шундай шароитдагина ишларнинг апелляция, кассация ва назорат тартибида юритилиши шахснинг ҳуқуқлари ва манфаатлари, ҳукмларнинг қонунийлиги, асослилиги, адолатлилигини таъминлашга кўмаклашиши мумкин.

Юқори инстанцияси судига янги материалларни тақдим этилиши ёки талаб қилиб олинishi. Юқори инстанция суди янги материалларнинг тақдим этилиши ёки талаб қилиб олинishi шикоят ёки протестда баён қилинган вазлаларнинг тасдиқланиши учун зарур.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 497²-моддасида кўрсатилганидек, маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили шунингдек жабрланувчи, унинг вакили ва қонуний вакили,

фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили апелляция, кассация ва назорат инстанцияси томонидан ишнинг кўриб чиқилишига қадар ва ишни кўриб чиқиш вақтида, прокурор хулоса бергунига қадар янги (қўшимча) материалларни тақдим этишга ҳақлидирлар. Ишни тафтиш ўтказиш тартибида текшириш жараёнида янги материаллар апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди томонидан талаб қилиб олинishi ҳам мумкин.

Янги материалларни тақдим этилиши ишда текшириш асосларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигининг қўшимча исботидир. Янги (қўшимча) материалларни тақдим этишдан мақсад-апелляция, кассация ва назорат шикоятдаги ёки протестидаги вазларни исботлаш, шунингдек, бошқа субъект берган шикоятдаги ёки протестдаги вазларни инкор қилишдан иборат. Янги (қўшимча) материалларни юқори инстанция суди ўз ташаббусига кўра ёки шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг илтимосномаларига кўра талаб қилиб олиши мумкин.

Қўшимча материалларга ёзма материаллар, буюмлар, ҳужжатлар киради. Қўпинча маълумотномалар, тавсифномалар, касаллик варақалари, омонатлардаги шахсий ҳисоб варақалар, шахсларнинг ишдаги ҳолатлари ҳақидаги аризалари, мутахассисларнинг фикрлари, экспертизага тегишли масалалар бўйича ёзма хулосалар шулар жумласидандир. Олиниш манбаи ва шаклига кўра тегишлилик хусусиятига эга бўлган материаллар янги материаллар ҳисобланади. Масалан, шахсларнинг ўзларига маълум ҳолатлар ҳақидаги ёзма хулосалари, мутахассисларнинг махсус билимлар соҳасига доир масалалар бўйича фикрлари ана шундай материаллар бўлиши мумкин. Бироқ улар тергов йўли билан олинмайди. Тергов ҳаракатлари ўтказиш орқали олинadиган ҳужжатлар (сўроқ қилишлар, тинтувлар баённомалари, эксперт хулосаси) янги материаллар ҳисобланмайди, чунки бундай ҳаракатлар тугалланган дастлабки тергов, суриштирув, суд терговида ўтказилган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 481-моддасининг 2-қисмида қўшимча материаллар олиш учун ўтказиладиган тергов ҳаракатлари белгиланган. Буларга, мурдани

эксгумация қилиш (149-модда), телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш (170-модда), мол-мулкни хатлаш (290-модда) ва мулкый зарарни қоплашни таъминлаш чоралари (398-модда) киради. Бу тергов ҳаракатлари терговчига топшириқ бериш йўли билан амалга оширилади.

Янги материалларнинг процессуал аҳамияти юқори инстанция суди томонидан уларни текшириш ва ишда мавжуд бўлган далиллар билан бирга баҳолаш натижалари бўйича белгиланади.

Хукм фақат судда кўриб чиқилган далилларга асосланганлиги сабабли янги материаллар ҳукмни ўзгартириш, бекор қилиш ёки ишнинг тугатилиши учун асос бўла олмайди (фавқулодда ҳоллар бундан мустасно, масалан, мажҳумнинг вафот қилганлиги фактининг расмий равишда тасдиқланиши). Янги материаллар ҳукмни бекор қилиш ёки бекор қилмаслик, шунингдек, ишни янгитдан кўриб чиқишга бериш ёки бермасликни ҳал қилишга ёрдам беради.

Жазони кучайтиришга ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўлланишга йўл қўйилмаслиги. (494-модда). Суд жиноят ишини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш давомида жазони кўчайтиришга, шунингдек оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақли эмас.

Бу мажҳумни, оқланган шахс, унинг ҳимоячиси қонуний вакили томонидан апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят берилиши натижасида (чиқарилган ҳукмдагига нисбатан) оғирроқ ҳолатга тушиб қолишига йўл қўймасликдир. Бу мажҳум, оқланган шахснинг апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят қилиш ҳуқуқининг энг муҳим кафолатларидан биридир, чунки ҳукм устидан шикоят бериш натижасида ўз аҳволини ёмонлаштириб қўйиш хавфи бундай шахсларни ҳатто чиқарилган ҳукмда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолда ҳам уларни юқори инстанция судига мурожаат этишдан воз кечишга мажбур қилган Булар эди.

Мажҳум ёки оқланган шахснинг аҳволини оғирлаштирувчи томонга ўзгартиришнинг тақиқланиши одил судлов манфаатларига ҳам хизмат қилади, чунки апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят келтирилиши юқори инстанция судининг ушбу иш бўйича йўл қўйилган қонун

бузилишлар, хатоларни аниқлашига ёрдам беради ва бу билан ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз чиқарилган ҳукмларнинг қонуний кучга кириши ҳамда ижро этилишининг олди олинади.

Қонун маҳкум ёки оқланган шахснинг аҳволини оғирлаштирадиган томонга ўзгартиришнинг тақиқланишини умумий қоида сифатида эмас, балки уни қуйидагиларга нисбатан: жиноий-ҳуқуқий квалификацияга; жазо чорасига; айбловнинг фактик томонига (уни кучайтириш, оғирлаштиришнинг тақиқланиши); оқлов ҳукмининг бекор қилиниши шартларига-яъни, ҳукмда баён қилинган, маҳкум (оқланган шахс) учун асосий қарорларга нисбатан аниқ қоида қилиб белгилаган.

Айтиб ўтилган тақиқлаш-маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячиси, қонуний вакилининг шикоятти бўйича ишнинг кўриб чиқилишида-маҳкум учун, масалан, фуқаролик даъвоси бўйича бирмунча нохуш бўлган қарорнинг қабул қилинишини истисно этмайди, бироқ бунда фуқаролик даъвоси бўйича қарорнинг ўзгартирилиши жиноий-ҳуқуқий квалификацияга ёки айблов ҳажмига маҳкумнинг аҳволини оғир томонга ўзгартирадиган дажарада таъсир қилмаслиги лозим.

Маҳкум ва оқланган шахснинг аҳволини оғир томонга ўзгартиришнинг тақиқланиши қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Юқори инстанция судлари ишни кўриб чиқиб, жазо чорасини кучайтиришга, бирмунча оғирроқ жиноятга доир қонун нормаларини қўллашга ёки айбловни бирмунча оғирроқ фактик томонга ўзгартиришга (масалан, ўғирлик ҳукмда эътироф этилган суммадан каттароқ суммада содир қилинган деб эътироф қилишга) ҳақли бўлмайди;

Иш прокурорнинг протести, шикоят билдириш ҳуқуқига эга шахслардан ҳар бирининг шикоятига биноан кўриб чиқилишида ҳам ҳукмнинг бундай ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

2. Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси маҳкум, оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакилининг шикоятти бўйича ишнинг кўриб чиқилишида қуйидагиларга ҳақли бўлмайди:

а) жазонинг енгиллиги, бирмунча оғирроқ жиноят ҳақидаги қонунни қўллаш зарурлиги ёки айбловнинг фактик

томонини оғирлаштириш кераклиги сабаблари бўйича ҳукми бекор қилиш ва ишни янгитдан кўриб чиқишга юборишга.

Ҳукмининг кўрсатилган сабаблар бўйича бекор қилинишига фақат ҳукм устидан жазо чорасининг енгиллиги, бирмунча оғирроқ жиноят ҳақидаги қонунни қўлланиш зарурлиги ёки айбловнинг фактик томонини оғирлаштириш кераклиги сабаблари бўйича прокурор протест келтирган ёки жабрланувчи шикоят билдирган ҳолларда йўл қўйилади;

б) Оқлов ҳукми юқори суд томонидан фақат прокурорнинг апелляция ёки кассация протести, жабрланувчининг ёки унинг вакилининг шикояти, ёхуд оқланган шахснинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг апелляция ва кассация шикояти, шунингдек, назорат тартибида берилган протест бўйича бекор қилиниши мумкин.

3. Агар маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячиси, қонуний вакилининг шикояти бўйича ҳукм бекор қилинган ва иш янгитдан кўриб чиқишга берилган бўлса, ушбу ишни янгитдан кўриб чиқадиган суд бирмунча оғирроқ жиноят ҳақидаги қонунни қўллашга; айбловнинг фактик томонини оғирлаштиришга (айбловга янги эпизодларни киритиш, айбни оғирлаштирадиган ҳолатни исботланган деб эътироф қилиш) тайинланган жазони кучайтиришга; дастлабки ҳукм бўйича оқланган шахсни айбдор деб эътироф қилишга ҳақли бўлмайди.

Айблов ҳукмининг маҳкум, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакилининг шикояти бўйича бекор қилинганида ва иш янгитдан терговга қайтарилганда “айбланувчининг бирмунча оғирроқ жиноятни содир қилганлиги ҳақида далолат берадиган ҳолатлар” аниқланганида маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган томонга ўзгартиришнинг тақиқланиши амал қилмайди. Масалан, айбланувчи дастлабки терговда аниқланмаган бошқа яна бир ўғирлик жиноятини содир қилганлиги маълум бўлиб қолганида. Агар ишнинг янгитдан аниқланган ҳолатлари айбланувчининг ҳаракатларига нисбатан бирмунча оғирроқ жиноят ҳақидаги қонунни қўллашни зарур қилиб қўйса ёки унинг ҳаракатлари худди шундай квалификация қилингани ҳолда унинг айбини оғирлаштиради, унда жиноят оғирроқ деб эътироф этилади.

Агар дастлабки ҳукм: а) прокурорнинг протести ёки жабрланувчининг шикояти бўйича; б) жазо чорасининг

енгиллиги ёки бирмунча оғирроқ жиноят ҳақидаги қонунни қўлланиш зарурлиги бўйича; в) ҳукм айни шундай асослар бўйича бекор қилинган бўлса, -иш янгитдан кўриб чиқилганида жазо оғирлаштирилиши бирмунча оғирроқ жиноят ҳақидаги қонун моддалари қўлланилишига йўл қўйилади.

Шу билан биргаликда, ишни судда кўришга асос бўлувчи шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки судланган (маҳкум), оқланган шахснинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, шикоят (протест) ёхуд уларнинг нусхалари судланган (маҳкум), оқланган шахсга тегишли тартибда тақдим этилиб, унинг эътирознома билдириш ҳуқуқи реал таъминлангандагина жиноят ишининг апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилишига йўл қўйилиши мумкин.

§-3. Ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари

Апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш уларнинг қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текширишда муҳим аҳамият касб этади, чунки бунда: 1) судгача бўлган тергов органларининг, яъни ишни тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текширилганлиги; 2) суднинг процессуал ва моддий қонун нормаларига қай даражада амал қилганлиги; 3) ишдаги ёзма материалларни моҳияти ва мазмуни; 4) процесс иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминланганлиги; 5) юқори инстанция суди талабларини қай даражада бажарилганлиги текширилади.

Буларни текшириш натижасида ҳукм ё бекор қилинади ёки ўзгартирилади. Бундай қатъий талабнинг қўйилиши уни асосларини ёки мезонини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Шунинг учун ҳам ЖПК нинг 484-моддасида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун бешта асос кўрсатилган.

Апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги:

2) ҳукмда баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;

3) Жиноят процессуал Кодекси нормаларининг жиддий бузилганлиги;

4) Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги;

5) жазонинг адолатсизлиги.

Дастлабки тергов ва суд терговининг камчиликларини ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриш пайтида бартараф этишнинг имкони бўлмаса, ҳукм бекор қилиниши лозим.

Дастлабки тергов ёки суд терговининг бир томонламалиги ва тўлиқ эмаслиги (ЖПК нинг 485-моддаси).

Дастлабки тергов ёки суд терговининг бир томонламалиги ва тўлиқ эмаслиги жиноят ишларини тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириш принципи билан узвий боғлиқ. Иш учун аҳамият касб этадиган, исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларнинг исботланганлиги, айбланувчининг айбини ҳам оғирлаштирадиган, ҳам енгиллаштирадиган далилларнинг тўпланганлиги ва тадқиқ этилганлиги, исботлаш бурчи юклатилган шахсларнинг ишга ҳолисона муносабатда бўлганликлари муҳим ҳисобланади.

Дастлабки тергов ёки суд тергови қуйидаги ҳолларда тўлиқ эмас ёки бир ёқлама олиб борилган деб ҳисобланилади;

1. Шахс айбининг мавжуд эканлиги билан боғлиқ бўлган ҳақиқий ҳолатлар исботланмаган бўлса. Буларга қуйидагилар киради: а) Шахсни айблаш ёки ҳукм қилиш учун асослар етарлича исботланмаган бўлса (ЖПК нинг 82-моддаси); б) Реабилитация қилиш асослари мавжуд бўлган ҳолда жиноят иши тугатилмаган бўлса; в) Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишини тугатиш лозим бўлган ҳолатда жиноят иши тугатилмаган бўлса. (84-модда).

2 Иш учун зарур бўлган тергов ҳаракатлари сифатсиз ўтказилган ёки умуман ўтказилмаган бўлса; масалан, кўрсатувлари ишни ҳал қилишга таъсир этиши мумкин бўлган шахслар сўроқ қилинмаган бўлса, зарур бўлишига қарамай экспертиза ўтказилмаган, зарурий ҳужжатлар, ашёвий далиллар талаб қилиб олинмаган бўлса ва ҳ. к.

3) Ишни қўшимча терговга ёки янгидан судда кўришга юборган суднинг ажримда ёки қарорида баён қилинган ҳолатлар текширилмаган бўлса, яъни тергов ёки суд органи ўзи учун мажбурий бўлган кўрсатмани бажармаган бўлса,

тергов ёки суд тергови тўлиқ эмас ёки бир ёқлама ўтказилган деб топилади. Жиноят иши бўйича ҳақиқатни очиш, ҳақиқий ҳолатларни исботлаш жиноят судлов ишларини юргизишнинг асосий вазифаси ҳамда шартларидандир.

Айниқса, шахс тақдирини белгилашда муҳим бўлган, Республика номидан эълон қилинадиган ягона суд ҳужжати бўлмиш ҳукмнинг бу талабга тўла жавоб бериши жуда зарур ҳисобланади.

Ҳукмда баён қилинган суд хулосалари жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаслиги ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлади (ЖПК нинг 486-моддаси).

Қуйидаги ҳолларда ҳукм жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмас, деб эътироф этилади.

1) Ҳукм фақат суд терговда текширилган ва тасдиғини топган далилларга асосан чиқарилиши керак. Суд нима учун айнан ушбу далилни ҳукмга асос қилиб олаётганлигини, ҳукми тавсиф асослантириш қисмида баён қилиши лозим.

Бунинг учун суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқиб, қонунга амал қилган ҳолда, ички ишончлари бўйича далилларга баҳо беради. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланади. Бу талаблар бажарилмаганда суд хулосалари суд мажлисида кўрилган далиллар билан тасдиқланмаган деб топилади.

2) Суд иш учун муҳим бўлган барча ҳолатларга эътиборини қаратиши лозим. Масалан, ҳимоячининг илтимосига ёки эътирозига, прокурорнинг фикрига ёки талабига, айбланувчининг ёки жабрланувчининг илтимосига ва ҳ. к. Суд буларни ишга қанчалик алоқадор бўлишига қараб ўрганиб чиқиши керак. Агар суд ўз хулосасига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олмаган бўлса, ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлади.

3) Иш бўйича шундай ҳолатлар бўладики, жиноят таркибига, квалификациясига, айбга, жазога албатта таъсир қилади. Бундай ҳолатлар фақат далиллар ёрдамида исбот қилинади. Бу ҳолатларни тасдиқловчи далиллар эса бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиши, бири-иккинчисини тасдиқлаши лозим. Масалан, қотиллик жиноятини ўз кўзи билан кўрган гувоҳнинг кўрсатуви, жабрланувчи билан қотиллик жиноятини содир этган айбланувчи, судланувчининг ўзаро

муносабати ҳақидаги маълумотлар, экспертизанинг хулосаси ва бошқалар, Дастлабки терговдаёқ иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар юзасидан тўпланган далиллар ўртасидаги қарама-қаршилик бартараф этилади. Айрим ҳолларда бундай хатоларни судда ҳам учратиш мумкин. Иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларга оид далиллар бир-бирига зид келгани ҳолда, суд қайси асосларга кўра далиллардан баъзиларини ишонарли деб топиб, бошқаларини рад этганлигини ҳукмда кўрсатмаган бўлса, ҳукм бекор қилинади ёки ўзгартирилади.

Жиноят процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилиши. (487-модда). Жиноят процессуал қонун нормаларини жиддий бузилиши деганда иккита муҳим масала назарда тутилади: 1) процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилиши ёки чекланиши, ҳукмларни қонуний, асосли ва адолатли бўлишига таъсир этса; 2) жиноят процессуал қонун нормаларида белгиланган шакл талаблари бажарилмаганлиги сабабли ҳукмларни қонуний, асосли ва адолатли бўлишига таъсир этса.

Жиноят процессуал қонунида процесс иштирокчиларининг барча ҳуқуқ ва бурчлари белгиланган ва уни бажарилиши кафолатланган. Жиноят процесси иштирокчиларининг қонунда белгиланган ҳуқуқларидан маҳрум қилинган ёки бу ҳуқуқлар чекланган ёхуд суд ишни ҳар томонлама кўриб чиқишига бошқача тарзда халал берган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришга таъсир қилиши мумкин бўлган қоидабузарликлар ЖПК нормаларини жиддий бузиш деб эътироф этилади.

Қуйидаги ҳолларда ҳукм бекор қилинади: 1) иш судланувчининг йўқлигида кўрилган бўлса, ЖПК нинг 410-моддасини учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; 2) дастлабки тергов тамомланганидан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган ва бу қоидабузарлик ҳукм чиқарган суд томонидан бартараф этилмаган бўлса; 3) ҳимоячиси бўлмаган суриштирувчига ҳимоя нутқи учун сўз берилмаган бўлса; 4) судланувчига охириги сўз берилмаган бўлса; 5) судланувчининг она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган бўлса; 6) қонунга кўра ҳимоячининг иштироки шарт бўлса-ю, иш унинг иштирокисиз тергов қилинган ёки кўриб чиқилган бўлса.

2. Жиноят процессидаги шакл қонун талаби ҳисобланади. Ҳар бир шаклнинг заминиди маълум бир мақсад ётади. Масалан, 1) ҳукми қонунга ҳилоф таркибдаги суд томонидан чиқарилиши одил судлов талабига зид ҳисобланади. Қонунга кўра фақат сайланган ёки тайинланган судьялар ва муддатида иштирок этаётган ҳалқ масалаҳатчилари ишни мазмунан кўришга ҳақли, чунки фақат улар ҳукм чиқариш ваколатига эга бўладилар; 2) судьянинг ҳукми якка ўзи чиқариш тартиби ёки ҳукм чиқаришда судьялар масалаҳатлашувининг сир сақланиши бузилган бўлса; 3) ишни юритишни истисно этадиган ҳолатлар бўла туриб, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилган бўлса; 4) суд мажлиси баённомаси ишга тикилмаган ёхуд имзоланмаган бўлса, жиноят процессуал қонун нормалари жиддий бузилган деб ҳисобланиб, ҳукм бекор қилинади.

Жиноят кодекси нормаларини нотўғри қўлланиши (488-модда). Жиноят кодекси нормаларини нотўғри қўлланиши қуйидагиларда ифодаланади. Жиноят қонунининг нотўғри қўлланилиши деганда суднинг жиний жавобгарлик асоси ва шартлари мавжудлиги ҳақидаги, қилмишининг квалификацияси, жиний жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш ҳақидаги масалаларнинг ҳал этилишида Жиноят кодексининг Умумий ва Махсус қисми нормаларини хато қўлланиши назарда тутилади. Жиноят қонунининг нотўғри қўлланилиши қуйидагиларда ифодаланиши мумкин.

1) Жиноят кодекси Умумий қисми моддаларининг талаблари бузилган бўлса;

2) жиноят тавсифи, Жиноят кодексининг қўлланилиши керак бўлган моддаси (модданинг қисми, банди) ўрнига бошқа моддаси (модданинг қисми, банди) билан берилган бўлса;

3) маҳкумга Жиноят кодексининг мазкур моддасида назарда тутилмаган жазо тури ва меъёри тайинланган бўлса.

Жиноят қонунининг нотўғри қўлланилишининг санаб ўтилган кўринишлари ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Суд қўлланилиши лозим бўлган қонунни қўлламаслиги кўпинча унинг ўрнига қўлланилиши керак бўлмаган қонуннинг қўлланилишига олиб келади. Қонун маъносининг нотўғри талқин қилиниши суднинг қўлланилиши керак бўлган қонун нормасини қўлламаслиги ёки қўлланилиши керак бўлмаган қонунни қўллашига сабаб бўлади.

Шу билан бирга, айтиб ўтилган ЖПК нинг 488-моддасидаги бузилишларнинг ҳар бири ўз мазмунига эга. Жумладан жиноий жавобгарликка тортиш учун белгиланган муддатнинг ўтиб кетганлиги ёки амнистия ҳужжатини эълон қилинганлиги жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги қонун нормаларини қўллашни тақозо қилади.

Қўлланилиши лозим бўлмаган қонун нормасини қўллаш қонун бузилганлигидан далолат. Масалан, ичкиликбозликдан даволанишга мухтож бўлмаган шахсга шундай мажбурий даволашнинг тайинланиши ёки маҳкумга ЖК нинг махсус қисмининг моддаси санкциясида назарда тутилмаган жазонинг тайинланиши қонун нормаси бузилганлигини кўрсатади.

Кўпчилик ҳолларда жиноят қонунининг нотўғри қўлланилиши дастлабки тергов ва суд органлари томонидан йўл қўйилган бошқа бузилишлар (дастлабки тергов ёки суд терговининг бир томонлама олиб борилганлиги ёки тўлиқ эмаслиги, суднинг ҳукмда баён қилинган ҳулосаларининг ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаслиги) оқибатида бўлиши мумкин.

Жиноят қонунининг нотўғри қўлланилиши суд чиқарган ҳукми ёки бошқа қарорларнинг ўзгартирилишига (агар бу судланувчининг аҳволини оғирлаштирувчи ёки ҳимоя ҳуқуқининг бузилишига олиб келмаса) ва унинг бекор қилиниши ҳамда ишнинг қўшимча терговга ёки ишни судда янгидан кўриб чиқилиши ёки тугатилишига сабаб бўлиши мумкин.

Жазонинг адолатсизлиги (489-модда). Ҳукмнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос сифатида суд тайинлаган жазонинг жиноятнинг оғирлигига ва маҳкумнинг шахсига мувофиқ келмаслиги гарчи жазо тегишли жиноят қонунда назарда тутилган доирадан четга чиқмасада, лекин ўз миқдорига кўра енгиллиги ёки оғирлиги сабабли адолатсиз бўлиб қолганида қайд қилинади.

Суд жазо тури ва унинг миқдорини нотўғри танлаганида ва мазкур жиноят учун назарда тутилган жазога нисбатан анча енгил жазо белгилаганида; шартли ҳукм қўллаганида; озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазони ўташ учун белгиланган колониянинг тури ҳақидаги масалалар нотўғри ҳал қилинганда ҳам ҳукм адолатсиз деб эътироф этилади.

Агар жазо жиноятларнинг мажмуи ёки ҳукмлар мажмуи бўйича тайинлаш ҳақидаги меъёрларнинг нотўғри қўлланилиши, қамоқда сақланиш муддатининг жазо муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги, рецидив жиноятларга тайинланадиган жазонинг йўл қўйиладиган чегараларининг қўлланилмаслиги ва шунга ўхшаган сабаблар билан боғлиқ ҳолда тайинланганида ҳам ЖПК нинг 488-моддасини эмас, балки ЖПК нинг 489-моддасини қўллаш зарур бўлади.

Юқорида баён этилган асосларнинг биронтаси мавжуд бўлганида, апелляция, кассация ажримда ва назорат инстанциясининг қарорида ўз аксини топиши керак.

§-4. Жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрувчи судларнинг ваколатлари

Биз аввалги параграфларда суд инстанцияларини ўзаро бирлаштириб турадиган ўхшаш жиҳатларини, ўзига хос хусусиятларини, уларнинг фаолиятида шарт бўлган ҳолатлар ва иш кўриш чегаралари хусусида фикр юритган эдик. Шунини айтиб ўтиш жоизки, улар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ҳам ўхшаш бўлади. Улар қуйидаги қарорлардан бирини қабул қиладилар: 1) суднинг ҳукми ва ажримини (қарорини) ўзгаришсиз қолдириш; 2) ҳукм ёки ажримни (қарорни) ўзгартириш; 3) ҳукм ёки ажримни (қарорни) бекор қилиш ва ишни қўшимча терговга ёки янгитдан судда кўриш учун қайтариш ёки жиноят ишини тугатиш.

Агар иш назорат тартибида кўриладиган бўлса, апелляция ёки кассация тартибида ишни кўриб чиқиш учун юборилади. “Мазкур қоида назорат инстанция судининг маҳкум (оқланган шахс) нинг аҳволини оғирлаштирмайдиган ҳолатларда суд ажрими ва қарорларини ўзгартириш ваколатини (ЖПК нинг 521-моддаси) истисно этмайди”⁷⁵.

Юқори инстанция судлари асослар мавжуд бўлган тақдирда маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишга, унга тарбия колонияси ёки жазони ижро этиш колониясининг қаттиқ турини белгилашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш миқдорини иш ҳужжатларига асосан кўпайтиришга ҳақлидир.

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқиш амалиёти ҳақида” ги 2001 й. 1 июнда қабул қилган қарори. Т., 2001й. 21-бет.

Юқори инстанция суди ҳукминг айрим маҳкумларга қўйилган айблов қисмини ёки фуқаровий даъво қисмини бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақлидир. Суд жинойт ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрган вақтида жазони кучайтиришга, шунингдек оғирроқ жинойтга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақли эмас.

Қўйи босқич судининг Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексининг 45-моддаси (муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш), 59-моддасининг 4-қисми (бир неча жинойт содир этганлиги учун жазо тайинлаш), 60-модда (бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш), 61-модда (жазоларни қўшишнинг ҳисоблаш қоидалари), 62-модда (дастлабки қамоқ вақтини ҳисобга олиш қоидалари), 96-модда (алкоголизм, гиёвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги чораларни қўллаш) ларини қўллашда, шунингдек, амнистия ҳужжатини тadbиқ этишда йўл қўйган хатоларини юқори инстанция суди томонидан бартараф қилиниши судланган (маҳкум) нинг аҳволини оғирлаштириш деб баҳоланмаслиги керак. Бу хусусда қонунда ҳам тақиқ мавжуд эмас.⁷⁶

Юқори босқич суди, зарурат туғилганда, Жинойт-процессуал кодексининг 541-542-моддаларида кўрсатилган тартибда, ҳукм, ажрим ва қарорнинг моҳиятига дахл қилмайдиган ва маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирамайдиган ҳолатда суд қарорларидаги шубҳа ва ноаниқликларни бартараф қилади.

Шунингдек, қонуний кучга кирган суд қарорларидаги амнистия ҳужжатини тadbиқ этишга оид ноаниқликлар Жинойт-процессуал кодексининг 541-моддаси асосида ҳукм, ажрим ва қарорнинг ижросига тааллуқли масалаларини ҳал этиш тартибида қўшимча ажрим ёки қарор чиқариш йўли билан ҳам ҳал қилиниши мумкин бўлиб, бунда протест билдирилиши талаб этилмайди.

Ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция суди жинойт кодексини нотўғри қўллагани ёхуд жинойтнинг оғирлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мувофиқ келмайдиган жазо белгилагани аниқланса, суд ишни янгитдан кўриб чиқишга юбормасдан, ЖПК нинг 494-моддаси талабларига риоя этган ҳолда ҳукмга зарур ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

⁷⁶ Ушш қарорда, 22-бет.

Юқори босқич суди шахнинг қилмишлари нотўғри квалификация қилинган деган тўхтамга келса, уни тегишли жиноят қонунига асосан қайта квалификация қилади. Қайта квалификация қилинган модда бўйича қилмиш учун жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса ёки амнистия ҳужжати асосида жиноят иши қўзғатилмаслиги тақозо этилса, Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси 1-қисмининг 1, 2-бандлари асосида иш тугатилади.

Айбдорни жиноий жавобгарликдан озод қилувчи амнистия ҳужжатига зид равишда ёки жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтганидан сўнг жиноят иши қўзғатилган ва юритилган тақдирда, маҳкум, гарчанд, жазони ўташдан озод қилинган бўлса, айблов ҳукми бекор қилиниб, иш тугатилади.

Юқори суд ҳукм ёки (ажрими) ни бекор қилган тақдирда жиноят ишини қўшимча терговга ёки бошқа судьяга ёхуд судьяларнинг бошқа таркиби янгитдан кўриши учун ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқарган судга ёхуд бошқа судга юборади.

Агар ЖПК нинг 83-84 моддасининг 1-4 қисми назарда тутилган асослар мавжуд бўлса ёки биринчи инстанция судида кўриб чиқилган далиллар шахсни айбдор деб топиш учун етарли бўлмаса ёки қўшимча далиллар тўплаш имконияти қолмаган бўлса, юқори суд айблов ҳукмини бекор қилади ва жиноят ишини тугатади (ЖПК нинг 493-моддаси).

Жиноят ишини апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширар экан, иш ҳолатларини тўла-тўқис текширилишини таъминлашга, жиноят ва жиноят процессуал қонунларини бузилишларини бартараф қилишга доир кўрсатмалари ишни янгитдан кўрадиган судлар ва тергов органлари учун мажбурийдир.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси айблов исботлангани ёки исботланмаганлиги, у ёки бу далилларнинг ишончли ёки ишончсизлиги, бир далилнинг иккинчи далилдан афзаллиги, жиноятнинг тавсифи ва жазо чораси ҳақида олдиндан хулоса чиқаришга ҳақли эмас ва бундай кўрсатмани бера олмайди.

Юқори инстанция судининг қарори ёки ажрими бир неча хил мазмунда ёзилади.

1) Ҳукм ўзгаришсиз қолдирилганлиги тўғрисида ажрим (қарор); 2) ҳукми бекор қилиб, жиноят ишини қўшимча

терговга ёки янгитдан судда кўриш учун юборилганлиги тўғрисидаги ажрим (қарор); 3) апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларининг хусусий ажрими; 4) жиноят ишени тугатиш тўғрисидаги ажрим (қарор).

Бу ажрим (қарорларда) қуйидагилар акс эттирилиши керак.

1) ажрим, қарор чиқарилган вақт ва жой; 2) ажрим, қарор чиқарилган суднинг номи ва таркиби, ишени кўришда қатнашган прокурор ва бошқа шахслар; 3) апелляция, кассация, шикоят ёки назорат тартибида протест келтирилган шахс; 4) шикоят ёки протест келтирилган ҳукмининг, ажрим (қарор) нинг қарор қисми мазмуни; 5) шикоятнинг, протестнинг уларга нисбатан билдирилган эътирозларнинг мазмуни, ишда иштирок этаётган шахсларнинг тушунтиришларини қисқача баёни ва прокурорнинг фикри; 6) шикоят, протест бўйича суднинг қарори.

Ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган ва шикоят ёки протест қаноатлантирилмаган тақдирда суднинг ажримида (қарорида) қандай сабабларга кўра келтирилган важдларнинг асоссиз ва аҳамиятсиз деб топилганлиги кўрсатилиши керак.

Агар ҳукм бекор қилиниб, жиноят ишени дастлабки терговга ёки судга янгитдан кўриш учун қайтарилса, қандай ҳолатлар аниқланиши тўғрисида кўрсатмалар, йўлланмалар берилиши лозим. Агар юқори суд хусусий ажрим чиқараётган бўлса дастлабки тергов ва суд муҳокамасида қандай хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги ва уларни бартараф қилиш имкониятлари баён қилинади.

Ажрим суднинг тўлиқ таркиби томонидан, суд раёсатининг қарори раислик қилувчи томонидан, Пленум қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раиси ва Пленум котиби томонидан имзоланади. Чиқарилган ажрим (қарор) раислик қилувчи ёки суд таркибидаги судья томонидан суд мажлиси залида дарҳол ўқиб эшиттирилади. (ЎЗР. 2002 й. 14 декабр қонуни).⁷⁷

Ажрим (қарор) қуйидаги тартибда ижро этиш учун юборилади. Ажрим (қарор) чиқарилгандан кейин узоғи билан беш кун муддат ичида жиноят ишени билан бирга ҳукм ёки апелляция ёки кассация ажрими чиқарган судга ёки бошқа судга юборилади. Агар жиноят ишени қўшимча тергов қайтарилган бўлса, айблов хулосасини қайси прокурор

⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 11-модда.


тасдиқланган бўлиб ўша прокурорга ижро этиш учун юборилади.

Агар жиноят иши тугатилиб маҳкум озод этилган бўлса, суд мажлисида иштирок этаётган маҳкум шу ернинг ўзида озод этилади. Агар маҳкум жазони ижро этиш муассаларида бўлса, ажрим (қарор) чиқарилган вақтдан эътиборан узоғи билан йигирма тўрт соат ичида унинг нусхаси ижро этиш учун шу муассанинг маъмуриятига юборилади. (ЎзР. 2000 й. 14 декабр қонуни).⁷⁸

24-схема


Хукм, ажрим ва қарорларни қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текшириш.

(ЖПК нинг 478-моддаси)




⁷⁸ Ўша қарорда.

Хукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари.
(ЖПК нинг 484-моддаси)



**Жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибда
кўрувчи судларнинг ваколатлари.**



Мавзу бўйича саволлар:

1. Ҳукмларнинг қонунийлиги, асослантилганлиги ва адолатлилигини текшириш турлари ҳақида нима биласиз?

2. Апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят билдириш ва протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган субъектларни санаб беринг.

3. Юқори инстанция судларида иш кўришнинг қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?

4. Ҳукм, ажрим ва қарорлари устидан шикоят бериш эркинлиги деганда нимани тушунасиз?

5. Юқори судда жиноят ишини кўриш чегараси қандай белгиланади?

6. Юқори инстанция судига тақдим этиладиган янги (қўшимча) материаллар жумласига нималар киради?

7. Жазони кучайтиришга ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўлланишга йўл қўймаслик деганда нимани тушунасиз?

8. Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартиришга нималар асос бўлади?

9. Ҳукмда баён қилинган суд хулосалари жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаслиги деганда нимани тушунасиз?

10. Қандай ҳолатлар жиноят процессуал қонун нормаларини жиддий бузиш деб ҳисобланади?

11. Жиноят кодекси нормаларини нотўғри қўлланиши деганда нимани тушунасиз?

12. Қачон ҳукм адолатсиз деб топилади?

13. Жиноят ишининг апелляция, кассация ва назорат тартибида курувчи судларнинг ваколатлари қандай?

XVI-БОБ. АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ

1-§. Апелляция тартибида иш юритиш тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти

Апелляция тартибида иш юритиш тартиби жиноят процессуал қонунчилигига Ўзбекистон Республикасининг 2000 й. 14 декабр қонуни билан 55' боб қилиб киритилган. Апелляция сўзи лотинча сўз бўлиб, ёрдам сўраш, мурожаат қилиш деган маънони англатади.

Апелляция суди апелляция тартибида берилган шикоят ёки протест асосида қонуний кучга кирмаган ҳукм ва ажримларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширади. Апелляция судининг асосий вазифаси ҳукм ва ажримларни қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлаш мақсадида қонунбузарликларни, жинойий ишдаги хато ва камчиликларни тез муддат ичида бартараф қилишдан иборат. Биринчи инстанция судининг суд муҳокамаси вақтида чиқарилган ажрими устидан апелляция тартиби шикоят бериш ёки протест келтириш, ҳукм устидан шундай ҳаракатларни содир этиш билан бир пайтнинг ўзида амалга оширилади.

Апелляция инстанцияси биринчи инстанция суди томонидан ва жиноят процессининг бундан олдинги босқичларида йўл қўйилган бузилишларни аниқлаш ва тузатишдан иборат аниқ вазифаларни ҳал қилади. Бу билан апелляция инстанцияси айна бир вақтда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоясини таъминлайди, тергов ва суд органларининг фаолиятида қонунчиликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, ноқонуний ҳукмларнинг ижро этилишини олдини олади, қонуннинг қуйи босқичидаги судлар томонидан тўғри ва бир хилда талқин қилинишига ва қўлланилишига қўмақлашади. Апелляция инстанцияси ҳал этадиган бундай вазифалар ишларнинг судларда кўриб чиқилиши олдида тўрган умумий вазифалардан келиб чиқади.

Апелляция тартибидаги шикоятнинг келтирилиши қонуний манфаатларни ҳукм билан боғлиқ бўлган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ҳуқуқий механизмни ишга туширади ва иккинчи инстанция суди зиммасига ҳукмнинг адолатлилигини белгилаш, шикоятдаги ҳар бир важга асосланган жавоб бериш, шикоят берган

шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш, шикоят билдирилган суд қарорининг қонуний ва асосли бўлишини таъминлаш вазифасини юклайди.

Нафақат апелляция протестининг, шу билан бирга апелляция шикоятининг келтирилиши ошкора ҳуқуқий аҳамиятга эга, чунки у фақат қонуний ва асосли ҳукмларнинг ижро қилинишига ёрдам берадики, бу одил судлов ва шахс манфаатлари учун зарурдир. Шуларнинг барчаси ишларнинг судларда кўриб чиқилишида апелляция тартибида ишларнинг юритилишининг моҳияти ва аҳамиятини белгилаб беради.

Суд апелляция тартибида иш юритганида нафақат ҳукми бекор қилиш ва ишни янгитдан тергов қилишга ёки янгитдан судда кўриб чиқиш учун юборишга, шу билан бирга ҳукми бевосита ўзгартириш, жинойт ишини тугатишга ҳам ҳақли бўлади. У суриштирув, дастлабки тергов органлари ва биринчи инстанция судида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этишга хизмат қиладиган мажбурий кўрсатмаларни беради.

2-§. Ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Ҳукм устидан апелляция тартибида маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, жабрланувчи, унинг вакили шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринбосари протест келтиришга ҳақли.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога оид қисми устидан шикоят берадилар. Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят қилишлари мумкин. (ЖПК нинг 497²-моддаси). Юқорида санаб ўтилган иштирокчилар суд ажримлари устидан ҳам апелляция тартибида шикоят қилишга ҳақлидирлар. Маҳкум, унинг қонуний вакили, ҳимоячиси, маҳкум манфаатларини кўзлаб ҳукм устидан шикоят билдириши мумкин. Бунда апелляция шикоятларининг асослари бир-бирига тўғри келмаслиги мумкин. Масалан, ҳимоячи-ҳуқуқнинг мустақил субъекти. У ўз ташаббусига кўра апелляция шикоятини бериши мумкин.

Маҳқум унинг шикоятини қайтариб олиши мумкин эмас, лекин у ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир, бу ишнинг апелляция тартибида юритилишининг тўхтатилишига сабаб бўлади (бошқа апелляция шикоятлари ёки прокурор протести бўлмаганида). Агар судланувчининг ҳимоячидан воз кечиши суд учун ҳимоячини иштирок этиши шарт ҳисобланган ишлар бўйича бўлса, иккинчи инстанция суди айбланувчининг ҳимоячидан воз кечишини рад қилса, бунда ҳеч қандай оқибат юзага келмайди. Агар ҳимоячи ҳукм устидан шикоят билдириш учун асосларни кўрмаса-да, у ҳукм устидан шикоят билдириш керак деб ҳисоблайдиган маҳқум, оқланган шахс номидан апелляция шикоятини билдириши лозим.

Ишни апелляция инстанция судида текшириш вақтига келиб 18 ёшга тўлган вояга етмаган маҳқум ёки жабрланувчининг ишда қатнашишига рухсат қилинган қонуний вакилининг шикояти апелляция тартибида кўриб чиқилади. Маҳқум, жабрланувчининг яқин қариндоши, эри ёки хотинининг шикояти фақат бундай шахслар маҳқумнинг қонуний вакили-жабрланувчининг вакили сифатида ишда қатнашишга рухсат қилинган ҳолларда апелляция шикояти беришга ҳақлилар. Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳукмнинг даъвога оид қисми устидан норози бўлган тақдирларида апелляция тартибида шикоят қилишлари ёки фуқаролик ишларини юргизиш тартибида иш қўзғатишлари мумкин.

Оқланган шахс оқлаш асослари (масалан, у жиноят таркиби эмас, балки жиноят ҳодисасининг йўқлиги учун оқланиши керак деб ҳисоблаганида) ва оқлаш сабаблари (ҳукмдан унинг айбсизлигини шубҳа остига қўядиган ҳар қандай иборани чиқариб ташлашни талаб қилиб) устидан шикоят билдиришга ҳақли. Оқланган шахс оқлов ҳукмида мавжуд бўлган бошқа қарорлар (масалан, ашъвий далиллар тўғрисидаги) устидан ҳам шикоят билдириши мумкин. Оқланган шахснинг ҳимоячиси, унинг қонуний вакили унинг фойдасини кўзлаб апелляция шикояти келтириши мумкин.

Прокурор ҳукм кимнинг (маҳқумнинг ёки оқланган шахснинг ва ҳоказо) манфаатларини бузилишидан қатъий назар ҳар бир ноқонуний ва асоссиз ҳукм устидан апелляция тартибида протест келтириши шарт. Прокурор ҳукмлар устидан протест келтиришида объектив бўлиши керак (у

ҳукм ҳаддан ташқари енгил ва ҳаддан ташқари оғир бўлганида ҳам бирдек протест келтириши шарт).

Прокурор ёки унинг ўринбосари ишнинг судда кўриб чиқилишида қатнашган ёки қатнашмаганлигидан қатъи назар; прокурор ёрдамчилари, бошқарма ва бўлим прокурорлари фақат ўзлари ишнинг судда кўриб чиқилишида қатнашган иш бўйича протест келтиришлари мумкин.

-агар шикоят, протест мазкур субъектнинг (жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг) манфаатларига тегишли бўлса, апелляция шикояти ёки апелляция протестининг келтирилганлиги ҳақида билиши керак, маҳкум, оқланган шахс эса-барча ҳолларда билиши лозим;

Ишнинг юритилиши қуйидаги тартибда амалга оширилади:

-келиб тушган апелляция шикояти ёки апелляция протести билан танишиш;

-уларга ўз эътирозларини бериш;

-ишнинг иккинчи инстанция судида кўриб чиқилгунига қадар қўшимча апелляция шикоятини бериш, шунингдек, қўшимча апелляция протестига ёзма эътирозларни келтириш;

-апелляция муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилганида ҳукм чиқарган судга бундай муддатни қайта тиклаш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш, шунингдек, судьянинг бундай илтимосни қондиришни рад қилиш ҳақидаги қарори устидан иккинчи инстанция судига шикоят билдириш;

-апелляция инстанциясига янги материалларни тақдим этиш, иккинчи инстанция судидан уларни талаб қилиб олишни илтимос қилиш (ЖПК нинг 481-моддаси) ҳуқуқига эгадирлар.

Апелляция шикоятини берган шахслар иккинчи инстанция судида иш кўриб чиқиладиган кун тўғрисида билишга ҳақлидир, агар иш Республика Олий судида кўриб чиқилаётган бўлса ҳам улар бундан хабардор қилиниши ҳақидаги илтимослари мавжуд бўлганида, иш кўриб чиқиладиган кун тўғрисида билишга ҳақлидирлар. Улар иккинчи инстанция суди мажлисида қатнашиш, тушунтиришлар бериш, чақириб олишларни баён қилиш,

илтимосномалар беришга ҳақли. Маҳкум, оқланган шахс уларнинг илтимосига биноан апелляция протести, жабрланувчининг шикоятни нусхасини олишга ҳақлидир (ЖПК нинг 479-моддаси).

Бундай ҳуқуқларнинг барчаси ҳукм устидан шикоят билдириш йўли билан ҳимоя қилишни реал таъминлайди. Ҳукм чиқарган суд айтиб ўтилган ҳуқуқларни таъминлашга маъсул. Агар шундай қилинмаган бўлса, унда апелляция инстанциясини суди ЖПК нинг 479-моддасида кўрсатилган ҳуқуқларни таъминлаш чораларини кўриши керак, чунки буни иш билан шикоят ёки протестни ҳукм чиқарган судга юбормасдан ҳам бажариш мумкин бўлади. Агар буни бажариб бўлмайдиган бўлса, унда иш кўрган судга шикоятчи (прокурор) ҳуқуқларининг йўл қўйилган бузилишларини бартараф этиш учун қайтарилиши лозим.

3-§. Ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришни тартиби ва муддатлари

Жиноят процессида ҳукмлар устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришнинг процессуал тартиби белгиланган. Бу тартибга риоя қилинган ҳолдагина ҳукмларни апелляция тартибида кўриб чиқиш учун юқори судларда ваколат ҳамда мажбурият, шикоят берган ёки протест билдирган субъектларда кафолат вужудга келади.

Апелляция шикоятига қуйидаги талаблар қўйилади: у апелляция тартибида шикоят билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан қонунда белгиланган юқори босқичдаги судга, ҳукмни чиқарган судга ёки бевосита иккинчи инстанция судига қонунда белгиланган муддатда берилиши керак. Ана шундай талабларга мувофиқ берилган апелляция шикояти (апелляция протести каби) апелляция инстанцияси суди зиммасига ишни кўриб чиқиш вазифасини юклайди.

Бунда суд апелляция шикояти, протестидаги ҳар бир сабабни ҳисобга олиши, таҳлил қилиши шарт. Апелляция шикояти (ва апелляция протести) нинг келтирилиши ҳукмнинг барча қисмлари бўйича ижро қилинишини тўхтатиб туради. Бу қонундаги ҳар бир ҳукмни тўлиқ ҳажмда тафтишчилик тартибида (ревизион) текширишга доир талаби билан боғлиқ бўлиб, у ҳукмнинг шикоят билдирилмаган (ёки

протет келтирилмаган) қисмининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Хукмнинг шикоят билдирилмаган қисмининг қонуний кучга кириши иккинчи инстанция судини хукмнинг ушбу қисмини текшириш ҳуқуқидан маҳрум қилган (чунки фақат қонуний кучга кирмаган хукмлар апелляция тартибида текширилади), иккинчи инстанция судининг қарори учун ниҳоятда муҳим бўлган апелляция текширувининг тафтишчилик тусини йўқотган Булар эди.

Апелляция протести-бу прокурорнинг қонуний кучга кирмаган хукмнинг текширилиши тўғрисидаги иккинчи инстанция судига бериладиган асосланган илтимосномаси бўлиб, унда хукмнинг ноқонуний, асоссиз ва адолатсизлигини тасдиқлайдиган важлар кўрсатилади, бу эса суднинг (прокурорнинг фикрича) ушбу жиноий ишнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлайди ва шундай қарорнинг қабул қилинишига кўмаклашади.

Апелляция протести хукмнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигига шубҳа уйғотадиган ҳар бир ҳолда келтирилиши шарт. Унда прокурор аниқлаган қонун бузилишлари (ҳатто улардан биттаси хукмнинг бекор қилиниши, ўзгартирилиши учун етарли бўладиган бўлса ҳам) жиноят судлов ишларини юритиш вазифасини бажарилишига муҳим хисса бўлади.

Хукмлар устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришнинг процессуал тартиби қуйидагича:

1) жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирмаган хукмлари устидан-Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига;

2) округ ва ҳудудий ҳарбий судларининг қонуний кучга кирмаган хукмлари устидан-Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг хукмлари устидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг хукмлари устидан берилган апелляция шикоятлари ва протестлари айна шу судларнинг ўзи томонидан кўриб чиқилади.

Апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади. Шикоят ёки протест бевосита апелляция инстанцияси судига топширилган бўлса, суд ушбу Кодекс 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариш учун уларни ҳукм чиқарган судга юборади.

Апелляция шикояти ва протестида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) шикоят, протест йўлланилаётган суднинг номи;
- 2) шикоят берган шахс, унинг процессуал мавқеи, яшаш жойи ёки туриш манзили тўғрисидаги маълумотлар;
- 3) ҳукм чиқарган суднинг номи, ҳукм чиқарилган сана, шикоят берилаётган ва протест билдирилаётган ҳукм кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс тўғрисидаги маълумотлар;
- 4) шикоят, протест берган шахснинг вазвлари, унинг фикрига кўра ҳукм ёки бошқа қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги ҳамда илтимосининг моҳияти;
- 5) аризачи ўз талабларини асослаётган ва апелляция инстанцияси суди томонидан текширилиши лозим бўлган далиллар, шу жумладан илгари биринчи инстанция судида текширилмаган далиллар;
- 6) шикоятга, протестга илова қилинаётган материаллар рўйхати;
- 7) шикоят, протест берилган сана ҳамда шикоят, протест берувчи шахснинг имзоси.

Ҳукм устидан шикоят берган ёки протест билдирган шахс ўз шикояти ёки протестини қайтариб олишга ҳақлидир. Протестни қайтариб олиш ҳуқуқига юқори турувчи прокурор ҳам эга. Маҳкум ўз ҳимоячисининг шикоятини қайтариб олишга ҳақлидир. Иш бўйича биринчи инстанция судининг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда Жиноят-процессуал Кодекснинг 497²-моддасида назарда тутилган шахслар томонидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест билдирилиши мумкин.

Ҳукм чиқариш билан яқунланган суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ажрим устидан шикоят берилган ёхуд протест билдирилган тақдирда, ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш учун белгиланган муддат тугагандан кейингина иш апелляция инстанцияси судига юборилади.

Суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ва далилларни текшириш тартибига, процесс иштирокчиларининг илтимосномаларига, эҳтиёт чорасини танлаш, уни ўзгартириш ёки бекор қилишга, шунингдек суд мажлиси залида тартиб сақлашга оид ажримлар устидан ЖПК нинг 497⁹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда шикоятлар бериш ва протестлар билдириш мумкин эмас. Буларга қарши эътирозлар апелляция шикояти ёхуд апелляция протестига киритилиши мумкин.

Ушбу иш бўйича тараф ҳисобланмаган шахслар ҳам суд ажрими устидан, башарти ажрим уларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, шикоят беришга ҳақлидир. Биринчи инстанция судининг ҳукми устидан апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида берилиши мумкин.

Ҳукм устидан шикоят бериш учун белгиланган муддат ичида иш суддан талаб қилиб олинishi мумкин эмас. Тарафлар шу вақт мобайнида иш билан суд биносида танишишга ҳақлидирлар.

Белгиланган муддатдан кейин берилган шикоят ва протест оқибатсиз қолдирилади, бу ҳақда уларни берган шахслар хабардор қилинади. Ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда апелляция шикояти ёки протестини билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни тиклашни сўраб, илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкин. Зарур ҳолларда бу масала илтимоснома берган шахснинг иштирокида ҳал қилинади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклашнинг рад этилганлиги устидан юқори суд шикоят бериш ёки протест бўйича кўриб чиқишга ҳақлидир. Бунда ЖПК нинг 479-моддасини иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талаблар бажарилиши лозим. Апелляция шикоятининг берилиши ёки апелляция протестининг билдирилиши ҳукмни кучга киришини тўхтатиб туради.

Ҳукм устидан шикоят бериш ва протест билдириш учун белгиланган муддат тугагач, ҳукм чиқарган суд ушбу Кодекс 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида

назарда тутилган талабларни бажариб, ишни шикоятлар, протестлар ҳамда қўшимча матираллар билан бирга ўн кундан кечиктирмай апелляция инстанцияси судига юборади.

Бу муддат алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпи билан йигирма кунга узайтирилиши мумкин.

4-§. Апелляция инстанциясида иш юритиш тартиби

Юқорида айтиб ўтканимиздек жиноят ишини биринчи инстанция тариқасида кўрган суд жиноят ишини, тўпланган янги материалларни шикоят ёки протест билан қўшиб, апелляция инстанцияси судига юборади. Иш келиб тушган кундан бошлаб апелляция судида иш кўриш муддати бошланади.

Вилоят, Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича суд хайъати ўн беш суткада, иш ўта мураккаб бўлган тақдирда ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли суд раиси бу муддатни кўпи билан ўн беш суткага узайтиради. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят судлов хайъати бир ойдан кечиктирмай ишни кўришга киришиши керак. Алоҳида ҳолларда Республика Олий судининг раиси ёки унинг ўринбосари бу муддатни бир ойга узайтириши мумкин.

Ишни кўриш муддати узайтирилганлиги тўғрисида шикоят берган шахсларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 480-моддасининг 1-қисмида белгиланган ишда иштирак этиши керак бўлган прокурорга хабар қилиниши шарт. Акс ҳолда талаб бузилганлиги учун чиқарилган апелляция ҳужжати бекор қилиниши мумкин.

Ишнинг апелляция тартибида кўриб чиқилиши жиноят процесси принципларига мувофиқ, шу жумладан-фуқароларнинг қонун ва суд олдидаги тенглиги, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi, ошкоралик, иш ҳолатларининг ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона тарзда тадқиқ қилиниши, айбисизлик презумпцияси, маҳкумнинг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланишига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Апелляция инстанция суди мажлисининг куни ва жойини биринчи инстанция судининг раиси белгилайди ва бу ҳақда маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили,

жабрланувчи, унинг вакили, судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарни хабардор қилади. Суд вазиятга кўра гувоҳ, эксперт ва мутахассисларни суд мажлисига таклиф қилиши ёки қилмаслиги мумкин.

Иш кўриладиган жой ва куни ҳақида хабардор қилинган шахсларнинг суд мажлисига келмаслиги ишни кўриш ва қарор чиқаришга монелик қилмайди. Апелляция судининг мажлиси беш қисмдан иборат бўлади: 1) суд мажлисининг тайёгарлик қисми; 2) суд тергови; 3) суд музокараси; 4) судланувчининг охириги сўзи; 5) апелляция ажримини чиқариш.

Апелляция суди мажлиси қатъий бир тартиб ёки қоида асосида ўтказилмайди. Айрим вақтларда биринчи инстанция суд мажлисининг қоидалари жорий қилинади. Айрим ҳолларда маҳкум судда иштирок этмаётган бўлиши мумкин, бундай ҳолда табиийки, унга охириги сўз берилмайди. Маълумки, апелляция суди учта судьядан иборат бўлган таркибда иш кўради. Судьялардан бири мажлисга раислик қилади. Мажлисда прокурорнинг иштирок этиши шарт, шикоят берган иштирокчилар бир тарафни ташкил этади.

Апелляция суди мажлисининг тайёгарлик қисми. Мажлиснинг бошланишидан раислик қилувчи қандай иш кўрилишини эълон қилади, тарафларнинг келган-келмаганлигини аниқлайди. Суд таркибини, прокурор ва суд котибини, агар ишда таржимон ёки ҳимоячи иштирок этаётган бўлса, уларни таништиради ва иштирокчиларга рад қилиш ҳақида арзлари бор ёки йўқлигини аниқлайди. Шундан сўнг процесс иштирокчиларига қонунда белгиланган ҳақ-ҳуқуқларини тушунтиради, қандай илтимослар борлиги аниқланади. Агар илтимослар бўлса, суд ҳайъати ўтирган жойида ажрим чиқаради. Шундан сўнг суд тергови бошланади.

Суд тергови судьялардан бирининг иш бўйича маърузаси билан бошланади. Ишни атрофлича ўрганиб чиққан судья ишнинг моҳияти, мазмуни, берилган шикоят ва билдирилган протестнинг мазмуни ҳамда келтирилган вазлар, уларга қарши билдирилган эътирозлар нимагадан иборатлигини баён қилади. Судга тақдим қилинган ёки суд талаб қилиб олган янги материаллар билан тарафларни таништиради.

Мажлисга раислик қилувчи биринчи бўлиб апелляция шикоятчи ёки апелляция протести берган шахсга сўз беради. Улар ўз шикоятлари ёки протестда ҳукмга нисбатан билдирган талаб ва эътирозларини баён қиладилар ҳамда асослаб берадилар. Шундан сўнг апелляция шикоятчи ёки апелляция протести кимга нисбатан берилган бўлса, ўша шахслар, уларнинг ҳимоячисига ҳамда қонуний вакилига сўз берилади. Булардан кейин прокурор сўзга чиқади. Агар берилган апелляция шикоятлари ичида апелляция протести бўлса, сўз биринчи навбатда прокурорга берилади.

Суд тарафларнинг сўзларини эшитиб бўлгандан кейин асосий мақсадга, яъни ҳукмнинг қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текширишга ўтади. Бунинг учун далилларни қай тариқа текшириш ва уни хажмини белгилаш тўғрисида, суд мажлисига судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ ва экспертларни чақириш, ишни ҳолатига қараб зарурият бўлса, бошқа шахсларни ҳам таклиф қилиш тўғрисида, судланувчига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини ўзгартириш, бекор қилиш ёки сақлаб қолиш тўғрисида бир тўхтамга келади ва бу ҳақда қарор қабул қилади.

Далилларни текшириш тартиби тарафларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда белгиланади. Суд мажлисида судланувчи, гувоҳлар, жабрланувчи ва бошқа иштирокчилар сўроқ қилинади, ёзма далиллар, ҳужжатлар, баённомалар ва бошқа материаллар ўқиб эшиттирилади. Тарафлар янги гувоҳларни чақириш, экспертиза ўтказиш биринчи инстанция суди томонидан рад этилган ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўриб чиқиш тўғрисида илтимослар қилиши мумкин.

Бунинг учун илтимос қилувчи тараф қўшимча далиллар айнан қайси ҳолатларни аниқлаш учун зарурлигини тушунтириб бериши шарт. Суд ҳар бир илтимосни муҳокама қилиб, бошқа тарафни фикрини ҳам тинглайди. Агар қилинган илтимос иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашга қаратилган бўлса, уни қаноатлантиради. Агар зарур деб ҳисобламаса, қаноатлантиришни рад этади. Апелляция суди илтимос биринчи инстанция суди томонидан қаноатлантирилмаган деган асосда илтимосни рад қилишга ҳақли эмас.

Далилларни текшириш тугагач, судья тарафлардан суд терговига қўшимча қилиш тўғрисида илтимослари бор ёки йўқлигини сўрайди. Агар илтимослар бўлса, суд уни ҳам кўриб чиқади. Шундан сўнг суд тергови яқунланганлиги ва суд музокараси бошланганлиги эълон қилинади.

Бунда биринчи бўлиб шикоят берган шахс ёки протест билдирган прокурор сўзга чиқади. Музокаранинг бир тарафида жабрланувчи (вакил, қонуний вакил) фуқаровий даъвогар, прокурор иштирок этса, иккинчи тарафдан судланувчи, ҳимоячи, қонуний вакил, фуқаровий жавобгар иштирок этиши мумкин. Тарафлар суд музокарасида ҳукми қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текширишга доир фикр мулоҳазаларини билдиришга, илтимослар қилишга, берилган шикоят, келтирилган протестлар юзасидан баёнотлар беришга ҳақлидирлар.

Суд музокараси тамом бўлганидан кейин, агар суд мажлисида судланувчи иштирок этаётган бўлса, судья унга охириги сўз беради. Шундан сўнг суд ҳайъати апелляция ажримини чиқариш учун масалаҳатхонага киради.

5-§. Апелляция инстанция судининг ваколатлари

Апелляция суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради. Ажрим кўпчилик овоз билан қабул қилиниб, барча судьялар томонидан имзоланиши керак. Алоҳида фикрда бўлган судья фикрларини ёзма тарзда ифодалайди. Лекин бу уни ажримга имзо чекиш мажбуриятидан озод этмайди.

Апелляция суди қуйидаги мазмундаги ажримларни қабул қилади. (ЖПК нинг 497¹³-моддаси).

Суд ишни апелляция тартибида кўриб, ўзининг ажрими билан:

- 1) биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантirmасдан қолдиришга;
- 2) биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилиш ва оқлов ҳукми чиқаришга;
- 3) биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилиш ва ишни тугатишга;
- 4) биринчи инстанция суди ҳукмини ўзгартиришга;
- 5) биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилиш ва ЖПК нинг 419-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган

асослар бўйича ишни қўшимча тергов юритиш учун юборишга;

б) биринчи инстанция судининг ҳукмини ёки ажримини бекор қилиш ва ишни янгитдан судда кўриш учун юборишга ҳақли.

Агар биринчи инстанция суди иш юзасидан камчиликларга ёки суд терговини бир томонлама олиб боришга ёхуд жиддий бўлмаган процессуал қоидабузарликларга йўл қўйган бўлса, апелляция инстанцияси ишни биринчи инстанция судига янгитдан судда кўришга юбормай, камчиликларни тўлдириш, процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш чораларини кўради ҳамда кўриб чиқиш натижаларини инобатга олган ҳолда ҳукмга ўзгартириш киритади.

Апелляция инстанцияси суди қарориди қандай асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳукми тўғри деб, шикоят ёки протестнинг важлари эса асоссиз деб топилганлиги, биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилишга ёки уни ўзгартиришга нималар асос бўлганлиги кўрсатилиши керак. Апелляция инстанцияси қарор қабул қилаётганда биринчи инстанция суди томонидан текшириб кўрилган ва ишончли деб топилган далилларга апелляция шикоятлари, протестларини кўриб чиқишда текширилган янги далилларни қўшган ҳолда таянишга ҳақлидир.

Қарор ушбу Кодекснинг 473-моддаси қоидалари асосида эълон қилинади. Апелляция судининг ваколатлари Жиноят-процессуал кодексининг 497¹³-моддасида аниқ белгиланган бўлиб, қуйидаги мазмундаги ажримларда ўз ифодасини топади:

-агар апелляция суди биринчи инстанция суди жиноят қонуни нормаларини нотўғри қўллаган;

-Жиноят-процессуал қонуни талаблари қўпол равишда бузилган;

-жиноятнинг оғирлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мавофиқ келмайдиган жазо белгиланган;

-дастлабки тергов ёки суд тергови бир томонлама олиб борилган деган хулосаларга келса, ишни дастлабки терговга ёки суд мажлисига қайтаради;

Агар апелляция суди биринчи инстанция суди иш юзасидан жиддий бўлмаган процессуал қоидабузарликларга ёки суд терговини олиб боришда айрим камчиликларга йўл

қўйган деган хулосаларга келса, ишни биринчи инстанция судига янгитдан кўриш учун юбормай, камчиликларни тўлдириб, бузилган қоидабузарликларни бартараф этиб, ҳукмга ўзгартиришлар киритади.

Апелляция суди ўз ажримда қандай асосларга кўра шикоят ва протестда келтирилган вазжлар асоссиз деб топилиб, ҳукм ўзгаришсиз қолдирилганлиги ёки қандай асосларга кўра ҳукм бекор қилинганлиги ёки ўзгартирилганлигини кўрсатиши шарт.

Айрим ҳолларда баъзи маҳкумлар ўз вақтида шикоят берган ёки прокурор протест келтирганлигига қарамай бошқа маҳкумлар берган шикоят апелляция судида кўриб чиқилгандан кейин келиб тушиши мумкин. Бундай ҳолда апелляция суди муддатни тикласа, апелляция шикояти ёки протестни кўриб чиқади. Агар олдин чиқарилган апелляция ажрими кейинги ажримга зид келса, ҳар иккала ажрим назорат тартибида протест келтириши учун шундай ваколатга эга бўлган суд раисига юборилади.

Апелляция ажрими чиқарилаётганда биринчи инстанция суди томонидан текширилган далилларга ҳамда апелляция суди томонидан текширилган янги далилларга таянган ҳолда бир қарорга келинади. Апелляция ажрими суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг шу жумладан суд ҳайъати ҳам тик турган ҳолда судьяларнинг бири томонидан эълон қилинади. Агар судланувчи тилни билмаса суд ажрими таржимон томонидан она тилига таржима қилиб берилади.


Апелляция ажрими эълон қилиниши билан кучга киради. Апелляция мажлисидаги барча ҳолатлар суд котиби томонидан баённомада қайд қилинади. Биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган суд ажримларига келтирилган хусусий шикоят ёки хусусий протест ҳукм устидан берилган шикоят ва протест билан бирга суд залида ёки масалахатхонада кўриб чиқилади.

Агар иш бўйича фақат хусусий шикоят ёки хусусий протест келтирилган бўлса, шикоят бериш ёки протест билдириш муддати тугаши билан биринчи инстанция суди уни апелляция судига юборади. Апелляция суди хусусий шикоят ёки хусусий протест келтирилган шахсни иштирокида ёки улар томонидан келиши сўралган ёки суд лозим топган шахсларни иштирокида хусусий шикоят ёки хусусий протестни кўриб чиқиб, ажрим чиқаради. Хусусий


шикоят ёки протест бўйича чиқарилган суд ажрими қатъий ҳисобланади. Кечикиб келган хусусий шикоят ёки хусусий протест ҳам юқорида айтиб ўтилган тартибда хал қилинади.

27-схема


Ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар.
(ЖПК 497²-модда)



Ҳукмлар устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш тартиби.
(ЖПК 497³-модда)



Апелляция инстанциясида иш юритиш тартиби.
(ЖПК 497¹¹-модда)



Мавзу бўйича саволлар:

1. Апелляция инстанцияси суди Ўзбекистон Республикасида қачон жорий этилган?
2. Апелляция инстанция судининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Ҳукм устидан қай тартибда шикоят ва протест келтирилади?
4. Ҳукм устидан шикоят ва протест билдириш қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келади?
5. Апелляция тартибида иш кўриш тартибини баён қилинг?
6. Апелляция судининг қандай ваколатлари бор?
7. Апелляция инстанциясида ишни қўшимча кўриш деганда нимани тушунасиз?

ХVII-БОБ. КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ

1-§. Кассация тартибида иш юритиш тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти

Кассация французча “casser”-сўзидан олинган бўлиб, синдириш, бекор қилиш деган маънони беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабр Қонунига кўра кассация инстанциясининг тушунчасига ўзгартириш киритилди. Бунга кўра, маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест келтиришга ҳақли бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 498-моддасининг мазмунида апелляция тартибида кўрилган ишлар кассация тартибида кўрилмаслиги келиб чиқсада, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида” ги 2001 йил 1 июн Қарорининг 7-бандига кўра “муайян шахсга нисбатан ва айни бир асос бўйича апелляция тартибида кўрилган ишларгина кассация тартибида кўрилмайди”.⁷⁹

Кассация тартибида қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарорнинг маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, жабрланувчи ва унинг вакили ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар, ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан судда оқланган шахс унинг ҳимоячиси, қонуний вакили шикоят беришга ҳақлидир. Жиноят-процессуал кодексининг 511-моддасида кўрсатилган шахслар эса қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим (қарор) устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида протест келтиришга ҳақли бўладилар. Буларга қуйидагилар кирди:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси-барча инстанция судларининг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг

⁷⁹ Ўз. Р. Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2001 й. 1 июндаги қарори.

ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари-Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларидан ташқари, ҳар қандай суднинг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан;

2) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар-жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг ҳукмлари ва ажримлари устидан; ишни Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судлов ҳайъатларининг ажримлари устидан, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция бўйича кўрилган ишлари бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно;

3) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори-округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳукмлари ва ажримлари устидан, ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ажримлари устидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно.

Кассация инстанцияси биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) ининг қонунийлиги, асослантилганлиги ва адолатлилигини иш кўрган судга шикоят ёки протест келиб тушгандан кейин тўпланган қўшимча материаллар, жиноят иши, апелляция инстанциясига келтирилган важлар асосида текширади.

Кассация инстанциясида иш юритишнинг асосий мақсади қонуний кучга кирган ҳукмга кўра жиноят иши натижасидан манфаатдор бўлган, апелляция тартибида иш кўрилмаган иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 484-моддасида белгиланган ҳукмларни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларини бартараф этиш, ижрога қаратилган қонунсиз, асослантилмаган, адолатсиз

ҳукмларни ижросини тўхтатиш ҳамда ҳақиқатни қарор топтиришдан иборат.

Кассация инстанциясининг ўзига хос хусусиятлари шикоят бериш эркинлигининг мавжудлиги, ишларни тафтиш асосида кўрилиши, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминланиши, маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган томонга ўтилмаслиги, энг муҳими ҳукм, ажрим (қарор) қонуний кучга киргандан кейин ҳам бир йил давомида шикоят бериш ва протест келтириш имкониятларининг берилишидир.

2-§. Кассация тартибида ҳукм устидан шикоят бериш ва протест келтириш тартиби

Кассация шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади. Шикоят ёки протест бевосита кассация инстанциясининг ўзига ҳам берилиши мумкин. Шикоят ёки протест кассация инстанцияси судга топширилган бўлса, суд уларни ҳукм чиқарган судга қўйидаги талабларни бажариш учун юборади. Яъни ҳукм чиқарган суд шикоят ёки протест тушганлиги тўғрисида шикоят ва протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, ана шу процесс иштирокчиларига маълум қилиши керак ва айни вақтда мазкур ҳужжатларнинг нусхасини маҳкумга, жабрланувчи ва оқланган шахсга жўнатади. Кўрсатилган шахслар иш билан, шу жумладан қўшимча тақдим этилган материаллар билан тинишишга ҳамда судга ўз эътирозларини билдиришга ҳақлидирлар.

Кассация шикояти берган шахс, шунингдек, берилган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, ана шу процесс иштирокчилари суд томонидан ишнинг кўрилиш ва жойи ҳақида хабардор қилинади.

Маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари ишни кассация инстанциясида кўриш чоғида иштирок этишга ҳақлидир. Жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкум бундан мустасно. Жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкумнинг кассация инстанциясининг суди мажлисида иштирок этиши, шунингдек уни суд мажлисига олиб келиш зарурлиги масаласини суд ҳал қилади. Иш кўриладиган жой ва вақт

ҳақида ўз вақтида огоҳлантирилган мазкур шахсларнинг узрсиз сабабларга кўра келмаганликлари ишни кўришга монелик қилмайди. Лекин суд маҳкумни, оқланган шахсни, шунингдек жабрланувчини, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни ва уларнинг вакилларини тушунтириш бериш учун чақириши мумкин.

Қонуний кучга кирган ҳукмлар, шикоят ва протестлар асосида қуйидаги судларда кассация тартибида кўриб чиқилади:

1) жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан-Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари;

2) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан-шу судларнинг судлов ҳайъатлари;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий суднинг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан-шу суднинг судлов ҳайъати;

4) округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан эса шу суднинг судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

3-§. Кассация инстанция судининг ваколатлари ва муддатлари

Кассация инстанция суди қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текширади. Кассация инстанция суди Жиноят-процессуал кодексининг 482-моддаси талабларига кўра ишда мавжуд бўлган ёки тақдим этилган, шунингдек талаб қилиб олинган материаллар ва келтирилган важларга асосан қисман суд терговини ўтказиб, қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарорларни қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текширади. Кассация инстанция суди шикоят ёки протестда баён этилган важлар билан чегараланмасдан, ишни барча маҳкум (оқланган шахс) ларга, шу жумладан, шикоят бермаган ҳамда

устидан шикоят ёки протест билдирилмаганларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширишга мажбур.

Бунда, куйи босқич суди томонидан йўл қўйилган моддий ва процессуал қонун бузилишлари, бу ҳақда шикоят ёки протестда кўрсатилган-кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, бартараф қилиниши шарт. Кассация инстанция суди суднинг ҳукми ёки ажримини (қарорини) ўзгартиради ёки ўзгартиришсиз қолдиради ёки ҳукм, ажрим (қарорни) бекор қилиб, ишни қўшимча терговга ёки янгитдан судда кўриш учун қайтаради; шунингдек, жиноят ишини тугатади.

Кассация инстанция судига ҳукм, ажрим (қарор) қонуний кучга киргандан кейин бир йил давомида Жиноят-процессуал кодексининг 498 ва 511-моддасида белгиланган субъектлар шикоят беришлари ва протест келтиришлари мумкин. Шикоят ва протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ва маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек, суднинг оқлов ҳукмини ёки ишни тугатиш тўғрисидаги ажримни улар кучга кирганидан кейин кассация тартибида фақат бир йил давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Ҳукм, ажрим ва қарор қонуний кучга кирганидан кейин ҳукм чиқарган суд бир ойлик муддат ичида жиноят ишини шикоят, протест, унга билдирилган эътирозлар, тақдим этилган қўшимча материаллар билан кассация инстанция судига юборади. Бу муддат алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпи билан йигирма кунга узайтирилиши мумкин. Ҳукм устидан шикоят берган шахс ўз шикоятини, протест берган шахс ёки юқори турувчи прокурор протестни, маҳкум ўз ҳимоячисининг шикоятини қайтариб олишга ҳақли бўлади.

4-§. Кассация инстанция судида жиноят ишини кўриш тартиби

Кассация инстанция судида иш кўриш бир неча қисмдан иборат бўлади. Яъни,

1) Кассация инстанция судида иш кўриш учун тайёргарлик,

2) қисман суд терговини ўтқозиш,

- 3) суд музокараси,
- 4) судланувчининг охирги сўзи,
- 5) суд қарорини чиқариш учун масалахатхонага кириш.

Кассация инстанция судига тайёргарлик кўриш икки қисмдан иборат бўлади:

а) кассация инстанция суди бошлангунга қадар тайёргарлик кўриш,

б) кассация инстанция суди мажлисида тайёргарлик ишларини олиб бориш.

Кассация инстанция суди бошлангунга қадар тайёргарлик кўришда ҳукм чиқарган биринчи инстанция судининг раиси кассация шикоятни ёки протести кўриладиган кун ва жойини белгилайди бу ҳақда маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, жабрланувчи, унинг вакили, жабрланувчи, унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳамда протест келтирган прокурорга хабар қилади.

Кассация инстанцияси суди, суд мажлисига гувоҳ, экспертлар ва мутахассис жалб қилиниши лозим деб топса, улар таклиф қилинади. Иш кўриладиган жой ва вақт ҳақида огоҳлантирилган мазкур шахсларнинг узрсиз сабаблар билан суд мажлисига келмаслиги ишни кўришга монелик қилмайди. Лекин суд маҳкумни, оқланган шахсни, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари тушунтириш бериш учун чақириш лозим деб топса, уларни келтириш чоралари кўрилади.

Кассация инстанция судида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 480 моддасида белгиланганидек, протест келтирган прокурор ёки прокурор иштирок этиши шарт. Кассация суди мажлисида тайёргарлик ишлари қўйидаги тартибда амалга оширилади, яъни раислик қилувчи суд мажлисини очиб, қандай иш кўрилишини эълон қилади ва суд мажлисига кимлар келганлигини аниқлайди ва суд ишни кўришга киришиши мумкин ёки мумкин эмаслигини хал қилади. Раислик қилувчи суд таркибини, прокурор, суд котибини эълон қилади ва уларга нисбатан рад қилиш ҳақида арзлар бор ёки йўқлигини сўрайди.

Бундай арзлар бўлган тақдирда улар юзасидан қарор қабул қилинади, раислик қилувчи суд мажлисида ҳозир бўлган процесс иштирокчиларига уларни ҳуқуқларини тушунтиради. Шу билан бирга Жиноят-процессуал

Кодексининг 479-моддасида белгиланган талабларга риоя қилинган ёки қилинмаганлигини аниқлайди ва зарур бўлса, уларни бажариш чораларини кўради. Раислик қилувчи илтимослар ва эътирозларнинг бор-йўқлигини аниқлайди. Билдирилган илтимослар бўйича суд ўз ўрнида ажрим чиқаради. Агар суд илтимосларни бажариш зарур деб топса, суд мажлиси кейинга қолдирилади.

Суд мажлисининг асосий қисми (шартли равишда қисман суд тергови деб ҳам аташ мумкин) судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади. У ишнинг моҳияти, мазмуни, шикоят ва протестда келтирилган вазиятлар, уларга қарши билдирилган эътирозларни баён қилади. Судга тақдим қилинган материаллар ёки талаб қилиб олинган материаллар хусусида раислик қилувчи ёки судьялардан бири баёнот беради ва ишда иштирок этувчиларга уларни таништириш учун тақдим қилади.

Суд мажлисида иштирок этаётган шахслар (маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари, қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари) тушунтириш берадилар. Қайси иштирокчи шикоят берган бўлса, ўша шахсга биринчи бўлиб сўз берилади. Агар иш прокурор келтирган протест асосида кўрилатган бўлса, биринчи бўлиб прокурор сўзга чиқади ва ўз протестини асослаб беради. Агар иш бўйича ҳам шикоят, ҳам протест келтирилган бўлса, сўз навбатини суд белгилайди. Шундан сўнг суд мажлисига чақирилган шахслар (гувоҳ, эксперт, мутахассис) сўроқ қилинади. Улар суд муҳокамасига қайси иштирокчи томонидан чақирилиши сўралган бўлса, ўша шахс томонидан савол билан мурожаат қилинади. Мунозаралар юзага келганда, уларни суд тегишлича ҳал қилади.

Суд ишдаги материаллар ёки тақдим қилинган материаллар етарлича ўрганилди, таклиф қилинган барча иштирокчилардан етарлича маълумотлар олинди деб ҳисоблагандан сўнг, суд мажлисининг музокара қисми бошланганлигини эълон қилади. Музокара Жиноят-процессуал Кодексининг 449-моддасида белгиланганидек, тарафларнинг тортишуви асосида ўтказилади. Суд музокарасида прокурор, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари бир тарафни ташкил этса, иккинчи тарафни маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари,

фуқаровий жавобгар ва унинг вакиллари ташкил этади. Музокара сўзларига ҳам шу тартибда чиқилади. Суд музокараси якунлангандан сўнг, суд таркиби бир тўхтамга келиш учун масалаҳатхонага киради.

Суд мажлисининг бориши ва мазмуни суд баённомасида акс эттириб борилади. Суд баённомаси Жиноят-процессуал Кодексининг 90-92 моддалари талаблари асосида тузилиб, унда, қайси иш кўрилатганлиги, суд мажлиси бошланган ва тамом бўлган вақт, мажлис ўтказилган жой, сана, суднинг номи ва таркиби, суд мажлисининг котиби, прокурор, суд мажлисига таклиф этилган иштирокчилар (маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари) судга чақирилган бошқа шахслар (гувоҳ, эксперт, мутахассис) кўрсатилади. Баённомада, суд мажлиси қимнинг шикоятчи ёки протестчи асосан қўзғатилганлиги, маҳкум ёки оқланган шахснинг шахсига доир маълумотлар ёзилади. Раислик қилувчининг фаолияти, суднинг қандай тартибда олиб борилганлиги, берилган илтимос ва эътирозлар, сўзга чиққан иштирокчиларнинг тушунтиришлари ва уларнинг мазмуни, берилган саволлар ва олинган жавоблар, тарафларнинг чиқишлари ва маҳкумнинг охириги сўзи баён қилинади.

Баённома раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзоланади. Баённома суд мажлисининг эртасига мураккаб ишлар бўйича уч суткадан кечиктирмасдан имзоланиши керак.

Баъзи ҳолларда айрим маҳкумларга дахли бўлган кассация шикоятчи ёки протестчи бошқа маҳкумларнинг жиноят иши кўриб бўлингандан кейин кассация инстанцияси судига келиб тушади, ёки маҳкум, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакилининг кассация шикоятчи, ушбу маҳкумга тегишли иш бошқа иштирокчи томонидан берилган шикоят ёки протестга асосан кўриб бўлингандан кейин келиб тушади. Бундай ҳолларда, кассация инстанция суди шикоят ёки протестни кўриб чиқишга мажбур⁸⁰. Бундай ҳолларда чиқарилган ажрим аввалги ажримга зид бўлса, ҳар иккала ажрим назорат тартиби протест билдириш ваколатига эга бўлган раисга жўнатилади. Ишни қўшимча кўриш тартиби кечикиб келган хусусий шикоят ёки хусусий протестга ҳам тегишлидир.


⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й. 1-2 сон, 11-модда

Кассация инстанция суди кўрган жиноят иши юзасидан ажрим чиқаради. Ажрим судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва имзоланади. Алоҳида фикри бўлган судья ёзма равишда ўз фикрини баён қилади. Кассация инстанцияси судининг ажрими эълон қилинган вақтидан бошлаб кучга киради. Кассация ажрими устидан назорат тартибида шикоят ёки протест келтирилиши мумкин.


30-схема

Кассация инстанциясида ҳукм устидан шикоят бериш ва протест билдириш тартиби.

ЖПК нинг 499-моддаси



Шикоят ва протестни қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар



Мавзу бўйича қўшимча саволлар.

1. Кассация инстанциясининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Кассация инстанциясига шикоят ёки протест билдирувчи субъектлар.
3. Ҳукм устидан шикоят бериш ва протест билдириш тартиби.
4. Кассация тартибида иш кўриш муддатлари.
5. Кассация тартибида шикоят бериш ва протест келтириш оқибатлари.
6. Ишни қўшимча тайинлаш ва штирокчиларни чақириш.
7. Жиноят ишини кассация инстанциясида кўриш тартиби.
8. Кассация инстанциясининг аж рими.
9. Кассация инстанциясида жиноят ишини қайтадан кўриш

ХVIII-БОБ. НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ

1-§. Назорат тартибида иш юритишнинг тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти

Назорат тартибида иш юритиш ҳукм, ажрим ва қарорларни қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текшириш босқичига кириб, адабиётларда алоҳида ёки қўшимча босқич деб ҳам аталади.⁸¹

Бунинг асосий сабаби бу босқичнинг ўзига хос хусусиятидир. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат: 1) қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарорларни текширишнинг предмети ва процессуал тартибининг мавжудлиги, 2) қонунда белгиланган ва назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган махсус субъектларнинг мавжудлиги, 3) суд қарорининг ноқонунийлиги ёки асослантирилмаганлиги тўғрисидаги назорат тартибида берилган шикоятларининг юридик кучга эгаллиги, 4) назорат протестининг процессуал асослари, 5) назорат тартибида иш кўрувчи суд инстанцияларининг мавжудлиги, 6) маҳжумнинг аҳолини енгилаштирадиган томонга ўтишда муддатнинг белгиланмаганлиги.

Назорат инстанциясининг ҳукм, ажрим ва қарорларни текшириш предметига нафақат қонуний кучга кирган биринчи инстанция судининг ҳукм, ажрим қарорлари, балки апелляция ва кассация инстанция судларининг ажримлари ҳам киради. Назорат инстанция судининг субъектларига фақат қонунда белгиланган ҳамда протест келтириш ҳуқуқи берилган суд раиси, прокурор ёки уларнинг ўринбосарлари эга бўладилар.

Назорат тартибида ишни кўриб чиқиш учун жиноят иши апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган бўлиши керак. Ҳукм, ажрим (қарор) устидан назорат тартибида протест билдириш ҳуқуқига Жиноят-процессуал кодексининг 511-моддасида белгиланган субъектлар эгадирлар. Булар қуйидагилар:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси-барча инстанция судларининг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари)

⁸¹ Гуценко К. Ф. Уголовный процесс. Учебник. "Зерцало". 2001 г. 463-бет.
Григорьев В. Н., Химичева Г. П. Уголовный процесс. Учебник Москва 2001 г. 497-бет
Петрухин И. Л. Уголовный процесс. Учебник. Изд. Проспект. Москва 2001 г. 430-бет.

устидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари-Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларидан ташқари, ҳар қандай суднинг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан;

2) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар-жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг ҳукмлари ва ажримлари устидан; ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судлов ҳайъатларининг ажримлари устидан, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция бўйича кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно;

3) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори-округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳукмлари ва ажримлари устидан, ишни апелляция ва кассация тартибида кўрган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ажримлари устидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно.

Бу субъектлар ўз ваколатлари доирасида текшириш ва назорат тартибида протест билдириш учун ҳар қандай жиноят ишини суддан талаб қилиб олишга ҳақлидирлар.

Назорат инстанциясига бериладиган имкониятларнинг юридик кучи ҳам, ҳажми ҳам анча кенг. Биронта инстанцияда, иш кўзгатиш учун сабаб бўладиган субъектларнинг шикоят ва аризаларига бу даражада эътибор берилган эмас. Ишни талаб қилиб олишга фуқаролар, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар, ишни назорат тартибида юритиш ҳақида топшириқ олган адвокатлар (уларнинг илтимослари) судьялар ва прокурорлар (уларнинг тақдимномалари) оммавий ахборот воситалари (уларнинг

хабарлари) ишни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар (уларнинг қарорлари) сабаб бўлади.

Назорат инстанциясида иш юритиш апелляция ва кассация инстанциясига ўхшаб, ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослантирилганлиги, адолатлилигини текшириш, шикоят келтирилган вақтдан бошланмайди. Назорат тартибида иш юритиш учун асослар етарли бўлган тақдирдагина иш қўзғатилади. Назорат тартибида иш қўзғатиш махсус ваколатга эга бўлган шахсларга юклатилган.

Назорат инстанциясида бошқа инстанциялардан (апелляция, кассация) фарқли ўлароқ айрим масалалар, чунончи ҳукмнинг қачон чиқарилганлиги ва уни кучга кирган муддати, ҳукм қачон ижрога қаратилганлиги ва жазони ўташ муддати, моддий ва процессуал қонунларнинг қай даражада бузилганлиги, бу бузилиш ҳукм ва бошқа суд ҳужжатларининг қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигига қай даражада таъсир этганлиги муҳим аҳамиятга эга. Маҳқумни аҳволини оғирлаштирадиган томонга ўзгартирилмайдиган ҳукмларни қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текшириш учун муддат чекланмаганлиги фақат назорат инстанциясига хосдир.

Жиноят-процессуал кодексининг 513-моддасида суд ҳукмлари, ажримларини (қарорларини) назорат тартибида қайта кўриб чиқишга йўл қўйиладиган муддат белгиланган. Бунга кўра бир йиллик муддат ўтиши билан оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш, жазони кучайтириш ёки маҳқумнинг аҳволини оғирлаштирадиган суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини) ўзгартириш, суднинг оқлов ҳукмини ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажримни (қарорни) назорат тартибида қариб чиқиш ва бекор қилиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 й. 14 июндаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш тўғрисида» ги, Олий суд Пленумининг 2001 й. 1 июндаги «Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида» ги 5-сонли қарорининг 12-пункти 4-бандига кўра “маҳқумнинг аҳволини

оғирлаштирадиган ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга киргандан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилиши” белгиланди.⁸²

Назорат инстанциясининг кассация инстанцияси билан айрим ўхшашлиги ҳам мавжуд; 1) ҳар иккала инстанция учун ҳукм, ажрим ва қарорлар қонуний кучга кирган бўлиши керак, 2) ҳар иккала инстанция ҳукмларни қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текширади, 3) ҳар икки инстанцияда ҳам ҳукмларни қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текшириш учун бир йил муддат белгиланган.

Назорат инстанция судининг асосий мақсади ва моҳияти одил судловни таъминлаш, дастлабки тергов, биринчи инстанция суди, апелляция ва кассация инстанция судларида йўл қўйилган қонун бузилишларни бартараф этиш, қонунларни барча судларда бир хилда тушуниб, бир хилда татбиқ этилишини таъминлаш ҳамда қонуний, асослантирилган ва адолатли ҳукмларни ижрога қаратилишини таъминлашдан иборат.

2-§. Назорат тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш тартиби

Назорат тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш тартиби апелляция ёки кассация инстанциясига ўхшамайди. У кетма-кет келадиган бир неча қисмлардан иборат.

1) Тушган “сигнал” ларни (илтимос, шикоят, тақдимнома, хабарнома, талабнома) қабул қилиш ва атрофлича ўрганиб чиқиш,

2) тушган “сигнал” лар бўйича бир тўхтамга келиш. Бунинг учун қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади;

а) илтимосномада келтирилган вазжлар ҳукм ёхуд ажрим (қарорнинг) қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигига шубҳа туғдирса, ишни талаб қилиб олиш;

б) илтимосномада ёки қўшиб топширилган ёки текшириш чоғида талаб қилиб олинган суд қарорлари нусхасида ва бошқа материалларда илтимосномада келтирилган вазжлар

⁸² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 й. 14 июндаги қарорлари. Т., 2002 й. 29-б.

протест келтиришга асос бўлмаслиги кўриниб турса, ишни талаб қилиб олишни рад этиш;

в) протест бериш ваколатига эга бўлган бўйсинувчи прокурор ёки қуйи суднинг раиси томонидан шу ишга доир ҳукм, ажрим (қарор) га протест билдиришни рад этиш ҳақидаги қарор қабул қилинмаган бўлса, илтимосномани уларга жўнатиш ва ҳоказо. Жиноят ишларини назорат тартибида текшириш учун қуйидаги мансабдор шахслар туман (шаҳар) судларидан жиноят иши материалларини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раисларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосарлари, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурорларининг ўринбосарлари,

- туман шаҳар прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари,
- округ ва ҳудудий Ҳарбий судлардан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг ўринбосарлари,

- Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосарлари,

- округ ҳарбий прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари ишларни талаб қилиб олишга ҳақли.

Назорат тартибида ваколатдор шахснинг протест келтириш ёки келтирмаслиги юзасидан қатъий бир хулосага келингунга қадар қуйидаги масалалар ойдинлаштирилиши керак.

1) Чиқарилган ҳукм ва кейинги суд инстанциялари томонидан қабул қилинган қарорлар ишдаги далилларга мос келадими?

2) Жиноий қилмиш тўғри квалификация қилинганми?

3) Берилган жазо чораси содир қилинган жиноятнинг оғирлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мос келадими?

4) Айбланувчи, судланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш тўғрисидаги қонун нормаларига риоя қилинганми?

5) Айбланувчи, судланувчи жиноят ишлари юритилаётган тилни билмаган тақдирда таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминланганми?

6) Жиноят ишини кўзгатишдан тортиб, токи кассация тартибида иш юритилишига қадар жиноят процессуал қонун

моддалари талабларига риоя қилинганми, уни жиддий бузиш асослари йўқми?

7) Жиноят судлов ишларини юритиш давомида терговчи, прокурор ва суд айбланувчи, судланувчи, уларнинг ҳимоячилари, жабрланувчи ва бошқа иштирокчилар томонидан тушган шикоят, илтимос ва талабномаларни қай тариқа хал қилган ёки қилмаганлигини;

8) Жиноят ишлари дастлабки терговда, суд муҳокамасида тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текширилганлиги ҳамда мазмунан кўрилганлиги ва ҳоказо.

Назорат протести билдириш ҳақидаги илтимоснома бир ойгача бўлган муддатда, иш талаб қилиб олинмаган ва текширилаётган ҳолларда эса, икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқиши лозим.

Келиб тушган илтимоснома юзасидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилиниши лозим:

1. илтимосномада келтирилган вазият ҳукм ёхуд ажрим (қарор) нинг қонунийлиги ва асослилигига шубҳа туғдирса, ишни талаб қилиб олиш ҳақида;

2. илтимосноманинг ўзида, шунингдек унга қўшиб топширилган ёки текшириш чоғида талаб қилиб олинган суд қарорлари нусхасида ва бошқа материалларда илтимосномада келтирилган вазият асоссиз бўлиб, протест билдиришга асос бўла олмаглиги кўриниб турса, ишни талаб қилиб олишни рад этиш ҳақида;

3. протест бериш ваколатига эга бўлган бўйсинувчи прокурор ёки қўйи суднинг раиси томонидан ушбу ишга доир ҳукм ёхуд ажрим (қарор) га протест билдиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинмаган бўлса, илтимосномани уларга жўнатиш ҳақида.

Илтимоснома билан мурожаат этган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилинади. Ҳукм ёки ажримни (қарорни) қонунга хилоф ва асоссиз деб топган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Ташкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Ташкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар протест билдирадilar ва

ишни шу протест билан бирга тегишли назорат инстанцияси судига юбордилар. Протест билдиришга асос бўлган илтимоснома ва бошқа материаллар протестга илова қилинади. Протест билдиргани ҳақида протест билдиришни сураб илтимоснома билан мурожаат этган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга, шунингдек маҳкумга, оқланган шахсга, уларнинг ҳимоячиларига ёхуд қонуний вакилларига хабар берилади.⁸³

Суднинг қарорига протест билдириш учун асослар мавжуд бўлмаганда ишни текширган прокурор ёки судья асослантирилган хулоса тузади, хулоса протест келтириш ваколатига эга бўлган шахс томонидан тасдиқланиб, ишга қўшиб қўйилади. Бу ҳақда илтимосномасига кўра иш талаб қилиб олинган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга хабар берилади, иш эса судга қайтарилади.

Ишни талаб қилиб олишнинг ёки протест билдиришнинг рад этилиши устидан юқори суд раиси ёки юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикасидаги ҳар қандай суднинг протест билдирилган ҳукми ва ажрими (қарори) ижро этилишини келтирилган протест назорат тартибида ҳал қилингунга қадар тўхтатиб туришга ҳақлидир. Қонуннинг очиқдан-очиқ бузилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлган тақдирда мазкур шахслар жиноят ишини талаб қилиб олиш билан бир вақтда ҳукм, ажрим ва қарорнинг ижросини, то улар юзасидан протест билдирилгунга қадар уч ойдан ошмайдиган муддатга тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.⁸⁴

Протест қайтариб олиниши ҳам мумкин. Бунга протест берган шахс ёки протест берган прокурордан юқори турувчи прокурор ҳақли. Протест назорат инстанция суди ишни кўришни бошлангунга қадар қайтариб олиниши керак. Ишга протест ва уни қайтариб олиш тўғрисидаги ҳужжат тикиб қўйилади.

⁸³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й. 1-2-сон 11-модда.

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й. 1-2-сон 11-модда.

3-§. Назорат инстанцияси судида жиноят ишени кўриш тартиби

Назорат инстанцияси судида жиноят ишени протест келиб тушган кундан бошлаб, ўн беш суткадан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди эса бир ойдан кечиктирмай кариб чиқишга киришиши лозим.⁸⁵

Иш ўта мураккаб бўлган тақдирда ва бошқа фавқулодда холларда тегишли суд раиси бу муддатни кўпи билан ўн беш суткага Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки уни ўринбосари эса кўпи билан бир ойга узайтириши мумкин. Ишени кўриш муддати узайтирилганлиги ҳақида процесснинг манфаатдор иштирокчилари хабардор қилинади.

Қуйидаги судлар назорат тартибида жиноят ишларини кўриб чиқишга ҳақлидирлар. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Ташкент шаҳар судларининг раёсатлари мазкур судларнинг жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари кўрган ишлар бўйича чиқарилган тегишли апелляция ёки кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Ташкент шаҳар судлари раёсатларининг қарорлари устидан, шунингдек мазкур судлар томонидан биринчи инстанция тариқасида кўрилган ишлар бўйича чиқарилган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раёсати мазкур суднинг округ ва ҳудудий ҳарбий судлар томонидан кўрилган ишлар бўйича чиқарилган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатининг қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди биринчи инстанция тариқасида кўрган ишлар бўйича мазкур суд чиқарган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протест бўйича ишларни

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й. 1-2-сон 11-модда.

кўради. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг апелляция ва кассация ажримлари устидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг назорат тартибида чиқарилган ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари устидан назорат тартибида билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради. Зарур ҳолларда протестлар бўйича ишлар Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судини, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Ташкент шаҳар судларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини четлаб ўтиб, назорат тартибида бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кўрилиши мумкин.⁸⁶

Назорат инстанция судида жиноят ишини кўриш тартиби кассация тартибида иш кўришга ўхшаб кетади. Суд мажлиси раислик қилувчининг суд мажлисини очиши, кўриладиган ишни эълон қилиши, суд мажлисига келган иштирокчиларнинг келган-келмаганлигини аниқлаш, шундан кейин ишга киришиш ёки киришмаслик тўғрисидаги масалани ҳал қилиш билан бошланади.

Раислик қилувчи суд таркибини, суд мажлисида ҳозир бўлган иштирокчиларнинг фамилияларини эълон қилади. Рад қилиш асослари бор ёки йўқлигини аниқлайди ва бу ҳақда қарор қабул қилади. Раислик қилувчи суд мажлиси иштирокчиларининг ҳақ-ҳуқуқларини тушунтиради. Суд мажлиси иштирокчиларининг илтимослари бор-йўқлигини сўрайди. Билдирилган илтимослар бўйича суд ажрим чиқаради. Агар илтимосларни қаноатлантириш зарур бўлса, суд мажлиси кейинга қолдирилиши мумкин. Шу билан суд мажлисининг тайёргарлик қисмига яқун ясалади.

Назорат инстанциясида зарур бўлса, қисман суд тергови ўтказилади. Ишни кўриш судьяларнинг бирини маърузаси билан бошланади. У ишнинг моҳияти, шикоят ва протестнинг важлари ҳамда уларга қарши билдирилган эътирозларнинг моҳиятини баён қилади. Судга қўшимча материаллар тақдим этилган ёхуд суднинг ўзи бундай материалларни талаб қилиб олган ҳолларда раислик қилувчи ёки судья уларни ўқиб

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й. 1-2-сон 11-модда.

эшиттиради ва ишда иштирок этаётган шахсларга танишини учун тақдим қилади.

Суд мажлисида ҳозир бўлган шахслар (маҳкум, оқланган шахс уларнинг ҳимоячилари, қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар) тушунтирув берадилар. Иш бўйича протест берган прокурор протестни асослаб беради. Агар мажлисда гувоҳ, эксперт, мутахассис иштирок этаётган бўлса, улар ҳам тушунтириш берадилар.

Шундан сўнг тарафларнинг музокараси бошланади. Аввал айблов томон сўнгра ҳимоя томон нутқ сўзлайдилар. Музокара тартиби Жиноят-процессуал кодексининг 449-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади. Агар мажлисда маҳкум иштирок этаётган бўлса, унга охириги сўз берилади ва суд қарор чиқариш учун масалаҳатхонага киради. Суд муҳокамасининг бориши ва мазмуни ҳақида суд мажлисининг баённомаси тузилади. Баённома қарор чиққан куннинг эртасидан, мураккаб ишлар бўйича эса уч суткадан кечиктирмай имзоланиши лозим. Суд мажлиси баённомаси имзолангандан кейин беш сутка ичида тарафлар шу баённома юзасидан ўз мулоҳазаларини беришга ҳақлидирлар.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Ташкент шаҳар судининг раёсатида ишни кўриш чоғида протестни қаноатлантириш тарафдорлари билан қаршилар овози тенг келиб қолса, протест маҳкум (оқланган шахс) фойдасига ҳал қилинган деб ҳисобланади, маҳкумнинг (оқланган шахснинг) аҳволини оғирлаштириш ҳақидаги протест эса рад этилади.⁸⁷

Назорат инстанцияси суди биринчи инстанция суди чиқарган ҳукми қонунга хилоф ва асоссиз деб топиб, бу ҳукми ҳамда шунингдек апелляция ёки кассация ажримини, шунингдек, назорат тартибида чиқарилган ажримлар ва қарорларни, агар улар туфайли ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган бўлса, бекор қилади ёки ўзгартиради ва қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1. суд ҳукми ёки ажримини (қарорини) ўзгаришсиз қолдириш,
2. ҳукм ёки ажримни (қарорни) ўзгартириш,

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й. 1-2-сон 11-модда.

3. ҳукм ёки ажримни (қарорни) бекор қилиш ва ишни қўшимча терговга ёки янгитдан судда кўриш учун қайтариш,
4. жиноят ишини тугатиш.

Назорат тартибида иш президиумда кўрилганда қарор жиноят судлов ҳайъатида кўрилганда ажрим қабул қилади. Қарор ёки ажримнинг тузилиши кассация тартибида чиқарилган ҳужжатга ўхшаш бўлади. Назорат инстанцияси суди чиқарган қарор ёки ажрим қуйи судлар учун бажарилиши мажбурийдир.


Назорат инстанцияси ишни қўшимча терговга ёки янгитдан судда кўриш учун юбораётганида қуйидагилар тўғрисида олдиндан хулоса қилишга ҳақли эмас:

1. судланувчига қўйилган айбнинг исботланган ёки исботланмаганлиги,
2. у ёки бу далилни ишончлилиги, бир далилнинг иккинчисидан афзаллиги,
3. қилмишнинг у ёки бу жиноят қонуни билан квалификация қилиниши лозимлиги ва жазо чораси ҳақида.


Ҳукмни бекор қилиб, ишни янгитдан кўриш учун судга юбораётиб юқори босқич суди ўз қарорида қайси ҳолатлар ҳукм, ажрим ёки қарорни бекор қилинишига сабаб бўлганлигини ва уларни бартараф қилиш йўлларини кўрсатиши зарур.⁸⁸

⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2001 й. 1 июндаги Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақидаги Пленум қарори. Т. 2001 й. 25-бет.

Назорат тартибида иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари.



Назорат тартибида шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар. ЖПК нинг 510-моддаси.



Назорат тартибида протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар.

ЖПК нинг 511-моддаси

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси - барча инстанция судларининг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари-Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларидан ташқари, ҳар қандай суднинг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан;

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Ташкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Ташкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар-жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг ҳукмлари ва ажримлари устидан; ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Ташкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция бўйича кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори-округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳукмлари ва ажримлари устидан, ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно;

Назорат инстанциясининг муддатлари.

ЖПК нинг 513-моддаси

Маҳкумни аҳволини оғирлаштирувчи томонга ўзгартирилган ҳолда бир йилгача бўлган муддат;

Маҳкумнинг аҳволини енгиллаштирувчи ҳолатларга муддат чекланмаган;

Назорат протестини билдириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш муддати.

ЖПК нинг 514-моддаси.

Бир ойлик муддат назорат тартибида протест билдириш тўғрисидаги илтимосни кўриб чиқиш;

Ишни талаб қилиб олиб, текшириш лозим бўлганда икки ой;

Назорат протестини билдириш ҳақидаги илтимоснома бўйича қабул қилинадиган қарор.

ЖПК нинг 515-моддаси.

Илтимосномада келтирилган вазнлар ҳукм ёхуд ажрим (қарор) нинг қонунийлиги ва асослилиги шубҳа туғдирса, ишни талаб қилиб олиш ҳақида;

Илтимосноманинг ўзида, шунингдек, унга кўшиб топширилган ёки текшириш чоғида талаб қилиб олинган суд қарорлари нусхасида ва бошқа материалларда илтимосномада келтирилган вазнлар асоссиз бўлиб, протест билдиришга асос бўла олмаслиги кўриниб турса, ишни талаб қилиб олишни рад этиш ҳақида;

Протест бериш ваколатига эга бўлган бўйсунувчи прокурор ёки қуйи суднинг раиси томонидан ушбу ишга доир ҳукм ёхуд ажрим (қарор) га протест билдиришни рад этиш ҳақидаги қарор қабул қилинмаган бўлса, илтимосномани уларга жўнатиш ҳақида;

Назорат тартибида иш юритиш босқичлари.



Мавзу бўйича қўшимча саволлар.

1. Назорат инстанциясининг моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат.

2. Назорат инстанциясининг алоҳида босқич деб номланишига сабаб нима?

3. Назорат тартибида иш қўзғатишнинг қонуний асослари ва сабабларини биласиз?

4. Хукм, ажрим (қарор) ижроси ким томонидан қанча муддатга тўхтатиб қўйилади?

5. Назорат инстанция судида иш кўриш тартиби қандай?

6. Назорат инстанция судида иш кўриш чегараси ҳақида нима биласиз?

7. Назорат тартибида юқори суд ажримлари ва қарорларини бекор қилиш ёки ўзгартириш қандай тартибда амалга оширилади.

ХИХ-БОБ. ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШ ЮРИТИШНИ ҚАЙТАДАН БОШЛАШ

1-§. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш тушунчаси, унинг вазифаси ва аҳамияти

Жиноят процессида янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш назорат тартибида иш юритишга ўхшаш мустақил, бир вақтнинг ўзида қўшимча босқич ҳисобланади.⁸⁹ Бу босқичнинг ёрдамида биринчи ва юқори инстанция (апелляция, кассация ва назорат) судларининг хатолари, жиноий суиистеъмолликлар аниқланади ва бартараф этилади. Хукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текшириш билан хукмларни бекор қилиш ёки ўзгартириш маҳкумнинг аҳволини енгиллаштиради, янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишга ҳеч қандай муддат белгиланмайди.

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритиш назорат инстанциясига ўхшаб кетса ҳам унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

1. янги очилган ҳолатлар бўйича иш қўзғатиш ваколати фақат прокурорга берилган.

2. қонунда белгиланган (ЖПК нинг 522-модда) асослар бўлмаса, янги очилган ҳолат ҳисобланмайди.

3. янги очилган ҳолатларни аниқлаш учун дастлабки тергов айрим ҳолатда суд муҳокамаси ўтказилади.

4. жиноят иши илгари апелляция, кассация ва назорат инстанция судларида кўрилган бўлса ҳам, айнан шу судларнинг ўзи янги очилган ҳолатлардаги ишларни кўришлари мумкин.

5. Назорат инстанциясида айнан бир маҳкум (оқланган шахс) га тегишли хукм, ажрим ва қарорларни бошқа асослар билан бўлса ҳам қайтадан кўриш мумкин бўлмаса, янги очилган ҳолатлар муносабати билан ишни ҳаракатга келтиришда бу қоида қўлланилмайди.

⁸⁹ Гуценко К. Ф. Уголовный процесс. Учебник. "Зерцало". 2001 г. 478-бет.

Григорьев В. Н., Химичева Г. П. Уголовный процесс. Учебник. Москва 2001 г. 505-506 бетлар
Петрухин И. Л. Уголовный процесс. Учебник. Изд. Проспект. Москва 2001 г. 440-бетлар.

6. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан айблов ҳукмини маҳкумнинг манфаатини кўзлаб қайта қараб чиқиш ҳеч қандай муддатлар билан чегараланмайди.

7. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлашда ё ҳукм, ажрим ва қарор бекор қилинади ёки ўзгаришсиз қолдирилади.

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш деганда терговчи, прокурор, суд учун мутлақо номаълум бўлган ҳамда жиноий иш материалида ўз ўрнини топмаган фактлар назарда тутилади. Бу босқичнинг аҳамияти жуда катта, собиқ иттифоқ тузуми томонидан ноқонуний асосиз ва адолатсиз репрессия қилинган ватандошларимизни номларини тиклаш ва оқлаш, «Ўзбеклар иши» га барҳам бериш айнан шу босқичнинг хизмати ҳисобланади.

2-§. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш асослари ва муддатлари

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлашга қуйидагилар асос бўлади:

1. жабрланувчи ёки гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бергани, шунингдек ашёвий далиллар, тергов ҳамда суд ҳаракатлари баённомалари ва бошқа ҳужжатлар сохта эканлиги ёки била туриб ёлғон таржима қилингани қонунга хилоф ва асосиз ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқарилиши сабаб бўлганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

2. иш бўйича тергов ўтказган суриштирувчи ёки терговчи ёхуд терговнинг бориши устидан назорат қилган прокурор томонидан қонунга хилоф ва асосиз ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқаришга олиб келган жиноий суиистеъмолларга йўл қўйилгани суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

3. мазкур ишни кўриш чоғида судьяларнинг жиноий суиистеъмолларга йўл қўйгани суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

4. ҳукм ёхуд ажрим (қарор) чиқариш чоғида судга маълум бўлмаган, ўз ҳолича ёки илгари аниқланган ҳолатлар билан биргаликда маҳкумнинг айбсизлигидан ёхуд у ҳукм этилганига нисбатан оғирлик даражаси бўйича бошқа жиноят

содир этганлигидан ёхуд оқланган ёки иши тугатилган шахснинг айбдорлигидан далолат берадиган бошқа ҳолатлар. (ЖК нинг 522-моддаси)

Судга маълум бўлмаган бошқа ҳолатларга қуйидагиларни киритиш мумкин. Масалан, жиноят содир қилаётганида рухий касал бўлган маҳкумнинг жазони ўтаётганлиги; дастлабки тергов ва суд муҳокамаси даврида ўзини бошқа шахс сифатида кўрсатган жиноятчи, ўлди деб ҳисобланган шахснинг ҳаёт эканлиги ва ҳоказо.

Гувоҳ, жабрланувчининг кўрсатувини, экспертнинг хулосасини нотўғри баҳоланганлиги янги очилган ҳолат деб ҳисоблаб, иш юритишни қайтадан бошлашга сабаб бўла олмайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари бўлган терговчи, прокурор, суднинг ҳаракатида жиноят таркиби бўлмаса, ноқонуний ёки асослантилмаган ҳукм чиқаришда айблаб, янги очилган ҳолат деб ҳисоблаш мумкин эмас. Агар айбсиз киши жавобгарликка тортилган бўлса, (ЖК нинг 230-моддаси) олдиндан била туриб, адолатсиз ҳукм, ажрим ва қарор чиқарилган бўлса, (Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 231-моддаси). Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан кўрсатув беришга мажбур қилиш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи ёки экспертга куч ишлатилган бўлса, (ЖК нинг 235-моддаси) янги очилган ҳолат деб қараш мумкин. Умуман олганда янги очилган ҳолат деб қараш учун ҳукм қонуний кучга кирган ва тегишли тартибда жинойи жавобгарлик юзага келган бўлиши керак.

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш учун муддатлар белгиланган. (ЖК нинг 523-моддаси). Янги очилган ҳолатлар муносабати билан айблов ҳукмини маҳкумнинг манфаатларини кўзлаб қайта кўриб чиқиш юқорида қайд этилганидек ҳеч қандай муддатлар билан чегараланмайди. (ЖПК нинг 523-моддаси)

Маҳкумнинг ўлими уни реабилитация қилиш мақсадида иш юритишни янги очилган ҳолатлар муносабати билан қайтадан бошлашга тўсқинлик қилмайди. Оқлов ҳукмини ёки ишни тугатиш ҳақидаги суднинг ажримини (қарорини) қайта кўриш, шунингдек суднинг айблов ҳукмини ва ажримини (қарорини) жазонинг енгиллиги ёки оғирлиги жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги сабабли қайта кўриш фақат

Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жавобгарликка тортиш муддати давомида ва янги ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмасдан амалга оширилиши мумкин.

Янги ҳолатлар очилган кун қўйидагича ҳисобланади:

1. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан ишни қайтадан бошлаш асосларининг биринчи ва учинчи бандларида назарда тутилган ҳолларда-сохта далиллар тақдим этганликда, била туриб нотўғри таржима қилганликда ёки иш бўйича тергов юритишда ёхуд ишни судда кўришда жиноий суиистеъмомлик содир этганликда айбли шахсларга нисбатан чиқарилган ҳукм қонуний кучга кирган кун.

2. ҳукм ёхуд ажрим (қарор) чиқариш чоғидан судга маълум бўлмаган, ўз ҳолича ёки илгари аниқланган ҳолатлар билан биргалликда маҳкумнинг айбсизлигидан ёхуд у ҳукм этилганига нисбатан оғирлик даражаси бўйича бошқа жиноят содир этганлигидан ёхуд оқланган ёки иши тугатилган шахснинг айбдорлигидан далолат берадиган бошқа ҳолларда (ЖПК нинг 522-моддасининг 4-банди) янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисида прокурор қарор чиқарган кун.

3-§. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш тартиби

Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш ҳуқуқи фақат прокурорга берилган. Қўйидагилар иш қўзғатишга сабаб бўлади.

- а) фуқароларнинг мурожаатлари,
- б) корхона, муассаса, ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва жамоат бирлашмаларининг хабарлари,
- в) оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари,
- г) бошқа жиноят ишлари бўйича бевосита тергов юритиш ёки судда кўриб чиқиш жараёнида олинган маълумотлар.

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш асосларининг (ЖПК нинг 522-моддаси) биринчи ва учинчи бандларида назарда тутилган ҳолатлардан бири бўйича етарли маълумотлар бўлса, прокурор жиноят ишини қўзғатади ва иш умумий тартибда тергов қилинади ва кўриб чиқилади.

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш асослари (ЖПК нинг 522-моддаси тўртинчи банди) назарда тутилган ҳолатлар бўйича маълумотлар мавжуд бўлса, прокурор ўз ваколати доирасида янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради ва иш юзасидан ўзи тергов олиб боради ёки ишни терговчига топширади.

Прокурор янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатишга асос йўқ деб ҳисобласа, ўз қарори билан иш қўзғатишни рад этади. Бу ҳақда иш қўзғатишни сўраб, илтимоснома билан мурожаат қилган шахсга хабар берилиб, унга қарор юзасидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Оқлов ҳукми, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажрим ёки қарор, шунингдек жазонинг енгиллиги ёки оғирлиги тўғрисидаги айблов ҳукми жиноий жавобгарликка тортиш муддати ичида янги очилган ҳолат аниқлангандан сўнг бир йил давомида текширилади. Бу муддатнинг қандай сабабларга кўра ўтказиб юборганлигидан қатъи назар прокурор янги очилган ҳолатнинг мавжудлигини аниқлайди ва жиноят ишини тугатади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, маҳкумнинг фойдасига айблов ҳукмини ўзгартириш зарур бўлса, (енгил турдаги жазони тайинлаш ёки енгилроқ турдаги қонун нормасини қўллаш, фуқаровий даъво суммасини камайтириш) муддат белгиланган эмас.

Янги очилган ҳолатлар юзасидан тергов ўтқизиш қонун бўйича жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўладиган ҳолатларни аниқлаш билан чекланади. Бунда ЖПК да назарда тутилган ҳолатларга риоя қилинган ҳолда сўроқ қилиш, кўздан кечириш, экспертиза ўтқизиш ва бошқа зарурий тергов ҳаракатлари ўтқазилади.

Иш юритишни қайтадан бошлашга асослар мавжуд бўлганда прокурор ишни судга юборади. Бунда янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш асослари (ЖПК нинг 522-моддаси биринчи ва учунчи бандлари) назарда тутилган ҳолларда иш судга прокурорнинг протести ҳамда қонуний кучга кирган ҳукмнинг нусхаси билан юборилади. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш асосларининг (ЖПК нинг 522-моддаси) нинг тўртинчи бандида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса, прокурорнинг протести ҳамда

қонуний кучга кирган ҳукмнинг нусхаси билан бирга тергов материаллари ҳам юборилади.

Иш юритишни қайтадан бошлаш учун асослар бўлмаса, прокурор ўз қарори билан ишни тергов қилишни тугатади. Бу ҳақда манфаатдор шахсларга хабар берилади ва уларга қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

4-§. Янги очилган ҳолатлар ту файли иш юритишни қайтадан бошлаш ҳақидаги масаланинг суд томонидан ҳал қилиниши

Янги очилган ҳолатлар бўйича жиноят ишини судда кўриш, илгари бу иш апелляция, кассация ва назорат инстанция судларида кўрилганлигидан қатъи назар айнан шу судларнинг ўзида кўриб чиқилади. Лекин бу ҳолат ишнинг моҳиятига таъсир этмайди, чунки илгари айнан шу ишни кўрган судья ўз қарорига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноий иш материални ва янги очилган ҳолатларни кўради. Айнан қайси суд инстанциясида янги очилган ҳолатларни кўриб чиқиш, иш қайси судда кўрилганлигига қараб белгиланади. Жиноят-процессуал кодексининг 527-моддасида прокурорнинг протести қайси судларда кўриб чиқилиши кўрсатилган.

1. туман (шаҳар) судлари ва гарнизон ҳарбий судлари томонидан ҳукм ёки ажрим чиқарилган ишлар бўйича-тегишли юқори суднинг раёсатида;

2. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ҳамда Ташкент шаҳар судлари, шунингдек Қуролли Кучларнинг ҳарбий суди томонидан ҳукм, ажрим, қарор чиқарилган ишлар бўйича-Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли ҳайъатларида;

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ҳукм ва ажрим чиқарилган ишлар бўйича-Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатида;

4. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати ёки Пленуми томонидан қарор чиқарилган ишлар бўйича-Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумида кўриб чиқилади. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан жиноят ишларини судда кўришнинг тартиби назорат тартибидан ишларни судда кўриш қоидаларига мос келади. Агар иш

ҳайъат томонидан кўрилаётган бўлса, ҳайъат аъзоларидан бири суд мажлисига раислик қилади, ҳайъат аъзоларидан бири маъруза қилади.

Агар иш раёсат томонидан кўрилаётган бўлса, раёсат раиси суд мажлисига раислик қилади, аъзоларидан бири эса иш юзасидан маъруза қилади. Суд мажлисида прокурорнинг иштирок этиши шарт. Чунки у янги очилган ҳолатлар бўйича айбловни қўллайди. Суд мажлисига маҳкум, оқланган шахсларнинг ҳимоячилари, қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари ва бошқа шахслар (гувоҳ, эксперт, мутахассис) таклиф этилиши мумкин.

Назорат инстанция суди янги очилган ҳолатлар бўйича жинойт ишларни қайтадан кўриб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади.

1. ҳукм, ажрим ва қарорни бекор қилиб, ишни дастлабки терговга ёки суд муҳокамасига юбориш тўғрисида;

2. ҳукм, ажрим ва қарорни бекор қилиб, ишни тугатиш тўғрисида;

3. прокурор хулосасини рад этиш тўғрисида.

Биринчи ҳолат бўйича суд жинойт процессининг қайси босқичидан бошлаб, иш қайтадан тикланишини белгилаши керак. Шунингдек, айнан қандай ҳолатлар янги очилган деб қаралиши, текширилиши, аниқланиши лозимлиги, қандай қонун бузилишлари бартараф этилиши, назорат инстанция суди кўпроқ нималарга эътибор берганлигини кўрсатиши лозим. Назорат инстанция суди биринчи инстанция суди кўрмаган масала бўйича ҳукмга ўзгартириш киритишга ҳақли эмас.

Иккинчи ҳолатда, назорат инстанцияси суди ҳукмни бекор қилиб, ишни тугатиш билан бирга маҳкумни жазо ўтаётган жойдан озод қилиш чораларини кўриши керак. Учинчи ҳолатда, назорат инстанция суди прокурорнинг янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайтадан тиклаш тўғрисидаги хулосасини рад этганда буни ўз қароридан ёки ажримда асослаб бериши керак.


Янги очилган ҳолатлар бўйича ҳукм бекор қилиниб, иш дастлабки терговга ёки суд муҳокамасига юборилганда, биринчи инстанция судида иш қандай тартибда кўрилса, шу тартибда кўрилади ва айблов ёки оқлов ҳукми чиқарилади. Яъни биринчи инстанция суди олдин чиқарилган суд

қарорига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолатда фаолият кўрсатади ва ўз ҳукмида қонунда белгиланган жазони қўллайди. Ҳукм устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят ёки протест келтирилади.

39-схема

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш учун асослар.

ЖПК нинг 522-моддаси



**Янги очилган ҳолатлар бўйича жиноят ишини
қайтадан тиклаш босқичлари.
ЖПК нинг 523-модда.**



Мавзу бўйича қўшимча саволлар.

1. Янги очилган ҳолатлар бўйича жиноят ишини юритишни қайтадан бошлаш институтининг процессуал вазифаси.

2. Алоҳида босқич сифатида янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритишни қайтадан бошлашнинг хусусиятларини биласизми?

3. Янги очилган ҳолатлар бўйича жиноят ишини юритиш қайтадан бошлаш асослари қандай?

4. Янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритишни қайтадан бошлаш муддатлари ҳақида нима биласиз?

5. Янги очилган ҳолат бўйича жиноят ишини юритишда қайтадан жиноят иши қандай сабабларга кўра ва ким томонидан қўзғатилади?

6. Янги очилган ҳолатлар юзасидан тергов ўтказишнинг мақсади ва тартиби ҳақида нима биласиз?

7. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш ҳақидаги масала суд томонидан қандай ҳал қилинади?

8. Ҳукм бекор қилинганидан кейин иш юритиш қай тартибда амалга оширилади.

XX-БОБ. ҲУҚМ, АЖРИМ, ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТТИРИШ

1-§. Ҳуқм, ажрим, қарорларни ижро эттириш босқичининг тушунчаси ва аҳамияти

Ҳуқмни ижро этиш жиноят процессининг яқунловчи босқичи бўлиб ҳисобланади. У ҳуқм, ажрим, қарорларнинг қонуний кучга кириши билан бошланади ва ўзида ушбу процессуал ҳужжатларни ҳаётда реал қўллашга қаратилган процессуал ҳаракатларни қамраб олади. Ҳуқмнинг қонуний кучга кириши-ҳуқмнинг мазкур иш бўйича қонун куч олиши, қонунни ижро этишдек мажбуриятга эга эканлигини англатади.⁹⁰

Ҳуқмни ижро этиш босқичида жиноят процессуал хусусиятга эга бўлган ва жиноят процессуал қонуни билан мустаҳкамланган суд ҳаракатлари ва қарорлари амалга оширилади. Ҳуқмни ҳақиқий ижро этувчи давлатнинг маъмурий органлари, муассасалари томонидан олиб бориладиган ҳаракатлар жиноят процессидан ташқарида бўлиб, ҳуқмни ижро этиш босқичи мазмунига кирмайди. Бундай фаолият жиноят-ижроия, маъмурий ва бошқа ҳуқуқ соҳалари қонунчилиги билан тартибга солинади.

Бироқ, ҳуқмни ижро этувчи органлар ўз фаолиятларида жиноят процессуал фаолиятни ҳам қамраб олишлари мумкин. Мисол учун ЖПК 536-моддаси биринчи қисмига биноан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти судга маҳкумни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисида тақдимнома киритиши мумкин. Судья жазони ижро этиш муассасаси томонидан киритилан тақдимномани кўриб чиқиши шарт.

Шундай қилиб, ҳуқмни ижро этиш босқичи қуйидаги ўзига хос белгиларга эга:

1. Ушбу босқичда жиноят процессига тегишли бўлган умумий вазифалар ҳал қилинади. Унинг ўзига хос хусусияти ва мазмуни одил судлов ҳужжати бўлмиш ҳуқмнинг умум мажбурийлиги, ўз вақтида ва тўла ижро этилиши билан асослангиларилади. Судья қуйидагиларга мажбур: 1) ҳуқм қонуний кучга кириши билан уни ижрога қаратиши лозим;

⁹⁰ Строгович М. С. Курс советского уголовного процесса. II Том. Издательство «Наука» М., 1970 г. 423-бет.

2) ҳукми ҳақиқий ижро этиш вақтида юзага келадиган процессуал масалаларни ҳал қилиш ; 3) қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳукми тўла ёки бир қисмини бевосита ижро этиш (бунда ҳукм чиқарилиши билан дарҳол судьянинг якка ўзи ёки суд томонидан амалга оширилади).

2. Ҳукми ижро этиш босқичида муайян иштирокчилар доираси иштирок этади. Айрим истисно ҳоллардан ташқари процессуал масалаларни қуйидаги судлар кўриб чиқади: а) ҳукм чиқарган суд; б) маҳкум томонидан жазони ўташ жойидаги суд; в) маҳкумнинг яшаш жойидаги суд. Жумладан, ЖПК 541-моддаси кайси масалалар кайси суд иш юритувига тегишлилигини ҳал қилади. Ушбу босқичда жазони ижро этиш муассасалари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари ёки уларнинг вакиллари, маҳкум, унинг ҳимоячиси, фуқаровий даъвогар, прокурор, суд ижрочилари иштирок этади.

3. Ҳукми ижро этиш босқичи алоҳида процессуал тартибга эга. Ҳукми ижро этиш босқичида суд фаолияти узида одил судлов фаолиятининг бир шаклини намоён қилади. У жиноят процессуал қонуни билан мустаҳкамланган бўлиб, суд мажлиси ўтказиш воситасида ҳукми амалда қўллаш билан бевосита боғлиқ, шунингдек маҳкумнинг кейинги тақдири билан боғлиқ масалалар ҳал қилинади.

Ҳукми ижро этиш вақтида жиноят процессининг бир неча принциплари амал қилади. Бунда қонунийлик принципи жазо тайинлаш, шартли ҳукм чиқариш, ҳукмнинг ижросини кечиктириш билан боғлиқ моддий қонун нормаларининг қўлланилишида намоён бўлади. Чунки ҳукми ижро этиш билан боғлиқ айрим процессуал масалалар жиноят қонуни билан тартибга солинади. ЖПК 24-моддасига биноан гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш ҳукми ижро этиш босқичига ҳам тегишли. Ушбу принцип маҳкумнинг ҳукми ижрога қаратиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йуналтирилганлиги билан характерланади.

Ҳукми ижро этиш босқичида исботлаш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Агар жиноят процессининг олдинги босқичларида исботлаш шахснинг айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш билан боғлиқ бўлса, ҳукми ижро этиш босқичида эса исботлаш предмети билан боғлиқ эмас. Бунда суд мажлисида ҳукм қонуний кучга киргандан кейинги,

ҳукми ҳақиқатан ижро этиш билан боғлиқ ҳолатлар муҳокама қилинади. Ҳукми ижро этиш босқичида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар турли хил бўлиб, уларни ушбу босқичда исболаш предмети қилиб шакллантиришнинг имконияти йўқ. Кўп ҳолларда судья маҳкумнинг жазони ўтиб бўлган муддатини, иш ва ўқишга муносабатини, тартиб-интизомнинг бузилиши ҳолатларини, синов муддатини, жазонинг ҳақиқатан ўталган вақтини ёки ҳукмнинг ижросини кечиктириш билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаши лозим.

Ҳукми ижро этиш босқичи юқорида келтирилган хусусиятлардан ташқари яна алоҳида ўзига хос хусусиятларга эга. Жиноят процессининг бошқа босқичларида процессуал ҳаракатларнинг бошланиш ва тугаш пайти, уларнинг давомийлиги аниқ қилиб белгиланган. Ҳукми ижро этиш босқичи эса узлуксиз босқич бўлиб ҳисобланади.

У ҳукм қонуний кучга киргандан кейин бошланади, кейин эса мажбурий тартибда ижрога қаратилади ва ҳукми ҳақиқий ижро этишга киришилади. Ҳукми ижро этиш босқичининг бир марта ёки бир неча марта такрорланиши ЖПК 533-546- моддаларида кўрсатилган процессуал масалаларни кўриб чиқиш заруратининг вужудга келиш-келмаслиги билан боғлиқ. Ҳукми ижро этиш босқичи процессуал тартибининг ўзига хос хусусиятлари кейинги умумий қоидаларда ўзини намоён қилади:

1. қонуний кучга кирган суднинг ҳукми, ажрими ва қарорларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча давлат ва жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир;

2. ҳукми ўз вақтида ижрога қаратиш;

3. ҳукми ижро этиш босқичида ишларнинг (ЖПК нинг 541-542-моддасида) қонунда кўрсатилган судлар томонидан кўриб чиқилиши;

4. жазоларни ижро этувчи органлар ва жамоат ташкилотлари тақдимномасига биноан ишларни кўриб чиқиш;

5. ҳукмнинг ўзгармаслиги ва унинг моҳиятига таъсир қилувчи ўзгариш ва қўшимчаларнинг киритилишига йўл қўйилмаслиги. Қонуний кучга кирган ҳукмга қонун кассация, назорат тартибида ёхуд янги очилган ҳолатлар тартибида ўзгартириш киритишга йул қўяди. Ҳукм чиқарган суд томонидан иш учун аҳамиятли бўлган ҳужжатларга ҳолатларни ўрнатиш, айблилиқ ва жазо билан боғлиқ бўлган

Ўзгартиришлар киритиш мумкин эмас. Суд томонидан шартли ҳукм қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, озодликдан маҳрум қилинган шахсларни сақлаш шароитини жазо ўташ вақтида ўзгартириш қабиларни қўллаганда ҳам чиқарилган ҳукмни ўзгартирмайди. Бундай ҳолатлар ҳукмнинг хатолиги, ноқонунийлигини келтириб чиқармайди.

2-§. Ҳукм, ажрим ва қарорни ижрога қаратиш тартиби

Ҳукм, агар апелляция тартибада шикоят ёки протест билдирилмаган бўлса, унинг устидан апелляция шикояти бериш ва протест билдириш муддати утиши билан қонуний кучга киради. Агар апелляция шикояти ёки протест билдирилган тақдирда ҳукм бекор қилинмаган бўлса, ЖПК нинг 497¹⁶-моддасига биноан апелляция инстанцияси қарорлари эълон қилиниши биланоқ қонуний кучга киради. Бир жинойт иши бўйича бир неча маҳкумлар бўлиб, лоақал бирига нисбатан ҳукм устидан шикоят ёки протест билдирилган бўлса юқори инстанция суди ишни кўриб чиққунга қадар маҳкумларнинг барчасига нисбатан ҳукм қонуний кучга кирмай туради. Қонуний кучга кирган ҳукм уни чиқарган суд томонидан қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч кун ичида ижро этирилади. Иш апелляция инстанцияси судидан қайтарилгандан бошлаб уч кундан кечиктирилмай ижро этирилиши лозим. Ҳукмни ижрога қаратиш тартиби қуйидагича бўлади:

ЖПК нинг 531-моддасига биноан ҳукм, ажрим ва қарорни ижро этириш уларни қабул қилган суд зиммасига юклатилади. Суд раиси ёки судья томонидан ҳукмни ижро этиш тўғрисидаги фармойиш ҳукмни ижро этиш мажбурияти юкланган органга ҳукмнинг нусхаси билан юборилади. Агар ҳукм апелляция, кассация ёки назорат тартибида ўзгартирилган бўлса, ҳукмга ажрим ёки қарор нусхаси ҳам илова қилинади.

Ҳукмни ижро этиш тўғрисидаги фармойишда қуйидагилар кўрсатилиши лозим: фармойиш тузилган жой ва вақт, фармойиш кимга юборилганлиги, маҳкум ҳақидаги асосий маълумотлар, қандай ҳукм билан ва қандай жазога маҳкум этилганлиги; апелляция, кассация ёки назорат тартибида курилган бўлса-чиқарилган ҳукм ёки қарорнинг моҳияти; ҳукмни ижрога қаратиш тўғрисидаги талаб;

топширик: маҳкум билан қариндошларининг учрашувига руҳсат бериш, ҳукми ижрога қаратиш тўғрисида судга маълум қилиш зарурлиги тўғрисида, маҳкумнинг оила аъзоларини жазони ўташ учун каерга юборилганлиги ҳақида хабардор қилиш тўғрисида. Ҳукми ижро этувчи органлар ҳукмнинг ижро этилганлиги тўғрисида уни чиқарган судни дарҳол хабардор этишлари лозим. Бундан ташқари, жазони ижро этиш муассасаси маҳкум жазони қаерда утаётганлиги ҳақида ҳукм чиқарган судни хабардор этишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 14-15 моддаларига биноан, жазони ижро этувчи орган ва муассасаларга қуйидагилар киради:

жарима тариқасидаги жазо суд томонидан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, аҳлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш ва ўлим жазоси ички ишлар органлари томонидан ижро этилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳукм талаби маҳкумнинг иш жойидаги маъмурият томонидан, шунингдек тегишли фаолият турлари билан шуғулланишга берилган руҳсатномани бекор қилишга ваколатли органлар томонидан ижро этилади.

Ҳарбий хизматчиларга нисбатан: хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо-ҳарбий хизматчи хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмларнинг (муассасаларнинг) қўмондонлиги томонидан; қамоқ тариқасидаги жазо-гарнизон гауптвахталари томонидан; интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазо-маҳсус ташкил этилган ҳарбий қисмлар томонидан ижро этилади.

Қўшимча жазолар қуйидагилар томонидан ижро этилади: ҳарбий ёки маҳсус ун вондан маҳрум қилиш-мазкур унвонни берган орган томонидан. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органларга қуйидагилар киради: шартли ҳукм қилинган шахсларнинг ҳулқ-атвори устидан назорат ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчиларга нисбатан эса-улар хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмлар (муассасалар) қўмондонлиги томонидан амалга оширилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари: ижтимоий хавфли қилмиш содир этган руҳий касалларга нисбатан-соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан; алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка

Йўлиққан маҳкумларга нисбатан—соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан, улар озодликдан маҳрум этиш еки қамоққа ҳукм қилинган тақдирда эса-ички ишлар органларининг тиббий муассасалари томонидан ижро этилади.

Вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари: жабрланувчидан узр сўраш, етказилган зарарни тўлаш еки бартараф этиш мажбуриятини юклаш—суд томонидан; махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш—ҳалқ таълими органлари томонидан ижро этилади. Булардан ташқари, ҳукми ижрога қаратишда иштирок этадиган орган ва ташкилотларга жамоат ташкилотлари, меҳнат жамолари, алоҳида фуқаролар шартли ҳукм қилиш, жазодан озод қилишга тегишли масалалар бўйича, суд ижрочилари эса ҳукмнинг мулкий ундириш ишлари бўйича иштирок этадилар.

ЖПК 531-моддаси саккизинчи қисмига биноан ҳукмнинг жарима солиш, мол-мулкни мусодара қилиш ва бошқа мулкий ундиришлар қисмини ижро этиш учун ижро варақалари ёки уларнинг дубликатлари маҳкумнинг яшаш жойи ёки жазони ўташ жойидаги, шунингдек маҳкумнинг мулки бор жойдаги суд ижрочиларига юборилади.

Суд ижрочиларининг фаолияти «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 29 августда қабул қилинган ва 2002 йил 1 январдан кучга кирган қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ушбу қонуннинг 5-моддаси 2-бандида ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларидан бири сифатида жинойт ишлари бўйича суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми назарда тутилади. Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жихатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳудудий бўлинмалари суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлинмаларининг суд ижрочилари зиммасига юклатилади.

ЖПК 529-моддаси талабларига биноан ҳукм чиқарган суд (судья) қуйидаги ҳолларда ҳукми дарҳол ижрога қаратишлари ва суд залидан маҳкумни дарҳол озод

этишлари лозим: оқлов ҳукми чиқарилганда; жозодан озод қилиб ёки жазо тайинланмасдан туриб айблов ҳукми чиқарилган ҳолларда; шартли равишда озодликдан маҳрум этилганда. Агар шахс озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога маҳкум этилганда, суд маҳкумни ЖПК 529-моддасига асосан суд мажлси залидан дарҳол озод этади. Жиноят-ижроия кодексининг 18-19 моддаларига биноан жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч ойлик муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаши шарт.

Агар белгиланган муддатда жаримани тўлик миқдорда тўлашга маҳкумнинг имкони бўлмаса, суд унинг илтимосномасига кўра ҳукмнинг ижросини Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддасида белгиланган тартибда кечиктириши ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этиши мумкин. Ҳукмнинг жарима солиш қисмининг ижросини суд олти ойгача кечиктириши ёки бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини ишнинг муайян ҳолатлари ва маҳкумнинг моддий аҳолини эътиборга олиб ҳал қилади (ЖПК 533-моддаси 2-қисми).

Қонуний кучга кирган ҳукмнинг нусхаси зарур ҳолларда маҳкумнинг иш, ўқиш ёки яшаш жойига юборилади. Жиноят иши оммавий ахборот воситалари берган маълумотлар бўйича қўзғатилган ёки суд зарур деб ҳисоблаган ҳолларда ҳукмнинг нусхаси оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига маълум қилинади. Ҳукм ижрога қаратилгунига қадар, суд маҳкумнинг оиласини ҳукм қонуний кучга киргани ва ижро этирилиши ҳақида хабардор қилиши лозим.

Суд жазо чораси сифатида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ айблов ҳукми чиқарганда, маҳкумнинг вояга етмаган фарзандларини хомийликка бериш, қаровсиз қолган мол-мулки ва турар жойини қўриқлаш чораларини қўриши лозим. Бунда суд маҳкумнинг вояга етмаган фарзандларини муассасаларнинг, қариндошларининг ёки бошқа шахсларнинг хомийлигига бериш тўғрисида қарор қабул қилиши ва бу ҳақда болалар турган жойдаги васийлик органи ва маҳкумга хабар қилиши лозим.

Маҳкум ЖПК нинг 532-моддасига кўра:

1. Судга ҳукмнинг ижросини кечиктириш ҳақида, касаллиги ёки ноғиронлиги туфайли жазодан озод қилиш ҳақида, жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо


билан алмаштириш ва мuddатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида, жазони ижро этиш жойларида сақлаш шароитларини ўзгартириш ва ЖПК да назарда тутилган бошқа масалалар бўйича аризалар беришга;

2. суд мажлисида иштирок этишга ва кўрсатувлар беришга, далиллар тақдим қилишга, илтимослар қилишга ва рад этишга;

3. ишдаги барча материаллар билан танишишга, суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар беришга ҳақли.

41-схема

Жазоларни ижро этиш муассасалари ва органлари.
(ЖИК 14-модда)



Мавзу буйича саволлар:

1. Айблов ҳукми қачон кучга киради ва қандай ижро эттирилади?
2. Оқлов ҳукми қачон кучга киради ва қандай ижро эттирилади?
3. Суд ажрими, қарорининг қонуний кучга кириши ҳамда ижро этиш қандай амалга оширилади?
4. Ҳукм, ажрим ва қарорни ижро эттириш қай тартибда амалга оширилади?
5. Ҳукмни ижро этиш босқичида маҳкумнинг қандай ҳуқуқлари мавжуд?

XXI-БОБ. ҲУҚМ, АЖРИМ, ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ БОСҚИЧИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

1-§. Ҳуқм, ажрим, қарорларни ижро этиш босқичида юзага келадиган масалалар

Ҳуқмни ижро этишда вужудга келадиган ва процессуал тартибда ҳал қилинадиган масалалар икки гуруҳга бўлинади: 1) бевосита жинойт, жинойт процессуал, жинойт-ижроия кодексларида кўрсатилган масалалар; 2) Ҳуқмни ижрога қаратиш чоғида қонун томонидан аниқланган ҳар қандай шубҳа ва тушинмовчиликларни ҳал қилиш билан боғлиқ масалалар. Қонун бундай масалаларнинг рўйхатини белгиламаган. Ҳуқм чиқариш давомида ва ҳуқмда йўл қўйилган барча камчиликлар ишларни кассация, назорат тартибида кўриш заруриятини туғдиради; ҳуқмни ижро этиш босқичига бундай ваколат берилмаган.

ЖПК 59-бобида ҳуқм, ажрим ва қарорларни ижро этишда юзага келадиган масалалар ва уларни тартибга солиш механизми берилган. ЖПК 533-моддасида ҳуқмни кечиктириш асослари кўрсатилган. Судья озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланган ҳолларда ҳуқмни ижрога қаратишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларни бартараф қилгунга қадар ҳуқмнинг ижросини кечиктириши лозим. Ҳуқмнинг ижросини кечиктириш маҳкумнинг ўта хавфли рецидивистларга ва ўта оғир жинойт содир этганларга нисбатан қўлланмайди.

Қуйидаги ҳолатларда маҳкум касаллиги туфайли жазо ўташдан озод қилинади:

1. маҳкум жазони ўташга монелик қиладиган даражада оғир касал бўлиб қолганда-у соғайгунча.

Маҳкум озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони ўташ давомида сурункали руҳий ёки оғир касал бўлиб қолганда, суд тегишли мутасадди органнинг тақдимномасига биноан, махсус тиббий комиссия хулосасига асосланиб, асосий ва қўшимча жазонинг ўталмай қолган қисмини ўташдан озод қилиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин. ЖПК нинг 534-моддаси 2-3-қисмига биноан сурункали руҳий касалликка дучор бўлган, шунингдек оғир касалликка дучор бўлган маҳкумни ўталмай қолган жазодан озод қилишда, руҳий

касал мажҳумга нисбатан судья тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллашга ёки уни соғлиқни сақлаш органлари ёхуд қариндошлари васийлигига беришга ҳақлидир.

Оғир касалликка дучор бўлган мажҳумни ўталмай қолган жазодан озод қилишда содир этилган жиноятнинг оғирлиги, мажҳумнинг шахси ва бошқа ҳолатларни инобатга олиши лозим. Агар руҳий касалликка дучор бўлган шахс жазони ўташ муддати тугагунча соғайиб қолса, суд жазонинг қолган қисмини ўташ тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли.

2. ҳукмни ижро этиш вақтигача мажҳума хомиладор бўлиб қолса-бир йилдан ошиқ бўлмаган муддатга;

3. мажҳумнинг ёш боласи бўлса-у уч ёшга тўлгунга қадар;

4. жазони ўташни бошлаш ёнғин ёки бошқа бирор табиий офат юз берганлиги, оиланинг меҳнатга яроқли ягона аъзоси оғир касал бўлиб қолганлиги, вафот этганлиги оқибатида бошқа фавқулотда ҳолатлар мажҳум ёки унинг оиласини жуда мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин булса-уч ойдан ошмаган муддатга.

Хукмни ижро этиш босқичида хал қилинадиган масалалар Жиноят кодекси нормаларини қўллаш билан боғлиқ ва бу масалалар процессуал тартибда хал қилинади.

1. Жиноят кодексининг 72-моддаси 6-қисмига мувофиқ жазонинг шартлигини бекор қилиш ва ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисидаги масала (ЖПК нинг 535-моддаси);

2. ЖК нинг 73-74-моддаларига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳамда уларни амалга оширишнинг процессуал тартиби тўғрисидаги масала (ЖПК нинг 536-моддаси);

3. ЖК нинг 44 ва 46-моддасига асосан жарима солишни ва ахлоқ тузатиш ишларини жазонинг бошқа тури билан алмаштириш (ЖПК нинг 539-моддаси)

4. ЖК нинг 79-моддасига мувофиқ судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш (ЖПК нинг 544-моддаси) белгиланган.

Хукмни ижро этиш босқичида хал қилинадиган кейинги масалалар Жиноят ижроия қонунидан келиб чиқади. ЖИК 61-моддасига биноан жазони ўташ даврида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг сақлаш шароити

бир муассаса доирасида ёки бошқа турдаги муассасага ўтказиш йўли билан енгиллаштирилиши ёхуд оғирлаштирилиши мумкин.

Маҳкумларни сақлаш шароити рағбатлантириш тарзида қуйидагича енгиллаштирилиши мумкин:

муассаса бошлиғининг қарорига биноан-ЖИК нинг 102, 104-моддаларига мувофиқ;

суд томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасига мувофиқ.

Маҳкумларни сақлаш шароити интизомий жазо тарзида қуйидагича оғирлаштирилиши мумкин;

муассаса бошлиғининг қарорига биноан-ЖИК нинг 105, 106-моддаларига мувофиқ;

суд томонидан-Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасига мувофиқ.

Озодликдан маҳрум этилган маҳкум бошқа шахс содир этган жинояти ҳақидаги иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб бориш зарур бўлганда жазони ижро этиш колонияси ёки тарбия колониясида ўташ шarti билан Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан-уч ой муддатга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарларининг розилиги билан-олти ой муддатга ёки иш судда курилиши муносабати билан-суд ажримига биноан иш кўрилиб бўлингунга қадар ушлаб турилиши мумкин.

Бир суд ёки бир неча суд томонидан маҳкумга нисбатан ҳукм чиқарилган булса, кейинги суд олдинги судларнинг ҳукмидан беҳабар булса ҳукмларни ижро этиш масаласи ҳукм ижро этилаётган жойдаги туман суди томонидан хал қилинади. Бунда суд ЖК нинг 60-моддасига асосан мазкур ҳукмларнинг ҳаммасида белгиланган жазоларни қўллаш тўғрисида ажрим чиқаради. Ахлоқ, тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига кўшиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш ЖПК нинг 545-моддасига асосан хал қилинади.

2-§. Ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этиш босқичида юзага келадиган масалаларни ҳал қилиш

ЖПК нинг 541-моддасида ҳукмни ижро этиш босқичида хал қилинадиган масалаларни кўриб чиқишга ваколатли

бўлган судлар кўрсатилган. Бу масалалар қуйидаги судлар томонидан ҳал қилинади;

-хукм чиқарган суд томонидан;

-маҳкум жазони ўтаб турган жойдаги суд томонидан;

-маҳкум истикомат қиладиган жойдаги суд томонидан ҳал қилинади.

1. Хукм чиқарган суд қуйидаги масалаларни кўриб чиқади:

-Жазони ўташдан озод қилиш тўғрисидаги;

-Хукм ижросини кечиктириш тўғрисидаги;

-Жарима солишни ва ахлоқ тузатиш ишларини жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисидаги;

- Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги;

-Рухий касал шахсларга қўлланаётган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги;

-Алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган шахсларга нисбатан мажбурий даволаш чораларини қўллаш, узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги масалаларни;

-Хукмни ижро этишда юзага келадиган ҳар қандай шубҳа ва ноаниқликларни хукмни чиқарган суд ҳал қилади.

Ҳар доим ҳам чиқарилган суд хукми у фаолият кўрсатаётган ҳудудда ижро этилмаслиги мумкин. Шу муносабат билан юқорида кўрсатилган суд томонидан хукмни ижро этиш босқичида ҳал қилинадиган масалалалар ЖПК 541-моддаси 1-қисмига биноан хукм ижро этилаётган суд томонидан хукм чиқарган судга тенглаштирилган суд томонидан, агар унга тенг суд бўлмаса юқори суд томонидан кўриб чиқилиб ҳал этилади ва чиқарилган ажрим нусхаси хукмни чиқарган судга юборилади.

2.Маҳкум жазони ўташ жойидаги суд хукмни ижро эттириш билан боғлиқ ваколатлари доирасида қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

- маҳкумнинг касаллиги ёки ногиронлиги сабабли жазони ўташдан озод қилиш тўғрисидаги;

- жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги;

- жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисидаги, жазонинг шартлилигини бекор қилиш тўғрисидаги;

- бир жазони ижро этиш колониясидан ёки тарбия колониясидан, бошқа турдаги колонияга, жазони ижро этиш колониясидан турмага ва турмадан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш ҳақидаги масалаларни;

- маҳкум жазони ўтаб турган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси ҳал қилади.

3.Маҳкум истиқомат жойидаги суд томонидан қўйидаги масалалар ҳал қилинади;

- озодликдан маҳрум этишга шартли равишда ҳукм қилинганда синов муддатини қисқартириш ёки шартли ҳукмни бекор қилиб, маҳкумни ҳукмда белгиланган жазони ўташ учун жўнатиш ҳақидаги;

- ҳукмнинг ижро этилиши кечиктирилган маҳкумни жазодан озод этиш;

- ҳукмнинг ижросини кечиктиришни бекор қилиш ва маҳкумни озодликдан маҳрум этишни ўташ учун юбориш тўғрисидаги;

- судланганликни олиб ташлаш ҳақидаги масалалар.

Ҳукмни ижро этиш вақтида ҳал қилинадиган масалалар яқка судья томонидан ҳал қилинади. Ишни кўриб чиқиш суд мажлисида олиб борилади. Унда фуқаровий даъвогар (агар фуқаровий даъво билан боғлиқ булса), тиббий комиссия вакили (касаллиги туфайли жазодан озод қилиш, шахсни тиббий муассага жойлаштириш, ногиронлик масалалалари бўйича), жазони ижро этиш муассасаси вакили, меҳнат жамоаси ёки жамоат бирлашмалари вакиллари, шартли ҳукм қилинган ёки ҳукм кечиктирилиши муносабати билан маҳкумни кузатувчи шахслар иштирок этадилар.

Суд мажлисида иштирок этувчи шахслар иш материалларини текширишда иштирок этиш, илтимослар қилиш, қўшимча фактик маълумотлар тақдим этиш, тушунтиришлар қилиш ҳуқуқига эга. Судья ЖПК да белгиланган тартибда жазони ижро этиш муассалари томонидан тақдим этилган масалаларни кўриб чиқади. Тақдимномалар жазони ижро этиш муассасаларида назоратни амалга оширувчи прокурор томонидан киритилиши мумкин. Судга ҳар хил тақдимномалар билан бир каторда керакли маълумотлар ҳам юборилиши лозим. Судья иш материалларини тўлиқ эмаслиги учун қайтариб юбориши мумкин. Мисол учун маҳкум ҳақидаги тавсифнома, ишни судда куриш пайтигача жазони ўталган ҳақиқий

муддатги ҳақидаги маълумотнома бўлмаслиги метериалларни қайтариб юбориш учун асос бўлади.


Суд мажлиси бошланишида судья масала қандай кўрилиши ва иштирокчиларнинг ҳуқуқларини тушунтиради. Судья тақдимнома, илтимоснома моҳияти бўйича маъруза қилади. Кейин суд мажлисида ҳозир бўлганларнинг фикри эшитилади. Зарур ҳолларда судья жазони ижро этиш муассасаси ходимларини гувоҳ сифатида сўроқ қилиши мумкин. Иш ҳолатларини аниқлаш исботлашнинг умумий қоидалари асосида олиб борилади. Суд мажлисида муҳокама жараёни баённомада акс эттирилади.

Бундан ташқари бошқа техник воситалар натижасида муҳокама жараёнини қайд этиб бориш мумкин. Иштирокчиларнинг иш бўйича фикри эшитилгандан кейин охириги сўз маҳкум ва унинг химоячисига берилади. Сунг судья ажрим қабул қилиш учун алоҳида хонага киради. Судланганликни олиб ташлаш масаласини кўриб чиқишда илтимоснома кимга нисбатан берилган бўлса, шу шахснинг бўлиши шарт. Агар судланганликни олиб ташлаш суд томонидан рад этилган бўлса, судьяга бу масалалага доир қайта илтимоснома ажрим чиккан кундан бошлаб камида бир йил утгандан кейин киритилиши мумкин.

Судья ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги илтимосномаларни жамоат бирлашмаси ёки жамоа илтимосномаси бўйича, жазони ўтаб чиққан шахс меҳнатга қобилиятсиз бўлган тақдирда эса, маҳкумнинг илтимоси бўйича ҳам мазкур шахс турган жойдаги жинойт ишлари бўйича суд томонидан кўриб чиқилади.

Бунда илтимоснома берган шахс ва маҳкум иштирок этиши шарт. Ҳарбий ишлар бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддатига киритиш ҳарбий округ ёки ҳудудий ҳарбий судлар томонидан жазони ўтаб бўлгандан кейин қўмондонликнинг илтимосига кўра ЖПК нинг 545-моддасига асосланиб хал этилади.

Ҳукми ижро этиш босқичида юзага келадиган масалаларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган судлар



Мавзу бўйича саволлар.

1. Ҳукм, ажрим ва қарорлари ижро этиш босқичининг моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат?
2. Ҳукми ижрога қаратиш ва ижро этишнинг ўзаро фарқи?
3. Ҳукм, ажрим ва қарорларини ижро этириш тартиби?
4. Ҳукми ижро этиш босқичида маҳкумнинг ҳуқуқлари?
5. Ҳукми ижросини кечиктириш асослари нималардан иборат?
6. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг ижросига тааллуқли масалаларни қайси судлар кўриб чиқади ?
7. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг ижроси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш тартиби.

XXII-БОБ. АЛОҲИДА ТОИФАДАГИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ

1-§. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби алоҳида бобда кўрсатилган бўлиб, ривожланган хорижий мамлакатларнинг жиноят процессуал қонунчилигига мос келади. Масалан, 1985 йилда БМТ томонидан вояга етмаганлар тўғрисидаги стандартлар ва 1989 йилда БМТнинг болаларни ҳимоя қилиш Конвенцияси қабул қилинган.

Вояга етмаганлар деб, Конституция ва бошқа қонунларда кўрсатилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариш учун белгиланган ёшга тўлмаган шахслар назарда тутилади. Бу тоифадаги жиноят ишларини юритиш қонуннинг алоҳида бобида кўрсатилган, чунки уларга нисбатан ўзга меъёрлар қўлланилади. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритишда уларнинг ижтимоий-руҳий ҳолатларини ҳисобга олиш эътиборга моликдир.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларда бир томондан етуқлик аломатлари, яъни уларда мустақилликнинг шаклланиши, ўзини тута билиш ва идора қилиш намоён бўлса, иккинчи томондан ижтимоий улғайишнинг давом этаётганлиги (мактаб ёки бошқа билим даргоҳида ўқишни давом эттириши, жамиятда ўз ўрнини топишга интилиши, муомала лаёқатини ривож) кўринади. «Вояга етмаганларда кескин фикрлаш, тез жаҳл чиқиши, ўзини тута олмаслик, вазиятни тўла баҳолай олмаслик сифатлари мавжуд бўлади. Бу ёшдагиларнинг ўзига хос томонларидан келиб чиққан ҳолда қонунчиликда чекинишлар қилишга ва қўшимчалар киритишга тўғри келади».⁹¹

Ҳали характери шаклланиб улгурмаган ёшларга нисбатан «хавфли ёшда» деган ибора қўлланилиши бежиз эмас.


⁹¹ Астемиров З.А. Уголовная ответственность и наказание несовершеннолетних. М., 1970, 20-бет.

Вояга етмаганлар жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш.



44-схема

Вояга етмаган айбланувчига нисбатан қўлланиладиган эҳтиёт чораларининг турлари



2-§. Вояга етмаганларнинг ишларини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари

Вояга етмаган айбланувчининг ёши тўғрисидаги маълумотлар иш юритишда муҳим ўринни эгаллайди. Чунки қонун бўйича жавобгарликка вояга етмаганлар 16 ёшдан, баъзи ҳолларда эса 14 ёшдан тортилиши кўзда тутилган. Бу ёш турли мамлакатларда турлича белгиланган. Россияда 14 ва 16, Францияда 13 ва 16, Англияда 12 ва 17, Германияда 14 ва 17, АҚШда эса штатларнинг қонунларига мувофиқ равишда 10 ва 17. Шунинг учун уларнинг ёши паспорт бўйича, у бўлмаса туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки унинг нусхаси орқали аниқланиши лозим.

Вояга етмаганларни жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишнинг хусусияти деганда, гап жиноят содир этиш вақтида 18 ёшга тўлмаган шахс тўғрисида боради. Лекин алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида шахс вояга етган тақдирда унга вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш қоидалари қўлланилади. Вояга етмаганларни жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан асосийларидан бири вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятларни аниқлашдан иборатдир.


Вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар унинг ижтимоий руҳий ҳолатидан келиб чиқади. Бу унинг ҳаётий тажрибасизлиги бирон одамга ўхшашга интилиши, ўта таъсирчанлиги, тенгдошлари орасида ўзини устун қўйишга интилиши ўзига нисбатан ҳурмат эътиборни қозонишни хоҳлаши, кайфиятининг кескин ўзгариб туриши, ўйламасдан ҳаракатлар қилиши, воқеаларни ўз дунё қараши жиҳатидан қабул қилиши ва ҳуқуқий жиҳатдан чекланган лаёқат мақоми билан таърифлаш мумкин. Вояга етмаганлар ишларини олиб боришда терговчи улар билан руҳий яқинлик яратиши лозим.

Вояга етмаганнинг саломатлиги ҳақидаги маълумотларни уни даволаган шифокорлар, касалхона ва поликлиникаларда юритилган ҳужжатлардан олиш мумкин. Саломатлик тўғрисидаги маълумотларни вояга етмаганнинг ота-онаси, қонуний вакиллари, қўшнилари, танишлари ва унга яқин бўлган шахслар беришлари мумкин. Исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан яна бири вояга етмаганнинг турмуш ва

тарбия олган шароитларини аниқлашдир. Бунда вояга етмаганнинг ота-онаси ёки уларнинг қонуний вакиллари тўғрисидаги барча маълумотлар илова қилиниши лозим (уларнинг маълумоти, мутахассислиги, ташкилотчилиги, маънавий хусусиятлари, бир-бирига ва фарзандларига бўлган муносабатлари, боланинг ота-онасига бўлган муносабати, ҳурмати, уни тарбиялашдаги иштироки). Вояга етмаганнинг моддий ахволи (оиланинг моддий ҳўжалик ахволи, вояга етмаганнинг мулки, унинг маоши миқдори) тўғрисидаги маълумотлар эътиборга олинади.

45-схема

Вояга етмаганларнинг жиноят ишларида ишботланиши лозим бўлган ҳолатлар



Вояга етмаган шахснинг маълумоти ҳақидаги ахборотлар ҳам эътиборга олинади (қаерда ўқиши, қобилияти, баҳолари, ўқишга муносабати катталарга, оиласига, тенгдошларига бўлган муносабатлари). Аниқланиши лозим бўлган шароитлардан яна бири вояга етмаганнинг алоқалари, бўш вақтини ўтказиш муҳити, унинг қизиқиш доиралари, маҳаллада ва уйда ўзини тутиши, қандай уюшмаларга аъзолиги аниқланади. Вояга етмаганни жиноий қилмиш содир қилишдан аввал қандай ҳуқуқбузарликлар содир этгани, унга нисбатан қандай чоралар қўлланилгани ва бу чоралар қандай натижаларга олиб келгани тўғрисидаги маълумотлар

ўрганилиши лозим. Бундан ташқари агар вояга етмаган шахс ҳеч қаерда ўқимаса ёки ҳеч қаерда ишламаса, бунинг сабабларини ҳам ўрганиш керак.

Вояга етмаганларда жамиятга қарши бўлган дунёқараш ва кўникмалар қандай шароитларга асосан, яъни нотўғри тарбия, баъзи шахсларнинг таъсири, салбий намуна оқибатлари аниқланади. Жиноятни содир этишда айнан вояга етмаганлар ёшига мансуб бўлган сабаблар борлиги (майда нарсаларни ўғирлаш, ўзини кўрсатиш учун машина ёки матоцикли олиб қочиш) ҳам аниқланади. Вояга етмаганларнинг барча турдаги ишларини кўришда ички ишлар бўлимлари томонидан дастлабки тергов ўтказилиши шарт. Вояга етмаганларнинг иши бўйича суриштирувчи жиноят ишини қўзғатиб, уни тергов органларига дастлабки терговни амалга ошириш учун юборади.

Вояга етмаганларни сўроқ қилишда Ўзбекистон ЖПКнинг 553-моддасига биноан химоячи, терговчининг рухсати билан унинг қонуний вакили, терговчи ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра педогог ёки психолог ҳам иштирок этиши мумкин. Терговчи вояга етмаганнинг шахсини, қайси тилда кўрсатма бера олишини аниқлаши, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, унга қандай жиноят содир этишда гумон қилинаётганилигини эълон қилади.

Гумон қилинувчига ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги тўғрисидаги қарорни тақдим қилади ва унга қўйилаётган айбловнинг моҳиятини тушунтириб беради. Бундан ташқари биринчи марта сўроқ қилишдан бевосита олдин терговчи вояга етмаганнинг ўзини айбли деб ҳисоблаш ёки ҳисобламаслиги, ўз айбини тўла ёки қисман рад этиши ёки этмаслигини аниқлаши шарт. Вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчини умумий сўроқ қилиш вақти олти соатдан ошмаслиги керак. (дам олиш, овқатланиш вақти бунга кирмайди).

Вояга етмаганларнинг жиноят содир этишида катта ёшдаги далолатчиларнинг ёки бошқа иштирокчиларнинг бор йўқлиги, у шахслар томонидан вояга етмаганга турли жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатилгани, шу сабабдан вояга етмаган шахс жиноятда иштирок этгани ҳолатлари аниқланиши лозим. Жиноят процесси қатнашчиларидан бири

бу вояга етмаганнинг қонуний вакилидир. Унинг ишда иштирок этиши Ўзбекистон ЖПКнинг 549-моддасида белгиланган.

Қонуний вакил ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинади. Ишда қонуний вакил сифатида ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, хомийлар, вояга етмаганга ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчига ҳомийлик қилувчи муассаса ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашиши мумкин. Вояга етмаганнинг қонуний вакили ишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан бирга, жабрланувчининг қонуний вакили эса жабрланувчи билан бирга, шунингдек, унинг ўрнида ҳам иштирок этади.

Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганлиги ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради ва унинг иштирокига вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади. Вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг манфаатлари ўзаро мос келмасада, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи тарафида ишда иштирок этиш учун қарор ёхуд ажрим билан адвокат тайинланади.

Қонуний вакиллик фуқаролик ва жиноят процессидаги вакиллик умумий институтидан фарқли ўлароқ, вакиллик қилинаётган ҳуқуқий муносабат субъекти алмаштирилишини англамайди. Қонуний вакил вакиллик қилаётган шахс ўрнига эмас (биргаликда ҳам эмас), балки у билан бирга ўз қарамоғидаги шахснинг ҳуқуқлари ҳимояси ва қонуний манфаатларининг амалга оширилишига, у томонидан ўз процессуал мажбуриятларини бажаришга ёрдам беради.

«Қонуний вакилнинг процессуал ҳолатининг муҳим белгиси шундан иборатки, у исботлашнинг субъектларидан бири бўлиб, исботлашнинг мустақил субъекти сифатида иштирок этади, унинг манфаатлари ҳар доим ҳам у вакиллик қилаётган шахс манфаатлари билан бир хилда бўлавермайди.»⁹² Ишда қонуний вакилнинг иштироки ўзи

⁹² Рыжаков А.П. Субъекты уг. процесса. Москва 1996 г., стр.54.

вакиллик қилаётган шахснинг процессуал ҳуқуқларини чеклаб қўймайди, балки уларнинг тўла ва самарали равишда амалга оширилишига ёрдам беради. Ушбу шахс ҳар хил турдаги ариза ва шикоятлар беришда қонуний вакилнинг розилигини олиши шарт эмас. У ўз қонуний вакилининг ҳолатидан фарқланадиган ҳолатни эгаллаши мумкин.⁹³

Қонуний вакилнинг процессуал ҳолати ва процессуал фаолиятини тавсифлашда унинг ишда шахсий манфаати борлигини ҳисобга олиш зарур. Қонуний вакиллар процесснинг бориши ва натижаларига бефарқ бўлиши мумкин эмас. Терговчи, прокурор ва суд шуни ҳисобга олиши ва қонуний вакил эгаллаган позициясига уларнинг тушунтиришлари, гувоҳлик кўрсатмаларига танқидий нуқтаи назардан ёндошиши керак.

Қонуний вакилнинг процессуал ҳолати аввало кимнинг, процесснинг қайси иштирокчисининг манфаатларини кўзлаб вакиллик қилаётгани билан белгиланади ва амалдаги жиноят-процессуал қонунчилик шундан келиб чиқиб, қонуний вакилларга жуда кенг ваколат беради, бу ваколат улар вакиллик қилаётган шахсларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмуига яқинлашади ёки тенг бўлади.

Қонуний вакилнинг ҳуқуқлари мазмунан у ўзи вакиллик қилаётган шахснинг ҳуқуқларидан келиб чиққанлиги сабабли, мувофиқ равишда вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг жиноий судлов иш юритуви мобайнида кўрсатилган ҳуқуқлари келиб чиқади ва ЖПКда кўрсатилган барча процессуал воситалар, рад қилиш ва аризалар беришдан шикоят қилишгача бўлган воситаларнинг қўлланишига асосланади. Вояга етмаган айбланувчига дастлабки тергов тамомланганлиги эълон қилиниб, унга иш материаллари кўрсатилаётганда унинг қонуний вакили иштирок этишга ҳақли.

Қонуний вакил нафақат ҳуқуқларга эга, балки унинг мажбуриятлари ҳам бор. У жумладан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, кўрсатмалар бериши, тергов ҳаракатларини ўтказишда ва суд мажлисида иштирок этиши, унда тартибга риоя қилиши, ўзи вакиллик қилаётган шахсга салбий таъсир кўрсатмаслик каби мажбуриятларга эга. Агар салбий таъсир

⁹³ Иноғомжоновна З. Ф. таҳрири остида "Жиноят процесси" дарслик "Янги аср авлоди" нашриёти. Т. «Адолат», 2002 й., 133-135-бетлар

кўрсатиш ҳоллари мавжуд бўлса, вояга етмаган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида васийлик ёки ҳомийлик органининг вакилига топширилади.

Жиноят-процессуал қонунчиликда хатто айбланувчининг ўзи хохламаган ҳолда ҳам ҳимоячининг иштирок этиши шарт бўлган ҳолат белгиланган. Ҳимоячининг ишда иштирок этиши шартлиги руйхатини қонунда белгилаб қуйилиши муайян ҳолатларга кўра қўшимча кафолатларга муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадини кўзлайди.

ЖПКнинг 51-моддасига кўра, вояга етмаганларнинг иши бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шарт. Агарда юқорида кўрсатилган ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи томонидан ёки уларнинг илтимосига кўра ёхуд розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, адвокатлар бюроси, хайъати ёки фирмаси раҳбари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг талаби билан суриштирувда, дастлабки терговда, ишни судда муҳокама қилишда иштирок этиш учун тайинлаши шарт.

Ҳимоячи манфаатларини ҳимоя қилаётган вояга етмаганнинг нимада гумон қилинаётганлигини ёки айбланаётганлигини билиш; ишда иштирок этиш учун ўзига ижозат берилганлиги тўғрисида суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суддан ёзма равишда тасдиқ талаб қилиш; гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганда иштирок этиш, вояга етмаганга айблов эълон қилинаётганда, шунингдек уларнинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Вояга етмаганларнинг иши бўйича ҳимоячидан воз кечиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд учун мажбурий эмас. Вояга етмаган айбланувчига дастлабки тергов тамомланганлиги эълон қилиниб, унга иш материаллари кўрсатилаётганда иштирок этишга ҳақли. Ҳимоячи вояга етмаганларнинг иши бўйича материалларини ҳар тарафлама баҳолашга асосланган ички ишонч билан ўз процессуал нуқтаи назарини мустақил белгилайди.

Бунда у қонунга ва ҳуқуқий онгига таянади. Албатта, ҳимоячи ҳимояси остидаги шахс билан масалахатлашади, унинг далиллари ва мулоҳазаларини ҳисобга олади, лекин мустақил равишда узил-кесил қарорга келади ва бунинг учун тўлиқ жавобгар бўлади.

Ўзбекистон ЖПК нинг 551-моддасига биноан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари ҳам вояга етмаганларнинг жинойтлари ҳақидаги ишлар бўйича суд муҳокамаларига иштирок этишлари мумкин. Суд корхона, муассаса ва ташкилотлари вакиллари вояга етмаганларни жинойтлари ҳақидаги ишларни қўриладиган вақт ва жойи ҳақида хабардор қилади.

Вояга етмаган айбланувчиларга нисбатан ЖПКнинг 237-моддасида кўрсатилган эҳтиёт чораларидан ташқари махсус эҳтиёт чораси ота-оналари, васийлари, ҳомийлари, болалар муассасаларида тарбияланаётган вояга етмаганларга нисбатан эса ушбу муассаса маъмурияти қаровига топшириш (ЖПКнинг 556,557-моддаси) қўлланилиши мумкин.

Вояга етмаганларга нисбатан: 1) вояга етмаган айбланувчини ота-онаси, васийлари, ҳомийлари қаровига олиш учун топшириш ва 2) вояга етмаган айбланувчини болалар муассасасининг маъмурияти қаровига топшириш эҳтиёт чоралари мавжуд. Бир вақтнинг ўзида уларнинг иккиси қўлланилмайди. Вояга етмаганларни кузатув остига олиши учун топширишда ота-оналари, васийлари, ҳомийлари ёки болалар муассасаси маъмуриятидан вояга етмаган айбланувчини терговчи, прокурор хузурига ва судга ўз вақтида келишини ва уни муносиб ҳулқ-атворда бўлишини таъминлаш ҳақида ёзма равишда мажбурият олинади.

Бундай мажбуриятни ўз зиммасига олаётган шахслар вояга етмаган айбланувчига эълон қилинган айбловнинг моҳияти ҳамда айбланувчини тергов органлари ёки судга ўз вақтида келмаслиги ҳолатида жавобгарлиги ҳақида огоҳлантириладилар.

Вояга етмаганни муносиб ҳулқ-атворини ва уни чақирувларга биноан келишини таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган, болалар муассасалари маъмуриятларининг жавобгарлиги тўғрисидаги муаммога эътиборни қаратиш лозим. Қонуннинг асл мақсадига кўра, болалар муассасасида тарбияланаётган айбланувчини қаровга олиш ҳақидаги ёзма мажбурият ушбу муассаса раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган маъмуриятнинг бошқа вакилларида олинади. Болалар муассасаларининг ўз зиммасига олган мажбуриятни бузганлиги учун жавобгарлик ЖПКнинг 557-моддасида белгиланмаган.

Лекин маъмуриятнинг кузатувга олиш бўйича мажбуриятни бажармаган шахсларига нисбатан тергов органи тақдимномасига ёхуд суднинг хусусий ажримига мувофиқ интизомий ёки жамоат таъсир чоралари қўлланилиши мумкин. Ёпиқ болалар муассасасида тарбияланаётган вояга етмаган томонидан жиноят содир этилиши, тарбия жараёнида у билан етарли даражада индивидуал тартибда шуғулланилмаганлигидан далолат беради.

Бу кўрсатилган муассаса маъмуриятини вояга етмаганга нисбатан уни муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлайдиган янги янада самаралироқ таъсир этиш воситаларини қидиришга ундаши лозим. Агар маъмурият томонидан айбланувчини хулқини назорат қилиш бўйича хизмат бурчини тегишли бажармаслик оқибатида айбланувчи процессуал ҳуқуқбузарлик содир этса, у ҳолда болалар муассасасининг тегишли мансабдор шахсларига нисбатан интизомий ёки жамоат таъсир чоралари қўлланилади.

Вояга етмаганларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббусига кўра ота-оналари, васийлари, хомийларига қаровига топширишда уларнинг розилиги талаб этилади. Қонунда ота-оналар (васийлар, хомийлар) томонидан қаровга олиш бўйича мажбурият олишни рад этиш кўзда тутилмаган бўлса-да, бундай хол юз бериши мумкин ва бу терговчи ва суд томонидан эътиборга олиниши керак. Акс ҳолда вояга етмаган айбланувчини ЖПК нинг 436-моддасида кўрсатилган шахсларга кузатув остига олиш учун топшириш самарали эҳтиёт чораси бўлмаслиги мумкин. Агар вояга етмаган ота-онаси (васийлари, хомийлари) таъсири ва назоратидан четда бўлса ёки улар узрли сабабларга кўра (касаллиги, иши ёки узоқ хизмат сафари.) кузатувга остига олиш бўйича мажбуриятларни бажариш имкониятига эга бўлмаса бунда эҳтиёт чорасини танлаш нафақат самарасиз, балки зарарли ҳамдир. Шунинг учун ҳам ушбу эҳтиёт чорасини танлашда ота-оналарга, васийлар ва хомийларни розилигини олиш мажбурийдир.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, қонунда вояга етмаган айбланувчи фарзандликка олувчига кузатув остига олиш учун топширилиши мумкин деб махсус кўрсатишга ҳожат йўқ. Фарзандликка олувчи ўзининг ҳуқуқий ҳолатига кўра ота-оналар тўлиқ тенглаштирилади.

ЖПКнинг 556-моддасига биноан, вояга етмаганни қаровга топшириш тариқасидаги эҳтиёт чораси фақат 18 ёшга тўлмаган айбланувчиларга нисбатан тайинланиши мумкин. Қаровга олинган шахс вояга етиши билан уни ота-оналар ва бошқа қонуний вакиллари билан бўлган ҳуқуқий муносабатлари ўзгаради. Чунки у бу ҳолда тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлади. Бу эса шуни билдирадики, айбланувчи 18 ёшга тўлганда унга нисбатан танланган қаровга топшириш эҳтиёт чораси бошқа эҳтиёт чораси билан ўзгартирилиши керак. Агар бу ҳолатда эҳтиёт чораси ўзгартирилмаган бўлса, айбланувчи томонидан мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда унинг ота-онаси, васийлари, хомийлари ўз-ўзидан жавобгарликдан озод бўлади.

ЖПКнинг илмий-амалий шарҳида кўрсатилишича, вояга етмаган кузатув остига топширилиши мумкин бўлган муассасалар рўйхати тўлиқ кўрсатилган. Қонун фақат айбланувчи тарбияланаётган болалар муассасалари (мактаб интернатлар, болалар уйи, қабул қилиш, топшириш муассасалари, махсус тарбия ва даволаш муассасалари, тарбия меҳнат колониялари)ни назарда тутди.

Таъкидлаш керакки, қабул қилиш-тақсимлаш муассасалари ва тарбия меҳнат колониялари, маъмурияти вояга етмаган айбланувчини қаровга олиши мумкин бўлган болалар муассасалари қаторига кирмаслиги керак. Чунки қонунда (**ЖПКнинг**557-моддаси) вояга етмаган ўзи тарбияланаётган болалар муассасаси маъмуриятига қаровга олиш учун топширилиши мумкин деб бевосита кўрсатиб қўйилган. Бунинг учун терговчининг прокурор санкция берган қарори ёки суднинг ажрими зарур.

Қабул қилиш-тақсимлаш муассасаларида вояга етмаганлар уларни жойлаштириш учун керакли бўлган вақт давомида сақланиши мумкин, лекин бу муддат 30 суткадан ошмаслиги керак. Алоҳида ҳолларда махсус ўқув тарбия муассасаларига юборилаётган вояга етмаганларни сақлаш муддати туман ижроия қўмитаси қошидаги вояга етмаганлар иши бўйича комиссия қарори билан 15 суткадан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Шунинг учун қабул қилиш-тақсимлаш муассасаларида сақланаётган вояга етмаганларга нисбатан, улар жиноят содир этган тақдирда эҳтиёт чораси сифатида уларни ушбу болалар муассасаси

маъмуриятига кузатув остига олиш учун топширилиши мумкин эмас.

Юридик адабиётлардаги "вояга етмаганни кузатув остига олиш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш имконияти ҳақидаги масалани хал этиш болалар муассасасини илмий-тарбиявий кенгаши, тарбияланувчилар йигилиши ва бошқаларга тегишли" деган фикрига қўшиламмиз.⁹⁴ Бундай тартиб жиноят содир этган тарбияланувчисини муносиб хулқ-атворини таъминлаш бўйича маъмурият, тарбиячилар, педагогларнинг жавобгарлигини оширади.

Бу ўз навбатида нафақат айбланувчига, балки болалар муассасасида тарбияланаётган, маънавияти энди шаклланаётган бошқа вояга етмаганларга ижобий тарбиявий таъсир ўтказишга хизмат қилади. Вояга етмаган айбланувчини мажбурий суратда ушлаб туриш ва эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш фақат содир этилган жиноятнинг тавсифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 558ва 236-моддасида назарда тутилган асослар бўлганда ва унга беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этганликда айб эълон қилинган ҳамда айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини бошқа эҳтиёт чоралари таъминлай олмайдиган тақдирда қўлланилиши мумкин (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни таҳририда—Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 165- модда).

Прокурор вояга етмаганни қамоққа олиш учун рухсат бераётганида иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиши, қамоққа олиш асосларини текшириши, ҳодисанинг фавқулоддалигига ишонч ҳосил қилиши ва айбланувчини ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича сўроқ қилиши керак.⁹⁵ Умумий қоидага кўра эса, қамоққа олиш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси модданинг санкциясида белгиланган жиноят иши бўйича қўлланилиши мумкин. Дастлабки қамоқ жойда сақланаётган вояга етмаганлар катта ёшдагилардан, шунингдек, вояга етмаган мажлумлардан алоҳида сақланиши лозим.

⁹⁴Зинатуллин З.З. Уголовно-процессуальное принуждение и его эффективность. Казань, 1981., 81-бет

⁹⁵Басков В.И. Пркурорский надзор за исполнением законов при рассмотрении уголовных дел в судах. М., 1986., 71-бет

Вояга етмаган шахсга дастлабки терговнинг тамом бўлганлигини эълон қилиш ва уни иш материаллари билан таништириш вақтида айбланувчининг қонуний вакили иштирок этишга ҳақли.

Таъкидлаш лозимки, вояга етмаганлар ишлари бўйича дастлабки тергов ҳар доим ҳам айблов хулосаси чиқариш билан якунланмайди. Терговчи прокурорнинг розилиги билан жиноят ишини тугатиш ва материалларни кўриб чиқиш учун вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияга юбориши, иш ҳолатлари ва ҳуқуқбузарнинг шахсини тавсифловчи маълумотлар бўйича унга жиноий жазо қўлланмаслиги мумкин.⁹⁶

3-§. Вояга етмаганларни ишларини судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари

Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга биноан ўтказилади.


Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича суд муҳокамасида судья вояга етмаган судланувчининг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек прокурорнинг фикрини эшитиб, вояга етмаган шахсга салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар текшириляётганда суд ўз ажрими билан уни суд залидан чиқариб туришга ҳақли.

Жиноят процессуал кодексининг 551-562 моддаларига мувофиқ, суд вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари кўриладиган вақт ва жой ҳақида уларнинг ота-онасини, ота-она ўрнини босувчи шахсларни васийлик ёки хомийлик органи вакилларини вояга етмаганлар ўқиган ёки ишлаган корхона муассаса ташкилотни вояга етмаганларнинг ишлари бўйича шуғулланувчи комиссияни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлар вакилларини, зарур бўлса бошқа ташкилотларни ҳам хабардор қилади⁹⁷.

⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Низом».

⁹⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 йил 15 сентябрдаги пленум қарорлари, Тошкент, 2000 йил, 16-18 бетлар.

**Вояга етмаганларнинг ишларини судда
қуришнинг узига хос хусусиятлари**



Суд муҳокамаси одил судлов органлари фаолиятининг асосий шаклидир. Вояга етмаганлар ишлари бўйича иш юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари мумкин қадар одил судловнинг умумий вазифаларига, жиноят процесси мақсадларига мувофиқ келиши ва шу турдаги жиноят ишларини кўриб чиқиш хусусиятини ҳисобга олиши лозим. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини судда муҳокама қилиш тўртта ўзаро боғлиқ муаммони комплекс ўрганишни назарда тутати:

- Жиноят сабаблари;
- Жинойий ҳулқ-атворнинг шаклланиш жараёни;
- Индивидуал ҳулқ-атвор механизми;
- Мажбурлов ва огоҳлантирув чораларининг таъсир самараси.

Маълумки, вояга етмаганлар ишлари бўйича иш юритишда умумий талаб жиноят сабаблари ва уни содир этишга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мажбурияти ҳисобланади.

Шу мақсадда суд мажлисида иштирок этиш учун ўсмирнинг турмуш ва тарбия шароитларини яхши билган шахсларни жалб этиш лозим. Улар орасида, албатта, ўқув-тарбия муассасалари, жамоат ташкилотлари, васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари бўлиши лозим.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш вақтида судлар айбланувчига нисбатан қўлланилган қамоққа олиш сифатидаги эҳтиёт чорасини асосли эканлигини синчиклаб текширишлари, айти вақтда ЖПКнинг 242-243 моддаларига мувофиқ бундай эҳтиёт чораси судланувчининг шахси, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси шуни тақозо этган ҳоллардагина қўлланишини назарда тутишлари лозим. Қамоққа олиш асоссиз топилган ҳолларда суд эҳтиёт чорасини ўзгартиришга ҳақли. Ушбу процессуал қонун талабларига риоя қилмаслик ЖПКнинг 484-489 моддаларига асосан ҳукми бекор бўлишига асос бўлади.

Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолларда унинг иштирокисиз аниқланган ҳар қандай далил юридик кучга эга эмас. Суд бу ташкилотларнинг вакилларини, судланувчининг васий ёки ҳомийсини, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича шуғулланувчи комиссиянинг вакилларини гувоҳ сифатида сўроқ қилиш учун суд мажлисига чақиришга ҳақлидир.

Вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили масаласи ҳал этилаётганда ЖПКнинг 60-моддасини иккинчи қисмида келтирилган қонуний вакил бўлиши мумкин бўлган шахсларнинг рўйхатига эътиборни қаратиш лозим. Агар вояга етмаганнинг ота-онаси бўлмаса ва бу ёлғиз яшаётган ёхуд тегишли равишда васий ёки ҳомий этиб тайинламаган шахс билан яшаётган бўлса, суд вояга етмаганнинг қонуний вакили сифатида васийлик ёки ҳомийлик органининг вакилини чақириши зарур.

Судлар ЖПКнинг 548-моддасига кўра вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар қаторига ёшини ва шахсини аниқлашни ҳам назарда тутишлари зарур. Шу нарсани эътиборда тутиш керакки, шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган куни ўтганидан сўнг, яъни эртаси куннинг ноль соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тўлган деб ҳисобланади. Судлар ишда албатта вояга етмаганларнинг туғилиш

гувоҳномаси ёки паспортдан фото нусха мавжудлигига аҳамият беришлари керак. Ишда бундай ҳужжатлар йўқлиги аниқланган тақдирда суднинг ўзи бундай камчиликларни бартараф қилиши зарур.

Судланувчининг ёши суд-тиббиёт экспертизаси томонидан аниқланаётганда, унинг туғилган куни деб, экспертлар аниқланган йилнинг охири куни ҳисобланади, ёш энг кам ва энг кўп йиллар миқдори билан аниқланганда суд экспертлар томонидан белгиланган энг кам ёшдан келиб чиқиши лозим. Шунинг назарда тутиш лозимки, ЖКнинг 87-моддаси 3-қисмига кўра, вояга етмаган шахс ривожланишида ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишнинг аҳамиятини тўла равишда англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чорасини қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шарт.⁹⁸

Вояга етмаган судланувчининг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек прокурорнинг фикрини эшитиб, вояга етмаган шахсга салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар текшириляётганда суд ўз ажрими билан уни суд залидан чиқариб туришга ҳақли. Вояга етмаган шахс суд залига қайтарилганидан сўнг, раислик қилувчи унга йўқлигида бўлиб ўтган муҳокама мазмунини етарли ҳажмда ва шаклда маълум қилади ва унинг йўқлигида сўроқ қилинган шахсларга савол бериши учун вояга етмаганга имконият яратиб беради.

Суд, зарурат бўлганда, вояга етмаган шахснинг жинояти тўғрисидаги ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга хабар беради. Суд, шунингдек, бу комиссия вакилларини гувоҳ сифатида сўроқ қилиш учун суд мажлисига чиқаришга ҳақлидир. Вояга етмаган судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда суд, ЖК нинг 457-моддасида кўрсатилган масалалардан ташқари, башарти вояга етмаган шахс шартли ҳукм қилинса, унга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланса, вояга етмаган шахсга жамоат тарбиячиси тайинлаш зарурлигини муҳокама қилишга мажбур.

Вояга етмаган шахсни Жиноят кодекси 87-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жавобгарликдан озод қилиб,

⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 йил 15 сентябрдаги пленум қарорлари, Тошкент, 2000 йил, 19-20 бетлар.

материалларни вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширишда терговчи ва прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Вояга етмаган шахсга нисбатан ишни кўришда Жиноят кодекси 87- моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда суд вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чорасини қўлланиш тўғрисидаги масалани муҳокама этиши шарт. Суд мажбурлов чорасини қўлланиш ёки қўлланмаслик тўғрисида асослантирилган ажрим чиқаради.

Бизга маълумки, жиноий судловнинг якуний қисми бу айблов ёки оқлов йўсинидаги ҳукм чиқарилиши билан тугалланади. Бу босқичда суд ҳукм ижроси билан боғлиқ масалаларни ҳам хал этади. Ўзбекистоннинг жиноий ва жиноий процессуал қонунчилигида вояга етмаганларни ишлари бўйича тўғри юридик протекционизм кўзда тутилмаган. Бошқача қилиб айтганда, суд қонун билан ҳар доим ҳам вояга етмаганларга жазони фақат у вояга етмаганлиги учунгина енгиллаштириб бермайди. Бу масалани суд ишнинг ҳақиқий ҳолатларидан, вояга етмаганнинг шахсидан келиб чиққан ҳолда хал этади.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини кўришнинг ҳукм чиқариш босқичида Жиноят процессининг ҳимоялаш функцияси шундан иборатки, вояга етмаганга жиноий жазо ўрнига тарбиявий таъсир этувчи мажбурлов чоралари қўлланиши имкониятидир. Ўзбекистон қонунчилигида вояга етмаганларнинг ишлари бўйича бир қатор тарбиявий чоралар мажмуининг киритилиши бу ишлар бўйича уларни ҳимоялаш етакчи ўринни эгаллашини кўрсатади. Бу билан вояга етмаган шахс ўзининг жиноий фаолиятини тугатиш учун ҳақиқий имкониятга эга бўлиб озодликдан маҳрум қилиш жойлардаги муҳитнинг салбий таъсирига тушиб қолишдан сақланади.

Мавзу бўйича саволлар

1. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишнинг қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?
2. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар?
3. Вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов олиб боришнинг хусусиятлари.

4. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларида қонуний вакил ва ҳимоячининг иштироки.

5. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларида суд муҳокамасининг ўзига хос томонлари.

6. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича эътиборга олиниши лозим бўлган ҳолатлар нималардан иборат?

7. Вояга етмаган айбланувчиларга нисбатан қандай эҳтиёт чоралари қўлланиши мумкин?

8. Вояга етмаган айбланувчига нисбатан қамоққа олиш чорасини қўллаш тартиби қандай?

XXIII-БОБ. ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ

1-§. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ўз табиатига кўра давлат мажбурлов чораси бўлиб, жиноят, жиноят-процессуал қонунларида кўзда тутилган тартибда фақатгина суд томонидан тайинланади.⁹⁹ Аммо ушбу чорани қўллаш асоси дастлабки терговда белгиланади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш буйича ишларда дастлабки тергов ўтказилиши шарт.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахснинг ёки қонуний вакилининг ирода ва хоҳишларидан қатъий назар бу шахсларнинг озодлигини чеклашга олиб келади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари (оддий кузатув йўли билан руҳий касалликлар шифохонасиги жойлаштириш, кучайтирилган кузатув ва қаттиқ кузатув шифохонасига жойлаштириш) суд орқали қуйидаги шахсларга қўлланилиши мумкин:

1. Жиноят қонунчилигида белгиланган ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида содир этганлар. Бу ҳолатда Булар жинойий жавобгарликка тортилмайдилар;

2. Жиноят содир этгандан сўнг ҳамда ҳукм чиқарилгунча қадар руҳий касалликка чалинганлар. Ушбу шахслар жазодан озод этиладилар. Бундай шахслар тузалганидан кейин (ЖК нинг 64-модда) суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган кундан бошлаб ҳисобланадиган муддатлар ўтиб кетмаган бўлса ёки бошқа жинойий жавобгарлик ва жазодан озод қиладиган асослар бўлмаса, жазо ижро этилади;

3. Жазони ўташ даврида руҳий касалликка чалинганлар. Бундай шахслар жазони ўташдан озод этиладилар. Соғайгандан сўнг жазони давом эттириши мумкин. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган муддат жазо муддатига қўшилади.

⁹⁹ Гуценко К.Ф. Уголовный процесс. Уч. для студентов Вузов. Москва, Зерцало, 1997., 479-бет.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси соғломлаштирувчи ҳамда жиноий-ҳуқуқий характерга эга. Бундай чора фақатгина жиноят қонунчилигида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмиш содир этгандагина тайинланади. Шу билан бирга мажбурлов чоралари жиноий жазо ҳисобланмайди. Буларни қўллашдан мақсад жамиятни ҳимоя қилиш ва янги ижтимоий хавфли қилмишларнинг олдини олишдан иборатдир.

2-§. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Жиноят процессуал қонунчилигида ақли норасолар томонидан содир қилинган ижтимоий хавфли қилмишларни юритиш алоҳида тартибда белгиланган. ЖПКнинг 565-моддасига мувофиқ судда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш масалаларини кўриш тартиби умумий қоидалар ва ЖПК нинг 566-581-моддалари асосида амалга оширилади. Шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган пайтда ақли норасолик ҳолатида ёки жиноят содир қилгандан сўнг руҳий касалликка чалинган бўлса, айбланувчи деб ҳам, судланувчи деб ҳам топилмайди. Бундай шахслар ЖПК га мувофиқ "жиноят қонунчилигида белгиланган ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида содир этган шахс" ёхуд "жиноят содир этгандан сўнг руҳий касалликка чалинган ва ўз ҳаракатларига жавоб бера олмайдиган шахс" деб номланади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир қилганнинг руҳий касаллиги тўғрисидаги маълумот терговнинг турли вақтларида олиниши мумкин, хаттоки жиноят иши қўзғатгунга қадар. Масалан, тезкор маълумотларни тўплаш вақтида субъектнинг руҳий касаллиги тўғрисида маълумот олиниши мумкин. Аммо бу унга нисбатан жиноий иш қўзғатишга тўсқинлик қилмайди, чунки унга нисбатан тиббий йўсинда мажбурлов чораси қўлланилиши мумкин.

Айрим ҳолда гумон қилинувчи, айбланувчи руҳий касаллиги жиноий ишни тергов қилиш давомида терговчи томонидан аниқланади. Ақли норасонинг ижтимоий хавфли қилмиши тўғрисидаги иш юзасидан дастлабки терговда қонун бўйича терговчи аниқлаши лозим бўлган ҳолатлар:

1) ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган вақти, жойи, услуги ва бошқа ҳолатлар.


2) ижтимоий хавфли қилмиш ушбу шахс томонидан содир этилганми.

3) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс руҳий касаллигининг даври, даражаси ва ижтимоий хавфли қилмиш содир қилинган вақтда руҳий касаллик характери.

4) ижтимоий хавфли қилмиш содир қилинган вақтда ва ундан кейин шахснинг хатти - ҳаракати.

5) ижтимоий хавфли қилмиш натижасида келтирилган зарар миқдори ва унинг тавсифи.

47-схема



Шахснинг руҳий ҳолатини аниқлашда, олдин бундай касалликка чалинганлиги, жароҳат олганлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Терговчи айбланувчининг руҳий касаллиги тўғрисида яқин қариндошларини сўроқ қилиши зарур.

Ижтимоий хавфли қилмиш вақтида шахснинг руҳий ҳолатини белгилашда ижтимоий хавфли қилмиш пайтида ва ундан кейинги хатти-ҳаракати тўғрисидаги маълумот катта аҳамиятга эга. Ушбу маълумотларни кўрганларни сўроқ

қилиш ва айбланувчининг руҳий ҳолати яхши бўлганда ўзини сўроқ қилиш орқали олинади.¹⁰⁰

Ўзбекистон Республикаси ЖПК сида руҳий касалликка чалинган айбланувчига нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш ман этилмаган. Бундай эҳтиёт чорасини руҳий касалларга қўлланилиши амалиётда кўп учрайди чунки бундай шахслар жамият учун хавфли ҳисобланади.

ЖПКга мувофиқ терговчига айбланувчининг руҳий ҳолати бўйича процессуал ҳаракатларда иштирок эта оладими, йўқми деган масалани ҳал қилиш ҳуқуқи берилган.

Агар терговчи экспертиза тайинлашга қадар айбланувчи ўз ҳаракатларига жавоб бера олмаслиги ҳамда бошқара олмаслигини тан олса, уни сўроқ қилиши ёки у билан бошқа тергов ҳаракатларини олиб бориши мумкин эмас. Бундай ҳолатларда терговчи айбланувчи тариқасида жалб қилиш тўғрисида қарор чиқаради, уни айбланувчига тақдим этмаган ҳолда баённома тузади ва унда нега айбланувчига тақдим этмаганлиги, сўроқ қилмаганлигини тушунтиради.

Бундан ташқари, терговчи руҳий касалликка чалинган айбланувчини ақл ишлатиш зарур бўлмаган тергов ҳаракатларига жалб қилиши мумкин. Масалан, таниб олиш учун кўрсатиш, гувоҳлантириш, тинтув қилиш ва хоказо. Айрим ҳолатларда ижтимоий қилмиш қисқа муддатли руҳий касаллик фаолияти натижасида содир этилади (паталогик маст бўлиш, паталогик аффект). Бундай бузилишлар бирданига бошланади ва қисқа вақт ичида давом этади. Ушбу ҳолатга тушган шахслар ҳеч нимани эслай олмайдилар, аммо бунга нима олиб келганлиги ва ундан кейин бўлган ҳодисани эслайдилар. Тергов даврида бундай шахслар одатда соғлом деб топилади. Бундай ҳолатларда айбланувчини сўроқ қилиш зарур.

Терговчи айбланувчини руҳий касаллигига шубҳа қилса, сўроқ қилишда шифокор-руҳшуносни таклиф қилиши мумкин. Барча маълумотларни аниқлагандан сўнг 172 ва 567-моддаларга мувофиқ суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш тўғрисида қарор чиқаради. Суд-тиббий экспертизасини тайинлашдан олдин қуйидаги масалаларни ҳал этиши шарт: қайси экспертларга бериш лозимлиги, айбланувчи ва уни ҳимоячисини экспертиза тайинлаш тўғрисидага қарор билан таништириш керакми ёки йўқми?.

¹⁰⁰ Алексеева Н.С. Советский уголовный процесс. Изд. Ленинградского университета. 1976., 419-бет

ЖПК нинг 567-моддасида суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш кўрсатиб ўтилган. Айбланувчи ёки гумон қилинувчининг руҳий ҳолатини аниқлашдан мақсад, ўз ҳаракатларига жавоб бериши, ўзини-ўзи бошқариш ва ақли расолигини аниқлашдир. Бериладиган саволлар унинг махсус билимларидан четга чиқмаслиги керак ва "айбланувчининг руҳий ҳолати" га боғлиқ бўлиши лозим. Эксперт хулосалари асосли бўлиши шарт. Агар терговчида айбланувчи соғлом ёки касаллиги тўғрисида шубха пайдо бўлса уни руҳий касал деб топилгандан кейин ҳам, у ўз ҳаракатларини бошқара оладими ёки йўқми деган масалани хал қилиши керак.

Терговчи эксперт олдида шундай саволларни қўйиши мумкин.

1) Айбланувчи руҳий касалликка чалинганми, агар руҳий касал бўлса қайси тури билан касалланган?

2) Айбланувчининг ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган вақтда руҳий ҳолати қандай бўлган?

3) Айбланувчи руҳий касаллиги даражаси ва характери бўйича ўз ҳаракатларига жавоб бера оладими ёки ўз-ўзини бошқара оладими?

4) Айбланувчининг ҳозирги руҳий ҳолати қандай?

5) Агар айбланувчи ҳозирги вақтда руҳий касаллик безовта қилаётган бўлса, қандай тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш зарур?

Терговчи-психиатр билан бирга илмий хулоса учун қўшимча саволлар ҳужжатлар ва уларнинг ҳажминини белгилайди. Қоида бўйича айбланувчи тўғрисидаги аниқланган барча ҳолатлар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда баён этилади.

Қарор тузилгандан сўнг терговчи ушбу қарорни айбланувчига ва унинг ҳимоячисига тақдим этиш масаласини хал этиши зарур. ЖПК кўра, терговчига айбланувчининг руҳий ҳолатига қараб экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорни ҳамда эксперт хулосасини эълон қилмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда терговчи баённомада унинг сабабларини кўрсатиб бериши шарт. Амбулатория шароитида экспертиза тайинлашда терговчи қарор ва материалларни экспертларга олдинроқ юборади. Ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахснинг ишларида ҳимоячининг иштироки мажбурий. (ЖПК 571 - моддаси).

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритишда суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш ҳақидаги қарор чиқарилган вақтдан бошлаб ҳимоячи иштирок этади. „Ҳимоячига эътирозлар билдириш, қўшимча саволлар бериш, қўшимча ва қайта экспертиза тайинлаш ҳақида талаб қилиш ҳуқуқи берилган”.¹⁰¹

Эксперт хулосасини олгандан сўнг терговчи уни баҳолаши керак. Агарда терговчи барча материаллар асосида ва эксперт-психиатр хулосасига кўра айбланувчини ақли расо деб топса, иш давом этади, агар эксперт ақли норасо деб хулоса берса, тиббий ҳарактердаги мажбурий чорани қўллаш тўғрисидаги масалани хал қилиш тўғрисида қарор чиқариш билан дастлабки тергов тамомланади. Агар шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этмаган бўлса ҳам лекин жамият учун хавфли бўлса соғлиқни сақлаш органлари уни руҳий шифохонага мажбурий тартибда жойлаштирадilar.

Тергов давомида жиноят қонунчилигида белгиланган ижтимоий хавфли қилмиш айбланувчи томонидан ақли норасо ҳолатда содир этилган деб топилса терговчи қуйидагилардан бирини қабул қилиши мумкин:

1) агар ижтимоий хавфли қилмиш ва руҳий ҳолати бўйича шахс жамиятга хавф туғдирмаса иш тугатилади;

2) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш зарур бўлса иш прокурор орқали судга юборилади.

Руҳий касалга чалинган шахслар жинояти тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки тергов қуйидаги шартлар асосида амалга оширилади:

1) шахс жиноятни руҳий касалга чалингунга қадар содир этган бўлиши лозим, шунинг учун уларнинг қилмишлари жиний жавобгарликка тортилишни тақозо қилади;

2) жиноят содир этгандан сўнг руҳий касалга чалинган шахслар соғайиб кетгунларига қадар жазога тортилмайдilar, балки даволанишга жунатиладilar, соғайиб кетганларидан сўнг умумий тартибда жиний жавобгарликка тортиладilar;

3) дастлабки тергов иш юритуви пайтида шахсда руҳий касаллик мавжуд бўлганда, алоҳида тергов ҳаракатларида иштирок этмайди.

¹⁰¹ Рыжаков А.П. Производство по применению принудительных мер медицинского характера. М.1997. 145-бет.

Ақли расо ҳолатда бўлиб жиноят содир этган, бироқ кейинчалик руҳий касалга чалинганда терговчи қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

а) айбланувчида вақтинчалик руҳий фаолияти бузилиши туфайли-иш юритувини тўхтатиш ва айбланувчини соғайгунча қадар даволаш ва психиатрия муассасасига жойлаштириш тўғрисида;

б) айбланувчининг ўз ҳаракатларига жавоб бера олмайдиган ва бошқара олмайдиган сурункали руҳий касаллиги бўйича-тиббий характердаги мажбурий чорни қўллаш тўғрисидаги масалани хал қилиш учун қарор чиқариб, ишни прокурор орали судга юбориш.

Жиноят содир этишда айбланувчининг иштироки исботланмаган тақдирда, унинг руҳий ҳолатидан қатъи назар иш тугатилади.

Тарбиявий характердаги профилактик тадбирлар руҳий касал деб танилган шахсларга қўлланилмайди, чунки уларнинг руҳий ҳолати тарбиявий таъсир имкониятини истисно этади. Терговчи ишда айбланувчининг иштироки исботланмаган тақдирда ишни тугатганда соғлиқни сақлаш маҳаллий органларига руҳий касал тўғрисида хабар қилади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича дастлабки терговни тамомлашда қуйидаги процессуал ҳаракатларни амалга ошириш талаб этилади: процесс иштирокчиларини иш материаллари билан таништириш; тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга жўнатиш тўғрисида қарор чиқариш.

Айбланувчидан ташқари процесснинг барча иштирокчилари тергов тамомлангандан сўнг иш материаллари билан одатдаги тартибда танишади. Терговчи айбланувчининг руҳий касаллиги туфайли иш материаллари танишишига тақдим этилмаганлиги тўғрисида баённома тузади. Иш материали айбланувчининг ҳимоячисига танишиш учун тақдим этилади. Ҳимоячининг иш материали билан танишганлиги ҳақида алоҳида баённома тузилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга жўнатиш тўғрисидаги қарорда суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар ва дастлабки терговда аниқланган барча ҳолатлар баён қилинади.

Биринчидан, иккаласи ҳам дастлабки терговнинг якуний ҳужжати ҳисобланади; иккинчидан, ҳужжатларнинг тузилиши ўхшаш; учинчидан, бу ҳужжатларда тўпланган далилларни тўла анализ қилиш асосида терговчининг иш бўйича якуний ҳулосаси акс этган бўлади.

Қарорга иловада судга чақириладиган шахслар рўйхатидан ташқари қуйидагилар келтирилиши зарур:

- иш ҳаракатдалиги ва кўрсатилган пайтда мажбурлов чораси қўлланилганлиги тўғрисида маълумотнома, агар ақли норасо қамокқа олинган бўлса, ушлаб турилган жой;

- ашёвий далиллар, фуқаролик даъвоси, уни таъминлаш учун қабул қилинган чоралар тўғрисида маълумотнома;

- ижтимоий хавфли қилмишни содир этишга имкон берувчи шароит ва сабабларни бартараф қилиш учун қабул қилинган чоралар тўғрисидаги маълумотнома;

- Ишнинг мос келувчи варағига ҳавола қилган ҳолда суд ҳаражатлари тўғрисидаги маълумотнома.

Прокурор жинойт иши материали билан танишиб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади.

1) ЖПК нинг 83 ва 84 моддаларида назарда тутилган асосларга кўра ишни тугатиш;

2) қўшимча тергов ўтказиш учун ишни терговга қайтариш;

3) қарорни тасдиқлаб, ишни судга ошириш.

3-§. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларни қўллаш тўғрисидаги ишларни судда кўриш учун тайинлаш ва суд муҳокамасини ўтказиш

Агар суд мажлисида ишни кўриш учун монелик қиладиган ҳолатлар аниқланмаса, судья ишни муҳокама қилиш учун тайинлайди ва ЖПК нинг 403-моддасига биноан бу ҳақда прокурорга, ҳимоячига, қонуний вакилга хабар беради, шунингдек жабрланувчи, гувоҳлар ва зарур ҳолларда экспертни чиқаради. Шахс руҳий ҳолати таъсирида суд муҳокамасига қатнаша олмаса, унинг манфаатларини ҳимоячи ва қонуний вакил амалга оширадилар. Шу сабабли, судья уларга далилларни текширишда қатнашиш, далиллар тақдим қилиш, илтимоснома ва рад қилиш, суд қарори устидан шикоят қилиш учун жинойт иш материаллари билан

ганишиб чиқишига шароит ва имконият яратиб беришга **мажбур**. Бундан ташқари, ишни эшитувга тайинлаш ҳақидаги **қарор** ўзида ҳеч қандай жиноий-ҳуқуқий оқибат туғдирмайди ҳамда суд муҳокамасининг натижасини билдирмайди. Бу қарор ишни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун процесснинг кейинги босқичига ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

ЖПК нинг 575-моддасида айтилишича, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси ЖПК нинг 50-52 бобларида назарда тутилган қоидаларига мувофиқ равишда, прокурор ва ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолда ўтказилади. Албатта, ушбу қоидалар бошқа жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасида қўлланилади. Лекин ушбу тоифадаги ишлар бўйича суд мажлисида прокурор ва ҳимоячининг иштироки шарт бўлиб ҳисобланади.

Шахснинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлиги тўғрисидаги жиноят иши бўйича ўтказиладиган суд муҳокамаси ўзининг бир қатор хусусиятларига эга. Суд муҳокамасининг тайёрлов қисми, суд тергови, суд музокараси ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс иштирок этаётган бўлса охириги сўзини тинглаш ва ажрим (ҳукм) чиқаришдан иборат.

Ушбу қисмларнинг ҳар бири бошқа жиноят ишларига қараганда ушбу тоифадаги ишлар бўйича жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки бунда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асосларини аниқлаш шarti ётади. Ушбу тоифадаги ишлар бўйича ЖПК нинг 51-бобида келтирилган талабларни қатъий равишда бажариш, жумладан суд таркибини, тарафларни эълон қилиш ва рад қилиш ҳуқуқини тушунтириш (ЖПК нинг 431-моддаси) ҳамда тарафлар илтимосини, хатто руҳий касал шахс илтимос билан арз қилган тақдирда ҳам ушбу илтимосни хал қилиш (ЖПК 438-модда) керак бўлади. Суд муҳокамасининг ушбу қисмида процесс иштирокчиларининг бирортаси келмаганда жиноят ишини кўриш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги масаласи хал қилинади. (ЖПК нинг 433-модда).

Руҳий касал бўлган шахснинг ижтимоий қилмиши ҳақидаги иш судда кўриляётганда прокурор ва ҳимоячининг қатнашиши шарт (ЖПК 575-модда). Ушбу иштирокчиларнинг ишни кўриш вақтида ҳозир бўлмаслиги, суд учун мажлисни

кейинга қолдиришга ҳамда судга уларнинг ишда қатнашишини таъминлашга асос бўлади.

Бундай тоифадаги ишлар бўйича иши қўрилаётган шахснинг суд мажлисида қатнашиши тўғрисидаги масалани хал қилиш муҳим аҳамиятга эга. ЖПК нинг 570-моддаси 1-қисмида айтилишича, бундай шахсларнинг руҳий ҳолати яхшиланган бўлса ва улар суд мажлисида кўрсатув бера олса ҳамда суд ҳаракатларида иштирок эта олса, суд бу шахсга суд муҳокамасида қатнашиш ва ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга ошириш имконини бериши лозим. Бундай шахсларнинг суд мажлисида иштирок эта олмаслиги эксперт хулосаси ёки тегишли тиббий муассасанинг маълумотномаси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Шу билан бирга иши қўрилаётган шахснинг суд мажлисида қатнашиши судга эксперт хулосасига ҳамда шахснинг касаллик ҳолатига яхшироқ баҳо беришга имкон беради. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг қонуний вакиллари суд мажлисида унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифодалайди, шунингдек қонуний вакиллар гувоҳ, сифатида ҳам сўроқ қилинишлари мумкин. Қонуний вакилларнинг суд мажлисида қатнашиши муҳим аҳамиятга эга, чунки улар қонун томондан берилган ўз хомийликлари остидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Агар ақли норасо шахс ўзининг руҳий касаллиги таъсирида суд мажлисида қатнаша олмаса ёки бўлиб ўтган ҳодисаларни тушуниб ета олмаса, бундай ҳолларда раислик қилувчи ушбу шахснинг шахсини ифодаловчи маълумотларини ЖПК нинг 434-моддасига кўра ошкора қилади. Раислик қилувчи иш қўрилаётган шахсга ва унинг қонуний вакилига уларнинг суд мажлисида процессуал ҳуқуқларини тушунтириши шарт (ЖПК нинг 435-436-моддалари). Суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида илтимослар қилиш мумкин ва суд томонидан бу илтимосларнинг кўриб чиқилиши мажбурийдир. Илтимослар билан арз қилиш суд тайёрлов қисмининг охириги хал қиладиган масаласидар.

Юқорида айтиб ўтилган барча масалаларнинг хал қилиниши судга суд муҳокамасининг навбатдаги қисми бўлган суд терговига ўтишига имкон беради.

Суд тергови терговчининг ишни судга юбориш тўғрисидаги қарорини ўқиб эшиттиришдан бошланади. Суд мажлисида руҳий касал шахс қатнашаётган бўлса, унга ўқиб эшиттирилган қарорнинг мазмуни ва иш кўрилишининг оқибатлари тушунтирилади. Суд ЖПК нинг 446-моддасига асосан, суд тергови вақтида экспертиза тайинлаш ва бу ҳақда ажрим чиқариши мумкин. Ушбу ажримда қандай ҳолатлар бўйича экспертиза ўтказилаётганлиги баён қилиниши керак.

Эксперт-психиатрнинг хулосаси ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг фақатгина касаллигини эмас, балки ушбу касалликнинг шахс ҳулқига қандай таъсир кўрсатишини ҳам акс эттирган бўлиши керак. Шунинг учун ЖПК нинг 568-моддаси эксперт хулосасидан шахснинг касаллиги тўғрисидаги хулосани эмас, балки унинг ижтимоий хавфли қилмиши содир этиш пайтидаги ёки уни содир этгандан кейин руҳий ҳолати тўғрисида хулоса берилишини талаб қилади. Агар экспертни сўроқ қилиш орқали эксперт хулосасидаги камчиликлар ёки аниқ бўлмаган ҳолатларни тўлдириш мумкин бўлса, қўшимча экспертиза ўтказишга зарурат қолмайди. Эксперт олдига қўйилган саволларга берилган жавоблар суд маж лиси баённомасида қайд қилинади ва эксперт хулосасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Суд тергови вақтида ҳолатларни текширишдан асосан мақсад иш бўйича исботловчи ҳолатларни аниқлашдан иборат. Суд тарафларнинг иштирокида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар мавжудлигини тасдиқлайдиган ёки рад этадиган далилларни текширади. Сўроқ қилади, кўздан кечириш ўтказади, хужжатларни ўқиб эшиттиради, экспертларни тинглайди, ҳақиқатга эришиш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни бажаради.

Суд тергови тамомланганидан сўнг суд тарафларнинг музокарасига ўтади. Музокарада прокурор, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, қонуний вакил, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этади. Музокаранинг охирида ҳимоячи сўзга чиқади. Охириги эътироз билдириш ҳуқуқи ҳам унга берилади. Тарафларнинг нутқларини эшитиб бўлгач, судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради. Суд ажрим чиқаришдан олдин ЖПК нинг 576-моддасида кўрсатилган масалаларни хал қилиши лозим.

1) жиноят содир этилганми ёки ақли норасо шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этганми;

2) ана шу жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш иши кўрилаётган шахс томонидан содир этилганми;

3) мазкур шахс ҳозирги вақтида руҳий касалми;

4) жиноят содир этгандан кейин руҳий касалликка дучор бўлиб қолган ёки ақли норасо ҳолда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш талаб этиладими ва агар талаб этилса, айнан қандай чорани қўллаш керак;

5) мазкур шахс руҳий касалликдан умумий асосларда даволанишга мухтожми;

6) фуқаровий даъво қаноатлантирилиши керакми, бу даъво кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим, шунингдек фуқаровий даъво қўзгатилмаган бўлса, жиноят туфайли келтирилган зарар ундирилиши керакми,

7) фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланган мол-мулкни нима қилиш керак;

8) ашёвий далилларни нима қилиш керак;

9) процесс чиқимларини кимнинг зиммасига ва қанча миқдорда юклаш лозим;

10) Бундай шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш ёки бекор қилиш керакми.

Кейинчалик руҳий касалликка дучор бўлиб қолган шахс содир этган жиноят тўғрисидаги ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши ҳақидаги иш бўйича суд мажлисида чиқарилган суд аж рими қўйидаги қоидалар асосида тузилади. Суд ажримининг кириш қисмида иши кўрилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, оyi, куни ва жойи, турар жойи, иш жойи, машғулот тури, маълумотини ва шахси тўғрисидаги иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотларни кўрсатади.

Ажримнинг тавсиф-асослаш қисмида суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки қўлламаслик учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни баён қилади, шу чорни қўллашни тақозо қиладиган, шубҳа остига қўядиган ёки унга монелик қиладиган далиллар келтиради. Шундан сўнг ажримда суд ЖПК нинг 576-моддасида санаб ўтилган масалаларга ўзининг жавобларини ифодалайди.

Ажримнинг хулоса қисмида суд қуйидаги қарорлардан бирини баён қилади:

1) шахсни жиноят содир этган, кейинчалик руҳий касал бўлиб қолган деб эътироф этиш ёхуд уни ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб тан олиш тўғрисида, шунингдек бу шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисида;


2) иши кўрилаётган шахс қилган деб ҳисобланаётган жиноят ҳодисаси ёки ижтимоий хавфли қилмиш йўқлиги сабабли ишни тугатиш тўғрисида;

3) шахснинг содир этилган ишга дахлдор эмаслиги туфайли тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритишни тугатиш ҳақида ва ҳақиқатда жиноят содир этган шахсни аниқлаш мақсадида ишни кўшимча терговга қайтариш тўғрисида;

4) мазкур шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ва дастлабки терговни умумий тартибда тамомлаш учун ишни прокурорга қайтариш тўғрисида.

Кейинчалик руҳий касалликка дучор бўлган шахснинг содир этган жинояти ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши туфайли мулкий зиён етказилган бўлса, зиённинг ўрнини қоплаш масаласи фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида хал этилади. Руҳий ҳолати бузилган ва умумий асосда даволанишга муҳтож бўлган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритиш тугатилган тақдирда, суд бу ҳақда шахснинг турар жойидаги соғлиқни сақлаш органига дарҳол хабар қилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари



Мавзу бўйича саволлар:

1. Қонунда қандай тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари назарда тутилган ва улар кимларга нисбатан қўлланилади?

2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари билан боғлиқ ишларда дастлабки тергов қандай олиб борилади?

3. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиладиган ишларда ҳимоячининг иштироки қандай аҳамиятга эга?

4. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ ишларда суд-психиатрия ёки тиббий экспертиза тайинланиши шартми?

5. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари билан боғлиқ ишларда ҳужжатлар суд муҳокамасига қандай тайинланади?

6. Суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари билан боғлиқ ишлар бўйича қандай ажрим чиқариши мумкин?

7. Судда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўзгартириш ёки бекор қилиш ва иш юритишни тиклаш тартиби қандай?

8. Суд-психиатрия экспертизасида қандай масалалар аниқланиши лозим?

9. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси қандай ўтказилади?

10. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан суд ажрими устидан шикоят бериш ёки протест келтириш йўллари қандай?

XXIV-БОБ. ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ

1-§. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг тушунчаси, ўзига хос хусусияти ва аҳамияти

Жиноят процессини либераллаштириш тарихий шарт-шароит билан узвий боғлиқ. Инсон тақдирини ва ҳақ-ҳуқуқларини белгиловчи қонунларни такомиллаштириш ва уни инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратиш либераллаштиришнинг асосий мақсади ҳисобланади. Жиноят процессида процессуал шакллارни дифференциация қилиш, яъни янги усулларини ишлаб чиқиш масаласи амалиёт ҳодимлари ва процессуалист олимларнинг доимий эътиборидадир. Чунки дастлабки тергов ва одил судлов фаолиятидаги процессуал шакл албатта унинг мазмунига мос келиши керак.

Жиноят ишлари бўйича процессуал шакл-жиноят процессуал қонунчилиги нормалари билан тартибга солинадиган, жиноят процесси субъектлари фаолиятини юзага келтирадиган муносабатларнинг тизимидан иборат. Жиноят судлов ишларини юргизишнинг турли шакллари ишлаб чиқиш жиноят процессини ривожланишининг натижасидир. Агар ишлаб чиқилган ҳар бир йўналиш ёки шакл процесснинг демократлашувига хизмат қилса, одил судловни самарадорлигини оширса, инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилса, уни қўллаш керак.

Шунинг учун ҳам жиноят судлов сиёсатини бизнинг назаримизда икки йўналишда олиб бориш мақсадга мувофиқ, яъни оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларга нисбатан қўлланиладиган жазо чораларини қонунда берилган тарзда қолдириш ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир ҳисобланмаган жиноятларга нисбатан қўлланиладиган жазоларни енгиллаштириш томонига ўтиш.

Моддий жиноят ҳуқуқини ўзгаришига қараб, жиноят процессида жиноят судлов ишларини юритиш тартиби ҳам ўзгариб боради. Масалан: Жиноят кодексига 66'-модда киритилиши билан Жиноят процессуал кодексига 62-бобнинг киритилди. Айрим процессуалист олимлар жумладан, А. Кобликов, жиноят судлов ишларини юритишни соддалаштириш фикрини илгари суриш билан бир қаторда

ҳозирда амалда бўлган процессуал шакллارни барчасини танқид остига олади. Унинг фикрича дастлабки тергов ҳам, суд муҳокамаси ҳам қисқартирилиши ва турли жиноятлар бўйича ишларни мазмунан кўриш турли йўналишларда олиб борилиши лозим¹⁰². Бизнингча, бу фикр билан келишиб бўлмайди, чунки оғир ҳамда ўта оғир жиноятларни юритиш тартибида ўзига хос қатъийлик бўлиши керак. Шунингдек, барча процессуал шакллarning заминида инсон манфаати, яъни жиноят процессида иштирок этадиган жиноят судлов ишларини натижасидан манфаатдор бўлган иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари таъминланиши лозим.

Бизнинг фикримизча, келажакда жиноят судлов ишларини юритишнинг турли шаклларини ишлаб чиқиш мумкин. Масалан: судьяларни ихтисослигини чуқурлаштириб, вояга етмаганларни ишини кўрадиган, оилавий можароларни кўриб, хал қиладиган, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўрадиган судларни ташкил қилиш ёки жиноят ишларини судда кўришда халқ масалаҳатчиларини иштирок этиш ёки этмаслик масаласини қайтадан кўриб чиқиш ва ҳаказо.

2001 йил 18 октябрдаги “жиноий жазоларнинг либераллаш-тирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун қабул қилинди. Бу қонунга кўра жиноят ишларини либераллаштириш масаласи кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 2001 йил 2 ноябрдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Пленум қарориди «...қонунчиликдаги адолат ва инсонпарварлик тамойиллари кучайтирилганлигига, жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтини қўллаш имкониятлари кенгайтирилганлигига ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ва судларнинг алоҳида эътиборлари қаратилсин. Улар қонун

¹⁰²Кобликов А.“Задачи уголовного судопроизводства и проблемы дифференциации”-1975г. “Социалистическая законность”-№ 4- 89-бет.

талабидан келиб чиқиб, жазодан кўзланган мақсад ҳақидаги дунёқараш ва тафаккурларини ўзгартиришлари зарур»¹⁰³

Ҳозирда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш жорий қилинган экан, унинг ўзига хос хусусиятларини мукамал ўрганишимиз ва амалиётга татбиқ қилиш тартибини белгилаб олишимиз зарур.

1. Ярашувчилик муносабати билан кўриб чиқиладиган жиноят ишларига ЖК нинг 66'-моддаси назар тутилган жиноятлар киради.

2. Ярашув тўғрисидаги жиноят ишлари жиноят ишини кўзгатиш, дастлабки тергов ва суд муҳокамасини ўз ичига олади.

3. Суриштирув ва дастлабки терговда қуйидагилар исботланиши шарт: а) гумон қилинувчи, айбланувчининг илгари судланган ёки судланмаганлиги; б) жиноят ҳақиқатан ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан содир этилганлиги; в) ихтиёрий равишда етказилган барча турдаги зарарни қопланганлиги; г) жабрланувчи жинойи қилмишни содир этган шахсни кечириб, ярашув тўғрисида ариза берганлиги.

4. Суд муҳокамасига иш материали, терговчи томонидан чиқарилган ва прокурор розилик билдирган ярашув тўғрисидаги қарори, жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризаси топширилади.

5. Суд мажлиси таёйргарлик, суд музокараси ва ярашув тўғрисидаги ажрим чиқариш учун масалахатхонага кириш қисмларидан иборат.

6. Суд мажлисида тарафларнинг бир томонини прокурор ва жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг вакиллари, иккинчи томонини гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва уларнинг химоячиси ташкил этади.

7. Агар дастлабки терговда ярашув тўғрисидаги битимга келишилмаган бўлса, суд масалахатхонага киргунга қадар жабрланувчи ярашув тўғрисидаги аризани топшириши керак. Бундай ҳолда суд мажлиси беш қисмдан иборат бўлади.

8. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарилган ажрим бўйича хусусий шикоят ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

¹⁰³ Ўзбекистон Республикаси Олий суднинг 2001 йил 2 ноябрдаги Пленум қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, 2001 йил 11-12- бет.

Жулоса қилиб шуни айтиш мумкинки:

1. ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш шаклида қисқа муддатда тарафлар ўртасидаги низо бартараф этилади ва ортиқча сарф ҳаражатнинг олди олинади.

2. гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, “судланган” деган тамгадан фориғ қилинади.

3. жабрланувчининг қонуний талабларини бажариш билан адолатнинг нақадар муқаддаслиги ва қонун устиворлиги тан олинади.

4. суриштирув ва дастлабки тергов органлари машаққатли меҳнатдан холос бўлади.

5. суднинг одил судлов органи сифатидаги обрўи ва эътибори ошади.

И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II-чақириқ IV-сессиясида “Адолат-қонун устиворлигида” деб номланган тарихий нутқида қайд этилганидек, “Жабрланувчи билан ярашув тўғрисидаги алоҳида тоифадаги ишларни юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят процесси қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлади”.¹⁰⁴ Бунинг заминида шарқона қадриятлар, миллий урф-одатлар, адолат ҳамда кечиримлик ва албатта қонун устиворлиги мавжуд.

2-§. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг процессуал расмийлаштириш тартиби

Ярашув тўғрисидаги ишларга Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 66¹-моддасида кўрсатилган 26-турдаги жиноят киритилган. Буларга қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (105-модда), кучли руҳий хаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш. (106-модда), зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб баданга қасддан оғир шикаст етказиш (108-модда), қасддан баданга енгил шикаст етказиш (109-модда) ва ҳоказолар киради.

¹⁰⁴ И.А. Каримовнинг 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 6-сессиясида “Адолат-қонун устиворлигида” мавзусида қилган маърузаси. “Халқ сўзи” 2001 й. 30 август.

Юқоридаги жиноят турларини кўрсатишимиздан мақсад барчасида зарарнинг мавжудлигини қайд этишдир. Жиноят орқасидан моддий ёки маънавий зарарнинг келтирилиши жабрланувчини изтиробга солади. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчини кечириш тўлалигича жабрланувчи ихтиёрига берилган, яъни ярашув тўғрисидаги иш юритиш масаласини хал қилиш ҳуқуқига қонунда белгиланган тартибда жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) деб топилган шахс ёки унинг қонуний вакили эгадир. Бунинг учун жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) суриштирув, дастлабки тергов, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд масалаҳатхонага киришидан олдин кечириш тўғрисида ариза бериши керак. Қонуннинг мазмунига кўра бундай ариза апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди масалаҳатхонага кириб кетгунга қадар ҳам берилиши мумкин.

Ариза ёзиш мутлақо ихтиёрийлик асосида бўлиб, унда етказилган зиён бартараф этилгани, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашилганлиги учун жиноят ишини юритишни тугатиш тўғрисида илтимос бўлиши шарт. Агар ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасида ўтказилаётган вақти берилган бўлса, суд дарҳол аризани кўриб чиқишга киришади. Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, барча жабрланувчилар ярашувга розилик билдириб, ариза ёзганларидагина ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилади. Ярашув тўғрисидаги ишларда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд аризани қабул қилаётиб, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга бундай ариза фақат бир марта ёзилиши мумкинлигини, кейинчалик ишни тиклаш учун ҳеч қандай илтимосга ўрин бўлмаслиги тўғрисида тушунтириши лозим. Суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумон қилинувчининг, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради.

Қарорнинг тавсиф қисмида қуйидагилар кўрсатилади: жиноят иши қўзғатилишининг асослари, ишда гумон

қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, улар айбланаётган қилмишлар ва уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, шунингдек ярашув тўғрисидаги аризанинг мазмуни ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчининг аризага муносабати.

Қарорнинг қарор қисмида:

- 1) ишни судга юбориш тўғрисидаги;
- 2) эҳтиёт чораси тўғрисидаги, шунингдек фуқаровий даъвои таъминлаш чоралари тўғрисидаги;
- 3) ашёвий далиллар тўғрисидаги масала кўрсатилади.

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этиш учун бир неча шахс жалб қилинган бўлиб, барчаси билан ҳам ярашувга эришилган бўлмаса, ярашувга эришилмаган гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга тааллуқли материаллар ажратилади ва улар бўйича иш юритиш умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади, бу ҳақда қарорда кўрсатилади. Иш қарор чиқарилганидан кейин уч сутка ичида прокурорнинг розилиги билан судга юборилади.

Прокурор ўз ваколати доирасида жиноий иш материали, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакилларининг ярашув тўғрисидаги аризаси ва суриштирувчи ёки терговчининг қарори билан танишар экан қуйидагиларга эътиборини қаратиши лозим.

1. ярашув тўғрисидаги жиноят иши ЖК нинг 66¹-моддасида белгиланган жиноят турларига тўғри келади;

2. жиноят иши бўйича гумонланувчи, айбланувчи муқаддам судланмаганми;

3. муқаддам қасддан жиноят содир этган-этмаганлиги ва қонун бўйича уларни жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари, судланганлик муддатлари ўтган ёки ўтмаганлиги аниқланганми;

4. гумон қилинувчи, айбланувчининг шахсига доир маълумотлар тўлиқ олинганми;

5. келтирилган зарарни қоплаш чоралари кўрилганми;

6. гумон қилинувчи, айбланувчи айбига тўлиқ иқроп ёки иқроп эмаслиги;

7. эҳтиёт чоралари тўғри қўлланилганми;

8. гумон қилинувчи ва айбланувчининг ярашувга қандай муносабатда эканликлари аниқланганми, деган масалаларни

аниқлаши лозим. Шундан сўнг қарорни тасдиқлаб, ишни судга оширади.

3-§. Ярашув тўғрисидаги ишларни суд муҳокамасида кўриш

Ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида, шахснинг айдорлиги масаласини ҳал этмай туриб, жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлади.

Суд статистикаси маълумотлари ҳамда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти натижалари шуни кўрсатадики, жиноят қонунчилигига ушбу институтни киритилиши жиноий ҳуқуқий муносабатларни эркинлаштиришда самарали восита бўлди. Мазкур институтнинг қўлланилиши туфайли республикада судланганлик ҳолати сезиларли даражада камайди.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирилмай ўтказилади. Ярашув тўғрисидаги ариза суд мажлисида берилган ҳолларда, бу масала суд мажлиси давомида ҳал этилади. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иштирок этувчи шахслар доираси бошқа тоифадаги жиноий ишлари бўйича процесс иштирокчиларидан бир мунча фарқ қилади. Жумладан, қонун бўйича (ЖПК нинг 585-моддаси) суд мажлисида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячилари ва прокурор иштирок этади. Айрим ҳолатларда суд иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилиши учун бошқа шахсларни ҳам жалб этиши мумкин.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича қонунда суд муҳокамаси олиб боришнинг алоҳида тартиби ва ярашув туфайли ишни тугатиш масаласини ҳал этиш чоғида суд аниқлаши шарт бўлган ҳолатлар доираси белгиланади. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини ўқиб эшиттириши билан бошланади.

Суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) нинг содир этилган жиноят ҳолатлари тўғрисидаги сўзларини эшитади.

Суд қуйидагиларга ишонч ҳосил қилиши керак.

1) ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабаблари,

2) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ўз айбига ихтиёрий иқрор бўлганлиги,

3) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлигини ва етказган зарарини бартараф этиш чораларини кўрган- кўрмаганлиги,

4) жабрланувчига (фуқаровий даъвогарга) ёки гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлган-бўлмаганлиги,

5) етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ бўлган масалалар,

6) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ярашувга рози эканликлари.

Шундан сўнг, суд ҳимоячи ва прокурорнинг фикрини эшитишга киришади. Бу тоифадаги ишлар бўйича музокарада аввал ҳимоячининг фикри сўнгра прокурорнинг фикри эшитилади. Чунки прокурор давлат айбловини қўлламайди. Агар суд мажлиси давомида ярашув, айбга иқрор бўлиш ихтиёрий эмаслиги, зарарни қоплашдан бош тортиш, шунингдек содир этилган қилмишда оғирроқ жиноят таркиби белгилари мавжудлиги аниқлангудек бўлса, суд умумий қоидалари бўйича дастлабки тергов юритилиши учун ишни прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради. Суд муҳокамасининг натижалари бўйича суд қонунда белгиланган тартибда ажрим чиқаради. Суд мажлисида ЖПК нинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан баённома юритилади.

Суд ажрими қуйидаги қоидалар бўйича тузилади. (ЖПК нинг 586-моддаси).

1) ажрим чиқарилган вақт ва жой;

2) ажрим чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг, тарафларнинг, таржимоннинг исми, отасининг исми ва фамилияси;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, ойи, куни ва жойи, яшаш жойи, ишлаш жойи, машғулоти, маълумоти ва иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Суд ажримининг тавсиф-асослаш қисмида ярашув учун асос бўлган ҳолатлар баён этилади, яъни ЖПК нинг 585-моддасида санаб ўтилган масалаларига жавоблар

ифодаланади. Ажримнинг қарор қисмида суд қуйидаги масалаларни ҳал этади:

1. суд мажлиси баённомасини тасдиқлаш ҳамда жиноят ишени тугатиш ёки уни умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги,

2. эҳтиёт чораси тўғрисидаги,


3. ашёвий далиллар тўғрисидаги,

4. зарарни қоплаш тўғрисидаги.


Суднинг ажримига гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячи томонидан ҳусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан ҳусусий протест келтирилиши мумкин.

Ҳусусий шикоят ва ҳусусий протест фақатгина ярашув тўғрисидаги ариза суд томонидан рад этилиб, жиноят иши умумий қоидалар бўйича дастлабки терговни юритишлик учун прокурорга қайтариб юборилганида берилиши мумкин. Чунки суд фақатгина икки турдаги, яъни ярашув тўғрисидаги битимни тасдиқлаш ёки ярашувчилик тўғрисидаги аризани рад этиб, ишни умумий тартибда юритишлик учун прокурорга қайтариб юбориш ҳақидаги ажримни чиқади.

Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсни жавобгарликдан озод қилиш шarti.



Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамасининг тартиби. (ЖПК 585-модда)



Мавзу бўйича саволлар:

1. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш қачон ва нима сабабдан Ўз.Р. ЖПК га киритилди.
2. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш шартлари нималардан иборат.
3. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш муддати қандай?
4. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича терговчининг қарори ўз ичига нималарни олади?
5. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда суд муҳокамаси қандай ўтказилади?
6. Суд ажримининг мазмуни ва тузилиши қандай?

АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. «Бунёдкорлик йўлида».Т.,«Ўзбекистон», 1996 й.

2. И.А.Каримов. «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида сўзлаган нутқ. «Ўзбекистон овози», 2000 йил 23 январ.

3. И.А.Каримов. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида сўзлаган нутқи. 1995 й. 5 май Т., «Ўзбекистон», 1996 йил.

4. И.А.Каримов. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!» Т., «Ўзбекистон», 1996 йил.

5. И.А.Каримов.«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т., «Ўзбекистон», 1997 йил.

6. И.А.Каримов. «Адолат-қонун устиворлигида»,«Халқ сўзи», 2001 йил 30 август.

7. И.А. Каримов. «Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли» иккинчи чақириқ Ўзбекистон республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқи. «Ишонч» рўзномаси. 2002 йил 25 апрел.

8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.Т., «Ўзбекистон» 1998 й.

9. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодекси. Т., Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. 2001й.

10. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси.Т., Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. 2001 й.

11. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия Кодекси.Т., «Адолат» 1997 й.

12. Уголовно-процессуальный Кодекс Российской Федерации. М., „Маретинг“ 2002

13. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг туплами 1991-2002 й. Т., “Билим” 2002 й.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 1996й.20 декабрдаги 43-сонли пленум қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 1997й.2 майдаги 2-сонли Пленум қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 1997 йил 22 августдаги 12-сонли Пленум қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 1999 йил 30 апрелдаги 2-сонли қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми Қарорларининг ТўПЛАМИ 1991-1997. Шарқ Матбаа концерни нашриёти. Тошкент 1997.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Низом».
20. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 йил 15 сентябрдаги пленум қарорлари, Тошкент, 2000 йил.
21. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 йил 15 сентябрдаги Пленум қарорлари, Тошкент, 2000 йил.
22. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2001 йил 2 ноябрдаги Пленум қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, 2001 йил 11-12- бет.
23. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг амалдаги буйруқлари, кўрсатмалари, низом ва йўриқномалари тўплами. Тошкент-1999 йил.
24. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг амалдаги буйруқ ва кўрсатмалари тўплами. 1-қисм. Т., 1995 й.
25. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 2001 й. № 1-2.
26. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й, 9-10-сон 165-модда. 2001 й. 29 август қонуни тахририда
27. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабр қарори.
28. Ўзбекистон Республикасининг қонуни Прокуратура тўғрисида. Янги тахрирда. Т., 2002 й.
29. Узбекистан и международные договора по правам человека. Т., "Адолат" 1998 йил
30. Абдумажидов Г.А. Предварительное расследования. Т., 1985 й.
31. Абдумажидов Г.А. Расследование преступлений. Т., 1986 й.
32. Анашкин Г.З., Перлов И.Д. Возобновление дел по вновь открывшемся обстоятельствам. М., 1982 й.
33. Алексеев Н. С. Тахрири остида. Уголовный процесс. М., 1989 йил.

34. Астемиров З.А. Уголовная ответственность и наказание совершеннолетних. М., 1970.
35. Алексеева Н.С. Советский уголовный процесс. Изд. Ленинградского университета. 1976.
36. Алексеев Н.С., Лукашевич В. З. (масъул мухаррирлар) "Уголовный процесс" Ленинград. 1989 й.
37. Белоусов С.А. Подследственность в уголовном процессе и вопросы её совершенствования. Афтореф.дисс... канд.юр.наук.-Ташкент 1994 йил.
38. Бородин С.В. Подследственность-закон-советская милиция. 1964, № 7.
39. Бобоев Б. ва бошқалар, "Давлат ва ҳуқуқ назарияси". Т.Д.Ю.И./Т., 2000 й.
40. Басков В.И. Прокурорский надзор за исполнением законов при рассмотрении уголовных дел в судах. М., 1986.
41. Басков В.И. Прокурорский надзор. М., 1995 й.
42. Белозеров Ю. Н., Ефимичев С.П. Обвинительное заключения в уголовном процессе. М., 1992 й.
43. Белозеров Ю. Н., Николук В. В. Исполнение приговора советском уголовном процессе. М., 1984 й.
44. Белозеров Ю.Н., Рябоконт В.В. Законность и обоснованность возбуждения уголовных дел органами внутренних дел. М., 1988 й.
45. Белозеров Ю.Н., Рябоконт В.В. Производство следственных действий. М., 1990 й.
46. Безносюк А. С., Рустамов А. Х. Судебная власть. М., "Закон и право" 2002 й.
47. Бекешко С. П. Практикум по уголовному процессу. Учеб. пособия. Минск. 1979 й.
48. Волкадаев Н. Ф. Правовая культура судебного процесса. М., Юридическая литература. 1980 й.
49. Волкадаев Н. Ф. Правовое культура судебного процесса. М.: "Юрид. лит." 1980. й.
50. Вандышев В. В. Уголовный процесс. Курс лекции. Питер изд. Санкт-Петербург 2002 й.
51. Викторов Б. А. Общие условия предварительного расследования. М., 1971 й.
52. Гуценко К.Ф. Уголовный процесс. (Дарслик). Москва. "Зерцало", 1997 й.
53. Григорьев В. Н., Химичева Г. П. тахрири остида "Уголовный процесс" "Закон и право" М.: 2001 й.

54. Гуценко Ф. тахрири остида “Уголовный процесс” М.: “Зерцало” 2001 й.

55. Григорьев В. Н. Возбуждение уголовного дела при непосредственном обнаружении признаков преступления. Журнал “Правоведение” 1982 й. № 5.

56. Григорьев В. Н. Обнаружения признаков преступления органами внутренних дел. Ташкент 1986 й.

57. Григорьев В. Н. Организация следственной работы в условиях чрезвычайного положения. Т., 1984 й.

58. Гусев Л.Н., Процессуальное положение следователя в советском уголовном процессе, “Вопросы судопроизводства и судоустройства в новом законодательстве СССР”, Госюриздат. М., 1959 йил.

59. Гальперин И.М., Лукашевич В.З. «Преданию суду». М., Юрлит. 1965 йил.

60. Гуляев А.П. «Процессуальные сроки в стадиях возбуждения и предварительного расследования». М., 1976.

61. Громов Н. А. Возбуждения производства по вновь открывшимся обстоятельства. Волгоград. 1984 й.

62. Громов Н. А. Институт привлечения к уголовной ответственности. Саратов. 1991й.

63. Громов Н. А. Уголовный процесс России: Учеб. пособия. М., 1998 й.

64. Дубинский А.Я. Прекращение уголовного дела в стадии предварительного расследования. Киев. 1975 й.

65. Дубравный В.А. Деятельность следователя по расследованию преступлений. Саратов 1987 й.

66. Давлетов А. Дж. Прокурорский надзор. (Учебник). „Билим”. Нукус 1999 й.

67. Ефанова В.А. Возбуждение уголовного дела судом. Воронеж. 1988 й.

68. Еникеев М. И., Эминова В.Е. Психология преступника и раследование преступлений, М., изд. БЭК . 1996 йил.

69. Жогин Н. В., Фаткуллин Ф. М. Возбуждение уголовного дела в советском уголовном процессе. Москва. 1971 й.

70. Зинатуллин З. З. Уголовно процессуальные доказывания. Ижевск 1993 й.

71. Загорский Г.И. Судебная разбирательства по уголовному делу. М., 1985 й.

72. Иногомжонов З.Ф. нинг умумий тахрири остида “Жиноят процесси” (умумий қисм)Т.:“Янги аср авлоди”2002 й.

73. Колбая Г. Н. Соотношение предварительного следствия и судебного разбирательства. М., 1975 й.
74. Кобликов А. С. Судебный приговор. М., 1966 й.
75. Кобликов А. "Задачи уголовного судопроизводства и проблемы дифференциации"-1975г. "Социалистическая законность"-№ 4.
76. Карнеев Л. М. Привлечения к уголовной ответственности. Законность и обоснованность. М., 1971 й.
77. Карнеев Л. М., Lupинская П. А., Тыричев И. В. «Советский уголовный процесс». М., Юрлит. 1980 й.
78. Кожевников Н. И. тахрири остида. Расследование преступлений. Руководство для следователей. М., 1997 й.
79. Каз. В. М. Проблемы доказывания в суде первой инстанции. Саратов, 1978 й.
80. Коллашникова Н. Я. "Судебное разбирательство по уголовному делу" М.: "Юр. лит" 1962 й.
81. Калашникова Н. Я. Общие условия судебного разбирательства. М., 1963 й.
82. Карев Д. С., Савгиров Н. М. Возбуждение и расследование уголовных дел. "В.Ш", М., 1967 йил.
83. Карев Д. С., отв. ред. Советский уголовный процесс. М., 1975 йил.
84. Карев Д. С. Участие общественности в расследовании и судебном разбирательстве уголовных дел. М., 1963 й.
85. Курс советского уголовного процесса. М., 1958.,
86. Кони А. Ф. Асарлар тўплами. Т 4. "Юридическая литература" 1967.
87. Ласточкина Р. Н., Москвитина Т. А. Основания к отмене и изменению приговора. Ярославль, 1987 й.
88. Ликас А. Л. Культура правосудия. М., 1990 й.
89. Lupинская П. А. тахрири остида Уголовный процесс. (Дарслик). Москва. "Юрист" 1997 й.
90. Lupинская П. А. Законность и обоснованность решений в уголовном судопроизводстве. М., 1972 й.
91. Lupинская П. А. Решения в уголовном судопроизводстве. М., 1976 й.
92. Лебедев С. Я. Антиобщественные традиции, обычаи и их влияние на преступность. Изд. "Юр. лит" М., 1989 йил.
93. Ларин А. М., Мельникова Э. Б., Савицкий В. М. Уголовный процесс России: Лекции, очерки \ Под. ред. проф. В. М. Савицкого. М., 1997

94. Мартынчик Е. Г. Особое мнение судьи по уголовному делу. Кишинев, 1981 й.
95. Матвиенко Е. А. Приговор суда и его исполнение. Минск, 1968 й.
96. Матвиенко Е. А. Судебная речь. Минск, 1972 й.
97. Михайленко А. Р. Возбуждение уголовного дела в советском уголовном процессе. Саратов. 1975 й.
98. Малкевич Т. В. К вопросу о состязательности. — "Ученые записки ВЮЗИ" чикиши VI, 1958.
99. Мухитдинов Ф. М. Жиноят процесси. Мохият, мазмун, шакл. "Адолат". Т., 2002 й.
100. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон адвокатураси: ислох килишда кўмаклашиш. «Мир экономики и права». Т., 2002 й.
101. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистонда суд хокимияти: ислохатлар даври. "Адолат" Т., 2002 й.
102. Петрухин Л. тахрири остида "Уголовный процесс", Проспект М.: 2001 й.
103. Павлов Н. Е. Производство по заявлениям, сообщениям о преступлениях. Волгоград. 1979 й.
104. Перлов И. Д. Кассационное производство в советском уголовном процессе. М., 1968 й.
105. Перлов И. Д. Исполнение приговора в советском уголовном процессе. М., 1968 й.
106. Потеружа И. И. Роль суда второй инстанции в укреплении законности.
107. Перлов И. Д. Надзорное судопроизводство в уголовном процессе. М., 1974 й.
108. Протченко Б. А. Принудительные меры медицинского характера. М., 1976 й.
109. Пулатов Б. Х. Теоретические основы совершенствования законодательного регулирования и практики участия прокурора при рассмотрении уголовных дел в судах. Т., ФАН. 2002 й.
110. Рыжаков А. П. Возобновление уголовных дел по вновь открывшимся обстоятельствам. М., 1997 й.
111. Рыжаков А. П. Надзорное производство. М., 1997 й.
112. Рыжаков А. П. Производство по применению принудительных мер медицинского характера. М., 1997 й.
113. Рыжаков А. П. Субъекты уголовного процесса. Москва 1996 г.

114. Рыжаков А. П. Комментарий к уголовному процессуальному кодексу Российской Федерации. М., Норма. 2002 й.
115. Саркисянц Г. П. Защитник уголовного процесса. ФАН. Т., 1971 й.
116. Саркисянц Г. П. Законный представитель несовершеннолетнего обвиняемого в суде. Т., 1985 й.
117. "Суд-хуқуқ ислохоти: назария ва амалиёт" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т., 2001 й.
118. Строгович М. С. Курс советского уголовного процесса. I Том. «Наука» М., 1958 йил.
119. Строгович М. С. Курс советского уголовного процесса. II Том. Издательство «Наука» М., 1970 г.
120. Строгович М. С. Уголовное преследование в советском уголовном процессе. М., 1951 г.
121. Селиванов Н. Л. тахрири. остида Руководство для следователя. ИПК "Лига Разума". М. 1997 йил.
122. Салиев Ю. Раскрытие преступлений как уголовно-процессуальная функция. Т., 1991 й.
123. Савицкий В. М. Что такое уголовный процесс. Москва. "Знание", 1987 йил.
124. Шумилов А. Ю. Новый оперативно-розыскной закон Российской Федерации. М., 1998 й.
125. Ягодинский В. Н. Соблюдение подследственности в деятельности органов внутренних дел: Проблемы дальнейшего укрепления социалистической законности при расследовании преступлений органами внутренних дел. Киев изд. КВШ МВД СССР 1988 й.
126. Ягодинский В. Н. Соблюдения подследственности в деятельности органов внутренних дел... изд. КВШ МВД СССР, 1988 йил.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Сўз боши..... | 5 |
| 1-БОБ. ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗГАТИШ | |
| 1-§. Жиноят ишени қўзғатиш босқичининг тушунчаси ва аҳамияти..... | 6 |
| 2-§. Жиноят ишени қўзғатишга ваколатли бўлган мансабдор шахслар..... | 9 |
| 3-§. Жиноят ишени қўзғатишнинг сабаблари ва асоси..... | 18 |
| 4-§. Жиноят ишени қўзғатиш тартиби ва жиноят ишени қўзғатишни рад қилиш..... | 13 |
| 5-§. Жиноят ишени қўзғатишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати..... | 17 |
| 2-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА СУРИШТИРУВ | |
| 1-§. Суриштирув ўтказиш тушунчаси ва унинг процессуал тартиби..... | 21 |
| 2-§. Терговчининг топшириқлари, кўрсатмалари ва талабларининг суриштирувчи томонидан бажарилиши..... | 26 |
| 3-БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ. | |
| 1-§. Дастлабки терговнинг тушунчаси, унинг моҳияти ва вазифалари..... | 32 |
| 2-§. Дастлабки терговнинг умумий шартлари..... | 38 |
| 3-§. Дастлабки тергов учун ўрнатилган муддатлар..... | 51 |
| 4-§. Дастлабки терговда жамоатчилик ва холисларнинг иштироки..... | 55 |
| 5-§. Дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслик мажбурияти..... | 58 |
| 6-§. Тергов фаолиятида илмий-техника воситаларидан фойдаланиш..... | 60 |
| 7-§. Жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратиш..... | 61 |
| 8-§. Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар..... | 61 |
| 4-БОБ. ЖИНОЯТ ИШИДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧИ ТАРИҚАСИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ЖАЛБ ҚИЛИШ. | |
| 1-§. Гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилиш тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти..... | 64 |
| 2-§. Гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор..... | 67 |
| 3-§. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тартиби ва қарори..... | 69 |
| 4-§. Айбловни ўзгартириш, тугатиш ва тўлдириш асослари..... | 73 |

5-БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТЎХТАТИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ.

| | |
|---|----|
| 1-§. Дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклашнинг тушунчаси, унинг мазмуни, қонуний асослари..... | 77 |
| 2-§. Дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклаш тўғрисидаги қарор чиқариш учун қўйиладиган талаблар..... | 80 |
| 3-§. Қидирув эълон қилиш..... | 82 |
| 4-§. Айбланувчи касал бўлиб қолганида дастлабки терговни тўхтатиш..... | 85 |
| 5-§. Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор..... | 86 |
| 6-§. Тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайта тиклаш..... | 88 |

6-БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТАМОМЛАШ

| | |
|---|----|
| 1-§. Дастлабки терговни тамомлаш тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти..... | 90 |
| 2-§. Дастлабки терговни тамомлаш турлари..... | 91 |
| 3-§. Айланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг қонуний вакиллари иш материаллари билан таништириш..... | 95 |
| 4-§. Айбланувчини иш материаллари билан таништиришнинг ўзига хос хусусияти..... | 97 |
| 5-§. Айблов хулосаси билан жиноят ишини тамомлаш, унинг мазмуни ва шакли..... | 98 |

7-БОБ. СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ҚОНУНЛАРНИНГ ИЖРО ЭТИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ 103

| | |
|--|-----|
| 1-§. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг тушунчаси ва аҳамияти..... | 103 |
| 2-§. Айблов хулосаси билан келган жиноят ишлари юзасидан прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари..... | 107 |

8-БОБ. ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИНГ СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИГИ

| | |
|--|-----|
| 1-§. Судловга тегишлилик тушунчаси ва унинг аҳамияти..... | 112 |
| 2-§. Судловга тегишлиликнинг турлари..... | 114 |
| 3-§. Жиноят ишлари бирлаштирилганда уларнинг судловга тегишлилиги..... | 118 |
| 4-§. Жиноят ишининг судловга тегишлилигига кўра ўтказилиши..... | 119 |

9-БОБ. ЖИНОЯТ ИШНИ СУДДА КЎРИШ УЧУН ТАЙИНЛАШ

| | |
|--|-----|
| 1-§. Жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш тушунчаси ва унинг аҳамияти..... | 123 |
|--|-----|

| | |
|--|-----|
| 2-§. Жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ва ишени тайинлаш тўғрисидаги қарор..... | 125 |
| 3-§. Жиноят ишени юритишни тўхтатиш ва тугатиш..... | 127 |
| 4-§. Ишени қабул қилиб олиш ҳақида судьянинг қарори..... | 129 |
| 5-§. Жиноят ишени судда кўриш учун тайинлангандан сўнг судья томонидан амалга оширилади процессуалкатлар ҳара..... | 130 |

10-БОБ. СУД МУҲОКАМАСИНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

| | |
|---|-----|
| 1-§. Суд муҳокамасининг умумий шартлари ҳақида тушунча унинг вазифаси ва аҳамияти..... | 133 |
| 2-§. Суд муҳокамасининг бевоситалиги, оғзакилиги ва ошкоралиги..... | 134 |
| 3-§. Суд муҳокамасининг иштирокчиларининг тенглигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кафолатлаш..... | 139 |
| 4-§. Жиноят ишени муҳокама қилиш чоғида суд таркибининг ўзгармаслиги..... | 156 |
| 5-§. Суд муҳокамасининг доираси..... | 158 |
| 6-§. Янги айблов ва янги шахста нисбатан жиноят ишени кўзғатиш..... | 160 |
| 7-§. Жиноят ишени қўшимча терговга қайтариш..... | 162 |
| 8-§. Жиноят ишени кўришни кейинга қолдириш, тўхтатиш ва тугатиш..... | 164 |
| 9-§. Суд мажлисининг тартибига амал қилиш..... | 168 |
| 10-§. Суд муҳокамасида чиқариладиган ажримлар ва суд баённомаси..... | 170 |

11-БОБ. СУД МАЖЛИСИНИНГ ТАЙЁРЛОВ ҚИСМИ.

| | |
|--|-----|
| 1-§. Суд мажлисининг тайёрлов қисми тушунчаси ва унинг мазмуни..... | 177 |
| 2-§. Суд тергови бошланмасдан аввал аниқланиши лозим бўлган масалалар..... | 180 |

12-БОБ. СУД ТЕРГОВИ

| | |
|--|-----|
| 1-§. Суд тергови тушунчаси, унинг мазмуни ва моҳияти..... | 185 |
| 2-§. Суд терговида сўроқ қилиш..... | 187 |
| 3-§. Суд терговида далилларни текшириш ва уларга баҳо бериш..... | 188 |

13-БОБ. ТАРАФЛАРНИНГ МУЗОКАРАСИ ВА СУДЛАНУВЧИНИНГ ОХИРГИ СЎЗИ

| | |
|---|-----|
| 1-§. Тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охирги сўзи..... | 192 |
| 2-§. Суд музокараси олдига қўйилган қонуний талаблар, уларнинг моҳияти..... | 193 |
| 3-§. Тарафларнинг айблов юзасидан таклифлари..... | 194 |

14-БОБ. ҲУКМ

| | |
|--|-----|
| 1-§. Ҳукм тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти..... | 198 |
| 2-§. Ҳукмга қўйилган талаблар..... | 199 |
| 3-§. Ҳукм чиқариш вақтида суд ҳал қиладиган масалалар..... | 202 |
| 4-§. Ҳукм турлари..... | 211 |
| 5-§. Ҳукм таркиби ва мазмуни..... | 214 |
| 6-§. Ҳукм чиқариш ва эълон қилиш тартиби..... | 221 |

15-БОБ. ҲУКМ, АЖРИМ ВА ҚАРОРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИНИ, АСОСЛИЛИГИ ВА АДОЛАТЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

| | |
|---|-----|
| 1-§. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш тушунчаси, вазифаси ва турлари..... | 225 |
| 2-§. Юқори инстанция судларида иш кўришнинг ўзига хос хусусиятлари..... | 231 |
| 3-§. Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари..... | 238 |
| 4-§. Жиноят ишени апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрувчи судларнинг ваколатлари..... | 244 |

16-БОБ. АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ

| | |
|---|-----|
| 1-§. Апелляция тартибида иш юритиш тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти..... | 251 |
| 2-§. Ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар..... | 252 |
| 3-§. Ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришни тартиби ва муддатлари..... | 255 |
| 4-§. Апелляция инстанциясида иш юритиш тартиби..... | 259 |
| 5-§. Апелляция инстанция судининг ваколатлари..... | 262 |

17-БОБ. КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ

| | |
|--|-----|
| 1-§. Кассация тартибида иш юритиш тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти..... | 268 |
| 2-§. Кассация тартибида ҳукм устидан шикоят бериш ва протест келтириш тартиби..... | 270 |
| 3-§. Кассация инстанция судининг ваколатлари ва муддатлари..... | 271 |
| 4-§. Кассация инстанция судида жиноят ишени кўриш тартиби..... | 272 |

18-БОБ. НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ

| | |
|--|-----|
| 1-§. Назорат тартибида иш юритишнинг тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти..... | 278 |
| 2-§. Назорат тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш тартиби..... | 281 |
| 3-§. Назорат инстанцияси судида жиноят ишени кўриш тартиби..... | 285 |

19-БОБ. ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШ ЮРИТИШНИ ҚАЙТАДАН БОШЛАШ

| | |
|--|-----|
| 1-§. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш тушунчаси, унинг вазифаси ва аҳамияти..... | 294 |
| 2-§. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш асослари ва муддатлари..... | 295 |
| 3-§. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш тартиби..... | 297 |
| 4-§. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш ҳақидаги масаланинг суд томонидан ҳал қилиниши..... | 299 |

20-БОБ. ҲУКМ, АЖРИМ, ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТТИРИШ

| | |
|--|-----|
| 1-§. Ҳукм, ажрим, қарорларни ижро эттириш босқичининг тушунчаси ва аҳамияти..... | 304 |
| 2-§. Ҳукм, ажрим ва қарорни ижрога қаратиш тартиби..... | 307 |

21-БОБ. ҲУКМ, АЖРИМ, ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ БОСҚИЧИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

| | |
|---|-----|
| 1-§. Ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этиш босқичида юзага келадиган масалалар..... | 313 |
| 2-§. Ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этиш босқичида юзага келадиган масалаларни ҳал қилиш..... | 315 |

22-БОБ. АЛОҲИДА ТОИФАДАГИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ

| | |
|--|-----|
| 1-§. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти..... | 320 |
| 2-§. Вояга етмаганларнинг ишларини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари..... | 321 |
| 3-§. Вояга етмаганларни ишларини судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари..... | 332 |

23-БОБ. ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ

| | |
|---|-----|
| 1-§. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти..... | 338 |
| 2-§. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари..... | 339 |
| 3-§. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларни қўллаш тўғрисидаги ишларни судда кўриш учун тайинлаш ва суд муҳокамасини ўтказиш..... | 345 |

24-БОБ. ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ

| | |
|---|------------|
| 1-§. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг тушунчаси, ўзига хос хусусияти ва аҳамияти | 353 |
| 2-§. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг процессуал расмийлаштириш тартиби..... | 356 |
| 3-§. Ярашув тўғрисидаги ишларни суд муҳокамасида кўриш..... | 359 |
| Фойдаланилган адабиётлар | 364 |

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ

(МАХСУС ҚИСМ)

Нашр учун масъул: А.Боймаматов.

**Мухаррир: Л.Қўчқорова.
Техник муҳаррир: М.Мирзалиев.
Компьютерда саҳифаловчи: Ш.Рахимов.
Компьютерда терувчи: Н. Рашидова**

**Босишга рухсат этилди: 22. 07.03. Ҳажми: 24,6.т.
Адади: 500. Буюртма: № 190.
ТДЮИ Босмаҳонасида босилди.
Ташкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.**

